

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**“МАКРОИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ**

**Б.Беркинов, М.Суннатов**

**“ИНСТИТУЦИОНАЛ ИҚТИСОДИЁТ”**

**ФАНИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Амалий машғулотлар учун**

**ТОШКЕНТ – 2016**

УДК: 330.101.8

Б.Беркинов, М.Суннатов “Институционал иқтисодиёт” фани бўйича ўқув-услубий мажмуа. Амалий машғулоти учун. –Тошкент: Иқтисодиёт, 2016 йил, 218бет.

**Такризчилар:**

**Махмудов Н.М.** - “Макроиктисодиёт” кафедраси  
профессори, и.ф.д.;

**Абдуллаева М.К.** - “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси  
доценти, и.ф.н.

“Макриқтисодиёт” кафедрасининг 2016 йил 9 июлдаги 45-сонли мажлисида муҳокама қилинган.

Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2016 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_-сонли қарорига мувофиқ ўқув жараёнига татбиқ этиш учун тавсия этилган.

**Б.Беркинов, М.Суннатов** “Институционал иқтисодиёт” фани бўйича ўқув-услубий мажмуа. –Тошкент: ТДИУ, 2016 йил, 218 бет.

# ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУАНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

(Амалий машғулотлар учун)

№	Мажмуанинг таркибий қисмлари	бетлар
	<b>Мажмуанинг қисқача аннотацияси.....</b>	<b>4</b>
	<b>I. Фаннинг меъёрий-услубий таъминоти.....</b>	<b>6</b>
1.1	Ўқув курси проспекти.....	6
1.2	Амалий машғулотлар режаси.....	12
	<b>II. Фаннинг мазмуни ва ахборот-ресурс таъминоти.....</b>	<b>20</b>
2.1	Амалий машғулотлар учун топшириқлар, кейс стади, вазиятли масалалар ва тестлар.....	20
2.2	Мавзулар бўйича тақдимот слайдлари ва видеороликлар.....	55
2.3	Даврий мустақил таълимга оид топшириқлар.....	84
	<b>III. Фанни ўқитишнинг интерактив технологиялари.....</b>	<b>86</b>
3.1	Қўлланиладиган педагогик технологиялар шарҳи.....	207
3.2	Глоссарийлар.....	209
3.3	Тавсия этиладиган электрон журналлар ва интернет сайтлар.....	
3.4	Мавзуга оид адабиётлар, журналлар ва интернет тармоғидан олинган тарқатма материаллар.....	216

## МАЖМУАНИНГ ҚИСҚАЧА АННОТАЦИЯСИ

**Ўқув-услубий мажмуа** – Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бакалаврият таълим йўналишининг Ўқув режаларида акс этган фанлар бўйича профессор-ўқитувчининг дарс жараёнига ўқув-услубий тайёрлигини тасдиқловчи энг муҳим мезон, меъёрий-услубий ҳужжатдир.

**Мажмуанинг асосий мақсади** – фаннинг ўқитувчиси фанни ҳар томонлама сермазмун, чуқур назарий, услубий ва амалий тарзда ўқитиш учун ўқув-услубий ва ахборот-ресурс манбаини яратиш ҳисобланади.

Ушбу Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети бакалаврият босқичининг “Иқтисодиёт (макроиқтисодиёт)” таълим йўналиши учун мўлжалланган бўлиб, у жумладан қуйидаги таркибий тузилишга эга:

- *фаннинг меъёрий-услубий таъминоти,*
- *фаннинг мазмуни ва ахборот-ресурс таъминоти,*
- *фанни ўқитишнинг интерактив технологиялари,*
- *талабаларнинг билимини баҳолаш услубиёти,*
- *қўшимча электрон таълим ресурсларини ўз ичига олган.*

### **Илғор хорижий тажриба билан узвийлик.**

Мазкур мажмуа илғор хорижий тажрибани кенг ўрганиш, умумлаштириш ва ундан таълим ва тадқиқотлар жараёнида самарали фойдаланиш мақсулидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 май қарорида олий ўқув юртлари “жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги етакчи университетлар ва олий ўқув юртлари билан қалин ҳамкорлик доирасида кенг кўламда иштирок этган ҳолда 2016/2017 ўқув йили бошлангунга қадар барча ўқув режалари ва дастурлари тубдан қайта ишлаб чиқилишини ниҳоясига етказишни таъминласин, фанларни ўқитишнинг эскирган, умрини ўтаб бўлган ёндашув ва услубларидан батамом воз кечишни, бакалаврият ва магистратурада жаҳон фани ва илғор педагогик технологияларнинг замонавий ютуқларига асосланган янги ўқув режалари ва дастурларини жорий этишни, шунингдек, таълим жараёнида уларни амалга ошириш ҳамда олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш учун ... етакчи хорижий олимлар ва ўқитувчиларни жалб этишни назарда тутсин”<sup>1</sup> деб алоҳида таъкидланган.

Ушбу қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида таълим ва тадқиқотларнинг мазкур ахборот-ресурс манбаини ишлаб чиқишда Данкин Университети, Массачусетс Технология институти ва Нью-Йорк Давлат Университети (АҚШ), Оксфорд Университети, Бат

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 майдаги “2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 27 май, №103 (6538). Б. 1

Университети ва Лондон Метрополитен Университети (Буюк Британия), Бремерхафен Университети (Германия), Васеда Университети (Япония), Кемёнг Университети (Корея Республикаси), Шанхай Университети (ХХР) ва бошқа етакчи хорижий университетлар бой ижобий тажрибасидан самарали фойдаланилди.

### **Мажмуани такомиллаштириш масалалари.**

Электрон ўқув-услубий мажмуа ўқув йили мобайнида халқаро ва миллий иқтисодиёт тизимидаги ўзгаришлар ва тенденциялар, янги қабул қилинган қонунлар, фармонлар ва қарорларни, хорижда ва республикада чоп этилган янги ўқув ва илмий адабиётларни, фан-техника ва технология борасида эришилган янги ютуқларни ҳисобга олган ҳолда мунтазам такомиллаштирилиб борилади.

“Институционал иқтисодиёт” фани ўз ичига қуйидаги вазифаларни олади:

- *биринчидан*, талабаларга иқтисодиётда институтлар тизими ривожланиши, мулк ҳуқуқлари, улар шакллари фаолиятига таъсир қилувчи омилларни ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

- *иккинчидан*, давлат ва уй хўжалиги каби институтларни билиш;

- *учинчидан*, турли иқтисодий вазиятларни математик моделлар ёрдамида, жумладан, ўйинлар назарияси орқали таҳлил қилиш ва ўзаро ҳамкорликни моделлаштиришни амалга ошириш йўлларини;

- *тўртинчидан*, шартномалар назариясини ва амалиётини бозор субъектлари орқали таҳлил қилишни амалга оширишни;

- *бешинчидан*, институционал ислохотларни таҳлил қилишни;

- *олтинчидан*, талабаларда институционал иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланишининг ҳам назарий, ҳам амалий томонлари бўйича хулосалар чиқаришдан иборат.

## **I. ФАНИНГ МЕЪЁРИЙ-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИ**

## 1.1 ЎҚУВ КУРСИНИНГ ПРОСПЕКТИ (2016/2017 ўқув йили)

<b>Ўқув курсининг тўлиқ номи:</b>	<b>Институционал иқтисодиёт</b>		
<b>Курснинг қисқача номи:</b>	ИНСИҚТ	Код: ИНСИҚТ	
<b>Кафедра:</b>	<b>Макроиқтисодиёт</b>		
<b>Ўқитувчи ҳақида маълумот:</b>	Беркинов Бозорбой Беркинович и.ф.д., профессор	makro@mail.ru	
<b>Семестр ва ўқув курсининг давомийлиги</b>	7-семестр, 19 ҳафта		
<b>Ўқув соатлари ҳажми:</b>	<b>жами:</b>	120	
	шунингдек:		
	маъруза	36	
	семинар		
	амалий	36	
	мустақил таълим	48	
<b>Йўналиш номи ва шифри</b>	5230100	Иқтисодиёт(тармоқлар ва соҳалар)	
<b>Ўқув курсининг статуси</b>	Танлов ўқув курси		
<b>Дастлабки тайёргарлик:</b>	Курс “Иқтисодиёт назарияси”, “Иқтисодий таълимотлар тарихи”, “Макроиқтисодиёт”, “Миллий иқтисодиёт”, “Иқтисодиётни модернизациялаш ва девирсификациялаш” фанларидан ўзлаштирилган билимларга асосланади.		
<p><b>Курснинг предмети ва мазмуни:</b> – курснинг предмети - миллий иқтисодиётнинг институционал таркиби, муҳити, институтлар ва нормаларини ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини ўрганишдан иборат.</p> <p>Курс институционал иқтисодиётнинг моҳияти ҳақидаги билимларни шакллантириш, институционал таҳлил ва институтлар ўзгаришларининг назарий ва амалий жиҳатларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга йўналтирилган.</p>			
<p><b>Курсни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари:</b> “Институционал иқтисодиёт” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- институтлар тушунчаси;</li> <li>- институционализм моҳияти ва тамойиллари;</li> <li>- институтлар ва уларнинг иқтисодиётдаги роли;</li> <li>- режали ва бозор иқтисодиёт институтлари асосий қонунлари;</li> </ul>			

- трансакциялар ва трансакцион харажатлари аҳамияти;
  - институционал ислоҳотлар мақсади, вазифалари ва ҳуқуқий асослари;
  - шартнома(контракт) тушунчаси ва унинг асосий шартлари;
  - бозор, фирма ва хуфёна иқтисодиётнинг келиб чиқиши сабаблари
- ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- институционал назариянинг пайдо бўлиши ва унинг концепцияларини;
  - институтлар тизими ва ўйинлар назариясини;
  - мулк ҳуқуқларини таснифланиш белгиларини;
  - хуфёна фаолиятнинг келиб чиқиш сабабларини;
  - мақсадлари ва амал қилиш соҳалари, оқибатларини;
  - институтлар фаолиятининг расмий ва норасмий қоидаларини;
  - институционал ислоҳотлар босқичларини;
  - корпоратив тизимларини ва улар гуруҳларининг ўзига хос хусусилари, устунликларини;
  - хуфёна иқтисодиётнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларини
- билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- иқтисодиётда жорий этилган институтлар тизими;
  - улар фаолиятининг расмий ва норасмий меъёрларини таққослаш;
  - трансакция харажатларини классификациялаш ва улар кўрсаткичларини таҳлил қилиш;
  - шартнома(контракт) таркиби ва уларнинг асосий кўрсаткичларни баҳолаш ва ташкилий тузилмаларни таҳлил қилиш;
  - давлат ва фирма фаолиятининг расмий ва норасмий меъёрларини шакллантириш бўйича **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

Курснинг тематик таркиби ва мазмуни				
№	Мавзулар номи	Маъруза	Амалий (семинар)	Мустақил таълим
1.	“Институционал иқтисодиёт” фанининг предмети, мазмуни ва тамойиллари	2	2	4
2.	Институтлар ва уларнинг жамият ривожланишидаги роли	2	2	4
3.	Ўйинлар назарияси ва ўзаро ҳамкорликни моделлаштириш	2	2	4
4.	Режа институти ва бозор институти	2	2	4

5.	Трансакциялар ва трансакцион харажатларни таҳлил қилишга нисбатан ёндашувлар	2	2	4	
6.	Хуфёна иқтисодиёт	2	2	4	
7.	Мулкчилик ҳуқуқлари назарияси ва мулкчилик шакллари ривожланишининг эволюцияси	4	4	4	
8.	Мамлакатни модернизация қилиш шароитида институционал ислоҳотлар	2	2	2	
9.	Шартномалар назарияси	2	2	2	
10.	Фирма назарияси	2	2	2	
11.	Ташкилотни амалий таҳлил қилиш назарияси	2	2	2	
12.	Фирманинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини таҳлил қилиш	2	2	2	
13.	Давлат институционал ташкилот сифатида	4	4	4	
14.	Давлатлар хиллари	2	2	2	
15.	Уй хўжалиги ва унинг хиллари	2	2	2	
16.	Ривожланишнинг институционал назарияси ва инновация турлари	2	2	2	
<b>Жами:</b>		<b>36</b>	<b>36</b>	<b>48</b>	

**1-мавзу. “Институционал иқтисодиёт” фанининг предмети, мазмуни ва тамойиллари**

Институционал ислоҳотлар ва институционал ўзгаришлар тушунчаси. Институционал сиёсат ва институционал инфратузилма фаолитининг асосий йўналишлари. Институционал назариянинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. Институционализмнинг методологик асослари. «Эски» ва



«Янги» институционализм. Неоинституционализмнинг асосий йўналишлари. Д.Норт, Т.Веблен ва Ж.Коммонсларнинг институционал концепциялари.

## **2-мавзу. Институтлар ва уларнинг жамият ривожланишидаги роли**

“Институт” ва “норма” тушунчалари. Норма хиллари. Расмий ва норасмий нормалар. Расмий ва норасмий нормалар ва уларнинг шаклланишида Т.Веблен ва Ф.Хайекнинг қарашлари. Институционал матрица. Келишувлар нисбатининг вариантлари. Бозор иштирокчиларининг ўзаро келишувлар бўйича хатти-ҳаракатлари нормаси. Институционал ўзгаришлар ва институтлар ривожланиши.

## **3-мавзу. Ўйинлар назарияси ва ўзаро ҳамкорликни моделлаштириш**

Ўйинлар назариясининг асосий тушунчалари. Устувор стратегиялар. Нэшу, Штакелбберг ва Парето бўйича мувозанат турлари. Ўзаро ҳаракатлар моделлари классификацияси. Такрорланувчи ўйинлар ва уларнинг моҳияти, моделлари.

## **4-мавзу. Режа институти ва бозор институти**

Режа институти ва унинг асосий қонуни (конституцияси). Режали иқтисодиёт фаолият кўрсатиши ва унинг меъёрлари. Бозор конституцияси. Оддий ва мураккаб утилитаризм тушунчалари. Ахборотлар асимметрияси ва уни бозор шароитида намоён бўлиши. Сотувчи билан харидор ўртасидаги ишонч ва эркинлик категориялари. Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий асослаш.

## **5-мавзу. Трансакциялар ва трансакцион харажатларни таҳлил қилишга нисбатан ёндашувлар**

Трансакциялар тушунчаси ва унинг аҳамияти. Коуза теоремаси. Трансакцион харажатлар таркиби, келиб чиқиш шартлари ва аҳамияти. Трансакция харажатларини таҳлил қилишга ёндашувлар ва уларни камайтириш воситалари. Трансакцион харажатлар классификацияси ва улар кўрсаткичларини ҳисоблаш йўллари. Ўзбекистонда трансакция харажатларини оптималлаштириш тажрибаси.

## **6-мавзу. Хуфёна иқтисодиёт**

Хуфёна фаолиятнинг келиб чиқиши сабаблари, мақсадлари ва амал қилиш соҳалари. Хуфёна иқтисодиёт хиллари. Хуфёна иқтисодиёт кўламини баҳолашга ёндашувлар ва уларнинг кўрсаткичлари. Хуфёна фаолият олиб бориш учун қилинадиган харажатлар ва уларнинг тулари. Хуфёна иқтисодиёт

бозори ва унинг фаолият юритишининг оқибатлари. Жаҳонда хуфёна иқтисодиёт.

### **7-мавзу. Мулкчилик ҳуқуқлари назарияси ва мулкчилик шакллари ривожланишининг эволюцияси**

Мулкчилик тушунчасига берилган таърифларга ёндашувлар таҳлили. Мулкчилик шаклларининг таснифланиш белгилари. Мулкчилик институти ривожланишининг Европа ва Осиё мамлакатларида таркиб топган йўллари. Мулкчилик муносабатларида мулкка эгалик қилиш ролини ўзгариши. Мулк шаклларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари. Мулк ҳуқуқлари назарияси ва унинг асосий қоидалари. Оноре рўйхати. Мулкчилик таърифи ва шакллари. Мулкчилик муносабатларини амалга ошириш шакллари. Мулккий ҳуқуқлар. Ўзбекистон қонунчилигида мулк шакллари, мулккий ҳуқуқлар ва улар тақсимоли таҳлили.

### **8-мавзу. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида институционал ислохотлар**

Мамлакатни модернизация қилиш концепцияси. Модернизация қилишнинг бош мақсади, вазифалари ва ҳуқуқий асослари. Институционал ўзгаришлар ва иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни хусусийлаштириш. Бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва янги аграр муносабатларни такомиллаштириш. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиши.

### **9-мавзу. Шартномалар назарияси**

Шартнома тушунчаси ва уни бозор иқтисодиётдаги роли. Ёллаш шартномаси. Сотиш шартномаси. Шартномалар таркиби ва уларнинг асосий шартлари. «Принципал» ва «агент» тушунчаси. Ташкилот тушунчаси. Шартнома доирасида «бююртмачи» ва «бажарувчи» муносабатлари ва улар ўртасидаги чегаралар. Қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатлари.

### **10-мавзу. Фирма назарияси**

“Принципал” билан “агент” ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммоси. “Принципал-агент” муаммоларини ҳал этиш вариантлари. Фирманинг ички тузилмаси. Фирмалар типологияси ва уларнинг ривожланиш траекторияси ва фирмаларнинг асосий хиллари. Фирма ва унинг турлари. Фирманинг ички тузилмаси. Замонавий корпорациялар ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг ўзига хос хусусиятлари. Корпорациялар устунликлари. Интеграциялашган

корпоратив тузилмалар ва уларнинг гуруҳлари. Фирманинг фаолият йўналиши бўйича маркетинг стратегиясини танлаш. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда шаклланган корпоратив тузилмалар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари.

### **11-мавзу. Ташкилотни амалий таҳлил қилиш назарияси**

Трансакция харажатларининг ординалистик назарияси асосида ташкилий тузилмаларни амалий таҳлил қилиш. Фирманинг баланси унинг таркиби тўғрисидаги ахборот манбаи сифатида. Фирма ичидаги низоларни таҳлил қилиш ва уларни келишувлар назарияси асосида ҳал этиш. Фирмаларни энг мақбул (бенуқсон) хилларга бўлиш реал ташкилотлар тўғрисида тўлиқ тасаввур. Молиявий оқимлар тизими. Муайян ташкилот ҳолатини текшириш ва муайян амалий ташкилий муаммоларни ҳал этиш. Трансакция харажатларини ўлчашдаги қийинчиликлар муайян иқтисодий таҳлил учун асосий тўсиқлардан бири. Трансакция харажатларини ўлчаш.

### **12-мавзу. Фирманинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини таҳлил қилиш**

Мулкий ҳуқуқларнинг тавсифланиши. Ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаш мезонлари. Ташкилий-ҳуқуқий шакл фирманинг стратегияси ҳақидаги ахборот манбаси сифатида. Коуз теоремасига мувофиқ эркин алмашув натижасида эришилган ҳуқуқлар тақсимоти. Мулкчилик ҳуқуқлари назарияси ташкилот фаолиятининг ўзига хослигига қараб мулкдорлар ўртасида ҳуқуқлар тақсимоти. Ташкилий-ҳуқуқий шаклга хос бўлган ҳуқуқлар тақсимоти. Ўзбекистон Республикасида мулкый ҳуқуқларнинг тавсифланиши.

### **13-мавзу. Давлат институционал ташкилот сифатида**

Давлатнинг функциялари. Давлатнинг институционал табиати. Давлатнинг моҳияти ва унинг таърифи. Давлатнинг шартномавий ва эксплуататорлик концепцияси. Давлатнинг “муваффақиятсизликлари”. Давлат ва давлат томонидан тартибга солиш табиатининг концептуал асослари. Давлатни тадқиқ этишни институционал назарияси. Давлатнинг иқтисодий асосини шакллантириш йўллари. Давлат жамиятда расмий қоидаларнинг шаклланишида рол. Давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви чегараси. Давлат томонидан тартибга солиш соҳалари.

### **14-мавзу. Давлатлар хиллари**

Давлат ва “принципал-агент” муаммоси. “Шартномавий” давлат тушунчаси. “Эксплуататорлик» давлати тушунчаси. Давлат хусусиятини баҳолаш усуллари ва мезонлари. Коррупция муаммоси. Давлатни фуқаролар

билан давлат аппарати ўртасидаги ижтимоий шартнома. “Принципал-агент” муаммосида фуқаро ва давлат функциялари.

### 15-мавзу. Уй хўжалиги ва унинг хиллари

Уй хўжалиги таърифи, унинг ўзига хос хусусиятлари. Уй хўжалигини инсон капиталини ривожлантириш функциялари. Уй хўжалиги турлари ва унинг оила билан ўзаро боғлиқлиги. Уй хўжалиги турли шаклдаги иқтисодиёт даврларида фаолият юритиши ва унинг функциялари. Деҳқон хўжаликлари - уй хўжалигининг таркибий қисми сифатида.

### 16-мавзу. Ривожланишнинг институционал назарияси ва инновация турлари

Ривожланиш назариясининг неоклассик варианты. Дж.М.Кейнснинг ривожланиш концепцияси ва иқтисодий динамиканинг неокейнсиан назарияси. Инновацияларни классларга ажратиш. Инновация иштирокчиларининг таққослама таҳлили. Институционал ва ташкилий инновациялар устунлиги.

<b>Таълим бериш ва ўқитиш услуги:</b>	Маъруза, амалий машғулотлар, мустақил ишлар (думалоқ стол, кейс стади, мастер-класслар)		
<b>Мустақил ишлар:</b>	Ўқув лойиҳалар, гуруҳли тақдимот, рефератлар, кейслар, докладлар, кроссвордлар, постер, проспект, эссе ва ҳ.з		
<b>Маслаҳатлар ва топшириқларни топшириш вақти</b>	Душанба Пайшанба	14.30-15.30 11.00-13.00	Ауд. 1/227 Ауд. 1/227
<b>Билимларни баҳолаш усуллари, мезонлари, ва тартиби:</b>			
<b>Баҳолаш усуллари</b>	Экспресс тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар ва ҳ.з.		
<b>Баҳолаш мезонлари</b>	86-100 балл «аъло» 71-85 балл «яхши» 55-70 балл «қониқарли» 0-54 балл «қониқарсиз»		
	<b>Рейтинг баҳолаш турлари</b>	<b>Макс.балл</b>	<b>Ўтказиш вақти</b>
	<b>Жорий назорат:</b>	<b>35</b>	
	Маъруза машғулотларда фаоллиги, мунтазам равишда конспект юритиши учун	5	

	Жорий мустақил таълим топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши	10	Семестр давомид а
	Амалий машғулотларда фаоллиги, саволларга тўғри жавоб берганлиги, амалий топшириқларни бажарган-лиги учун	20	
	<b>Оралиқ назорат</b>	<b>35</b>	
	Биринчи оралиқ назорат ёзма иш (амалий машғулот ўқитувчиси томонидан қабул қилинади).	15	10-ҳафта
	Иккинчи оралиқ назорат мустақил таълим топшириқлари асосида амалга оширилади. Талабалар кичик гуруҳларга бўлинади (ҳар бир гуруҳда талабалар сони 5 нафаргача бўлиши мумкин), ҳар бир гуруҳга алоҳида топшириқлар берилади ва ҳимоя қабул қилинади. Топшириқлар семестр бошланган сўнг 2-3 ҳафталар оралиғида талабаларга бириктирилади. Гуруҳнинг фаоллиги, берилган топшириқни назарий ва амалий жиҳатдан ёритилиши, хулосаларнинг мантиқий боғлиқлиги, креатив мулоҳазаларнинг мавжудлиги, ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни билиши ва бошқа талабларга мослиги ҳисобга олинади.	20	17-ҳафта

	<p>Гуруҳдаги ҳар бир талабага 0-20 оралиғида бир хил балл қўйилади. Мустақил таълим топшириқларини ҳимоя қилиш факультет декани томонидан тасдиқланган график асосида дарс машғулотларидан сўнг ташкил этилади.</p>		
	<b>Яқуний назорат</b>	30	20-ҳафта
	<b>ЖАМИ</b>	<b>100</b>	
<b>Ахборот ресурс база:</b>			
<i><b>Асосий адабиётлар:</b></i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Vaclav Rybacek. System of national accounts and business cycle. Paperback: LAP LAMBERT Academic Publishing. ISBN 978-3659613586, 132 pages.</li> <li>2. Агабекян Р.А., Баядурян Г.А. Институциональная экономика: бизнес и занятость: Учебн. пособие. – М.: Магистр, 2008. – 462 с.</li> <li>3. Аузана А.А. Институциональная экономика: новая институциональная экономическая теория: учебник. – М.: ИНФРА. – 2006. – 416с.</li> <li>4. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Ўқув қўлланма. – Т.: YANGI NASHR, 2011. – 248 б.</li> <li>5. Олейника А. Институциональная экономика: Учебник. – М.: ИНФРА – М, 2007. – 704 с.</li> <li>6. Сухарев О.С. Институциональная экономика: теория и практика. Ин-т экономики РАН. – М.: Наука, 2008. – 863 с.</li> </ol>		
<i><b>Қўшимча адабиётлар:</b></i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 65 б.</li> <li>2. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, 2014 й. / <a href="http://www.lex.uz">www.lex.uz</a></li> <li>3. Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015 йил.</li> <li>4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси</li> </ol>		

	<p>саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”, 15.12.2010 й., №ПҚ-1442. / <a href="http://www.lex.uz">www.lex.uz</a></p> <p>5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “2011-2015 йилларда республика банк-молия тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори рейтинг кўрсаткичларига эришишининг устувор йўналишлари тўғрисида”, 26.11.2010 й., №ПҚ-1438/ <a href="http://www.lex.uz">www.lex.uz</a></p> <p>6. Елисеев А.Н., Шульга И.Е. Институциональный анализ интеллектуальной собственности: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА – М, 2005. – 192 с.</p> <p>7. Некипелов А. Становление и функционирование экономических институтов: от «робинзонады» до рыночной экономики, основанной на индивидуальном производстве. – М.: Экономист, 2006. – 328 с.</p> <p>8. Подколзиной Е.А., Юдкевич М.М. Курс институциональной экономики [текст]: задачник: в 4 ч. Гос. ун-т – Высшая школа экономики. – 2-е изд. – М.: Изд. дом ГУ ВШЭ, 2009. – 254 с.</p> <p>9. Тамбовцев В.Л. Экономическая теория институциональных изменений. – М.: ТЕИС, 2005. – 542 с.</p>
<b><i>Илмий журналлар:</i></b>	“Экономическое обозрение”, “Иқтисодиёт ва таълим”, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар”
<b><i>Даврий нашрлар:</i></b>	“Халқ сўзи”, “Мулқдор”
<b><i>Статистик нашрлар:</i></b>	<p>1. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. 2015. –Т.: Госкомстат Узбекистана. 2015. - 130 стр.</p> <p>2. Статистическое обозрение Узбекистана. 2008-2015. Узбекистан в цифрах. 2015. – Т.:, Госкомстат Узбекистана 2015. – 188 стр.</p>
<b><i>Интернет ресурслар:</i></b>	<p>1. <a href="http://www.economics.ru">www.economics.ru</a></p> <p>2. <a href="http://www.ved.ru">www.ved.ru</a></p> <p>3. <a href="http://www.ser.uz">www.ser.uz</a></p> <p>4. <a href="http://www.uza.uz">www.uza.uz</a></p> <p>4. <a href="http://www.ifmr.uz">www.ifmr.uz</a></p> <p>5. <a href="http://www.lex.uz">www.lex.uz</a></p>

**1.2 АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР РЕЖАСИ**  
**“Институционал иқтисодиёт” фани бўйича амалий**  
**машғулотларнинг календарь тематик режаси**

т/р	Амалий машғулотлар мавзулари	Иқтисодиёт (макроиқти содиёт)
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>
	<b>1-мавзу. “Институционал иқтисодиёт” фанининг предмети, мазмуни ва тамойиллари</b>	<b>2</b>
<b>1.</b>	“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурининг институционал ислохатлардаги ўрни ва аҳамияти.	
<b>2.</b>	2015 йилда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилги иқтисодий дастурнинг устувор йўналишлари	
<b>3.</b>	Институционал назарияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи	
<b>4.</b>	Институционализмнинг методологик асослари ва институционал таҳлилда бошланғич нуқта масаласи	
<b>5.</b>	Неоинституционал назариянинг асосий йўналишлари ва институционал иқтисодиётнинг ривожланиш хусусиятлари	
	<b>2-мавзу.Институтлар ва уларнинг жамият ривожланишидаги роли</b>	<b>2</b>
<b>1.</b>	“Кексаларни эъзозлаш йили”Давлат дастуридан ўрин олган ижтимоий-иқтисодий масалалар	
<b>2.</b>	“Институт” ва “норма” тушунчаларининг моҳияти	
<b>3.</b>	Расмий ва норасмий нормалар ва уларнинг шаклланиши	
<b>4.</b>	Институционал матрица	
<b>5.</b>	Институционал ўзгаришлар ва институтларнинг ўзаро боғлиқлиги	
	<b>3-мавзу.Ўйинлар назарияси ва ўзаро ҳамкорликларни моделлаштириш</b>	<b>2</b>
<b>1.</b>	Ўйинлар назариясининг асосий тушунчалари	
<b>2.</b>	Мувозанатлар турлари ва уларни қидириш йўллари.	
<b>3.</b>	Ўйинлар назарияси таянч моделларининг таснифи	
	<b>4-мавзу. Режа институти ва бозор институти</b>	<b>2</b>
<b>1.</b>	Иқтисодиёт конституцияларининг шаклланиши	
<b>2.</b>	Буйруқбозлик иқтисодиёти нормалари	
<b>3.</b>	Бозор конституцияси нормалари	
<b>4.</b>	Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий асослаш	
	<b>5-мавзу.Трансакциялар ва трансакцион харажатларни таҳлил қилишга нисбатан ёндашувлар.</b>	<b>4</b>



<b>1-маъруза машғулоти</b>		<b>2</b>
1.	Трансакция харажатлари ва уларни таҳлил қилишга нисбатан Коуз-Уильямсон ёндашуви	
2.	Трансформация харажатлари ва уларни таҳлил қилишга нисбатан Норт ёндашуви	
<b>2-маъруза машғулоти</b>		<b>2</b>
1.	Трансакция харажатларини оптималлаштириш тажрибаси	
2.	Ўзбекистон Республикасида трансакция харажатларини оптималлаштириш чора-тадбирлари	
<b>6-мавзу. Хуфёна иқтисодиёт</b>		<b>2</b>
1.	Хуфёна иқтисодиётнинг келиб чиқиши сабаблари	
2.	Хуфёна иқтисодиёт турларининг таснифи ва уни баҳолашга нисбатан ёндашувлар	
3.	Хуфёна бозор институционал тизим сифатида	
4.	Жаҳонда хуфёна иқтисодиёт	
<b>7-мавзу. Мулк ҳуқуқлари назарияси ва мулкчилик шакллари ривожланишининг эволюцияси</b>		<b>4</b>
<b>1-маъруза машғулоти</b>		<b>2</b>
1.	Мулк ҳуқуқлари назариясининг асосий қоидалари	
2.	Мулкчилик таърифларининг таҳлили	
3.	Мулкчилик муносабатларини амалга оширишнинг тарихий шакллари	
<b>2-маъруза машғулоти</b>		<b>2</b>
1.	Мулккий ҳуқуқлар	
2.	Мулккий ҳуқуқлар тақсимотининг таҳлили	
<b>8-мавзу. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида институционал ислоҳатлар</b>		<b>2</b>
	<i>(10-ҳафта. Талабалар билимини жорий ва оралиқ баҳолаш бўйича рейтинг балларини жамлаш ҳафтаси)</i>	
1.	Мамлакатни модернизация қилиш концепцияси ва модернизация қилишнинг бош мақсади, вазифалари ва ҳуқуқий асослари	
2.	Институционал ўзгаришлар ва иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар	
3.	Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни хусусийлаштириш	
4.	Бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш	
<b>9-мавзу. Шартномалар назарияси</b>		<b>2</b>
1.	Шартнома тушунчаси	
2.	Сотиш тўғрисидаги шартнома ва ёллаш тўғрисидаги шартнома	

3.	Шартномаларнинг хиллари	
4.	Ташкилот тушунчаси ва институт билан ташкилот ўртасидаги чегара	
5.	Қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатлари	
<b>10-мавзу. Фирма назарияси</b>		<b>2</b>
1.	“Принципал” билан “агент” ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммоси	
2.	“Принципал-агент” муаммоларини ҳал этиш вариантлари	
3.	Фирманинг ички тузилмаси	
4.	Фирмалар типологияси ва уларнинг ривожланиш траекторияси	
<b>11-мавзу. Ташкилотни амалий таҳлил қилиш назарияси</b>		<b>2</b>
1.	Трансакция харажатларининг ординалистик назарияси асосида ташкилий тузилмаларни амалий таҳлил қилиш	
2.	Фирманинг баланси унинг таркиби тўғрисидаги ахборот манбаи сифатида	
3.	Фирма ичидаги низоларни таҳлил қилиш ва уларни келишувлар назарияси асосида ҳал этиш	
<b>12-мавзу. Фирманинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини таҳлил қилиш</b>		<b>2</b>
1.	Мулкий ҳуқуқларнинг тавсифланиши.	
2.	Ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаш мезонлари.	
3.	Ташкилий-ҳуқуқий шакл фирманинг стратегияси ҳақидаги ахборот манбаси сифатида.	
<b>13-мавзу. Давлат институционал ташкилот сифатида</b>		<b>2</b>
1.	Давлатнинг функциялари	
2.	Давлатнинг институционал табиати	
3.	Давлатнинг моҳияти ва унинг таърифи	
4.	Давлатнинг шартномавий ва эксплуататорлик концепцияси	
5.	Давлатнинг “муваффақиятсизликлари”	
<b>14-мавзу. Давлатлар хиллари</b> <i>(17-ҳафта. Талабалар билимини жорий ва оралиқ баҳолаш бўйича рейтинг балларини жамлаш ҳафтаси)</i>		<b>2</b>
1.	Давлат ва “принципал-агент” муаммоси	
2.	“Шартномавий” давлат тушунчаси	
3.	“Эксплуататорлик” давлати тушунчаси	
4.	Давлат хусусиятини баҳолаш усуллари ва мезонлари	
5.	Коррупция муаммоси	
<b>15-мавзу. Уй хўжалиги ва унинг хиллари</b>		<b>2</b>
1.	Уй хўжалиги иқтисодиётсубъекти сифатида	
2.	Уй хўжалиги фаолият кўрсатишида мутаассибликнинг роли	

<b>3.</b>	Уй хўжалигининг хиллари	
	<b>16-мавзу. Ривожланишнинг институционал назарияси ва инновация турлари</b> <i>(19-ҳафта. Талабалар билимини жорий баҳолаш бўйича рейтинг балларини жамлаш ҳафтаси)</i>	<b>2</b>
<b>1.</b>	Ривожланиш назариясининг неоклассик варианты. Дж.М.Кейнснинг ривожланиш концепцияси ва иқтисодий динамиканинг неокейнсиан назарияси.	
<b>2.</b>	Инновацияларни классларга ажратиш	
<b>3.</b>	Инновация иштирокчиларининг таққослама таҳлили	
<b>4.</b>	Институционал ва ташкилий инновациялар устунлиги	
	<b>Жами</b>	<b>36</b>

## II. ФАНИНГ МАЗМУНИ ВА АХБОРОТ - РЕСУРС ТАЪМИНОТИ

## 2.1 АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР УЧУН ТОПШИРИҚЛАР, КЕЙС СТАДИ, ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР ВА ТЕСТЛАР

Амалий машғулот:

- талабаларни ўқитувчи билан ва ўзаро фаол суҳбатга киришишига йўналтирилган,
- назарий билимларни амалий фаолиятда амалга ошириш учун шароитни таъминловчи,
- олинган билимларни амалий фойдаланиш имкониятларини муҳокама қилишга мўлжалланган машғулотнинг ўқитиш шакли.

### ***Амалий машғулотнинг мазмунига қўйиладиган талаблар***

- муҳокамага мунозарали саволлар олиб чиқилади;
- муҳокама қилинувчи саволлар илм-фаннинг эришган замонавий ютуқлари томони билан кўриб чиқилади;
- назария ва амалиётни узвий бирлиги очиб берилади;
- муҳокама қилинувчи материалнинг талабаларнинг бўлғуси касбий фаолияти билан алоқаси таъминланади;
- кўриб чиқиладиган материал адабиётда мавжуд эмас ёки материал, қисман баён этилган.

### **Амалий машғулотлар турлари ва уларга хос хусусиятлари**

Амалий машғулот тури	Амалий машғулот шакли, унинг ўзига хос хусусиятлари
<p><b><i>Талабаларнинг назарий билимларини тизимлаштириш/ тузилмага келтириш/ мустақамлаш/ кенгайтириш:</i></b></p> <p>- методологик нуқтаи назаридан энг муҳим ва ўзига хос фан мавзуларининг яхши ўрганиш.</p> <p>- тушуниш ва ўзлаштириш учун мураккаб бўлган мавзу саволларини батафсил ўрганиш.</p> <p>- касбий тайёргарлик сифатини аниқловчи, алоҳида асосий бўлган мавзуларни батафсил ўрганиш.</p>	<p><b><i>Кенг кўламли суҳбат.</i></b></p> <p>Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этиладиган мажбурий ва қўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига талабаларни тайёргарлигини назарда тутати. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гуруҳга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар, сўзга чиқувчи талабаларни кучли ва кучсиз томонларига талбалар диққатларини қарата олиш, талабалар диққатти ва қизиқишини, иш жараёнида очиб бериладиган, янги томонларга ўша вақтни ўзида ажратиб кўрсатиш ва бошқалар асосида кўпчилик талабаларни саволларни муҳокама қилишга жалб қилиш имконини беради. Кенг кўламли суҳбат баъзи саволлар бўйича алоҳида талабаларни аввалдан режалаштирилган қўшимча равишда сўзга чиқишларини истисно қилмайди, балки, тахмин қилади. Бироқ бундай маълумотлар муҳокама учун асос бўлмайди, балки муҳокама қилинган саволлар учун тўлдирувчи бўлади.</p>

*Илм-фаннингалоҳида  
хусусий муаммоларини  
чуқурроқ ишлаб чиқиш.*

### ***Маъруза ва рефератлар муҳокамаси.***

Муҳокамага 12—15 дақиқа давомийлигидаги 2-3 маърузадан кўп бўлмаган маърузалар олиб чиқилади. Баъзида кўшимча маърузачи ва оппонентлар (мухолифлар) белгиланади. Охирги чиқувчилар мазмунни қайтармаслик учун, маъруза матни билан танишадилар. Бироқ кўп ҳолларда, маърузачи ва оппонентлар, кўшимча маърузачилардан ташқари, ҳеч ким семинарга жиддий тайёрланмайди. Сўзга чиқувчиларни ўзлари ҳам фақат бир саволни ўрганадилар. Шу билан бирга, одатий семинар ишига “қурук назариялик” элементини киритиб, бундай машғулотлар талабаларда баъзи қизиқишларни уйғотади. Талабаларни ҳар бирини кўшимча маърузачи ёки оппонент сифатида тайёрланиб келишга ўргатиш жуда муҳим ҳисобланади. Рефератли маърузаларни якуний семинарда, унинг асосий саволлари аввалдан муҳокама қилиб бўлинган, катта бир мавзу бўйича кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

### ***Пресс-конференция.***

Қисқа сўзга чиқишдан сўнг биринчи савол бўйича маърузачига (агарда маърузалар бир катор талабаларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг ҳар бир талаба маъруза мавзуси бўйича унга савол бериши лозим. Савол ва жавоблар семинарнинг марказий қисмини ташкил этади. Қанча кўп жиддий тайёргарлик кўрилса, саволлар шунчалик чуқур ва маҳоратли берилади. Саволларга аввал маърузачи жавоб беради, сўнгра у ёки бошқалар бўйича истаган бир талаба ўз фикрини билдириши мумкин. Бундай ҳолатларда кўшимча маърузачилар, агарда шундайлар белгиланган бўлса, фаол бўладилар. Ўқитувчи ҳар бир муҳокама қилинаётган савол бўйича, ёки семинар якунида ўз хулосасини қилади.

### ***Ўзаро ўқиш.***

Тушуниш ва ўзлаштириш учун энг кўп мураккабликдаги саволларни ўрганиш асосий мақсадга эга бўлган, семинар. Семинар мобайнида талабаларни ўзаро ўқишга йўналтириш муҳим ҳисобланади: ҳар кичик-гуруҳга мавзунинг бир

	<p>саволи берилади, бу бўйича улар ишлайдилар ва бунга асос (эксперт варақлар – саволни ёритиш режаси, тайёрланган маълумотларни визуал тақдим этиш бўйича тавсиялар) берилади. Эксперт гуруҳларнинг иш натижалари тақдимотидан сўнг ўқитувчи хулосалар қилади.</p> <p><b>Юмолоқ (ёзма /оғзаки) стол.</b></p> <p>Ўтган мавзу бўйича билимларни чиқурлаштириш ва аниқлаштириш, бор билимларни сафарбар қилиш ва ҳар хил вазиятларда уларни қўллаш, ўз фикрларини қисқа ва асосланган ҳолда баён қилиш кўникмаларини ривожлантириш асосий мақсадга эга бўлган, семинар.</p> <p>Ҳар хил сценарийлар бўйича ўтказилиши мумкин.</p> <p>1. «Ёзма юмолоқ стол» - талабанинг саволи / ечими топилиши керак бўлган ғоя ёзилган варақ, доира бўйича узатилади ва ҳар бир иштирокчи ўз мулоҳазаларини қўшади.</p> <p>2. «Оғзаки юмолоқ стол» - ҳар бир талаба қўйилган саволнинг жавобига ўз қўшимчаларини киритади / олдинги иштирокчи томонидан таклиф қилинган ғояни қўллаб-қувватлайди ва ривожлантиради.</p> <p><b>Спецсеминар.</b></p> <p>Бакалавриятнинг 4 курсида, магистратурада ўтказилади. Илмий мавзу бўйича ёш тадқиқотчиларни мулоқат мактабини ифодалайди. Спецсеминар вақтида талабаларнинг гуруҳларда ишлашга ва уни баҳолашга, илмий тадқиқотлар усулларидан фойдаланишга интилишлари катта рол ўйнайди.</p> <p>Спецсеминарнинг якуний машғулотида ўқитувчи, қоидага кўра, семинарларни ва талабаларнинг илмий ишларини муҳокама қилинган муаммоларни келгусида тадқиқотлар қилиш истиқболларини ва талабаларни уларда иштирок этиш имкониятини очиб умумлаштиради.</p>
<p><b>Маҳсуе (касбий) ва умумўқув кўникма ва амалий малакаларни шакллантириш:</b></p> <p>- амалий муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ечиш жараёнида</p>	<p><b>Таълимий ўйин.</b></p> <p>Ўқитиш самарадорлигини унинг иштирокчиларини нафақат билимларни олиш жараёнига фаол жалб қилиш, балки уларни (ҳозир ва шу ерда) фойдаланиш орқали оширишга имкон беради; ўзгарувчан вазиятларда ўзини тутиш тактика кўникмаларини шаллантиради; выработывает</p>

<p>харакатлар алгоритмини аниқлаш билан боғлиқ эгаллаган назарий билимларни амалий қўллаш.</p>	<p>динамику ролевого поведения; амалиёт имитациясини ифодалайди; аниқ кўникма ва малакаларни шакллантиришга ва ишлаб беришга қаратилган.</p> <p>Семинар натижавийлигини унинг ташкилий-услубий таъминоти белгилайди: ўйиннинг технологик харитасини ишлаб чиқиш; ўйин атрибутларини ва материаллар пакетини: вазият баёни, иштирокчилар учун йўриқномалар, персонажлар таърифи (агар ўйин ролли ёки ишбилармон бўлса)ёки вазиятли кўрсатмалар (агар ўйин моделлаштирувчи бўлса) тайёрлаш.</p> <p><b>Амалий топшириқларни бажариш.</b></p> <p>Амалий топшириқларнинг кўпчилиги кичик гуруҳлар таркибида бажарилади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: йўриқнома бериш → ўқув топшириқни бажариш бўйича йўриқнома билан танишиш → топшириқни бажариш → натижаларнинг оммавий тақдимоти → натижаларни умумлаштириш ва баҳолаш.</p> <p><b>Масалалар ечиш бўйича машқ.</b></p> <p>Якка тартибда амалга оширилади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: йўриқнома бериш – масалани ечиш – натижаларни танлама тақдимоти - умумлаштириш.</p> <p><b>Муаммоли масалалар ва вазиятларни ечиш.</b></p> <p>Муаммоли масалалар ва вазиятларни ишлаб чиқиш жуда катта меҳнат талаб қилади. Лекин талабалар томонидан амалий касбий фаолиятдан олинган муаммоли масалаларни ечиш ва муаммоли вазиятларни кўриб таҳлил қилиш назарияни ҳақиқий амалиёт билан боғлашга имкон беради. Бу ўқитишни фаоллаштиришга имкон беради, талабаларга ўрганилаётган материални амалий фойдасини тушунишга ёрдам беради.</p> <p><b>Таълим берувчи амалий муаммоли вазиятларни (кейсларни) ечиш.</b></p> <p>Кейс (муаммоли вазиятдан фарқли равишда) талабаларни муаммони ифодалаш, муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш, уни мақсадга мувофиқ ечим вариантларини қидиришга йўналтирувчи ташкилотлар, инсонлар гуруҳи ёки алоҳида индивидларни ҳаётининг муайян</p>
--	--

	<p>шароитларини ёзма равишда тақдим этилган баёнини ўз ичига олади.</p> <p>Кейсни ечиш жараёни қуйидаги босқичларини ўз ичига олиш муҳим:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>→ муаммони якка тартибда таҳлил қилиш ва ечиш,</li> <li>→ якка тартибда топилган ечимни биргаликда (кичик гуруҳларда) таҳлил қилиш, ўзаро мақбул ечим вариантини расмийлаштириш,</li> <li>→ гуруҳ ишини тақдимоти,</li> <li>→ муаммони ечиш усул ва воситаларининг энг мақбул вариантини жамоавий тарзда танлаш.</li> </ul> <p>Фиклаш жараёни, муаммоли вазиятни ечиш жараёнида пайдо бўлинган, мустақил топилган далиллар ориентирларни, касбий бойликларни топишга ва мустақкамлаштиришга, келгуси касбий фаолияти билан алоқани англашга қўмаклашади.</p> <p><b>Ўқув лойиҳаларнинг тақдими ва баҳоланиши</b></p> <p>Ушбу ўқув машғулотини тайёрлашда ўқитувчининг роли қуйидагилардан иборат: лойиҳа топшириғини ишлаб чиқиш; талабаларга маълумотларни излашда ёрдам бериш; ўзи ахборот манбаи бўлиши; бутун жараённи мувофиқлаштири; иштирокчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш; узлуксиз қайта алоқани амалга ошириш; маслаҳат бериш.</p> <p>Ушбу ўқув машғулотида гуруҳлар ўз фаолиятининг натижалари тўғрисида маъруза қилишади ва уни белгиланган шаклда тақдим этишади (лойиҳавий фаолиятнинг натижаларини, ҳамда лойиҳа махсулотини тасвирий ва оғзаки тақдимот қўринишида).</p> <p>Ўқитувчи гуруҳларнинг ўзаро баҳоланишини ташкиллаштиради ва лойиҳа иштирокчининг фаолиятини баҳолайди.</p>
<p><b>Талабаларни назарий ва амалий тайёргарлик даражасини назорат қилиш ва баҳолаш</b></p>	<p><b>Коллоквиум.</b></p> <p>Семинар-коллоквиум мобайнида маъруза, реферат ва бошқ. Ёзма ишлар текширилиши мумкин.</p> <p><b>Ёзма (назорат) иш.</b></p> <p>Талабалар назорат саволларига жавоб берадилар/ тестларни ечадилар/ назорат топшириқларини бажарадилар. Уларнинг тўпламини тўғри тузиш муҳим ҳисобланади: улар режалаштирилаётган ўқув материални ўзлаштириш даражасига мос</p>



	<p>келишлиги керак ва уларни текширишни таъминлаши керак.</p>
--	---

## II. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ:

### 1-МАВЗУ: “ИНСТИТУЦИОНАЛ ИҚТИСОДИЁТ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МАЗМУНИ, ТАМОЙИЛЛАРИ

#### АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Институционал назарияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи.
2. Институционализмнинг методологик асослари.
3. Институционал таҳлилда бошланғич нуқта масаласи ва унинг асосий вазифалари.
4. Неоинституционал назариянинг асосий йўналишлари.
5. Институционал иқтисодиётнинг ривожланиш хусусиятлари.

#### МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4707-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 4.03.2015
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги (ПП-2298) “2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар бутловчи қисмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 11.02.2015
3. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Ўқув қўлланма. 2-нашр, қайта ишланган. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. –5-15 б.
4. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. -Т.: “Молия”. 2002. -247 б.
5. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008. -С 5-18.
6. Дроздов Н.Д. Институциональная экономика: Учеб. Пособие -Тверь: Твер. гос. ун-т, 2006. 7-9 С.,
7. Лемещенко П. С. Институциональная экономика: Учеб.пособие. – Мн.: ООО «ФУАинформ», 2003. – 8-19 С.
8. Виноградова А.В. Институциональная экономика: теория и практика Учебно-методическое пособие. -Нижний Новгород: Нижегородской госуниверситет, 2012. -6-11 С.
9. Richter, Rudolf (1996), ‘Bridging Old and New Institutional Economics: Gustav Schmoller, the Leader of the Younger German Historical Schook, Seen with Neoinstitutionalists’ Eyes’, // *Journal of Institutional and Theoretical Economics*, 567-92.
10. <http://www.lex.uz> - Ўзбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.
11. <http://www.jstor.org/stable/2564954>
12. <http://www.jstor.org/page/info/about/policies/terms.jsp>.

13.<http://www.jstor.org/action/showPublisher?publisherCode=aea>.

14.<http://www.jstor.org>

## МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

☞ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

☞ *Эсда тутинг!*

**Институционал иқтисодиёт** – бу иқтисодий назария ва хўжалик амалиётини институционал ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлигида ўрганувчи замонавий иқтисодий фикрларнинг илмий йўналишларидан биридир.

**Институционаллаштириш** – индивидлар ўртасидаги муносабатларда жамият аъзоларининг катта қисми томонидан фойдаланиладиган муайян қоидалар ёки нормаларни мустаҳкамлаш.

**Институционал вакуум** – бу илгариги хўжалик тизимини бошқариш механизмнинг тугатилиши ва янги механизмнинг мавжуд эмаслиги туфайли институционал тизимда энг кам трансакция харажатларига эга битимларнинг амалга оширилишини қўллаб-қувватлашга қодир бўлган расмий институтларнинг мавжуд эмаслиги ёки етишмаслиги.

**Институционал низо** – расмий ва норасмий қоидалар ўртасидаги номувофиқлик натижаси. Бир ҳолатда, институционал низо истиқболсиз институтларнинг пайдо бўлишига, бошқа ҳолатда эса самарасиз бўлса-да барқарор ҳосилалар – институционал тузоқларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

**Институционал технология** – бу институтларни жорий этиш (импорт қилиш), шунингдек иқтисодий тизим фаолият кўрсатиши трансакция харажатларининг пасайишига олиб келишга ва иқтисодий ўсишни таъминлашга қодир бўлган янги институтларни ишлаб чиқиш (етиштириш) билан боғлиқ технология.

**Институционал тузоқ** – ўзини ўзи қўллаб-қувватловчи хусусиятга эга бўлган самарасиз барқарор норма (самарасиз институт).

**Иқтисодий ресурслар** – ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган омиллар ёки ишлаб чиқариш омиллари.

**Иқтисодий ўсиш** – ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ресурслар миқдорини ошириш ёки технологияни такомиллаштириш орқали жамиятнинг ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш.

**Ишлаб чиқариш омиллари** – чекланган бўлиб, уларга меҳнат (labour), капитал (capital), материаллар (хом ашё, бутловчи қисмлар, электр энергияси, газ, сув ва хоказо), ер (land).



## МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МИСОЛЛАР:

☞ *Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

**1–мисол.** Ҳозирги пайтда корхона ва ташкилотларда иш хақи тарқатишнинг биринчи кунда жуда кўп одамлар навбатда тўпланади. Натижада иш вақти йўқотилади ва турли хил асаббузарликлар содир бўлади. Сиз бу салбий ҳодисаларни олдини олиш учун раҳбар сифатида кассирга қандай маслаҳат берар оласиз?

**2–мисол.** Сиз раҳбарлик қилаётган салқин ичимликлар заводининг маҳсулотлари ички бозорда ўтмай қолди. Сотиш ҳажмини ва фойда миқдорини кўпайтириш учун корхона раҳбари сифатида қандай қарор қабул қиласиз?

**3–мисол.** Сизнинг 5 соат бўш вақтингиз бор. Ишларингиз уларнинг муҳимлиги бўйича қуйидагича тақсимланади:

- а) машғулотларга таёргарлик 2 соат;
- б) янги газеталар билан танишиб чиқиш 1 соат;
- в) квартирани тозалаш 1 соат;

Сиз бу ишларни бажармоқчи бўлиб турганингизда кинотеатрда анчадан бери кўрмоқчи бўлиб юрган фильмнингиз қўйилаётганлигини эшитдингиз. Бир серияли фильмни кўриш сиз учун қанчага тушади? Икки серияли фильмни кўришчи?

**4–мисол.** Фараз қилайлик, ўқишни томоглаганингиздан сўнг сизни узоқ бир шаҳарга ишга таклиф қилишди. Сиз узоқ бир жойга, сизнинг касбингиз жуда ҳам зарур бўлган жойга боришингиз керак. Сиз бу таклифни қандай шартлар асосида қабул қиласиз? Бу масалани ҳал қилишда кимлар билан маслаҳатлашасиз?

### ҚУЙИДА КЕЛТИРИЛГАН ФИКРЛАР ТЎҒРИМИ ЁКИ НОТЎҒРИМИ?



**☞ Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!**

1. Назария амалиётда қўлланиш учун, у ҳар бир аниқ ҳодисада тасдиқланиши шарт.
2. Институционал иқтисодиёт фанини ўрганишнинг асосий мақсади тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан иборат.
3. Институционал иқтисодиёт–бу иқтисодий назария ва хўжалик амалиётини институционал ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлигида ўрганувчи замонавий иқтисодий фикрларнинг илмий йўналишларидан биридир.
4. Агар иқтисодчилар асосий иқтисодий тамойилларнинг ривожланиш қонунларига бир ҳил баҳо беришса, демак уларнинг сиёсий қарашлари ҳам ўхшаш бўлади.
5. Иқтисодиёт аниқ фан эмас, лекин кўплаб аниқ муаммолар тадқиқотининг статистик услубларидан фойдалана олади.
6. Институционал иқтисодиёт аниқ фан бўлмаганлиги ҳолда, таҳлилнинг илмий услубларидан фойдалана олмайди.

7. Бир шароитда амалга оширилган иқтисодий сиёсат, бошқа шароитда нотўғри амал қилиши мумкин.
8. Норматив иқтиодиёт “аслида қандай” эмас, “нима қандай бўлиши керак” саволининг таҳлилий муаммолари билан шуғулланади.
9. Табиий фанлардан фарқли равишда, институционал иқтисодиёт фани, фундаментал назарий асосларга таянган ҳолда амалий фаолият билан яқинроқ боғлиқликка эга.
10. Олий математикани ўзлаштирмасдан туриб, институционал иқтисодиёт фанини ўрганиш мумкин эмас.



#### МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

*✦ Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

#### **1. Институционал иқтисодиёт назариялари қайси асрдан ривожланган?**

- A. XVII асрда Европада дастлаб В.Петти, Буагильбер, кейинроқ эса, А.Смит ва Д.Рикардоларнинг классик иқтисодий таълимотлари билан тавсифланади.
- B. XXI асрнинг етмишинчи йилларига келиб, неоклассик назария сифатида А.Маршалл асос солган.
- C. Кейинчалик Ж.Б.Кларк 90 йилларда ривожлантирган.
- D. А.Смит ва Д.Рикардолар XX асрда ривожлантирган.

#### **2. Неоклассик назариянинг асосий тамойиллари нечта қисмдан иборат?**

- A. Иккита қисмдан.
- B. Учта қисмдан.
- C. Тўртта қисмдан.
- D. Бешта қисмдан.

#### **3. Неоклассик назариянинг асосий тамойиллари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**

- A. Асосий тамойилларнинг биринчиси классик “эски”, иккинчиси неоклассик “янги” тамойилларини ташкил этади.
- B. классик “янги” тамойиллари, неоклассик “эски” тамойиллари асосида
- C. Классиканинг “эски ва янги” тамойиллари.
- D. Неоклассиканинг “эски ва янги ҳамда келажакдаги” тамойиллари ташкил этади.

#### **4. Классиканинг “эски” тамойилларига нималар киради?**

- A. Бозорда ҳамма вақт мувозанат мавжуд, у ягона Парето оптимуми талабларига мос келади.
- B. Бозорда оқилона танловни амалга ошириш
- C. Бозорда айирбошлашни амалга ошириш
- D. Индивидларда битим тўғрисидаги барча ахборот мавжуд.

#### **5. Неоклассиканинг “янги” тамойилларига нималар киради?**

- A. Бозорда айирбошлашни амалга ошириш учун ресурсларнинг хусусий мулкни ташкил этиши асосий замин ҳисобланади.
- B. Бозордаги барча битимлар тўғрисида ахборотларни йиғиш.
- C. Бозорда ҳамма вақт мувозанат мавжуд, у ягона Парето оптимуми талабларига мос келади.
- D. Бозорда индивидлар томонидан оқилона танлов амалга ошириш
- 6. Институционализмнинг назарий йўналиш сифатида шаклланиши бевосита қайси назариялар билан боғлиқ?**
- A. Классик ва неоклассик назариялар билан.
- B. Кейнисчи назариялар билан.
- C. Неокейнсчи назария билан
- D. Неокласик ва неокейнсчи назариялар билан
- 7. Россиялик олим Р.Нуреевнинг фикрига кўра, “эски” институционализм билан неоинституционализм ўртасида, камида нечта асосий фарқ мавжуд?**
- A. Камида иккита.
- B. Камида учта.
- C. Камида тўтта.
- D. Камида бешта.
- 8. Неоинституционал назариянинг ўрганиш асоси нима?**
- A. Алоҳида индивидларни ўрганади.
- B. Умумий равишда гуруҳлар фаолиятини.
- C. Бозор субъектларини.
- D. Иқтисодий субъектлар.
- 9. Институционаллаштириш – нима?**
- A. Индивидлар ўртасидаги муносабатларда жамият аъзоларининг катта қисми томонидан фойдаланиладиган қоидалар ёки нормаларни мустаҳкамлаш.
- B. Трансакция харажатларига эга битимларнинг амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш.
- C. Хўжалик тизимини бошқариш механизми.
- D. Расмий ва норасмий қоидаларни амалга ошириш.
- 10. Институционал вакуум– нима?**
- A. Индивидлар ўртасидаги муносабатларда жамият аъзоларининг катта қисми томонидан фойдаланиладиган муайян қоидалар ёки нормаларни мустаҳкамлаш.
- B. Бу илгариги хўжалик тизимини бошқариш механизмнинг тугатилиши ва янги механизмнинг мавжуд эмаслиги туфайли институционал тизимда энг кам трансакция харажатларига эга битимларнинг амалга оширилишини қўллаб-қувватлашга қодир бўлган расмий институтларнинг мавжуд эмаслиги ёки етишмаслиги.
- C. Трансакция харажатларига эга битимларнинг амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш.
- D. Хўжалик тизимини бошқариш механизми.



## МАВЗУГА ДОИР МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Институционал назариялар пайдо бўлиши сабаблари?
2. Институционал назарияларнинг ривожланиши?
3. Институционализмнинг асосий хусусиятлари?
4. Институционализмнинг назарий йўналиш сифатида шаклланиши бевосита қайси назариялар билан боғлиқ?
5. Институционализм назариясининг ривожланиш даврлари?
6. Институционализмнинг учта асосий йўналишларининг шаклланиши?
7. Институционализмнинг методологик асослари?
8. Институционал таҳлилда бошланғич нуқта масаласи?
9. Неоинституционал назариянинг асосий йўналишлари?
10. Институционал вакуум деганда нимани тушунасиш?

## 2-МАВЗУ: ИНСТИТУТЛАР ВА УЛАРНИНГ ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИДАГИ РОЛИ

### АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. “Институт”, “норма” тушунчаларининг моҳияти ва мазмуни.
2. Расмий ва норасмий нормалар ва уларнинг шаклланиши
3. Расмий ва норасмий нормаларнинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Институционал матрица.
5. Институционал ўзгаришлар ва институтларнинг ўзаро боғлиқлиги.

### МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4707-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 4.03.2015
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги (ПП-2298) “2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар бутловчи қисмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 11.02.2015
3. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Ўқув қўлланма. 2-нашр, қайта ишланган. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. –16-27 б.
4. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008. -С 19-24.
5. Дроздов Н.Д. Институциональная экономика: Учеб. Пособие -Тверь: Твер. гос. ун-т, 2006. 12-25 С.,
6. Лемещенко П. С. Институциональная экономика: Учеб.пособие. – Мн.: ООО «ФУАинформ», 2003. – 29-54 С.

7. Виноградова А.В. Институциональная экономика: теория и практика Учебно-методическое пособие. -Нижний Новгород: Нижегородской госуниверситет, 2012. -14-20 С.
8. <http://www.jstor.org/stable/2564954>
9. <http://www.jstor.org/page/info/about/policies/terms.jsp>.
10. <http://www.jstor.org/action/showPublisher?publisherCode=aea>.
11. <http://www.jstor.org>
12. <http://www.lex.uz> - Узбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.
13. <http://www.mineconomi.uz>.

## МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

*❖ Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

*❖ Эсда тутинг!*

**Институт** – инсонлар томонидан барпо этиладиган ва ўзаро ҳамкорликни таркибловчи сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий меъёрлар ва қоидалар.

**Институт** – бу жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб берувчи расмий қоидалар ва норасмий нормалар тизими.

**Институт опрөвайдер** – неоинституционал назария доирасида – ишлаб чиқариш институтлари ва келишувлар ишлаб чиқувчиси ва тарқатувчиси ролини, институтлар инкубатори ролини (тегишли институционал муҳитда янги институтларни етиштириш), яқка тартибдаги институционал интегратор ролини (ушбу нормага амал қилувчилар таркибига янги индивидларни жалб қилиш) бажарган ҳолда неоинституционал таркибга таъсир кўрсатувчи ташкилот.

**Институционал матрица** – бу тарихан барқарор шаклланган, дастлабки давлатларнинг пайдо бўлишини ва барча кейинги институционал тузилмаларнинг ривожланишини белгилаб берган, ўз навбатида, моҳияти ҳамон сақланиб қолган бирламчи моделни такрор яратишга хизмат қилувчи базавий ижтимоий институтлар тизими.

**Норма** – институционал муҳитда индивидларнинг ўз танловини амалга оширишда фойдаланиладиган асосий унсур ҳисобланади

**Расмий қоидалар** – конституциялар, қонунлар, суд қарорлари, маъмурий ҳужжатлар.

**Институтлар** – иқтисодий субъектлар харакатини чекловчи, уларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи меъёрлар, қоидалар ҳамда ушбу меъёр ва қоидаларни бажарилишини назорат қилиш механизмлари.



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР ВА КЕЙСЛАР:



*Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

**1–мисол.** Ёўл ҳаракати қоидалари институт ҳисобланадими?

- а) ҳа;
- б) йўқ.

Жавоб: **а)**, чунки улар **ёўл ҳаракати** қатнашчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларни таркиблайди. Бошқача айтганда, **ёўл ҳаракати қоидалари** – ёўлдаги хатти-ҳаракатни тартибга солувчи институт.

**2–мисол.** Яқин дўкончадан кундалик мевалар харид қилиш истемолчи томонидан амалга оширилган мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракатнинг тўлиқ ифодаси ҳисобланадими?

- а) ҳа;
- б) йўқ.

Жавоб: **б)**, чунки тўлиқ **мақсадга мувофиқлик** моделига мувофиқ ҳаракат қилувчи **истемолчи хар кунумуман бозорда ўзини қизиқтирувчи мева навининг нархи ҳақидаги ахборотни тўплаши ва ушбу меваларни** улар энг арзон бўлган жойда харид қилиши лозим.

**3–мисол.** Институционал назариянинг қайси йўналиши вакиллари “Дўстинг кимлигини айт, мен эса сенинг кимлигини айтаман” деган иборани маъқуллашган бўларди?

- а) "эски" институционализм;
- б) "янги" институционал иқтисодиёт;
- в) неоинституционал иқтисодиёт.

Жавоб: **а)**, гап холизмтамойили ҳақида бораяпти.

**4–мисол.** Институционал назариянинг қайси йўналиши вакилларини навбатдаги семинарга тайёрланмаган талабанинг қуйидаги баҳонаси қизиқтирмайди: "Университет кутубхонаси ёпиқ эди, бошқа кутубхонада керакли китоб топилмади ва умуман олганда бизда ушбу ҳафтада тайёргарлик кўриш лозим бўлган иккита тест ва битта курс иши бор эди"?

- а) "эски" институционализм;
- б) "янги" институционал иқтисодиёт;
- в) неоинституционал иқтисодиёт.

Жавоб: **в)**, методологик индивидуализм тамойилига кўра фақат талабанинг ўзи ўз ишининг ташкил этилишига жавоб беради, ташқи институционал омиллар эса иккинчи даражали бўлиб, талабанинг ўқишга бўлган муносабатини акс эттиради.

## **КЕЙСЛАР**

***Расмий ва норасмий институтлар: талабаларнинг кўчиришларига қарши қандай курашиш мумкин?***

*Талабаларни дастур ёрдамида чиқариб олинган кўчирма учун ҳайдашади.*

Виржиния штати университети физика факультетининг профессори Лу Блумфилд (LowBloomfield), талабалар ўртасида кўп сонли адабий ўғирлик ҳолатлари ҳақида эшитиб, унга киритилган талабалар ишларини 50 соат

ичида матнли кўринишларнинг мос келиши нуқтаи назаридан таҳлил қиладиган махсус компьютер дастурини ёзди. Таҳлил тугаганидан кейин дастур профессорни ғазаблантирадиган натижаларни берди, — аниқланишича, талабаларнинг аксарияти ўз ишлари учункатта миқдордаги тайёр матнларни Интернетдан ҳамда бошқа талабаларнинг ишларидан ўзлаштириб олар экан. Профессорнинг талабига кўра университетда махсус текшириб бошланиб, унда 122 нафар талаба ва битирувчидан иборат рўйхат тузилди. Талабалар энди университетдан ҳайдалиши, битирувчилар эса дипломдан маҳрум этилиши мумкин, деб хабар беради «*Associated Press*». Университет ходимлари ушбу ибратли жараён ҳозирча қўлга тушмаган талабаларга олий таълимнинг моҳияти нимадан иборат эканлигини англаб етишга ёрдам беришига умид қилмоқда. Бундан ташқари, ходимларнинг эътироф этишларича, ҳозирги вақтда компьютер техникасининг ривожланганлиги муносабати билан ўзгалар матнларини ўзлаштириш жараёни аввалги ўн йилликка қараганда ғоят соддалашди, чунки илгари китоблардан ёки бошқа ишлардан ахборотни қўлда кўчириш ёки босмалаш лозим эди.

*В.В. Радаев билан суҳбатдан*

Бугунги кунда кўчирмачилик муаммоси барча ўқув корхоналарида мавжуд. Лекин биз университетимиз (ГУ ВШЭ) алоҳида, энг яхши бўлишини хоҳлаймиз. Шунинг учун ҳозирда биз кўчирмачиликка қарши курашишни фаоллаштирмоқдамиз. Биз талабани адабий ўғирлик, кўчириш ёки соҳтакорлик устида ушлаган ўқитувчилар нима қилиши кераклиги аниқ ёзиб қўйилган шундай ҳужжатни тайёрладикки, унда талабани университетдан ҳайдашгача кескин чоралар назарда тутилган. Бунда талаба ўқитувчининг хатосидан кафолатланган бўлиши керак. Ўқувчиларнинг ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қилиш лозим. Шунинг учун талаба шикоят аризасини беришга ҳақли. Лекин агар унинг айби исботланса, жазо қатъий бўлиши керак. Ўқитувчи сифатида мен барча қоидаларни биринчи машғулотнинг ўзидаёқ эълон қиламан. Кўчирмачиликка нисбатан муносабат оддий: аниқланган ҳолатда дарҳол «қониқарсиз» баҳо қўйилади. Ҳуқум қатъий, шикоятга ўрин йўқ. Агар қоидалар брча олдиндан маълум бўлса тортишишга на ҳожат. Кўчириш таваккалчилиги ҳақида тинимсиз огоҳлантираман. Агар кимдир ёнидагидан кўчирган бўлса, иккаласига ҳам «қониқарсиз» баҳо қўйилади. Аммо ҳамма гап кўчириш ва адабий ўғирликда эмас. Бундан ташқари, соҳтакорлик ҳам мавжуд. Бу бир талаба бошқаси учун қалбаки ҳужжат бўйича зачёт ёки имтиҳон топширадиган ҳолат. Ана шундай ҳолатлардан бири бизда ҳам аниқланди. Биз бунинг учун талабани университетдан ҳайдадик. Ҳозирча ҳеч ким буни такрорлашга таваккал қилгани йўқ. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш чоралари кўрилмоқда. Кўчирмачиликка келсак, яна шуни такрорлайманки, бунинг учун ҳам аяб ўтимасдан университетдан ҳайдаймиз. Енгил-елпилик ҳаётда ҳам, ўқишда ҳам бўлмаслиги лозим.

**Саволлар:**

*Нима учун талабалар расмий қоидаларнинг мавжудлиги ҳақида била туриб, норасмий қоидаларга амал қилишади? Ушбу мисолда расмий ва норасмий қоидалар қандай боғланишли? Талабалар муҳитида мавжуднорасмий институтни таърифланг?*

## ҚУЙИДА КЕЛТИРИЛГАН ФИКРЛАР ТЎҒРИМИ ЁКИ НОТЎҒРИМИ?



**☞ Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!**

1. “Ким учун ишлаб чиқариш керак” муаммосини давлат аралашувисиз ҳал этиб бўлмайди.
2. “Кўринмас қўл механизми” ни асослаш билан Адам Смит, иқтисодиётни давлат бошқариши, лекин буни жамият сезмаслигини назарда тутган.
3. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, кўп ҳолатларда норасмий нормалар жамиятда “тартибни” таъминлашда расмий қоидаларга қараганда ғоят катта роль ўйнайди.
4. Аралаш иқтисодёт давлат ва хусусий мулкдорлар қарори асосида ривожланади.
5. Институтлар асосини унинг таркибий қисмлари ҳисобланган нормалар ташкил этади.
6. Институтларнинг асосий хусусиятларини қамраб олган ҳолда, уларнинг асосий функцияларини ҳамда ривожланиш қонунларини ақс эттиради.
7. Товар (хизмат) лар ва ресурслар доиравий айланиши иқтисодий моделида уй хўжалигини ресурсларга бўлган эҳтиёжи ифодаланади.
8. Қоидаларга зарурат ҳамма вақт, биттадан кўп субъект мавжуд бўлиб, улар ўртасида қандайдир муносабатлар юзага келган тақдирда, туғилади.
9. Норасмий нормалар жамиятда расмий қоидаларга қараганда анча олдин пайдо бўлиб, кўп жиҳатдан расмий, қонунчилик билан мустаҳкамланган нормалар учун асос бўлиб хизмат қилди.
10. Институтлар қандай ишлаётганлигини, нима учун улар асрлар мобайнида мавжуд бўлиши ва ривожланишини, уларнинг “хаётийлиги” ёки барқарорлигини тушуниш учун институционал ўзгаришларга олиб келувчи сабабларни ўрганиб чиқиш лозим.



**МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:**

**☞ Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.**

### **1. Институционал низо– нима?**

- A. Расмий ва норасмий қоидалар ўртасидаги номувофиқлик натижаси.
- B. Хуфёна иқтисодиётни юзага келиши.
- C. Трансакция харажатларини кўпайиб кетиши.

- D. Инвидларни ўзаро шартлашиши натижаси.
2. **Институционал технология– нима?**  
A. расмий ва норасмий қоидалар ўртасидаги номувофиқ технология.  
B. институтларни жорий этиш, трансакция харажатларини пасайиши ва иқтисодий ўсишни таъминлашга қодир бўлган янги институтларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ технология.  
C. Хуфёна иқтисодиётни кўпайиб кетишини олдини олиш.  
D. Инвидларни ўзаро шартлашишини олдини олишдаги ўйинлар назарияси технологияси.
3. **Институционал тузоқ– нима?**  
A. Бу расмий ва норасмий қоидалар ўртасидаги ноаниқлилик.  
B. Ўзини ўзи қўллаб-қувватловчи хусусиятга эга бўлган самарасиз барқарор норма  
C. Хуфёна иқтисодиётни тартибга солиш асослари.  
D. Инвидларни ўзаро муносабатларни тартибга солиш.
4. **Институт - нима?**  
A. жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб берувчи расмий қоидалар ва норасмий нормалар тизими.  
B. инсонларга амал қилган ҳолда турмуш кечирадиган одатий тафаккур тарзи.  
C. ўтмишда содир бўлган жараёнлар натижасига тўлиқ мослаштириш  
D. ҳуқ-атвор намуналарини яратилишига олиб келувчи ташкилот.
5. **Норма - нима?**  
A. Норма-ўзаро муносабатни белгилаб берувчи расмий тизимидир.  
B. Норма-ўзаро муносабатларни белгилаб берувчи қоидадир.  
C. Норма - институтлар асосини таркибий қисмларини ташкил этади.  
D. Норма–институционал муҳитда индивидларнинг ўз танловини амалга оширишда фойдаланиладиган асосий унсур ҳисобланади.
6. **Норма амал қилиши учун талаб этиладиган таркиб нечта унсурдан иборат?**  
A. Иккита.  
B. Учта.  
C. Тўртта.  
D. Бешта.
7. **Норма–институционал муҳитда индивидларнинг ўз танловини амалга оширишда фойдаланиладиган асосий унсур ҳисобланади. Ушбу унсур ўз ичига нималарни олади?**  
A. Тартибни сақлаш функциясига эга бўлган мажбурият.  
B. Шахслар хатти-ҳаракатидаги ижтимоий, иқтисодий, юридик санкцияга таянувчи мунтазамлик, муқаррарликни акс эттиради.  
C. Шахснинг турли вазиятларда ўзини қандай тутиши лозимлиги.  
D. Расмий ва норасмий омиллар таъсири.
8. **Норма амал қилиши учун талаб этиладиган таркиб бешта унсурдан иборат: Булар қайсилар?**

- A. Индивидларнинг гуруҳланиш белгилари ва муқаррарлик омили.  
 B. Мақсад ва норма ҳаракатда бўлган шарт-шароитлар, санкция.  
 C. Тартибни сақлаш функциясига эга.  
 D. Индивидларни гуруҳланиш белгилари, муқаррарлик омили, мақсад, норма ҳаракатда бўлган шарт-шароитлар ва санкция.
- 9. Норма хиллари қайси қоидаларда тўғри берилган?**  
 A. Ҳамкорлик стратегияси = белги + мақсад + шарт-шароит.  
 B. Норма = белги + муқаррарлик омили + мақсад + шарт-шароит.  
 C. Қоида = белги + муқаррарлик омили + мақсад + шарт-шароит + санкция.  
 D. Барча жавоблар тўғри.
- 10. Матрицаларнинг асосий ва қўшимча институтларнинг муайян тўплами билан тавсифланувчи нечта хили мавжуд?**  
 A. Битта - Ғарбий (бозор, демократик) матрица.  
 B. Иккита - Ғарбий (бозор, демократик) ва Шарқий (буйруқбозлик, диктатура ёки деспотия) матрицалар.  
 C. Учта - Ғарбий (бозор, демократик) ва Шарқий (буйруқбозлик, диктатура ёки деспотия) ҳамда Марказий Осиё матрицалари.  
 D. Тўртта - Ғарбий (бозор, демократик) ва Шарқий (буйруқбозлик, диктатура ёки деспотия) ҳамда Марказий ва Шарқий Осиё матрицалари.



#### МАВЗУГА ДОИР МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

1. Институт тушунчаси ва уларнинг асосий тавсифини изохлаб беринг?
2. Институт асосий тушуча сифатида?
3. Институтлар ва қоидаларни тушунтириб беринг?
4. Институтлар типологияси нима?
5. Институтлар ва ташкилотлар ўртасида қандай фарқ бор?
6. Расмий ва норасмий нормалар ва уларнинг шаклланиши?
7. Институционал матрица?
8. Институционал ўзгаришлар ва институтларнинг ўзаро боғлиқлиги?
9. Матрицаларнинг асосий ва қўшимча институтларнинг муайян тўплами билан тавсифланувчи нечта хили мавжуд?
10. Норма амал қилиши учун талаб этиладиган таркиб нечта унсурдан иборат ва уларни санаб беринг?

### 3-МАВЗУ: ЎЙИНЛАР НАЗАРИЯСИ ВА ЎЗARO ҲАМКОРЛИКЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

#### АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Ўйинлар назарияси юзасидан асосий тушунчалари.
2. Мувозанатлар турлари ва уларни қидириш йўллари.

3. Устун стратегиялар мувозанати, Нэш бўйича мувозанатдан фарқ.
4. Кооператив (коалицияли) ва нокооператив (коалициясиз) ўйинлар.
5. Ўйинлар назарияси таянч моделларининг таснифи

#### МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4707-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 4.03.2015
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги (ПП-2298) “2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар бутловчи қисмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 11.02.2015
3. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Ўқув қўлланма. 2-нашр, қайта ишланган. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. –28-35 б.
4. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008. -С 29-35.
5. Лемещенко П. С. Институциональная экономика: Учеб.пособие. – Мн.: ООО «ФУАинформ», 2003. – 29-54 С.
6. Красс М.С. Математика в экономике. Математические методы и модели. Учебник. –М.: Финансы и статистика, 2007. – 544 с.
7. <http://www.jstor.org/stable/2564954>
8. <http://www.jstor.org/page/info/about/policies/terms.jsp>.
9. <http://www.jstor.org/action/showPublisher?publisherCode=aea>.
10. <http://www.jstor.org>
11. [www.weforum.org/ger](http://www.weforum.org/ger)
12. [www.oecd.org/publishing](http://www.oecd.org/publishing)

#### МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

*Ўшбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

*Ўсда тутинг!*

**Нэш бўйича мувозанат** – ўйинчиларнинг ҳеч бири ўз ҳаракатлари режасини ўзгартирган ҳолда ўз ютуғини бир томонлама ошира олмайдиган вазият.

**Парето бўйича мувозанат** – ўйинчилардан бирининг ҳолатини, иккинчи ўйинчининг ҳолатини ёмонлаштирмаган ҳолда, яхшилаб бўлмайдиган вазият.


**Устун стратегияли мувозанат** – бошқа иштирокчининг ҳаракатларидан қатъи назар иштирокчига максимум фойдалиликни таъминловчи ҳаракатлар режаси

**Штакельберг бўйича мувазанат** – ҳеч бир ўйинчи ўз ютуғини бир томонлама тартибда ошира олмайдиган вазият. Бунда қарор дастлаб биринчи ўйинчи томонидан қабул қилинади, сўнгра иккинчи ўйинчига маълум бўлади.

**Ўйин иштирокчисининг стратегияси**- ҳар бир ўйин иштирокчисининг зиддиятли вазиятларни ҳал этиш борасидаги ҳаракат дастури ўйин иштирокчисининг стратегияси дейилади.

**Кооператив (коалицияли) ўйинлар** – иштирокчилар ўртасида ахборот алмашиш ва иттифоқ тузиш мумкин бўлган вазиятлар.

**Нокооператив (коалициясиз)** - ўйинларда якка иштирокчи таҳлил қилишнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади, бунда иштирокчилар ўртасида ахборот алмашиш ва иттифоқ тузиш мумкин эмас.



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МИСОЛЛАР ВА КЕЙСЛАР:

*Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

**1–мисол.** Штакельберг бўйича мувазанат ҳамма вақт мавжуд бўладими?

- а) ҳа;
- б) йўқ.

Жавоб: а), мавжуд бўлмаслиги мумкин бўлган Нэш бўйича мувазанатдан фарқли равишда Штакельберг бўйича мувазанатга ҳар қандай ўйинда эришилади. Унинг мавжуд бўлиши иштирокчилар томонидан қарорлар қабул қилинишидаги вақт лаги билан шартланган.

**2–мисол.** Фараз қилайлик, ўйинда Нэш бўйича иккита мувазанатли якун мавжуд. Гап қанақа муаммо ҳақида бораяпти?

- а) мослик муаммоси;
- б) мувофиқлик муаммоси;
- в) адолат муаммоси;
- г) кооперация муаммоси.

Жавоб: б), гап мувофиқлик муаммоси ҳақида бораяпти.

**3–мисол.** Иштирокчиларда устунлик қилувчи стратегиялар бор бўлиб, демак, устунлик қилувчи стратегиялар мувазанати мавжуд бўладиган, Нэш бўйича мувазанат эса мавжуд бўлмайдиган вазият юзага келиши мумкинми?

- а) ҳа;
- б) йўқ.

Жавоб: б), бундай вазият бўлиши мумкин эмас. **Устунлик қилувчи стратегия иштирокчи томонидан бошқанинг ҳаракатларидан қатъий назар энг катта ютуққа эришилишни англатади** Нэш бўйича мувазанат иштирокчилар ўзининг фойдалилигини бир томонлама тартибда ошириши мумкин эмаслигини назарда тутди. Ўз навбатида, мувазанат нуқтасида устунлик қилувчи стратегиялар топилганда иштирокчилар томонидан стратегиянинг ўзгартирилиши улар ютуғининг ортишига олиб келмайди.

**4–мисол.** А фирма Б фирманинг муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш учун монополиясини бузишга уринади. А фирма бозорга чиқиш-чиқмасликни, Б фирма эса, борди-ю А фирма бозорга киришни ҳал қилса, ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтириш масаласини ҳал қилади. Б фирмада ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармай қолган тақдирда, иккала фирма ҳам ютқзади. Агар Б фирма ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтиришга қарор қилса, у ўз фойдасини А фирма билан «баҳам кўради».

Кўрсаткичлар		Б фирма-ишлаб чиқариш ҳажмини	
		сақлаб қолиш	пасайтириш
А фирма- бозорга	кириш	-3; -2	4; 4[N <sub>2</sub> St <sub>A</sub> P]
	кирмаслик	0; 10 [N <sub>1</sub> St <sub>B</sub> ]	0; 10

**Ечиш:**

**Устун стратегияли мувозанат.** А фирма иккала вариантдаги воқеалар ривожида ўзи ютуғини таққослайди (агар Б фирма нарх-наво «урушини» авж олдирмаса,  $-3$  ва  $0$ ) ва (агар Б фирма ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтиришга қарор қилса,  $4$  ва  $0$ ). У ҳолда А фирма учун Б фирманинг ҳаракатларидан қатъи назар энг кўп ютуқни таъминловчи стратегия мавжуд эмас:

$0 > -3 \Rightarrow$  агар Б фирма ишлаб чиқариш ҳажмини аввалги даражада сақлаб қолса, «бозорга кирмаслик»;

$4 > 0 \Rightarrow$ , агар Б фирма ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтирса, «бозорга кириш».

Б фирмада устун стратегия мавжуд: у А фирманинг ҳаракатидан қатъи назар ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтиришдан манфаатдор  $4 > -2$ ,  $10 = 10$ . Демак, устун стратегиялар мувозанати мавжуд эмас.

**Нэш бўйича мувозанат.** Б фирманинг ишлаб чиқариш ҳажмини аввалги даражада сақлаб туриш тўғрисидаги қарорига А фирманинг энг яхши жавоби - бозорга кирмаслик, ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтириш қарорига эса, - бозорга кириш.

А фирманинг бозорга кириш тўғрисидаги қарорига Б фирманинг энг яхши жавоби - ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтириш, бозорга кирмаслик қарори қабул қилинганда эса – иккала стратегия ҳам бир хил натижа беради. Шунинг учун, Нэш бўйича иккита ( $N_1$ ,  $N_2$ ) мувозанат  $(4; 4)$  ва  $(0; 10)$  нуқталарида турибди: А фирма бозорга киради, Б фирма эса ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтиради; ёки А фирма бозорга чиқмайди, Б фирма эса ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтирмайди. Бунга ишонч ҳосил қилиш осон, чунки ушбу нуқталарда иштирокчилардан ҳеч бири ўз стратегиясини ўзгартиришдан манфаатдор эмас.

**Штакельберг бўйича мувозанат.** Фараз қилайлик, биринчи бўлиб А фирма қарор қабул қилади. Агар у бозорга киришга қарор қилса, пировардида  $(4; 4)$  нуқтада бўлади: Б фирманинг танлаши ушбу вазиятда бир хил,  $4 > -2$ . Агар у бозорга чиқмасликка қарор қилса, яқун икки нуқта  $(0;$



10): Б фирманинг қарори иккала вариантни ҳам қўллаш имконини беради. Буни билган ҳолда, А фирма, 4 ва 0 ни таққослаб, ўз фойдасини (4; 4) нуқталарда кўпайтиради. Қарорлар бир хил ва Штакельберг бўйича биринчи мувозанат  $St_A$  (4; 4) нуқталарда бўлади. Ҳудди шу тариқа, биринчи бўлиб қарорни Б фирма қабул қилганда, Штакельберг бўйича мувозанат  $St_B$  (0; 10) нуқталарда бўлади.

**Парето бўйича мувозанат.** Парето бўйича оптимумни аниқлаш учун, биз «Ўйиннинг исталган бошқа якунига ўтиш бир вақтнинг ўзида иккала иштирокчи учун ҳам фойдалиликнинг ошишини таъминлайдими?» деган саволга жавоб бераётиб, ўйиннинг барча тўртта якунини изчил танлаб олишимиз зарур. Масалан, (-3; -2) якундан биз кўрсатилган шартни бажараётиб, исталган бошқа якунга ўтишимиз мумкин. Фақат (4; 4) якундан биз, бунда ўйинчилардан ҳеч бирининг фойдалилигини камайтирмаган ҳолда, ҳаракатлана олмаймиз ва бу Парето бўйича – Р мувозанат бўлади.

**5–мисол.** давлат билан сармоядор ўртасидаги ўзаро муносабатлар ифодаланади. Сармоядорда ҳаракатларнинг иккита варианты мавжуд – мамлакатда инвестицияни амалга ошириш ёки оширмаслик. Давлат эса инвестициялардан олинадиган даромадларга юқори солиқ белгилаши ёки солиқни умуман бекор қилиши мумкин:

Давлат	Сармоядор	
	Инвестиция киритмаслик	Инвестиция киритиш
Солиқ жорий этиш	0; 1	3; 0
Жорий этмаслик	1; 2 [ $St_2$ ]	2; 3 [ $St_1P$ ]

**6-мисол.** Эр-хотин ўртасидаги қатъий шаклдаги кескин вазиятни намоён этади. Эр-хотин иккита муқобил – концертга ёки футболга бориш вариантдан бирини танлаш йўли билан кечки вақтни қандай ўтказишни ҳал этади. Ҳар бирининг фикри равшан: хотин - концертга, эр - футболга боришни афзал кўради. Бунда эр-хотин кечки вақтни биргаликда ўтказишдан ҳордиқ чиқаришни анча паст баҳолашади.

Эр	Хотин	
	Концертга бориш £	Футболга бориш
Концертга бориш	1; 3	0; 0
Футболга бориш £	2; 2 [ $N_1St_1St_2P$ ]	3; 1

Ўйин шуниси билан қизиқки, бу ерда иккала иштирокчида ҳам устун стратегия мавжуд (£) «концертга бориш» – хотин учун, «футбол матчида бориш» - эр учун.

## КЕЙСЛАР

### *Аҳолига маиший хизматлар кўрсатиши*

Харидор (эркак киши) дўкондан куртка сотиб олди. Уни кимёвий усул билан тозалаш корхонасига топширди. У ерда курткани тозалаш вақтида уни йиртиб қўйишди. Мижоз курткани олишдан бош тортиб, компенсация талаб қилди. Бироқ корхонада бу ҳол заводда йўл қўйилган нуқсон туфайли юз

берди деб жавоб қилишди. Кимёвий усул билан тозалаш корхонаси компенсация тўлашдан бош тортиб, мустақил экспертиза хулосасининг такдим этилишини таклиф қилди. Дўконда курткани алмаштиришдан бош тортишмоқда, чунки уни харидор кийган. Дўконнинг чеки ва кимёвий усул билан тозалаш корхонасидан бериган квитанция миждо мавжуд эмас. Харидорга зарарни ким қоплаши керак?

**Саволлар:**

*Кимёвий усул билан тозалаш корхонаси билан миждо ўртасида тузилган шартнома таркибининг асрий қисмларини ажратинг.*

*Шартноманинг тузилиши кимёвий усул билан тозалаш корхонаси ва миждога (уларшартнома тузмаган вазият билан солиштирилганда) қанақа устунликлар беради?*

*Шартномага тозалаш жараёнида буюм шикастланиши мумкинлиги тўғрисидаги огоҳлантиришининг киритилиши кимёвий усул билан тозалаш корхонасининг хатти-ҳаракатида қандай таъсир кўрсатиши мумкин? Мазкур ҳолатда куртканинг сифатини ўлчаши харажатлари кимнинг бўйнига қўйилади? Қайси тараф ўзини оппортунистик тутиши имкониятига эга бўлади?*

*Кимёвий усул билан тозалаш корхонаси билан миждо ўртасидаги тузилган шартнома мукамал ҳисобланадими? Ўз жавобингизни асосланг.*

## ҚУЙИДА КЕЛТИРИЛГАН ФИКРЛАР ТЎҒРИМИ ЁКИ НОТЎҒРИМИ?



**¶ Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!**

1. Адолатлилик муаммосининг долзарблиги -Нэш бўйича ягона мувозанат асимметрик, ютуқнинг ўзаро ҳамкорлик иштирокчилари ўртасида адолатсиз тақсимланиши билан тавсифланади.
2. Бирга бўла олиш муаммоси Нэш бўйича мувозанат мавжуд бўлмаган вазият учун хосдир.
3. Институционал тузоқ -бу расмий ва норасмий қоидалар ўртасидаги ноаниқлилик.
4. Кооператив (коалицияли) ўйинлар – бу Парето-оптималлиги ҳисобланади.
5. Ўйин иштирокчисининг стратегияси яқка иштирокчи таҳлил қилишнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади.
6. Мувофиқлаштириш муаммосининг ҳал этилиши қўшимча институционал шарт-шароитлар жорий этилиши, «фокал нуқталар» ёки келишувлар мавжуд бўлишини талаб этади.
7. Ўйинлар назарияси таркибий жиҳатдан Парето-оптималлиги назариясига ажратилади.
8. Устун стратегиялар мувозанати ва Нэш бўйича мувозанатдан фарқли ўлароқ мувозанатнинг ушбу тури ҳамма вақт мавжуд бўлади.
9. Ўйинлар назариясидаги формал моделни ташкил этиш учун иштирокчи индивидларнинг мавжудлиги қоидаси амал қилади.
10. Штакельберг бўйича мувозанат қарорлар бир вақтнинг ўзида қабул қилинмаган шароитда ўйинчиларнинг максимум фойдалилигига мос келади.



**МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:**

**¶ Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар гаройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.**

1. Ўйинлар назарияси қандай тахминларга асосланади?
  - A. Бир неча мувозанат нуқталари кесишга ва тенг бўлиши.
  - B. Мувозанат нуқталари Парето бўйича оптимум нуқталарига мос келиши шарт эмас.
  - C. Мувозанат даражаси ҳар доим тенг бўлмаслиги мумкин.
  - D. Мувозанат ҳар доим тенг кучли
2. “Нокооператив ўйинлар” назариясидаги мувозанатни биринчи бор таҳлил қилиб чиққанлиги учун иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлган олимларни кўрсатинг?
  - A. Жон фон Нейман ва Оскар Моргенштер.

- В. Райнхад Селтен, Жон Нэш, Жон С.Харсани.  
 С. Р.Коуз, О.Уильямсон ва Д.Норт.  
 D. Г.Демсец ва Р.Познер.
- 3. “Ўйинлар назарияси ва иқтисодий хатти-ҳаракат” (1944) китоби асосчилари кимлар?**
- А. Жон фон Нейман ва Оскар Моргенштер.  
 В. Райнхад Селтен ва Жон Нэш.  
 С. Р.Коуз ва О.Уильямсон.  
 D. Жон С.Харсани ва Г.Демсец.
- 4. Ўйинлар назарияси тадқиқот усулининг ўзига хос асосий белгилари қайси жавобда тўғри берилган?**
- А. индивидларнинг ўзаро шартлашилган хатти-ҳаракатлари вазиятини таҳлил қилиш, ҳар бир шартнинг ҳал этилиши ўзаро ҳамкорлик натижасига ва қолган индивидларнинг қарорларига таъсир кўрсатади.  
 В. индивиддан тортиб то роботгача бўлган омиллар.  
 С. ўзаро ҳамкорликлардаги мувозанатнинг мавжудлиги ва тенг эмаслиги  
 D. шахс иш вақтига тезлик билан келиши ва унинг мувозанатини мавжудлиги
- 5. Ўйинлар назариясидаги формал моделни ташкил этиш учун қайси қоидалар амал қилади?**
- А. Иштирокчи индивидларнинг мавжудлиги, ҳар бир иштирокчининг имкониятлар тўплами.  
 В. Иштирокчининг амалга оширилмаган ишлари  
 С. Иштирокчиларнинг режалари.  
 D. Иштирокчининг расмий фикрлар ва ғоялари.
- 6. Ўйинлар назарияси таркибий жиҳатдан қандай назарияларга ажратилади?**
- А. Кооператив ва коалицияли.  
 В. Нокооператив ва коалициясиз.  
 С. Парето-оптималлиги.  
 D. Кооператив ва нокооператив .
- 7. Таҳлил этиш учун ўйин нечта қисмни ўз ичига олади?**
- А. Учта қисмни.  
 В. Тўртта қисмни.  
 С. Бешта қисмни.  
 D. Олтита қисмни.
- 8. Қайси формулада ўйиннинг асоси кўрсатилган?**
- А.  $G=F(N,St,P)$   
 В.  $N=F(G,St,P)$   
 С.  $St=F(N,G,P)$   
 D.  $P=F(N,St,G)$
- 9. Мувофиқлаштириш муаммосинима сабабдан юзага келади**
- А. ўзаро муносабатлаштирокчиларининг анонимлиги;  
 В. бир неча потенциал мувазанатларнинг мавжудлиги;

- C. соф стратегияларда мувазанатнинг мавжуд эмаслиги;
- D. ўзаро муносабатлар иштирокчилари сонининг ғоят кўплиги.

**10. Фокал нуқта**

- A. Парето-самарали мувазанатни ўзида намоён этади;
- B. мувофиқлаштириш муаммоларини ҳал этиш имконини беради;
- C. жамиятнинг ривожланиш даражаси ҳақидаги ахборот;
- D. индивидлар мувазанатсиз вазиятга тушиб қолганда.



**МАВЗУГА ДОИР МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Нима учун институционал назарияда математик аппарат неоклассикаси учун анъанавий ҳисобланган математик аппарат тилидан эмас, балки ўйинлар назариясидан фойдаланилади?
2. Индивидлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг қайси асосий муаммолари ўйинлар назарияси ёрдамида моделлаштирилади?
3. Кооператив ва некооператив назарияларнинг хусусиятларини изоҳланг?
4. Устун стратегияли мувозанатни шарҳлаб беринг?
5. Нэш бўйича мувозанатни шарҳлаб беринг?
6. Штакельберг бўйича мувозанатни, Парето бўйича мувозанатдан фарқини тушунтиринг?
7. Фокал нуқта деганда нимани тушунасиз?
8. Таҳлил этиш учун ўйин нечта қисми ўз ичига олади?
9. Ўйин иштирокчисининг стратегияси - деб нимага айтилади?
10. Ўйинлар назарияси таркибий жиҳатдан қандай назарияларни ўз ичига олади?

#### 4-МАЗВУ. РЕЖА ИНСТИТУТИ ВА БОЗОР ИНСТИТУТИ

##### АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Иқтисодиёт конституцияларининг шаклланиши.
2. Буйруқбозлик иқтисодиёти нормалари.
3. Бозор конституцияси нормалари.
4. Рационал мақсадли феъл-атворнормаси.
5. Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий асослаш.

##### МАЗВУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4707-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 4.03.2015

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги (ПП-2298) “2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар бутловчи қисмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 11.02.2015

3. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Ўқув қўлланма. 2-нашр, қайта ишланган. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. –36-46 б.

4. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008. -С 36-42.

5. Лемещенко П. С. Институциональная экономика: Учеб.пособие. – Мн.: ООО «ФУАинформ», 2003. – 341-351 С.

6. У.Сэмюэлс Институциональная экономическая теория // Панорама экономической мысли XX столетия. Под ред. Д. Гринуэя, М. Блини, И. Стюарта. – СПб: Экономическая школа, 2006. -31-36 б.

7. Қобилов Ш. Р. Иқтисодиёт назарияси:Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 158-184 б.

8. <http://www.jstor.org/action/showPublisher?publisherCode=aea>.

9. <http://www.jstor.org>

10. [www.weforum.org/ger](http://www.weforum.org/ger)

11. [www.oecd.org/publishing](http://www.oecd.org/publishing)

12. <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси веб сайти.

13. [www.wordbank.org](http://www.wordbank.org) -Жаҳон Банки маълумотлари.

##### МАЗВУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

♣ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

♣ *Эсда тутинг!*

**Бозор конституцияси**– бозорда битимларни амалга ошириш ва унда мувозанатга эришиш имконини берувчи хатти-ҳаракатларнинг ўзаро шартланган нормалари йиғиндисини ташкил этади.

**Иқтисодиёт конституцияси**- деб индивидларнинг иқтисодий фаолият юритишини таъминловчи нормалар тизимига айтилади.

**Мураккаб утилитаризм** – индивид томонидан ўз фойдалилигининг самарали фаолият асосида оширилишидир.

**Оддий утилитаризм** – индивиднинг самарали фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ўз фойдалилигини оширишга интилишидир.

**Эмпатия**- бунда индивид ўзини ҳамкор ўрнига қўйиб кўради ва унинг барча кечинмалари, қизиқишлари ва мўлжалларини бозор субъекти сифатида ўзидан ўтказишга ҳаракат қилади.

**Легализм**- бунда қонунни ҳурмат қилиш ва ўз ихтиёрига кўра, унга бўйсиниш тушунилади.

**Рационал мақсадли феъл-атвор(хулқ, хатти-ҳаракат)нормаси** – бу фойдалиликни муайян вазифаларнинг ҳал этилиши билан боғлаган ҳолда оширишни муайянлаштиради.

**Мулкчилик ҳуқуқлари**- индивидлар ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатлардаги ноаниқликни камайтирувчи институтлардан бири ҳисобланади.

**Сабр чегараси** деганда низолар ва кескинликлар жамланишининг ундан кейин иқтисодий агентлар шикоят қила бошлайдиган ва норозилик намойиш этадиган даражаси тушунилади.



#### МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МИСОЛЛАР ВА КЕЙСЛАР:

**Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!**

**1–мисол.** Европа ҳамжамиятининг МДҲ мамлакатларига техник кўмаклашиш дастури (TACIS) бюджети 2001-2005 йилларда 2268 млн. экюни ташкил қилди. Мисол тариқасида мазкур Дастур доирасида қўллаб-қувватланган 2200 та лойиҳадан бирини кўриб чиқамиз (лойиҳа бюджети 4 млн. экюни ташкил қилди). Лойиҳанинг номи: "Бозор иқтисодиётига ўтишда ҳуқуқий давлатни ва ҳуқуқий таълимни кучайтириш". Лойиҳанинг мақсади: бозор иқтисодиётига ўтишнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳақиқат эканлигига мос келувчи қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ёрдам кўрсатиш; қонунларни амалга ошириш механизмлари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш; ишлаб чиқиладиган лойиҳаларни Европамамлакатларининг қонунчилигига мувофиқлаштириш; ҳуқуқ соҳасидаги профессионаллар учун махсус таълим дастурларини ишлаб чиқиш. Лойиҳа қуйидаги соҳалардаги қонунчиликни ислоҳ қилишга йўналтирилган: корпоратив ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, жиноий ҳуқуқ. Лойиҳанинг амалга оширилиши билан боғлиқ харажатлар табиатини таснифлан.

а) расмий институтларни импорт қилиш харажатлари;

- б) амалдорлар ва мутахассисларни ўқитиш харажатлари;
- в) янги қонунларнинг қабул қилинишига босим ўтказиш харажатлари;
- г) янги қонунлар ҳақидаги ахборотни тарқатиш харажатлари;
- д) қонунга бўйсунуш нархи;

**Жавоб: ж),** кўриб чиқиладиган лойиҳанинг амалга оширилиши расмий институтларни импорт қилишни (қонунлар лойиҳаларини Ғарбий Европа намуналари асосида ишлаб чиқишни), ҳуқуқ соҳасидаги амалдорлар ва мутахассисларни ўқитишни, янги қонунларнинг қабул қилинишига босим ўтказиш (шу жумладан лойиҳа доирасида ўқитилган амалдорлар оралиқ), янги қонунлар ҳақидаги ахборотни тарқатиш (бир қатор семинарларни ташкил этиш оралиқ).

**2–мисол. Фермерларнинг яйловларан фойдаланиш имкониятлари**

Кўрсаткичлар		2-фермер	
		Биринчи яйловда ўтлатиш -P <sub>2</sub>	Иккинчи яйловда ўтлатиш -1- P <sub>2</sub>
1-фермер	Биринчи яйловда ўтлатиш - P <sub>1</sub>	2; 2	8; 4 [N <sub>2</sub> P <sub>2</sub> P St <sub>1</sub> ]
	Иккинчи яйловда ўтлатиш -1- P <sub>1</sub>	4; 8 [N <sub>1</sub> P <sub>1</sub> St <sub>2</sub> ]	1; 1

**Ечиш:** Ушбу ҳолатда Парето бўйича оптималлик нуқтаи назаридан иккита бир хил якун (4; 8) ёки (8; 4) мавжуд. Якунлардан бирини қайд этувчи институционал қарорлар бир нечта бўлиши мумкин. Улардан энг оддийси яйловдан фойдаланишдаги устуворликни унга биринчи бўлиб ўз подасини олиб келган фермерга берувчи қонунни қўллашдан иборат. Қилиш тартиби бўйича ноёб ресурс (яйлов)ни тақсимлаш – навбатинститут фаолият кўрсатишининг асосида ётувчи тамойиллардан бирини асос эттиради. Бироқ навбат институтидан фойдаланиш подани қайси яйловга олиб бориш тўғрисида қарор қабул қилиш вақтида фермерларнинг иккиланишини камайтирмайди, балки оширади. Бундан ташқари, иккиланиш ундан кейин ҳам ҳар сафар яйловни танлашда такрорланади.

Яйловда мулкчилик ҳуқуқларининг ўрнатилишига масалани ҳал этишнинг муқобил варианты бўлади. Масалан, 1-фермер биринчи яйловнинг, 2-фермер эса иккинчи яйловнинг мулкдори ҳисоблансин. Ҳатто фермерларнинг нафлиги нуқтаи назаридан бундай қарорнинг номуносивлигини ҳисобга олган ҳолда, *иккаласининг* ҳам манфаатлари йўлида мулкчилик ҳуқуқларини тан олиш ва ҳурмат қилиш лозим. Кам ҳосилли яйловни олувчи иккинчи фермернинг мулкчилик ҳуқуқлари жорий этилгунга қадар ва ундан кейинги нафлигини таққослайлик.

Мулкчилик ҳуқуқлари ўрнатилгунга қадар иккинчи фермер, агар у подасини биринчи яйловга олиб борса,  $2 P_1 + 8 (1 - P_1) = 8 - 6P_1$  га, агар у подасини иккинчи яйловга олиб борса,  $4 P_1 + 1 (1 - P_1) = 3P_1 + 1$  га эга бўлади. Сўнгра, иккинчи фермер томонидан биринчи яйловнинг танланиши эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда,  $P_1, EU = P_2 (8 - 6P_2) (3P_1 + 1)$  га, оддий ҳолатда



$P_1 = P_2 = 1/2$  га эга бўламиз, бу  $EU = 3,75$  ни беради. Мулкчилик ҳуқуқлари ўрнатилганидан кейин эса иккинчи фермерга 4; яъни,  $4 > 3,75$  га тенг бўлган ютуқ кафолатланган.

**3-мисол. ОўЮга** ўқишга киришда ота-оналар ўзининг фарзандларини абитуриент сифатида “суғурта қилиш” учун ўз вақтида абитуриентнинг отаси билан бир мактабда ўқиган декан ўринбосари билан узоқ вақтдан буён сақланиб келаётган алоқадан фойдаланишга қарор қилишади. Бундай хатти-ҳаракат кўпроқ уй хўжалигининг қайси хилига **хос**?

- а) бозор;
- б) ўтиш;
- в) буйруқбозлик;
- г) в) ёки б).

**Жавоб:** г), буйруқбозлиқиқтисодиёти доирасида алоқа уй хўжалигининг фаолият кўрсатишида асосий ролни ўйнади. Шунинг учун оила фаровонлигининг даражаси айнан кенг ва табақаланган алоқаларнинг мавжудлиги билан белгиланди. Иккинчи томондан, ўтиш иқтисодиётида алоқалар уй хўжалигининг ресурсларидан бири бўлгани ҳолда муҳим роль ўйнашда давом этмоқда (Роузнинг фикрига кўра, алоқалар ва поралардан фойдаланиш «ресурс портфели»нинг олтита қисмидан бири сифатида иштирок этади).

### **КЕЙСЛАР**

#### **Кўшма тижоратнинг пайдо бўлиши ёки «Келинг уйлар билан дўстлашайлик»**

Янги «*Далойит маслаҳат*» тадқиқотиға мувофиқ савдо шериклари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тармоғини яратиш — бизнесда ўсишга эришиш калити. «Компаниялар ўзининг рақобат жиҳатдан устунлигини савдо шерикларининг динамик экотизими билан тобора мустаҳкам боғлаган ҳолда рақобат тарзида катта ўзгаришларни бошдан кечирмоқда» — дейилади Нью-Йорк «*Далойит маслаҳат*» тадқиқотида. Бизнес соҳасидаги 300 та етакчидан олинган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, қарорларнинг биргаликда қабул қилиниши, ҳужжатлар ва маълумотлар айланишини автоматлаштирилиши бизнеснинг ўсишини 70 фоиздан кўпга оширади.

«Кўшма тижорат компанияларға кўшма корхонани бошқариш усулини ва изчил жараёнларни баҳолашни яхшилаш имконини беради», — дейди Джон Феррейра, «*Далойит маслаҳат*» шериги — «Турли компанияларда ишбилармонлик жараёнлари ахборот тизимларининг муваффақиятли интеграциялашуви уларға рақобатда катта устунликни берди — ушбу компаниялар ўз фойдасини яхшироқ англаб етмоқда, катта фойда олмоқда, бозорнинг катта сегментига эга бўлмоқда».

«*Далойит*»ға мувофиқ энг муваффақиятли компаниялар унда компания ва унинг энг муҳим савдо шериклари бир занжирнинг яхши йўлга қўйилган буғини каби ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қиладиган вазиятни яратишди.

«Далойит» тадқиқоти натижалари шуни кўрсатмоқдаки, компанияларнинг деярли тўртдан уч қисми баҳамжихат ҳаракатларни ўзининг олий мақсади деб ҳисоблашади, бошқа компаниялар билан ишбилармонлик жараёнларини уйғунлаштирган компаниялар эса ўзининг савдо шериклари билан интеграциялашмаган компанияларга қараганда 70 фоизга кўп фойда олишмоқда. Ушбу рақамлар икки йил олдин ўтказилган ана шундай тадқиқот натижаларига қараганда 20 фоизга ошди.

Шунингдек, мазкур тадқиқот компанияларнинг тобора кўпчилиги ушбу тамойилни амалга оширишга кириша бошлаётганлигини кўрсатмоқда. Катта корхоналар (5 млрд. доллардан кўп айланма маблағларга эга бўлган компаниялар)нинг 33 фоизи дастлабки дастурларни амалга оширишни бошлаб юборди, яна 45 фоизи дастлабки лойиҳани режалаштирмоқда. «Далойит» таҳлилчиларининг фикрига кўра, 2012 йилга келиб компанияларнинг 85 фоизи қўшма тижорат борасидаги айрим ташаббусларни ҳаётга татбиқ этмоқда.

### **Саволлар:**

*«Далойит маслаҳат» тадқиқотига мувофиқ қанақа муаммоларни тармоқ ичидаги ўзаро ҳамкорлик орқали ҳал этиши мумкин? Қўшма тижоратни ташкил этиши ва юритиши жараёнида корхоналарда қанақа харажатлар юзага келиши мумкинлигини тахмин қилинг?*

## ҚУЙИДА КЕЛТИРИЛГАН ФИКРЛАР ТЎҒРИМИ ЁКИ НОТЎҒРИМИ?



**Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!**

1. Иқтисодиёт конституцияси буйруқбозлик ва бозор тизимларидаги ўзаро зид нормаларга амал қилади.
2. Буйруқбозлик иқтисодиётининг нормалар тизими сурункали тақчиллик, яъни ресурсларнинг етишмаслигини ўзида намоён этади.
3. Тақчилликнинг маълум даражада барқарорлашуви ҳамда иқтисодий агентлар ушбу даражага мослашуви тизимда нормал тақчиллик ҳолатини юзага келтиради.
4. Оддий утилитаризм индивиднинг самарасиз фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ўз фойдалилигини оширишга интилишидир.
5. Буйруқбозлик иқтисодиётининг биринчи нормаси оддий ва чекланган утилитаризмдан иборат.
6. Ишонч нормаси иккита шаклда давлатга ишонч сифатида ва бир бирини яхши билган шахслар доираси билан чекланган микродаражадаги ишонч сифатида мавжуд бўлади.
7. Бозорлардаги барқарор мувозанат бозор нормаларидан фойдаланмаслик натижаси ҳисобланади.
8. Мураккаб утилитаризм индивид томонидан ўз фойдалилигининг самарали фаолият асосида оширилишидир.

9. Оддий утилитаризм фойдалиликни оширишни рентани излашга ва юқори фойда олишга айлантиришни назарда тутди.
10. Рационал мақсадли феъл-атвор индивиднинг рационал қўйилган ва ўйланган мақсадга эришиш учун ташқи олам предметлари ва инсонларнинг маълум феъл-атворидан фойдаланишини назарда тутди.



#### МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

*✦ Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

- 1. Иқтисодиёт конституцияси – нима?**
  - A. Индивидларнинг иқтисодий фаолият кўрсатишини таъминловчи нормалар тизими.
  - B. Бозор иқтисодиёти нормаларига.
  - C. Расмий нормалар тизими.
  - D. Норасмий нормалар тизими.
- 2. Иқтисодиёт конституцияси қандай нормаларга амал қилади?**
  - A. Индивидларнинг иқтисодий фаолият кўрсатиши.
  - B. Буйруқбозлик ва бозор тизимларидаги ўзаро зид нормаларга.
  - C. Бозор иқтисодиёти нормаларига.
  - D. Норасмий нормалар тизими.
- 3. Бозор конституциясида қўлланиладиган нормаларнинг таркибий тузилиши қайси жавобда тўғри келтирилган?**
  - A. Мураккаб утилитаризм ва рационал мақсадли феъл-атвор, эмпатия.
  - B. Бозор иқтисодиёти нормаларига.
  - C. Ижобий эркинлик асосидаги қонунларга.
  - D. Норасмий ва расмий қоидаларга.
- 4. Буйруқбозлик иқтисодиёти конституциясида қўлланиладиган нормаларнинг таркибий тузилиши қайси жавобда тўғри келтирилган?**
  - A. Оддий утилитаризм ва мафкуравий қадрият рационаллиги.
  - B. Персонификацияланмаган ишонч.
  - C. Қонунга бўйсунмаслик.
  - D. Расмий қоидалар.
- 5. Бозор конституцияси – нима?**
  - A. индивиднинг самарали фаолияти билан боғлиқ бўлмаган интилишидир.
  - B. бозорда битимларни амалга ошириш ва унда мувозанатга эришиш имконини берувчи хатти-ҳаракатларнинг ўзаро шартланган нормалари йиғиндисини ташкил этади.
  - C. индивиднинг қулай ҳаёт шароити.
  - D. Расмий қоидалар асосида.
- 6. Мураккаб утилитаризм – нима?**
  - A. индивиднинг самарали фаолияти билан боғлиқ бўлган интилишидир.
  - B. бозорда битимларни амалга ошириш ва унда мувозанатга эришиш.

- C. индивид томонидан ўз фойдалилигининг самарали фаолият асосида оширилишидир.
- D. индивиднинг қулай ҳаёт шароити.
- 7. Рационал мақсадли феъл-атвор(хулқ, хатти-ҳаракат)нормаси – нима?**
- A. фойдалиликни муайян вазифаларнинг ҳал этилиши билан боғлаган ҳолда оширишни муайянлаштиради.
- B. индивиднинг самарали фаолияти билан боғлиқ бўлмаган интилишидир.
- C. бозорда битимларни амалга оширишдир.
- D. мувозанатга эришиш имконини берувчи хатти-ҳаракатлар.
- 8. Эмпатия – нима?**
- A. индивид ўзини ҳамкор ўрнига қўйиб кўради, унинг барча кечинма, кизиқиш ва мўлжалларини бозор субъекти сифатида ўзидан ўтказиш.
- B. индивид расмий нормаларга амал қилмайди.
- C. индивиднинг самарали фаолияти пулда ифода этилади.
- D. индивид шартномани икки томонлама тузади.
- 9. Легализм – нима?**
- A. кизиқишларини бозор субъекти сифатида ўзидан ўтказиш.
- B. индивид расмий нормаларга амал қилмайди.
- C. қонунни ҳурмат қилиш ва ўз ихтиёрига кўра, унга бўйсиниш тушунилади.
- D. индивид шартномани икки томонлама тузади.
- 10. Амал қилиш характериға қараб бозор қандай таснифға эга?**
- A. тартибсиз (стихияли), тартибли, бошқариладиган бозор;
- B. тартибли, бошқариладиган, қулай бозор;
- C. аралаш, тартибли, бошқариладиган бозор;
- D. қонуний, тартибли, бошқариладиган бозор;



### МАВЗУГА ДОИР МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Агар буйруқбозлик иқтисодиёти ҳатто сурункали тақчиллик мавжуд бўлганда ҳам барқарор тизимни ўзида намоён этган бўлса, у ҳолда ўтиш иқтисодиётининг туб беқарорлигининг сабаблари нимада?
2. Бозор конституцияси деганда нимани тушунаси?
3. Буйруқбозлик иқтисодиёти конституциясида қўлланиладиган нормаларнинг таркибий тузилиши юзасидан фикрингиз?
4. Бозор конституцияси ўз ичига қандай нормаларни олади?
5. Буйруқбозлик иқтисодиётининг нормалар қандай унсурларни ўз ичига олади?
6. Буйруқбозлик иқтисодиётининг унсури ҳисобланган утилитаризм нормаси утилитаризмнинг бозор нормасидан қандай фарқ қилади?
7. Иқтисодиёт конституцияси деганда нимани тушунаси ва унга мисоллар келтиринг?

8. Иқтисодиёт конституцияси тушунчасининг моҳиятини шарҳланг.
9. “Сен – менга, мен – сенга” буйруқбозлик иқтисодиётининг нормасини тушунтириб беринг? Бунда қандай фикрлар илгари сурилган.
10. Утилитаризм билан эмпатияни бир биридан фарқини тушунтириб беринг?

## **5-МАВЗУ: ТРАНСАКЦИЯ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШГА НИСБАТАН ЁНДАШУВЛАР**

### **АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:**

1. Трансакция харажатлари, уларни таҳлил қилишга нисбатан Коуз-Уильямсон ёндашуви?
2. Трансакция харажатларини оптималлаштириш тажрибаси?
3. Ўзбекистон Республикасида трансакция харажатларини оптималлаштириш чора-тадбирлари?
4. Трансформация харажатлари, уларни таҳлил қилишга нисбатан Норт ёндашуви?
5. Микродаражада трансакция ва трансформация харажатлари.

### **МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4707-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 4.03.2015
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги (ПП-2298) “2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар бутловчи қисмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 11.02.2015
3. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Ўқув қўлланма. 2-нашр, қайта ишланган. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. –44-60 б.
4. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008. -С 43-48.
5. Беркинов Б.Б., Эргашхўжаева Ш.Дж., Маматова Ф.Х. Трансакциялар ва трансакция харажатлари назарияси асослари. –Т.: Иқтисодиёт, 2013. -65 б.
6. Лемещенко П. С. Институциональная экономика: Учеб. пособие. – Мн.: ООО «ФУАинформ», 2003. – 102-135 С.
7. <http://www.jstor.org>
8. [www.weforum.org/ger](http://www.weforum.org/ger)
9. [www.oecd.org/publishing](http://www.oecd.org/publishing)
10. <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси веб сайти.
11. [www.wordbank.org](http://www.wordbank.org) -Жаҳон Банки маълумотлари.
12. <http://www.lex.uz> - Ўзбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.

13. <http://www.mineconomi.uz>.

14. <http://www.mf.uz>- Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги веб-портали.

### МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

☞ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

☞ *Эсда тутинг!*

**Трансакция** – шартнома шаклига эга бўлган битим.

**Трансакция харажатлари** – бу ишлаб чиқариш жараёни билан бағлиқ бўлмаган харажатлар, хусусан ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш харажатлари, мунозараларни ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш харажатлари, шартномаларнинг бажарилишини назорат қилиш ва ҳуқуқий ҳимоялаш харажатлари.

**Трансакция харажатлари** – бу мулкчилик ҳуқуқларини алмашиш ва ҳимоялаш билан боғлиқ барча харажатлар.

**Трансформацион харажатлар** – иқтисодий тизимдаги эски институтларни тугатиш, янги институтларни шакллантириш (ёки импорт қилиш) ва мослаштириш билан боғлиқ харажатлар.

**Трансакция харажатлари** – ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш харажатлари, музокаралар олиб бориш ва қарорлар қабул қилиш, шартноманинг бажарилишини назорат қилиш ва юридик ҳимоялаш харажатлари.

**Микродаражада трансакция харажатлари** – бу корхонада ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ҳисобланади.

**Трансформация харажатлари** – бу эски институтларни тугатиш, иқтисодий тизимда янги институтларни шакллантириш (ёки импорт қилиш) ва мослаштириш билан боғлиқ харажатлар.



### МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МИСОЛЛАР ВА КЕЙСЛАР:

☞ *Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

**1–мисол.** Одатда ўқитувчи талабаларга нисбатан кўядиган талаблар эмпатия (бирга қайғуриш) нормаларига мисол бўладими?

- а) ҳа;
- б) йўқ.

Жавоб: **б)**, чунки ўқитувчи унинг ўзи ҳам қачонлардир талаба бўлганлиги, унга ҳам бир йўла барча фанлар бўйича тайёргарлик кўриш тўғри зарур бўлганлиги, унинг қизиқишлари Х фан, хусусан, умуман ўқув дастури билан чекланмаганлиги ҳақида унутиб қўяди.

**2–мисол. Қанақа** трансакция харажатлари иқтисодиётда келишувлар назарияси нуқтаи назаридан ўта катта?

- а) ахборотни қидириш;
- б) мониторинг ва оппортунизмнинг олдини олиш;
- в) ўлчаш;
- г) музокаралар олиб бориш;
- д) шартнома тузиш.

Жавоб: а) ва б), **келишувлар назарияси трансакция харажатлари ўсишининг асосий омили сифатида** иқтисодий муҳитнинг бир хил эмаслигига эътиборни қаратади. Иқтисодиётда **келишувлар** нисбати ўта беқарор, бу иқтисодий агентларга умумий қабул қилинган “ўйинлар қоидалари” асосида ҳаракат қилишга ҳалақит беради. Бундай шароитда ахборотни қидириш **харажатлари** (ахборотнинг якуний манбаи мавжуд эмас) ва мониторинг **харажатлари** ўта юқори, чунки ахборотнинг асимметриклиги ва умумий қабул қилинган “ўйинлар қоидалари”нинг мавжуд эмаслиги оппортунистик хатти-ҳаракат учун замин ҳозирлайди.

**3–мисол. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда** трансакция секторининг жадал ўсиши омили, тақиқланадиган даражада юқори бўлган трансакция харажатлари **иқтисодий ривожланишнинг чегараларидан бири эканлигини англатадими?**

а) ҳа;

б) йўқ.

Жавоб: **б)**, трансакция сектори динамикасининг ўзи эмас, балки бир трансакцияга ҳисоблаганда **трансакция харажатларининг** динамикаси муҳим. Агар а) трансакция сектори ЯММга қараганда паст суръатлар билан ўсса, б) давлат трансакция секторининг ўсиш суръатлари умуман трансакция секторининг ўсиш суръатларидан юқори бўлса, трансакция секторининг ўсиши ҳолатида бир трансакцияга ҳисоблаганда **трансакция харажатлари** камайиши мумкин.

## КЕЙСЛАР

### *1. Квартирани қандай қилиб ижарага олиш тўғри бўлади – ижарачига маслаҳатлар*

Квартирани ижарага олиш – ҳозирги вақтда таваалчиликка қўл уришга тўғри келадиган масалалар жумласига киради. Ижарага берувчи тусатдан ижара ҳақини ошириши, сизни муддатидан олдин чиқариб юбориши, ижарага олинган уй-жойни таъмирлаш муносабати билан сиз қилган харажатларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида “унутиб қўйиши” мумкин. Мисол учун, сиз квартирани ижарага олиб, кўчиб ўтдингиз (буюмларни ташиш учун машина ёлладингиз, – кўчиш учун сарф-харажат қилдингиз, барча етишмайдиган нарсалар (кастрюллар, чойнаклар, унитаз учун қопқоқ ва х.к.)ни харид қилиш мақсадида дўконларга бориш учун дам олиш куни олдингиз. Квартирага алоҳида ажратилган интернет линиясини ўтказдингиз, интернет хизмати ҳақини 2 ой олдинга тўлаб қўйдингиз, болани янги яшаш

жойидаги боғчага жойлаштирдингиз ва ҳ.к.). Лекин икки ҳафта ўтгач квартира эгаси келиб сизга кечагина қўшниси Эркин тоғадан билиб олган янгиликни, яъни сизни квартирага шунча арзон қўйиб ҳато қилганлигини, аслида унинг квартираси икки марта қиммат туришини айтади. Бу сиз квартирани ижарага олганда юз бериши мумкин бўлган вазиятлардан бири, холос. Лекин вазиятнинг бундай яқун топиши ҳолатларини кескин камайтириш мумкин. Бунинг учун бир неча қоидаларга амал қилиш керак. Қўйида биз Сизга квартирани қандай қилиб ижарага олиш кераклиги, квартира эгасида қанақа ҳужжатлар бўлиши лозимлиги ва уй-жойни ижарага олиш шартномасининг шартларига кўра ким нимага жавоб бериши ҳақида ҳикоя қиламиз.

Ижарага олувчи квартира эгаси уни исталган вақтда чиқариб юбориши мумкин деб ўйлаб ҳато қилади. Бу, юмшоқ қилиб айтганда, ундай эмас. Ижарага берувчи ижарага олувчини шартноманинг амал қилиши муддати тугагунга қадар чиқариб юборишга ҳақли эмас. Агар ижарага олиш шартномаси бир йил ва ундан кўп муддатга тузилган бўлса, ижарага олувчи янги муддатга шартнома тузиш учун бошқа шахслар олдида устунликка эга. Шунинг учун ижарага олувчилар бизга “шунчаки ёқмай қолди” (улар шартноманинг ҳеч қанақа шартларини бузмаган бўлса-да) ва биз ўзимизга кўпроқ мос келадиган кишиларни топдик қабилидаги барча гап-сўзларда ҳеч қандай маъно йўқ. Сизни фақат қонунда белгиланган ҳолатларда ёки шартнома шартлари бузилган ҳолатларда (масалан, агар сиз уй-жой учун ижара ҳақини тўламаган бўлсангиз) суд тартибида муддатидан олдин чиқариб юбориши мумкин.

Эътибор қаратинг: биз юқорида келтирган ва қўйида келтирадиган барча ҳолатларда асосий сўз – бу «шартнома». Лекин уй эгаси «квартирага шунчаки одам қўйса», одатда ҳеч қандай шартнома ҳақида сўз бормайди. Қоидага кўра, нимадир ҳақида оғзаки келишилади, жуда бўлмаса, қандайдир қоғозга имзо чекишади, лекин агар кейинчалик низо келиб чиқадиган бўлса, ушбу қоғозча бўйича ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг деярли иложи бўлмайди.

### **Саволлар:**

1. Ижара ҳақини оширувчи уй эгасининг хатти-ҳаракат оппортунистик хатти-ҳаракатнинг қайси турига киритиш мумкин?
2. Нима учун квартираэгаси ўзини оппортунистик тутиш имкониятига эга бўлади?
3. Нима учун ижара шартномаси оппортунистик хатти-ҳаракат эҳтимолини пасайтиришимкони берилади, тарафлар ҳамма вақт ҳам уни тузишмайди?

### ***2. Зирани харид қилишда қандай қилиб оппортунистик хатти-ҳаракатнинг олдини олиш мумкин***

Зиранинг табиатда икки хил нави учрайди. Йирик донали зира Қорасу супермаркетида 1 килограми 80-85 минг сўм туради. Зиранинг майда



хилининг 1 килограми 15-20 минг сўм туради. Зира овқатни таъмини яхшилаш учун фойдаланилади. Синаб кўрмаган харидорлар кўпинча ушбу иккинчи навли зирани биринчи навли деб ҳисоблаган ҳолда катта миқдорда харид қилишади. Умуман олганда зиралар харидорининг энг биринчи муаммоси – бу қаллоб ва фирибгар сотувчилардир. Улар учун иккинчи навли ва қисман йирик донли зирани аралаштириб (омухта қилиб) харидорларга таклиф этиш умуман қийинчилик туғдирмайди. Бунда арзон зиралар йирик навли қимматбаҳо зиралар ҳиди билан шунчалик тўйинадики, уларни техник жиҳатдан ажратиш бўлмайди. Фақат кейинчалик, овқатга ишлатиш вақтида иккинчи навли зирадан умуман бошқача ҳид таралади.

Зира ҳақиқатдан ҳам йирик навлими ёки шунчаки у билан иккинчи (паст) навли зира билан бирга сақланганми – бу улкан жавобсиз масала ҳисобланади.

### Саволлар:

1. Иккинчи навли зирани юқори навли йирик зира деб сотувчи қаллоб сотувчиларнинг хатти-ҳаракати оппортунистик хатти-ҳаракатнинг қайси турига киради? Ўз жавобингизни асосланг.
2. Нима учун қаллобларда ўзини оппортунистик тутиш имконияти мавжуд?
3. Зира (ўлчаш харажатларининг миқдорига кўра) товарларнинг қайси турига киради?
4. Мазкур вазиятда зирасифатини ўлчаш харажатлари кимнинг зиммасида бўлади?
5. Зирасифатини ўлчаш харажатларини қандай қилиб пасайтириш мумкин?

### ҚУЙИДА КЕЛТИРИЛГАН ФИКРЛАР ТЎҒРИМИ ЁКИ НОТЎҒРИМИ?



**Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!**

1. Трансакцион ёндашувни қўллашдаги ўзига хос мураккабликлар шундан иборатки, айрим трансакция харажатлари ушбу турдаги харажатларнинг пайдо бўлишига олиб келган трансакцияларнинг мавжуд эмаслиги туфайли тафсилланиши ва ҳисоблаб чиқиши мумкин эмас. Бундай харажатларнинг ушбу турлари “виртуал харажатлар”, деб аталади.
2. Трансформация харажатларининг турларини таҳлил қилиш ўтиш иқтисодиётига бўлган мамлакатларда уларнинг ўсиш механизмини тушунириш имконини беради.
3. Трансакция харажатлари назарияси доирасида ўтказиладиган тадқиқотларни микро ва макродаражаларга бўлиш мумкин.
4. Макродаражада трансакция харажатларини таҳлил қилишга нисбатан Коуз – Уильямсон ёндашуви трансакцион ёндашув, деб юритилса, макродаражада Норт ёндашуви трансформацион ёндашув, деб юритилади.

5. Жамиятнинг унинг аввалги ривожланиш йўналишига боғлиқлигини белгилаб берувчи йўналишга институционал матрица деб аталади.
6. Бозорни эгаллаб олиш бўйича қатъий курашда иштирок этувчи кўп сонли иқтисодиёт субъектларнинг фақатгина бир қисми ўз лойиҳаларини амалга оширади орқали амалга оширилади.
7. Ўзбекистонда трансакция хизматлари давлат ва нодавлат секторлари такшилотлари томонидан олиб борилади.
8. Трансакция хизматларни кўрсатувчи нодавлат ташкилотлари Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, ахборот-маслаҳат ва консалтинг марказлари, мулкни баҳоловчи ташкилотлар, маркетинг хизматлари ва бошқа идоралар тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, маслаҳат ва ахборот хизматларни кўрсатади.
9. Трансакция харажатларининг таркибига фақатгина муайян маҳсулотни сотиш бозорларининг ўзига хос хусусиятлари катта таъсир кўрсатади.
10. Ўтиш иқтисодиётида трансформация харажатларига фақатгина ресурсларни инвестициялаш асосида барпо этишга йўналтириш.



#### МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

*✦ Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

- 1. Фундаментал трансформация деб нимага айтилади:**
  - A. трансакцияларни икки томонлама бошқаришга ўтиш;
  - B. трансакцияларни уч томонлама бошқаришга ўтиш;
  - C. трансакцияларни ягона бошқаришга ўтиш;
  - D. тўғри жавоб йўқ.
- 2. Ноқулай танлаш қандай юз беради**
  - A. «принципал - агент» муносабатларида;
  - B. ахборот ҳисобига;
  - C. ахборотни олиш ҳисобига;
  - D. юқори танлаш имконияти ҳисобига.
- 3. Нима ноқулай танлашга қарши курашиш механизми ҳисобланмайди**
  - A. мажбурлаш;
  - B. рационирлаш;
  - C. фильтрация;
  - D. сигналлар.
- 4. Трансакцияларнинг қанақа хилларибозор муносабатларини ўзаро боғлиқлик муносабатларига фундаментал айлантиришга сабаб бўлиши мумкин:**
  - A. специфик активлар иштирокида такрорланадиган битим;
  - B. носпецифик активлар иштирокида бир марталик битим;
  - C. носпецифик активлар иштирокида такрорланадиган битим;
  - D. специфик активлар иштирокида бир марталик битим.

- 5. Коуз нуқтаи назаридан, фирмалар қуйдагилар туфайли мавжуд бўлади**
- A. бозор механизми фаолият кўрсатиши харажатларининг мавжудлиги;
  - B. фойда олиш имконияти;
  - C. шартномавий мажбуриятлар;
  - D. иерархиянинг мавжудлиги.
- 6. Фирманинг ўлчами нима билан белгиланади**
- A. бозорда ва фирманинг ичида трансакцияни ташкил этиш харажатларининг нисбати билан;
  - B. ўз эгасининг истаклари ва молиявий имкониятлари билан;
  - C. ишлаб чиқаришхаражатларидаги ишлаб чиқариш ва трансакция таркибий қисмларининг нисбати билан;
  - D. фирма ассортиментида экспериментал ва инспекцион товарларнинг нисбати билан.
- 7. Иқтисодиётдотрансакция харажатлари баъзан жисмоний тизимдаги ихтилоф билан таққосланади, чунки**
- A. улар кўпинча худди жисмоний вазифаларни ҳал этишдаги ихтилоф каби иқтисодий вазифаларни ҳал этишда инкор этилади;
  - B. бундай таъриф трансакция харажатларини ўлчашни осонлаштиради;
  - C. ушбу харажатлар, худди ихтилоф каби, - айнан «мувазанатга етишмаётган нарса»;
  - D. харажатлар ҳисобига амалга оширилади
- 8. Трансакция харажатлари**
- A. ҳеч қачон нолга тенг эмас;
  - B. фирманинг ичидаги ўзаро муносабатларда нолга тенг;
  - C. Робинзон Крузо иқтисодиётида нолга тенг;
  - D. норасмий харажатлар.
- 9. Иқтисодий агентнинг ахборотни излаш, шартномани тузиш, мулк ҳуқуқларини расмийлаштириш харажатлари**
- A. тўғридан-тўғри трансакция харажатларига киради;
  - B. муқобил трансакция харажатларига киради;
  - C. мотивациялаш харажатларига киради;
  - D. трансакция харажатлари ҳисобланмайди.
- 10. Агар юқори трансакция харажатлари иқтисодий агентнинг трансакцияни амалга оширишдан воз кечишига олиб келса, у холда бундай харажатлар қандай номланади**
- A. муқобил трансакция харажатлари;
  - B. тўғридан-тўғри трансакция харажатлари;
  - C. мувофиқлаштириш харажатлари;
  - D. мотивациялаш харажатлари.



## МАВЗУГА ДОИР МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

1. “Трансакция харажатлари”нинг моҳиятини тўлиқ очиб берадиган таърифни беринг.
2. Трансакция харажатларининг турларини санаб беринг?
3. Оппортунистик хатти-ҳаракатдан ҳимоялаш харажатлари нима?
4. Трансакция нима?
5. “Трансформация харажатлари”га таъриф беринг.
6. Трансформация харажатлари ишлаб чиқариш ва трансакция харажатлари билан қандай боғланган?
7. Виртуал ва реал трансакция харажатлари нима?
8. Жамият ривожланиши билан боғлиқ ҳолда пайдо бўладиган трансакция харажатларининг янги турларига мисоллар келтиринг.
9. Муайян ҳолатда трансакция харажатларининг алоҳида турларини ҳисоблаш имкониятини баҳоланг.
10. Ўзбекистонда трансакция харажатларини пасайтириш ва улар таркибини оптималлаштириш учун қандай чоралар амалга оширилган?

## 6-МАВЗУ: ХУФЁНА ИҚТИСОДИЁТ

### АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Хуфёна иқтисодиётнинг келиб чиқиши сабаблари?
2. Хуфёна иқтисодиёт турларининг таснифи
3. Хуфёна иқтисодиётни баҳолашга нисбатан ёндашувлар?
4. Хуфёна бозор институционал тизим сифатида?
5. Жаҳонда хуфёна иқтисодиёт?

### МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” // Халқ сўзи, 2014 йил, 18 январь, №13 (5943).
1. Каримов И. А.Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.:
2. «Ўзбекистон», 1998. – Б. 429.
3. Каримов И. А.Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни
4. барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. – Т.: «Ўзбекистон», 2008. – Б. 98.
5. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Ўқув қўлланма. 2-нашр, қайта ишланган. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. –61-74 б.
6. Лемещенко П. С. Институциональная экономика: Учеб. пособие. – Мн.: ООО «ФУАинформ», 2003. – 294-320 С.
7. У.Сэмюэлс Институциональная экономическая теория // Панорама экономической мысли XX столетия. Под ред. Д. Гринуэя, М. Блини, И. Стюарта. – СПб: Экономическая школа, 2006. -73-81 б.

8. Григорьев Л., М.Овчинников. Коррупция как препятствие модернизации (институциональный подход) // Вопросы экономики. №2, 2008, с.44 – 59
9. Гуреев С. Что известно о коррупции в России и можно ли с ней бороться? // Вопросы экономики. №1, 2007, с.11 – 18
10. Попов Ю.Н., Тарасов М.Е. Теневая экономика в системе рыночного хозяйства. «ДЕЛО», «ЭКОНОМИКА». М., 2005, с.33
11. Джонс Д., Кауфман Д., Хеллман Р. Способствуют ли иностранные компании процветанию коррупции в переходных экономиках // Трансформация. – 2000. – № 3–4;
12. Исмоилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. – Т., 2005. – Б. 107–121.
13. Расулев А., Исаходжаев А. Хуфёна иқтисодиёт ва иқтисодий хавфсизлик. –Тошкент. 2006
14. Қобилов Ш. Р. Иқтисодиёт назарияси:Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 623-665 б.
15. Тарушкин А.Б. Институциональная экономика. Учебное пособие. – СПб.: Питер, 2004. – 368 с.
16. Ортиқов А.А. Исохўжаев А.Т., Шестаков А.В. Хуфёна иқтисодиёт: Ўқув қўлланмаси / Масъул муҳаррир – ю. ф. д., проф. У.Тожиқонов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002. – 175 б.
17. Ечмаков С.М. Теневая экономика. Анализ и моделирование. – М.: Финансы и статистика, 2004
18. [www.oecd.org/publishing](http://www.oecd.org/publishing)
19. <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси веб сайти.
20. [www.wordbank.org](http://www.wordbank.org) -Жаҳон Банки маълумотлари.
21. <http://www.lex.uz> - Узбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.
22. <http://www.mineconomi.uz>.

#### МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

*❖ Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

*❖ Эсда тутинг!*

**Хуфёна иқтисодиёт** – унда иқтисодий фаолият қонун доирасидан ташқарида амалга ошириладиган, яъни битимлар қонундан, хўжалик турмушининг ҳуқуқий меъёрлари ва расмана қоидаларидан фойдаланилмаган ҳолда амалга ошириладиган соҳа.

**«Хуфёна» иқтисодиёт** миллий хавфсизликка таҳдид сифатида айрим индивидлар, уларнинг гуруҳлари, институционал субъектлар ўртасида моддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш борасида юзага келадиган ҳамда натижалари у ёки бу сабабларга кўра расмий статистикада инобатга олинмайдиган ва солиққа тортилмайдиган муносабатлар мажмуидир.

**Норасмий иқтисодиёт** – иқтисодий фаолиятнинг ошкора турлари, унда харажатларни пасайтириш мақсадида товарлар ва хизматларнинг қайд этилмаган тарзда ишлаб чиқарилиши ўрин тутди (таъкидлаш лозимки, давлатдан яшириладиган барча фаолият турлари ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солиниши мумкин эмас ва мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоялашнинг муқобил механизмлари қўлланилишини талаб қилади).

**Сохта иқтисодиёт** – қўшиб ёзишлар, чайқовчилик битимлари, порахўрлик ва пулни олиш ҳамда бериш билан боғлиқ ҳар хил товламачилик ҳаракатлари иқтисодиёти.

**Криминал иқтисодиёт** – қонуннинг (биринчи навбатда – Жиноий ва Фуқаролик кодексларининг) тўғридан-тўғри бузилиши ва мулкчиликнинг қонуний ҳуқуқларига тажовуз қилиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият.

**Хуфёна иқтисодиёт** – бу биринчи галда иқтисодий ҳолат, чунки ушбу сектор иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари оқилоналик мотиви ва иқтисодий фойда билан изоҳланади. Бу ерда фаолият юритувчи иқтисодий субъектлар ўзига хос “*homo economicus*” модели билан ёритилади.

**Хуфёна иқтисодиёт** – бу у учун одатий хўжалик фаолиятини юритишда мавжуд қонунларга амал қилиш харажатлари (трансакция харажатлари) ўз мақсадларига эришишдан кўриладиган фойдадан юқори бўлган инсонлар учун паноҳ (Э. де Сото).

**Иккиламчи иқтисодиёт** – кишиларга зарар келтирмайдиган, улар учун наф берадиган, лекин расман рухсат берилмаган ва давлат рўйхатидан ўтмаган иқтисодий фаолият. Улар яширин тадбиркорлик ҳисобланади. Расман рухсат этилган фаолият билан бирга, қўшимча равишда яширин ишлаб чиқаришга қўл уриш, очиқ ишлайдиган корхоналарда қўшимча равишда ҳисобга кирмаган маҳсулот чиқариб, уни яширин сотиш.

**Мансабни суистеъмол қилиш ва коррупцияга асосланган иқтисодий хатти-ҳаракатлар.** Булар жумласига давлат идораларидаги яширин порахўрлик, яширин лоббизм, мансабдан фойдаланиб, субсидиялар олишни киритиш мумкин.

**Қалбакилаштирилган иқтисодий фаолият.** Бу иқтисодиёт давлат секторига хос бўлиб, давлатни алдашга қаратилади. Бунинг энг яққол намунаси давлат секторидagi қўшиб ёзишлар, қилинмаган ишлар учун давлатдан ҳақ олиш ва бошқалар.

**Хуфёналик** – шахсларнинг қонундан қандалик фаолиятни ташкил қилишда мавжуд ҳуқуқ (қонун) нормаларидан фойдаланишдан бўйин товлаш ва ёзилмаган ҳуқуққа, яъни анъаналар ва урф-одатларда қайд этилган нормаларга ҳамда мулкчилик ҳуқуқларини алмашиш ва ҳимоялаш юзасидан келиб чиққан низоларни ҳал этишнинг ҳуқуқ доирасидан четга чиқувчи механизмларига мурожаат этишидан иборат.



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МИСОЛЛАР ВА КЕЙСЛАР:

*Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

**1–мисол.** Кўплаб тадбиркорлар қариндошларининг ўз оилавий бизнесида иштирок этишига йўл қўймасликка интилишади. Бундай йўл тутишни қанақа келишувлар ўртасида юзага келадиган низо билан изоҳлаш мумкин?

- а) индустриал ва бозор;
- б) анъанавий, бозорва фуқаролик;
- в) бозорва анъанавий;
- г) индустриал ва фуқаролик;
- д) фуқароликва ижтимоий фикр тўғрисидаги;
- е) анъанавийва индустриал.

**Жавоб: е), қариндошларнинг бизнесида иштирок этиши ҳамма вақт ишлаб чиқариш интизоми талаблари билан раҳбар қариндош томонидан райига қарашнинг кутилиши ўртасидаги тўқнашув билан боғлиқ.** Сўровда иштирок этган **россиялик тадбиркорлардан бирининг сўзларига қараганда:** "Оилавий муносабатлар ишдаги муносабатлар билан ҳеч қачон кесилмаслиги керак. Агар мен ходимни жазолашим ёки унга ўз норозилигимни билдиришим керак бўлса, агар у билан қариндошлик ришталари орқали боғлиқ бўлмасам, буни қилиш осонроқ кечади. Бундан ташқари, кўп сонли қариндошлик алоқалари орқали намоён бўлган ишдаги муносабатлар оилага энг кутилмаган тарзда таъсир этиши мумкин".

**2–мисол. “Иқтисодиёт” нашриёти таржима қилинган иқтисодий адабиётларни чиқаради. Сиз нашриётга иқтисодий матнларни таржима қилишга ихтисослашган кам сонли таржимонлар билан муносабатларни қандай йўлга қўйишни маслаҳат берган бўлардингиз?**

- а) уларни нашириёт штатига таклиф қилиш;
- б) муайян матнни таржима қилдириш учун шартномалардан фойдаланиш;
- в) штатга киритмаган ҳолда узоқ муддатли шартномалардан фойдаланиш;
- г) таржимоннинг малакасидан қатъи назар **а), б) ёки в).**

**Жавоб: а),** малакали иқтисодчи таржимонларнинг тақчиллигини ҳисобга олган ҳолда, шуни назарда тутиш мумкинки, улар ўзига хос ресурс – иқтисодий матнларни таржима қилиш кўникмаларига (махсус (ўзига хос) инсон капиталига) га. Шунинг учун таржимонларни нашриёт штатига киритиш – вертикалинтеграция вариантини танлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Лекин, у ҳолда таржимонларда яхши ишлашга стимул пасаяди.

**3-мисол.** “Раш милк” МЧЖ озиқ овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Хом ашёни корхонага етказиб беришни хорижий ҳамкор ўз зиммасига олган. Олиб кириладиган хом ашёнинг 1 тоннаси нархи 4500

долл. Ушбу хом ашё турига божхона божи 12% қилиб белгиланган, ҚҚС - 20%ни ташкил этади.

Божхона хом ашё нархини божхона тизимида ташкил этилган нархлар базаси бўйича белгилаш амалиётидан келиб чиқиб, 6200 долл. қилиб белгиланди. Корхона хорижий ҳамкори билан келишган ҳолда хом ашёнинг реал нархини ҳисоб варағида камайтириб ёзган, яъни 4500 долл. ўрнига 3200 долл. Агар корхона 6200 долл. ҳисобидан хом ашё оладиган бўлса, қандай ҳолат юзага келиши мумкин? Тушунтириб беринг?

**4-мисол.** Республикада бир қатор санъат соҳасида шуғулланувчилар солиқдан қочишга уринадилар. Шунинг учун “Санъат” фирмаси санъаткорлар концерт дастурларини ташкил қилиш билан шуғулланади, улар одатда негацир концерт дастурлари учун билетларни белгиланган нархдан 1,7-2 баробарга қиммат баҳоларда қора бозор нархида сотади. Бу ҳолат қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкин? Бундай ҳолат хуфёна иқтисодиётни келтириб чиқарадими?

## КЕЙСЛАР

### *1. Врачларнинг оппортунистик хатти-ҳаракати эҳтимоли.*

-*Спорт жамоасининг врачлари* – бу, нафақат ўз билимлари билан психотерапевтдан тортиб то диетологгача турли мутахассисликларни бирлаштириши шарт бўлган доктор. Доктор, булардан ташқари, биринчи галда, айниқса юкламаларга доимий равишда ўзгартиришлар киритиш ва юкламаларни табақалаштириш зарур бўлган тайёргарлик давридаги ўқув-машғулот жараёнида мураббийнинг энг муҳим ёрдамчиси **ҳисобланади.**

Врач хонасида эмас, балки одамлар олдида, ҳолатларнинг ярмида, одатда, шароитларни олдиндан айтиб бўлмайдиган бошқа шаҳарларда ақл ва қўлларнинг яхши реакцияларини талаб қилувчи иш.

Бу ерда алоҳида мойиллик ва сабр-тоқат керак. Доктор жамоасида – фақат рецепт ва касаллик варақаси билан кутилиб бўлмайдиган доимий беморлар бор. Бир лаҳзада ҳам ташхис қўйиш, ҳам даволаш турини танлаш ва сўзсиз, - натижа зарур.

-*Қишлоқ жойларида умумий амалиёт врачлари тизими ривожланади.* Ушбу врачлар ўз ишида, аслида, бутун поликлиниканинг ўрнини босади ва фақат мураккаб вазиятларда ўз беморларини тор мутахассисларга юборади.

• лекин беморлар врач ишининг сифатини ҳамма вақт ҳам баҳолашга қодир эмаслар-ку. ўз ишини яхши биладиган, лекин унчалик хушмуомала бўлмаган врачга қараганда ўз ишини яхши билмайдиган, лекин хушмуомала врач кўпроқ беморларни қабул қиладиган ҳолат юз бермайдими?

• ушбу масала соғлиқни сақлаш вазирлигининг ваколатига киради. у врачлик ҳамжамиятини намоён этувчи ташкилотлар билан биргаликда ультра товуш хизмати (УТХ) тизимида малакасиз мутахассислар кириб қолмаслиги ҳақида қайғуриши керак. соғлиқни сақлаш органлари мазкур соҳада ишловчиларнинг тиббий-иқтисодий стандартларни бажаришларига эришишлари даркор.



• пулнинг кетидан қувиб утх врачлари беморларга кераксиз ва ортиқча муалажаларни тайинлайдиган ҳолат юз бермайдими? бундай тажриба, афсуски, ихтиёрий суғуртада мавжуд.

• бу жиддий муаммо. агар врач имкон қадар кўпроқ тиббий хизматлар кўрсатишдан моддий манфаатдор бўлса, унга эътироз билдириш қийин. лекин халқаро амалиётда бундай ҳолатларни жиловлаш усуллари мавжуд. биринчи галда бу даволаш ёрдасига ҳақ тўлаш усуллари билан боғлиқ. бошланғич бўғинда врач ёки поликлиника йил мобайнида ҳар бир кўрсатилган хизматга эмас, балки бир йўла бириктирилган беморлар контингенти учун пул олади.

### **Саволлар:**

*Кимда оппортунизмга интилиши кўпроқ — спорт врачлари ёки қишлоқ врачлари? Нима учун?*

*Кимда врачнинг ишини назорат қилишига интилиши кучлироқ — жамоа эгаси ёки Соғлиқни сақлаш вазирлигида? Нима учун?*

*Иккинчи парчада келтирилган ахборот асосида врачнинг шартномадан олдинги ва шартномадан кейинги оппортунизмга мисоллар келтиринг. Қайси омиллар туфайли бундай хатти-ҳаракатга йўл қўйиши мумкин бўлади? Унинг олдини олишнинг қанақа усуллари таклиф этилади? Уларнинг самарадорлигига баҳо беринг.*

## **2. Хуфёна иқтисодиёт ва коррупция миқёсларини камайтиришда давлатнинг роли мавзусига**

АҚШ Парламенти, Германия Бундестаги, Россия Думаси ва Ўзбекистон Олий Мажлиси ўртасида фарқ борлиги ҳаммага аён. Уларни қонун ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланишлари, мамлакатда амал қиладиган норматив-ҳуқуқий асосларини яратиш масъулияти берилганлиги улар сўзини ўз макони учун устунлиги кафолатидир. Ҳар бир конституцион тузум маъмурий вакиллари ўзига хос ваколат доирасига эга ва бу ҳолат бундай вакилларнинг виждонан иш юритишлари, халқ, мамлакат олдида жавобгарликларини доимо эслатиб туриши муқаррар.

Лекин Қадимги Римдан ҳам қадимроққа бориб тақаладиган Коррупция тушунчаси негадир оддий фуқаро, деҳқон, хунарманд учун эмас, айнан ҳукумат доирлари вакилларига, улар фаолиятига даҳлдор тушунча.

Сизнингча нега шундай? Оддий деҳқон коррупция иштирокчиси бўлиши мумкинми? Жавобингизни мисоллар билан изоҳлаб беринг.

### **ҚУЙИДА КЕЛТИРИЛГАН ФИКРЛАР ТЎҒРИМИ ЁКИ НОТЎҒРИМИ?**



**♣ Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!**

1. Ҳуқуқий қоидалардан бўйин товлаш билан боғлиқ харажатлар қуйидагиларни ўз ичига олади: солиқ ва бошқа молиявий маслаҳатчилар хизматларига ҳақ тўлаш; ишлаб чиқариш ҳажмининг чекланиши ва реклама натижасида йўқотилган фойда ва бошқалар.

2. Даромадлар трансферти билан боғлиқ харажатлар. Ҳатто солиқлар тўлашдан бош тортувчи иқтисодий субъектлар ҳам ўз фаолиятидан фойдали самарани давлат билан баҳам кўради, бироқ бунда улар бунинг эвазига давлатдан ҳеч нарса олишмайди.
3. Солиқлар ва иш ҳақиға ҳисоблаб ёзишлардан бош тортиш билан боғлиқ харажатлар. Даромад солиғи, ижтимоий суғурта фондиға ва пенсия жамғармасиға мажбурий тўловлардан бош тортиш корхонаға иш ҳақини тўлашға тежаш имконини беради, лекин бунда меҳнатнинг ўрнини сармоя билан босиш ва техника билан қайта жиҳозлашдан манфаатдорликни пасайтиради.
4. Шартномаларни тузишнинг хуфёна тадбири унда кўплаб иқтисодий субъектлар иштирок этадиган узоқ муддатли лойиҳаларнинг амалға оширилишини қийинлаштиради.
5. Шартномани қайта кўриб чиқиш зарурати туғилган ҳолларда иштирокчилар битимнинг томонларнинг ҳеч бири ундан манфаатдор бўлмаган барча икир-чикирларига эътибор қаратиши лозим бўлган суд ёки арбитражға мурожаат эта олишмайди.
6. Хуфёна битим кўпроқ икки томонлама хусусиятға эға.
7. Битимдан манфаатдор бўлган учинчи шахслар (масалан, стихияли юзаға келадиган бозорлар яқинидаги мавзелар аҳолиси) унинг иштирокчилари доирасидан чиқарилган ва, демак, уларнинг манфаатлари битимда ҳисобға олинади.
8. Зарарли фойдаланиш ҳуқуқи, одатда, хуфёна ҳуқуқни тартибға солиш соҳасидан ташқарида қолади.
9. Ошқора суд-ҳуқуқ тизими низоларни ҳал этишнинг қатор субинститутларига–оилавий-қариндошчилик ва мафия механизмларига эға.
10. Суд ва кучлилик тузилмалари функциясини бажарувчи мафия хизматларига мурожаат этиш ўзига хос солиқни тўлаш зарурати билан шартланган.



#### МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

*✦ Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашға шошилма, агарда улар гаройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

#### 1. Нолегал иқтисодиёт – нима?

- A. Нолегал иқтисодиёт тижоратнинг қонуний шакллари соҳасини белгилаб берувчи, юридик меъёрларни бузувчи иқтисодий фаолият томонидан ишлаб топилган даромад;
- B. товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда қўланиладиган фаолият;
- C. иқтисодий ҳаракатлар, фойдали даромад манбаи ҳисобланади.
- D. норасмий иқтисодиётда даромад келтирувчи ҳисобланади.

#### 2. У ёки бу ҳолатда қанақа қоидаларнинг бузилиши хуфёна иқтисодиёт турларини фарқлаш мезони ҳисобланади. Ушбу мезонлар Э.Файг

**томонидан қандай белгиланган?**

- A. Нолегал (махфий, яширинча) хуфёна иқтисодиёт;
- B. Ҳисобга олинган ва рўйхатга олинган иқтисодиёт;
- C. расмий иқтисодий фаолият;
- D. аниқ ва тўғри иқтисодиёт.

**3. Ҳисобга олинмаган иқтисодиёт – нима?**

- A. институционал жихатдан ўрнатилган, солиқ кодексда қайд этилган фискал қоидаларни четлаб ўтувчи, улардан бўйин товловчи иқтисодий фаолиятни ўз ичига олади;
- B. олинган даромад солиғини ўз ичига олади;
- C. солиқ тушумларини назарда тутувчи сумма ва олинган даромадни ўз ичига олади;
- D. олинган даромад ҳисобига аниқланган фойда.

**4. Рўйхатга олинмаган иқтисодиёт – нима?**

- A. ҳукумат статистика органларининг талабларига кўра белгиланган институционал қоидаларни четлаб ўтувчи иқтисодий фаолият туридан таркиб топган;
- B. миллий статистика тизимида рўйхатга олинган даромад;
- C. умумий даромадни аниқловчи кўрсаткичга;
- D. рўйхатга олинган даромадга айтилади.

**5. Хуфёна иқтисодиёт ўлчамларини баҳолашда монетар усул:**

- A. хуфёна ҳисоб-китобларда фақат нақд маблағлардан фойдаланилиши тўғрисидаги гипотезага асосида қурилади.
- B. декларация қилинадиган даромадлар харажатлар суммаси, товарлар ва хизматлар истеъмолининг реал ҳажмлари билан таққосланади.
- C. рўйхатга олинмаган ишсизликнинг юқори даражаси хуфёна секторда бандлик учун кенг имкониятлар мавжудлигидан далолат беради.
- D. харажатларнинг маълум технологик коэффициентлари ҳақидаги маълумотларни олиш имконини беради.

**6. Хуфёна иқтисодиёт ўлчамларини баҳолашда харажатлар ва даромадлар баланслари усули:**

- A. декларация қилинадиган даромадлар харажатлар суммаси, товарлар ва хизматлар истеъмолининг реал ҳажмлари билан таққосланади.
- B. хуфёна ҳисоб-китобларда фақат нақд маблағлардан фойдаланилиши тўғрисидаги гипотезага асосида қурилади.
- C. узоқ вақт мобайнида сақланиб келаётган рўйхатга олинмаган ишсизликнинг юқори даражаси.
- D. маҳсулот ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми ҳақидаги маълумотларни олиш имконини беради.

**7. Хуфёна иқтисодиёт ўлчамларини баҳолашда бандликни таҳлил қилиш усули:**

- A. узоқ вақт мобайнида сақланиб келаётган рўйхатга олинмаган ишсизликнинг юқори даражаси хуфёна секторда бандлик учун кенг имкониятлар мавжудлигидан далолат беради.

- В. хуфёна ҳисоб-китобларда фақат нақд маблағлардан фойдаланилиши тўғрисидаги гипотезага асосида қурилади.
- С. декларация қилинадиган даромадлар харажатлар суммасининг реал ҳажмлари билан таққосланади.
- Д. харажатларнинг маълум технологик коэффициентлари ҳақидаги маълумотларни олиш имконини беради.

**8. Хуфёна иқтисодиёт ўлчамларини баҳолашда технологик коэффициентлар усули:**

- А. харажатларнинг маълум технологик коэффициентлари асосида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми ҳақидаги маълумотларни олиш имконини беради.
- В. хуфёна ҳисоб-китобларда фақат нақд маблағлардан фойдаланилиши тўғрисидаги гипотезага асосида қурилади.
- С. товарлар ва хизматлар истеъмолининг реал ҳажмлари билан таққосланади.
- Д. рўйхатга олинмаган ишсизликнинг юқори даражаси хуфёна секторда бандлик учун кенг имкониятлар мавжудлигидан далолат беради.

**9. Хуфёна иқтисодиёт ўлчамларини баҳолашда уй хўжаликлари ва корхоналар раҳбарлари ўртасида сўров ўтказиш усули:**

- А. хуфёна иқтисодиётнинг ўлчамига эксперт баҳоларини беради.
- В. хуфёна ҳисоб-китобларда фақат нақд маблағлардан фойдаланилиши тўғрисидаги гипотезага асосида қурилади.
- С. декларация қилинадиган даромадлар харажатлар суммаси, товарлар ва хизматлар истеъмолининг реал ҳажмлари билан таққосланади.
- Д. маҳсулот ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми ҳақидаги маълумотларни олиш имконини беради.

**10. “Хуфёналик баҳоси” – қандай унсурлардан таркиб топади?**

- А. Ҳуқуқий қоидалардан бўйин товлаш ва даромадлар трансферти билан боғлиқ харажатлардан
- В. Солиқлар ва иш ҳақидан
- С. Оқилона битимнинг мутлақ икки томонлама хусусиятидан
- Д. Расмий ва норасмий қоидалар асосидан.



**МАВЗУГА ДОИР МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Фақат иқтисодиётнинг хуфёна сектори субъектларига нисбатан куч ишлатиш чораларини қатъийлаштириш ёрдамида ушбу секторнинг ўлчамларини қисқартиришга эришиш мумкинми?
2. Хуфёна сектор ялпи ички маҳсулотида юқори улушга билан тавсифланадиган мамлакатда бозор ислохотларининг дастлабки босқичлари қандай бўлиши керак?
3. Бозор ислохотлари сиёсатининг стандарт дастурига қандай тузатишлар киритилиши лозим?
4. Хуфёна иқтисодиётнинг қандай унсурлари мавжуд?

5. Хуфёна иқтисодиёт ўлчамларини баҳолаш ёндашувларини изоҳланг.
6. Хуфёналик баҳосининг унсурлари нималардан иборат?
7. «Мафия» атамасининг келиб чиқишини шарҳланг?
8. Хуфёна иқтисодиёт ўлчамларини баҳолашда харажатлар ва даромадлар баланслари усули?
9. Рўйхатга олинмаган иқтисодиёт нима?
10. Норасмий ва сохта иқтисодиёт тўғрисида фикрларингиз?

## **7-МАВЗУ: МУЛК ҲУҚУҚЛАРИ НАЗАРИЯСИ ВА МУЛКЧИЛИК ШАКЛЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ**

### **АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:**

1. Мулк ҳуқуқлари назариясининг асосий қоидалари.
2. Мулкчилик таърифларининг таҳлили.
3. Мулкчилик муносабатларини амалга оширишнинг тарихий шакллари.
4. Мулкчилик шакллари ривожлантириш эволюцияси.
5. Мулк ҳуқуқлар тақсимотининг таҳлили.

### **МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 8 декабрь 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикаси “Мулк тўғрисида”ги Қонуни. 31 октябрь 1990 й.
3. Ўзбекистон Республикаси “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. 19 ноябр 1991 й.
4. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” // Халқ сўзи, 2014 йил, 18 январь, №13 (5943).
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. - 2013. – 373 бет.
6. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Ўқув қўлланма. 2-нашр, қайта ишланган. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. –75-96 б.
7. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008. -С 70-75.
8. Қобилов Ш. Р. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 85-135 б.
9. Лемещенко П. С. Институциональная экономика: Учеб. пособие. – Мн.: ООО «ФУАинформ», 2003. – 136-163 С.
10. On Economic Institutions: Theory and Applications. Alder-shot: Edward Elgar, 1995. –с. 19.
11. [www.oecd.org/publishing](http://www.oecd.org/publishing)

12. <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси веб сайти.
13. [www.wordbank.org](http://www.wordbank.org) - Жаҳон Банки маълумотлари.
14. <http://www.lex.uz> - Ўзбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.
15. <http://www.mineconomi.uz>.

## МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

*Ўшбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

*Ўзда тутинг!*

**Инсон капиталига бўлган мулкчилик тизими**– мазкур капитал-нинг субъект-объект тузилишининг барча элементлари, шунингдек унинг иқтисодий амалга ошуви ва ривожланишини белгиловчи шарт-шароитлар ва омилларнинг ўзаро боғлиқ ва ривожланиб боровчи бирлиги.

**Инсон капиталининг ҳақиқий мулкдори** – яратиладиган, жумладан муайян шахс томонидан яратиладиган барча ҳаётий неъматлар мажмуини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш чоғида юзага келадиган манфаатларни келишишга амалда таъсир эта оладиган шахс.

**Интеллектуал мулк**– иқтисодий фаолият маҳсулотларининг тижорат мақсадида фойдаланишга берилган ягона ҳуқуқдир.

**Ички (эндоген) ишлаб чиқариш**– шахснинг ўз инсоний капиталини яратиш борасидаги ижодий меҳнат фаолияти; шахснинг уни ривожлантиришга йўналтирилган инвестицияларни «ўзлаштириш борасидаги» фаолияти.

**Иштирокчи** – бу мол-мулкка нисбатан мулкчилик ҳуқуқидан жамиятга нисбатан талаб ҳуқуқи эвазига воз кечувчи иқтисодий агент. Ўз навбатида жамиятнинг ўзи ва унинг мол-мулки эмас, балки хўжалик жамиятига нисбатан мажбурият ҳуқуқлари иштирокчининг мулки ҳисобланади.

**Капиталист менежер** – ишлаб чиқариш жараёнининг раҳбари, хўжайин функциясини бажарувчи, лекин мулкни йўқотиш хатарига эга бўлмаган иқтисодий агент қарама-қарши туради.

**Корхона ва ташкилотлар уюшмаси (ассоциацияси) мулки**– маълум мақсад йўлида уюшма ташкил этганларнинг умумий мулки.

**Корхона жамоасининг мулки**– ишчи ва хизматчилар жамоаси давлатдан ёки хусусий мулк соҳибидан сотиб олган ва умумийлаштириб, биргаликда ўзлаштириладиган мулк. Бу ерда мулк иккига ажралмайди, ҳамма мол-мулк ва пул маблағлари корхона жамоаси ихтиёрида туради.

**Маҳалла мулки**– маҳалла аҳлидан иборат жамоа доирасида унга қаршли бойликнинг ҳамжиҳатлик билан ўзлаштиришдир.

**Мулк** – хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида неъматларни ўзлаштириш борасида юзага келадиган ижтимоий муносабат шакли ёки институционаллашган рақобатли муносабатлар.

**Мулк ҳуқуқининг спецификацияси** – айрим «ваколатлар»нинг ушбу «ваколатлар»нинг уларни юқори баҳолайдиган ва улардан фойдаланиш

орқали кўпроқ фойда ола биладиган хўжалик юритувчи субъектлар сотиб олишлари учун қулай шароит яратиш мақсадида бир ёки бир неча иқтисодий субъектларга бириктирилиши.

**Мулкдан фойдаланиш** - мол-мулкнинг Иқтисодий фаолиятда ишлатилиши ёки ижтимоий ҳаётда қўлланилиши, яъни унинг нафли жиҳатларининг бевосита истеъмол қилиниши.

**Мулкка эгалик қилиш** - мулкдорлик ҳуқуқининг унинг эгаси қўлида сақланиб туриши ва яратилган моддий бойликларни ўзлаштиришнинг ижтимоий шакли.

**Мулкни тадқиқ этишнинг илмий парадигмаси**– тегишли асосий тадқиқот принциплари ва методлари тизими.

**Мулкни тасарруф этиш** - мол-мулк тақдирини мустақил ҳал қилиш.

**Мулкнинг демократик (фуқаролик) тизими**– мулкнинг барча шакл ва турлари хилма-хиллиги ва тенглиги тизими.

**Мулкнинг иқтисодий шакли** – неъматни яратишнинг ижодий меҳнат жараёнини бевосита ташкил қилиш ва бошқариш шакли.

**Мулкнинг институционал тизими**– мулкнинг барча таркибий даражаларида амал қиладиган ва такрор ишлаб чиқариладиган институтларнинг ўзаро боғлиқ бирлиги.

**Мулкнинг ривожланиши қонуни** – юзага келган мулк шакли эртами-кечми модификацияланишини белгиловчи зарурат.

**Мулкнинг шаклланиш қонуни**– неъматни яратишнинг ҳар қандай ижодий меҳнат жараёни эртами-кечми муносабатларнинг муайян ижтимоий шакли билан яқунланадиган зарурат.

**Мулкнинг шаклланиши ва ривожланиши қонуни**– айти вақтнинг ўзида мулкнинг табиий равишда юзага келган шакл ва турларининг «расмийлашуви»ни, шунингдек уларнинг объектив равишда ўзгариши ва модификациясини ифодаловчи ички алоқаларни акс эттирувчи қонун.

**Мулкнинг эндоген (ички) тизими** – унинг учта таркибий даражасининг ўзаро боғлиқ ва ривожланувчи бирлиги.

**Мулкнинг юридик ҳуқуқи спецификацияси**– мазкур ҳуқуқнинг тегишли юридик ваколатларга (эгалик, фойдаланиш, тасарруф этиш, жавобгарлик кабиларга) бўлиниши.

**Мулкчилик** – кишилар ўртасида ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат маҳсулини ўзлаштириш юзасидан пайдо бўлган ва тарихан аниқ бир шаклда намоён бўлувчи иқтисодий муносабатлар.

**Мулкчилик муносабатлари**-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни ўзлаштириш ва тасарруф этиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.

**Номинал мулкдорлар синфи**– жамиятнинг инсон, ашёларга ва табиий капиталга бўлган мулкдорлик юридик ҳуқуқига эга бўлган, айти вақтда иқтисодий ҳокимиятга эга бўлмаган ижтимоий гуруҳлари.

**Олий мулк** – давлат мулкнинг дастлабки шакли ҳисобланади.

**Реал мулкдорлар синфи**– расмий институтлар ишлаб чиқариш ҳамда шу билан ишлаб чиқариладиган маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлашда фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлган ижтимоий гуруҳлар.

**Хусусий мувозанатлик** - бу иккита ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий миқдорлар ёки иқтисодиёт томонларининг миқдоран тенг келиши.

**Хусусий мулкчилик** – индивиднинг жамоавий хўжалик фаолиятидан ажралиб чиқишини ўзида намоён этади.

**Хусусий тадбиркорлик** – бу фуқаролар (алоҳида фуқаролар) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.

**Шахсий мулк** – шахс ҳамда хўжалик муносабатларининг бошқа субъектлари ўртасида шахсий неъматларни ўзлаштириш борасида юзага келадиган муносабатларнинг ижтимоий шакли.





## МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР ВА КЕЙСЛАР:

**❖Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!**

**1–мисол.** Сиз – олдиндан тўлаш шarti билан товар партиясини харид қилмоқчи бўлаётган корхона менежерисиз. Сиз (барча талабномаларда товар нархи ва сифатининг тахминан бир хил нисбати таклиф этилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда) кимнинг сотиш учун талабномасини афзал кўрган бўлардингиз?

- а) давлат корхонаси;
- б) МЧЖ;
- в) ОАЖ;
- г) тўлиқ ширкат;
- д) қўшимча масъулиятли жамият;
- е) ишлаб чиқариш кооперативи.

**Жавоб:** г), айнан тўлиқ ширкат доирасида шартномавий мажбуриятларни ижро этишга рағбатлантирувчи омиллар энг юқори: гаров сифатида муассисларнинг мол-мулки ҳам, уларнинг шахсий нуфузи ҳам иштирок этади.

**2–мисол.** Бизнесни ташкил этиш акциядорлик шаклининг мутлак афзаллиги тўғрисидаги фикр тўғрими?

- а) ҳа;
- б) йўқ.

**Жавоб:** б), бизнесни ташкил этиш у ёки бу шаклининг афзаллиги ҳамма вақт нисбий бўлиб, бизнеснинг тавсифларига ва таққослаш мезонларига, масалан, бошқа ташкилий муқобил вариантлар доирасида трансакция харажатларининг миқдорига боғлиқ.

**3–мисол.** Рўйхатдан давлатнинг субинститутларини танланг (яъни давлат бажарадиган функцияларни бажаришга қодир бўлган ташкилий тузилмалар):

- а) тадбиркор;
- б) акциядорлик жамияти;
- в) клан (оилавий-қариндошчилик алоқаларига асосланган тузилма);
- г) университет.

**Жавоб:** г), ишончни хусусий қозонишга йўналтирилган ташкилотлар давлатнинг субститутлари ҳисобланади. Ушбу тузилмалар доирасида муносабатларни гавдалантириш ахборот алмашишнинг нархдан бошқа каналларидан, масалан, шахсий нуфуздан фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, шахсий нуфуз шартномалар бажарилишининг кафолати ролини ҳам ўйнаши мумкин.

## КЕЙСЛАР

## **Ишбилармонлик тармоқларининг шаклланиши.**

Ишбилармонлик тармоқларининг шаклланишига ишбилармонлик маданияти катта таъсир кўрсатади. Масалан, Япония, Сингапур, Жанубий Корея ва Тайваннинг оилалар, давлат тузилмалари, минтақавий ҳамжамиятлар билан узвий боғланиб кетган тармоқ бизнеслари Ғарб компанияларига ички ва халқаро бозорларда жиддий рақобат кўрсатишга қодир. Шарқ билан рақиблик ҳам, ҳамкорлик ҳам Ғарб компанияларини худди япон кейрецуларига ўхшаш «кейрецу»ни ташкил қилган ҳолда Шарқ кейрецулари тузилмасига тақлид қилишга мажбур этди. Норасмий келишувга таянган ҳолда бундай тармоқлар саъй-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштиради ва бозорнинг катта қисмини назорат қилади. Муносабатларни сақлаб туришга йўналтирилган Шарқ ишбилармонлик маданияти янги шароитларда кўпинча вазифага йўналтирилган АҚШ ишбилармонлик маданиятига қараганда рақобатбардош **ҳисобланади**. Ўзбекистон ишбилармонлик маданиятини муносабатларни сақлаб туришга йўналтириш, шунингдек, мамлакат иқтисодиётининг ўзига хос хусусияти Ўзбекистонда бундай норасмий алоқаларни ривожланишнинг муҳим шартига айлантиради.

### **Саволлар:**

Вертикал ва горизонтал кейрецуларни қуйидаги параметрлар бўйича таққосланг:

- ахборотоқимлари;
- товарлар ва хизматлар оқимлари;
- нуфузни шакллантириш.

Маданий ўзига хос хусусиятлари ишбилармонлик тармоқларининг шаклланишига қандай таъсир кўрсатади?

### **ҚУЙИДА КЕЛТИРИЛГАН ФИКРЛАР ТЎҒРИМИ ЁКИ НОТЎҒРИМИ?**



**♫ Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!**

1. **Жамиятнинг кўп сонли иштирокчилари нафақат унинг хўжалик фаолияти натижалари учун жавобгардир.**
2. Ишлаб чиқарувчининг табиий ҳуқуқи ҳисобланган маҳсулотга бўлган ҳуқуқ ишлаб чиқариш воситаларининг мулкдори – хўжайинга ўтади.
3. Кредитнинг бирдан-бир шакли бу истеъмолчига аванс беришдир.
4. Мулкдорларнинг ўзларига «бириктирилган» мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи борган сайин давлат ҳисобига ўтади.
5. Олий мулк давлат мулкнинг дастлабки шакли ҳисобланади.
6. **Сармоядорнинг шахсий мақсади мулкдан олинадиган даромадини оширишдан иборат.**
7. Табақали мулк олдинги даврда асосий меҳнат шароити бўлган табиий ресурсларга табақали монополиялар шаклланиши билан тавсифланади.

8. Фирма кредитида мол берувчи ва сотувчи тўлаш муддати узайтирилган сармойни олади ва харидорга беради.
9. Фирма товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш мақсадида иқтисодий ресурсларнинг ишлатувчи ташкилотдир.
10. Хўжалик фаолиятининг асосий мақсади - қолдиқ даромад мулк эгасининг, барча тўловлар амалга оширганда кейинги даромадини кўпайтириш, киритилган капиталдан олинadиган фойдани ошириш ва меҳнатдан келадиган даромадни юксалтиришдан иборатдир.



#### МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

*❖ Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

1. **Мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоя қилиш қондаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**
  - A. трансакция харажатлари нолга тенг бўлмаган тақдирда мулкчилик ҳуқуқларининг тақсимланиши ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатади.
  - B. мувазанатли нарх бозор иштирокчиларига паст харажатли ва кам бузиб кўрсатилган ахборот билан алмашиш имконини берувчи ривожланган ахборот инфратузилмаси базасида шаклланади.
  - C. давлатнинг ушбу йўналишдаги фаолияти алмашинадиган товарлар ва хизматлар сифатини ўлчаш харажатларини пасайтириш имконини беради.
  - D. бозор инфратузилмаси нафақат ахборот билан алмашиш тармоқларини, балки товарлар ва хизматларнинг жисмоний ҳаракатланиши тармоқларини ўз ичига олади.
2. **Мулккий ҳуқуқ субъектиларига нималар киради?**
  - A. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, жамоалар, уларнинг бирлашмалари ва жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар.
  - B. Фуқароларнинг оилавий идоралари.
  - C. Бошқа давлатлар, фуқаролиги бўлган шахслар.
  - D. Уй хўжалиги ташкилотлари.
3. **Мулккий ҳуқуқ объектиларига нималар киради?**
  - A. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, ички сувлар, ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси.
  - B. хизмат кўрсатиш рамзлари, саноат белгилари.
  - C. фойдали моделлар, бошқа уюшмалар.
  - D. Қиммат баҳо буюмлар ва қоғозлар белгиси.
4. **Мулк ҳуқуқларининг инглиз ҳуқуқшуноси А.Оноре томонидан таклиф этилган (Оноре рўйхати) ва қуйидаги нечтата унсурни ўз ичига олган таърифи “тўлиқ” ҳисобланади:**
  - A. Ўн битта.
  - B. Ўн иккита.

- С. Ўн учта.  
D. Ўн бешта.
- 5. Мулк ҳуқуқларининг инглиз ҳуқуқшуноси А.Оноре томонидан таклиф этилган (Оноре рўйхати) таърифилари қайси жавобда тўғри келтирилган?**
- А. эгалик қилиш, фойдаланиш ҳамда бошқариш.  
B. хом ашёнинг мерос бўйича тақсимланиши.  
C. муддатсизлик, зарарли фойдаланишни тақиқлаш, ундириш кўринишидаги жавобгарлик ҳамда қолдиқ хусусият ҳуқуқлари.  
D. даромад олиш, ашёдан ўзгалар фойдасига воз кечиш.
- 6. Ихтиёрий шаклдаги мулкнинг намоён бўлиши қатор омилларга боғлиқ. Жумладан:**
- А. меҳнат шароитларини ўзгариши.  
B. Меҳнат шароитлари ва натижаларини тасарруф этиш хусусиятларига ҳамда меҳнат шароитларини такрор яратишга.  
C. асосий усули ва натижалари қайта тақсимлашга.  
D. ижтимоий аҳамиятли эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиш.
- 7. Мулкчиликнинг энг дастлабки шакли жамоавий мулк Ғарб ҳуқуқий тизимининг асос (антик тараққиёт)ини ташкил этади. У нечта асосий хусусият билан тавсифланади?**
- А. Иккита.  
B. Учта.  
C. Тўртта.  
D. Бешта.
- 8. Жамоавий мулкнинг асосий хусусиятлари қайси жавобда тўғри келтирилган?**
- А. жамоавий мулк жамиятга – уни тўлақонли аъзолар деб тан олувчи индивидлар йиғиндисида тегишли.  
B. жамоавий мулкни қайта тақсимлаш.  
C. жамоавий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиш.  
D. ижтимоий аҳамиятли эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиш.
- 9. Олий мулкнингасосий хусусиятларига нималар киради?**
- А. Мулк ва ҳокимиятнинг бўлинмаслиги ҳамда хизмат учун мукофот сифатида ресурсни ҳада қилиш шаклида фаолият билан алмашиш.  
B. бириктирилган ресурсларни тасарруф этиш.

- C. ишлаб чиқарувчининг ўз фаолияти натижалари.
- D. ижтимоий аҳамиятли эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиш.

**10. Ижтимоий мулкнинг асосий хусусиятларига нималар киради?**

- A. жамиятнинг табиий ресурсларга асосланганлиги.
- B. ижтимоий мулк объектларидан фойдаланишнинг концессион механизми ва ишлаб чиқарувчининг ўз фаолияти натижаларига мулкчилиги.
- C. ижтимоий мулкдан келадиган даромадларни қондириш.
- D. ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун фойдаланиш.



**МАВЗУГА ДОИР МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Даромад олиш ҳуқуқи деганда нимани тушунасиз?
2. Капитал қиймат ҳуқуқи деганда нимани тушунасиз?
3. Муддатсизлик ҳуқуқи деганда нимани тушунасиз?
4. Мулк ҳуқуқининг таснифи нима ва уни Ўзбекистон иқтисодиётининг амалиётида қўллаш имкониятларини изоҳлаб беринг?
5. Мулкнинг қанақа шакллари мавжуд?
6. Тасарруф этиш ҳуқуқи деганда нимани тушунасиз?
7. Фойдаланиш ҳуқуқи деб нимага айтилинади?
8. Хавфсизлик ҳуқуқи қайси ҳуқуқ турлари билан боғлиқлигини тушунтириб беринг?
9. Эгалик қилиш ҳуқуқи деганда нимани тушунасиз?
10. Мулк ҳуқуқи объекти ва субъекти деганда нимани тушунасиз?

**8-МАВЗУ: МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ  
ШАРОИТИДА ИНСТИТУЦИОНАЛ ИСЛОҲАТЛАР**

**АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:**

1. Мамлакатни модернизация қилиш концепцияси ва модернизация қилишнинг бош мақсади, вазифалари ва ҳуқуқий асослари.
2. Институционал ўзгаришлар ва иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар.
3. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни хусусийлаштириш.
4. Бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.

**МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4707-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 4.03.2015

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги (ПП-2298) “2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар бутловчи қисмлар ва

материалларни маҳаллийлаштириш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори.  
www.lex.uz 11.02.2015

3. Каримов И.А. “Тараққиётимиз ва фаровонлигимизнинг ҳуқуқий асоси”.  
// Халқ сўзи, 2013 йил 7 декабрь, -2 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. - 2013. – 377 б.
5. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Ўқув қўлланма. 2-нашр, қайта ишланган. – Т.: Иқтисодиёт, 2013.
6. Х.Абулкасимов. Приоритеты реформирования и модернизации экономики Республики Узбекистан. Т.: Молия, 2010 – 84 С.
7. Таджиханов Б. У. Жамиятни янада демократлаштириш ва модернизациялаш – хавфсизликни таъминлаш шартидир: Ўқув қўлланма / Б. У. Таджиханов, Д. С. Мухамадалиев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. – 48б.
8. Пушкирев Б.С. Государства и экономика. Введение для неэкономистов. М.: Посев, 2010 – 104с.
9. [www.oecd.org/publishing](http://www.oecd.org/publishing)
10. <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси веб сайти.
11. [www.wordbank.org](http://www.wordbank.org) - Жаҳон Банки маълумотлари.
12. <http://www.lex.uz> - Ўзбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.
13. <http://www.mineconomi.uz>.

#### МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

*❖ Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

*❖ Эсда тутинг!*

**Модернизация** – ишлаб чиқаришнинг тайёрланаётган маҳсулотлар (иш ва хизматлар) рақобатдошлигини оширишга йўналтирилган технологик янгиланиш жараёнидир. У корхоналарнинг технологик қолоқлигини бартараф этиш воситаси бўлиб, меҳнат, моддий ва хомашё ресурсларидан самарали фойдаланиш даражасига кескин таъсир кўрсатади. Модернизация, техник ва технологик янгिलाш натижалари юқори технологик, рақобатдош ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиш шартини белгилаб беради

**Модернизация** – объектни такомиллаштириш, яхшилаш, янгिलाш, уни янги талаб ва меъёрларга, техник шарт-шароитларга, сифат кўрсаткичларига мослаштириш.

**Модернизация** сўзи «модерн», яъни янги, замонавий деган маънони англатади.

**Мамлакатни модернизациялаш** ҳар бир фуқарони модернизациялаш орқали амалга оширилади. Мамлакатни модернизациялаш яъни давлатни демократлаштириш ва жамиятни либераллаштириш ижтимоий тартибни ўрнатишга қодир бўлган назорат механизмини шакллантиришга қаратилган.

**Ишлаб чиқаришни модернизациялаш** – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён. Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналиш ва воситалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: корхоналардан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариб; замонавий техника ва технологиялар билан алмаштириш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш; чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш ва бошқалар.

**Демократик тамойиллар** – ҳокимият ва бошқарув органлари чиқарган қарорлардан халқнинг хабардорлиги; ушбу қарорлар бажарилиши устидан халқнинг назорати, қонун ва қарорларни қабул қилишда халқнинг иштироки тамойилидир.

**Диверсификация** – (лотинчадан *diversus*- ҳар хил ва *facere*-қилмоқ, бажармоқ) – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш.

**Диверсификация** – тавқалчиликни пасайтириш усули бўлиб бунда тавақалчилик (йўқотишлар) бир қатор товарларга шундай тақсимланадики, товарлардан биттасини сотиб олишдан тавақалчиликнинг ортиши бошқа товарни сотиб олишдаги тавақалчиликнинг пасайишини билдиради. Масалан, 2 та маҳсулотга бўлган талабни бир вақтда камайиб кетиш эҳтимолидан улардан биттасига талабни камайиб кетиш эҳтимоли юқори.

**Диверсификация** – юқори қўшилган қиймат ўсиш динамикасини таъминлайдиган маҳсулот ва хизматлар ассортиментининг ошиш ва кенгайиш жараёнидир. Диверсификация жараёни иқтисодиёт тармоқларида олиб борилаётган модернизация ва таркибий ўзгаришлар билан бевосита уйғунлашган ҳодисасидир

**Иқтисодиётни барқарорлаштириш** – танглик ҳолатларига барҳам бериш асосида макроиқтисодий мувозанатликни сақлаш ва ишлаб чиқаришни юксалтириш учун шарт-шароитларни вужудга келтиришдир.

**Иқтисодиётни эркинлаштириш** – нима ва қанча ишлаб чиқаришни қаерга, қандай баҳода сотишни тадбиркорнинг ўзи белгилаши лозим. Иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларини эркинлаштириш, хўжалик

юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш демакдир.

**Иқтисодиётнинг реал сектори** – иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларини олади.

**Иқтисодий ислохотлар** – иқтисодиётнинг таркибий тузилишини сифат жиҳатидан такомиллаштириш, унинг барқарор ва мутаносиб ривожланишини таъминлаш имконини берувчи, мақсадга мувофиқ ҳолда ва изчил равишда амалга оширилувчи туб ўзгаришлар, чора-тадбирлар мажмуи.

**Иқтисодий манфаатлар** - иқтисодий категория бўлиб, улар ишлаб чиқаришнинг алоҳида қатнашчилари (индивидлар, уларнинг гуруҳлари, синфий бирлашмалари) ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатларида ифодаланади.


**Иқтисодий мувозанат** - иқтисодий жараёнлар, ходисаларнинг икки ёки бир неча томонининг бир-бирига мос келиш ҳолати.

**Иқтисодий мутаносиблик** - иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида миқдор ва сифат ўлчамларнинг мос келишлик даражаси.

**Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш**–саноат ишлаб чиқаришининг турли босқичларида импорт шаклида харид қилиш орқали қўлланилувчи деталлар, бутловчи қисмлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотларни маҳаллий хомашё ва материаллар асосида ишлаб чиқаришга ўтказиш жараёни.

**Мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлилиги** – мамлакатнинг ўрта ва узоқ муддатга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаб туриш қобилияти

**Хусусийлаштириш** - мулкка эгалик ҳуқуқининг давлатдан хусусий секторга ўтиши.



## МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР ВА КЕЙСЛАР:

**Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!**

**1–мисол.** «Гулзор» шаҳарчаси ҳар куни 10 та рейс бажариладиган аэропорт яқинида жойлашган. Йўловчилар оқимининг ортиши муносабати билан аэропорт раҳбарияти томонидан «Гулзор-Пахтакор»да ҳар куни кўшимча равишда 11-рейсни ташкил этиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Агар ушбу рейс ташкил этилса, аэропортнинг тўлиқ харажатлари 1000 минг сўмни, умумий даромад эса 1500 минг сўмни ташкил қилади, бироқ, аэропорт инфратузилмасининг имкониятлари чекланганлиги боис 11-рейс фақат оқшом, соат 23.00 дан кейин ташкил этилиши мумкин, бу ҳол шаҳар аҳолисига ноқулайлик туғдиради. Парвоз қилувчи самолётларнинг овози



уларнинг уйқусини бузади, бу эса уларнинг дам олишига ҳамда, ўз навбатида, иш унумдорлигига ва даромадларига таъсир кўрсатади. “Гулзор” шаҳарчаси аҳолиснинг умумий даромадлари ҳар куни 600 минг сўмга қисқаради. Қуйидаги ҳолатларда «Гулзор-Пахтакор»да рейс ташкил этиладими:

- а) агар самолётлардан зарарли фойдаланишни тақиқлаш ҳуқуқи “Гулзор” аэропортга тегишли бўлса;
- б) агар самолётлардан зарарли фойдаланишни тақиқлаш ҳуқуқи “Гулзор” шаҳарчаси аҳолисига?

Жавоб: а) ва б), иккала ҳолатда ҳам 11-рейс ташкил этилмайди, бу ҳол Коуз теоремасининг тўғрилигини тасдиқлайди. а) ҳолатда **посёлка аҳолиси** самолётлардан зарарли фойдаланишни тақиқлаш ҳуқуқини (соат 23.00 дан кейинги шовқинни) аэропортдан сотиб олишга уринади ва унга 600 минг сўмгача миқдордаги исталган суммани таклиф қилади. Ўз навбатида, аэропорт 500 минг сўмдан юқори бўлган, яъни унинг рейсни ташкил этишдан оладиган соф фойдасини қоплайдиган исталган суммага рози бўлади. Тарафлар 500 минг сўмдан 600 минг сўмгача бўлган суммага битим тузади ва 11-рейс ташкил этилмайди. б) ҳолатида энди аэропорт **посёлка аҳолисига** 500 минг сўмгача миқдордаги исталган суммани таклиф қилган ҳолда улардан самолётлардан зарарли фойдаланишни тақиқлаш ҳуқуқини сотиб олишга уринади. Аҳоли эса фақат 600 минг сўмдан юқори бўлган суммага рози бўлиши мумкин бўларди, яъни савдолашиш учун предмет йўқ (кўплаб қарорлар пуч бўлиб чиқади) ва 11-рейс ташкил этилмайди.

**2-мисол.** Ўтган йил яқунларига кўра, ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир. 2013-йилда иқтисодиёт соҳасидаги солиқ юки 21,5 фоиздан 20,5 фоизга, жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг кам ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилганига қарамасдан, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан бажарилди. Топиш керак: ЯИМда ташқи давлат қарзи, давлат бюджетида даромад ва харажатлар ҳажмини.

### ҚУЙИДА КЕЛТИРИЛГАН ФИКРЛАР ТЎҒРИМИ ЁКИ НОТЎҒРИМИ?



**☞ Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!**

1. Иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ушбу тармоқларда ишлаб чиқаришни диверсификация этишга олиб келади, пировардида мамлакат, корхона ва маҳсулотнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатдошлиги, аҳолининг иш бандлиги ортади, унинг турмуш даражаси юксалади ҳамда мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиши таъминланади.

2. Ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва янгилаш, замонавий инновацияларга асосланган ва юксак самарали технологияларни жорий этиш.
3. Модернизация объектни такомиллаштириш, яхшилаш, янгилаш, уни янги талаб ва меъёрларга, техник шарт-шароитларга, сифат кўрсаткичларига мослаштириш.
4. Мамлакатни модернизациялаш яъни давлатни демократлаштириш ва жамиятни либераллаштириш ижтимоий тартибни ўрнатишдир.
5. Диверсификация тавakkалчиликни пасайтириш усули бўлиб бунда тавakkалчилик бир қатор товарларга шундай тақсимланадики, товарлардан биттасини сотиб олишдан тавakkалчиликнинг ортиши бошқа товарни сотиб олишдаги тавakkалчиликнинг пасайишини билдиради.
6. Диверсификация жараёни иқтисодий тармоқларида олиб борилаётган модернизация ва таркибий ўзгаришлар билан билвосита уйғунлашган ходисасидир.
7. Иқтисодий тармоқларни барқарорлаштириштанглик ҳолатларига барҳам бериш асосида макроиқтисодий мувозанатликни келтирмасликдир.
8. Иқтисодий тармоқларнинг реал сектори иқтисодий тармоқларнинг билвосита моддий неъматлар ишлаб чиқаришдир.
9. Иқтисодий мувозанат иқтисодий жараёнлар, ходисаларнинг икки ёки бир неча томонининг бир-бирига мос келиш ҳолати.
10. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш деганда саноат ишлаб чиқаришининг турли босқичларида импорт маҳсулотларни кўпайтириш тушунилади.



#### МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

*✦ Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

#### **1. Модернизация жараёни доирасида одатда қанақа ўзгаришлар рўй беради?**

- А. ижтимоий муносабатлар бутун тизимининг такомиллашуви ва турмуш тарзининг ўзгариши – ихтилофларни тартибга солувчи ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этувчи янги тартиб ва механизмларнинг пайдо бўлиши
- В. алоҳида индивидларнинг онгини ошиши;
- С. ёлланма ходимларнинг касбий ихтисослашувини ўзгармаганлиги
- Д. Таркибий ўзгаришлар рўй бермади

#### **2. Барқарорлик деганда нимани тушунаси?**

- А. жамиятнинг фавқулодда ҳолатларда ҳам ўз манфаатларини қониқтириш қобилияти, ҳолатни тиклаш имконияти
- В. жамиятнинг иқтисодий беқарор ҳолатларида ўз манфаатларини қониқтириш қобилияти, ҳолатни тиклаш имконияти

- C. жамиятнинг ижтимоий беқарор ҳолатларида ўз манфаатларини қониқтириш қобилияти, ҳолатни тиклаш имконияти
- D. жамиятнинг фавқулодда ҳолатларда ўз манфаатларини қониқтириш қобилияти

**3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Фармони қачон эълон қилинган?**

- A. 2008 йил, 28 ноябр
- B. 2010 йил, 15 сентябр
- C. 2007 йил, 20 март
- D. 2008 йил, 10 октябр

**4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рақатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қачон эълон қилинган?**

- A. 2007 йил, 13 март
- B. 2009 йил, 10 январ
- C. 2007 йил, 6 декабр
- D. 2008 йил, 7 октябр

**5. Модернизация сўзи маъноси нима?**

- A. янги, замонавий
- B. замонавий, юқори
- C. хилма хил, замонавий
- D. ортирилган, аралаш

**6. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш деганда?**

- A. ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён.
- B. Ишлаб чиқаришни техника билан таъминлаш
- C. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш
- D. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига рентабелликни ошириш

**7. Диверсификация деганда нимани тушунасиз?**

- A. юқори қўшилган қиймат ўсиш динамикасини таъминлайдиган маҳсулот ва хизматлар ассортиментининг ошиш ва кенгайиш жараёнидир.
- B. иқтисодиёт тармоқларида олиб борилаётган модернизация
- C. таркибий ўзгаришлар билан бевосита уйғунлашган ҳодисаси
- D. маҳсулот ассортиментини кўпайтириш

**8. Иқтисодий манфаатлар бу?**

- A. ишлаб чиқаришнинг алоҳида қатнашчилари (индивидлар, уларнинг гуруҳлари, синфий бирлашмалари) ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатларида ифодаланади.
- B. Ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш

- С. Ишлаб чиқариш муносабатларини хилма хиллаштириш
- Д. Ишлаб чиқаришда алоҳида ҳукумкорликка эришиш

**9. Иқтисодий мутаносиблик нима? бу-**

- А. иқтисодиётнинг турли томонлари ва сохалари ўртасида миқдор ва сифат ўлчамларнинг мос келишлик даражаси
- В. иқтисодиётнинг сохалари ўртасида сифат ўлчамларнинг мос келиши
- С. иқтисодиётнинг сохалари ўртасида миқдор ўлчамларнинг мос келиши
- Д. иқтисодиётда мулкдорлар синфни ташкил этиш

**10. Мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлилиги–бу?**

- А. мамлакатнинг ўрта ва узоқ муддатга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаб туриш қобилияти
- В. мамлакатнинг узоқ муддатга иқтисодий ўсишни таъминлаш
- С. мамлакатнинг ўрта муддатга иқтисодий ўсишни таъминлаш
- Д. мамлакатнинг иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларга кўтариш



**МАВЗУГА ДОИР МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Диверсификация этишнинг устувор йўналишлари?
2. Иқтисодиётда модернизациялаш жараёнларини амалга ошириш зарурияти?
3. Мамлакатни модернизация қилиш концепцияси ва модернизация қилишнинг бош мақсади, вазифалари ва ҳуқуқий асослари?
4. Иқтисодиётни етакчи тармоқларини модернизация қилиш?
5. Иқтисодиётни етакчи тармоқларини ҳамда унинг самарадорлигини ошириш?
6. Ишлаб чиқаришни диверсификация қилишнинг асосий омиллари?
7. Ишлаб чиқаришни модернизация қилишнинг асосий тамойиллари?
8. Мамлакат иқтисодиётини рақобатбардошлиги деганда нимани тушунасиш?
9. Модернизация ва диверсификация тушунчаларининг ижтимоий иқтисодий мазмуни?
10. Модернизация ва диверсификациянинг ўзига хос хусусиятлари?

## 9-МАВЗУ: ШАРТНОМАЛАР НАЗАРИЯСИ

### АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Шартнома тушунчаси
2. Сотиш тўғрисидаги шартнома ва ёллаш тўғрисидаги шартнома
3. Шартномаларнинг хиллари
4. Ташкилот тушунчаси ва институт билан ташкилот ўртасидаги чегара
5. Қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатлари

### МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-4707-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 4.03.2015

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги (ПП-2298) “2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар бутловчи қисмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 11.02.2015

3. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Ўқув қўлланма. 2-нашр, қайта ишланган. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. –97-110 б.
4. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008. -100-105 с.
5. Лемещенко П. С. Институциональная экономика: Учеб. пособие. – Мн.: ООО “ФУАинформ”, 2003. – 243-264 с.
6. У.Сэмюэлс Институциональная экономическая теория // Панорама экономической мысли XX столетия. Под ред. Д. Гринуэя, М. Блини, И. Стюарта. – СПб: Экономическая школа, 2006. – 102-112 с.
7. <http://www.lex.uz> - Ўзбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.
8. <http://www.jstor.org/stable/2564954>
9. <http://www.jstor.org/page/info/about/policies/terms.jsp>.
10. <http://www.jstor.org/action/showPublisher?publisherCode=aea>.

### МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

☞ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

☞ *Эсда тутинг!*

**Шартнома** – белгаланган институционал доираларда шахсларнинг онгли равишда ва эркин танлаши натижаси ҳисобланган мулкчилик ҳуқуқлари билан алмашиш ва уларни химоялаш тўғрисидаги келишув.

**Сотиш тўғрисидаги шартнома** – бир хил даражада хатарга бетараф бўлган шахслар ўртасидаги келажакда шартноманинг бажарилиши жараёнида *амалга ошириладиган* вазифалар доирасини белгилаб берувчи келишув.

**Ёллаш тўғрисидаги шартнома** – хатарга бетараф бўлган шахс ва хатарга қарши шахс ўртасидаги келажақда шартноманинг бажарилиши жараёнида *амалга оширилиши мумкин бўлган* вазифалар доирасини белгилаб берувчи келишув. Бунда хатарга қарши шахс хатарга бетараф бўлган шахсга ўз ҳаракатлари устидан назорат қилиш ҳуқуқини топширади.

**Ташкилот** - ҳукмронлик муносабатлари, яъни иштирокчиларининг айримлари - «агентлар» томонидан ўз ҳаракатлари устидан назорат қилиш ҳуқуқининг унинг бошқа иштирокчиси – «принципал»га топширилиши асосида қурилган мувофиқлаштириш бирлиги.

**Имплицит** - яъни охиригача келишилмаган шартнома атамасидан келиб чиққан шартнома.

**Шартномавий давлат** – бу фақат унга фуқаролар томонидан топширилган ҳуқуқлар доирасида ва уларнинг манфаатлари йўлида куч ишлатиш монополиясидан фойдаланувчи давлат, фуқаролар эса солиқларни тўлашга мажбурият деб эмас, балки ўз зиммасига ихтиёрий равишда олинган бурч сифатида қарайди.

**Чайқовчилик** – турли товарларни арзон сотиб олиб, уларга технологик ишлов бермасдан қиммат сотиш билан даромад топишни кўзлайдиган фаолият тури.

**Шартнома муносабатлари** – товар ишлаб чиқарувчилар бўлмиш корхоналар ўртасида битимга биноан амалга ошадиган иқтисодий алоқалар.

**Шартнома нархлари** – товарларни ишлаб чиқарувчи билан уни истеъмол этувчи ўртасидаги битимга биноан хар иккала томоннинг розилигига қараб белгиланган нарх.

**Шартномавий нарх** – бу шартнома асосида сотувчи ва сотиб олувчи махсулот ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи ёки ўртада турувчи ўртасидаги ўрнатилган нархдир.



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МИСОЛЛАР ВА КЕЙСЛАР:

☞ *Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

**1–мисол.** Шартномани тузишда шахслар расмий ва норасмий меъёрларни муайян битим эҳтиёжлари учун қўллаган ҳолда, улардан фойдаланишади. Агар сиз учун шартнома тузиш оғзаки усулда амалга ошириш манфаат келтирса у ҳолда сиз қандай йўл тутган бўлар эдингиз?

- а) шартнома кафолатланиши шарт;
- б) шартнома тузувчининг ҳуқуқий саводхонлигини ўрганиш;
- в) “Лавз пулдан ҳам қиммат” деган машҳур мақол орқали;
- г) келгуси давр шартнома тузиш ҳолатидан йироқ бўлишни англаган ҳолда;

д) шартнома тузишнинг бу ҳолати доим ижобий якун топгани.

Жавоб: а) ва в), институционал иқтисодиётда ҳар қандай шартнома қафолатланиши шарт, яъни расмий нормалар асосида, балки “Лавз пулдан ҳам қиммат” деган машҳур мақол орқали ҳам амалга оширилиши мумкин бунда шартнома тузувчи оила шаънини эътиборга олади.

**2–мисол.** Хатар ва ноаниқлик шароитида ҳамма шахслар ҳам бир хил ҳаракат қилмайди. Инсонларнинг хатарга нисбатан муносабатлари нуқтаи назаридан уларнинг учта хили мавжуд: хатарга қарши инсонлар; хатарга бетараф муносабатда бўладиган инсонлар ва хатарга мойил инсонлар.

Сиз инсонларнинг хатарга нисбатан муносабатлари нуқтаи назаридан талабалик даврида қандай қабул қиласиз?

- а) хатарга қарши инсонлар муносабатида;
- б) хатарга бетараф инсонлар муносабатида;
- в) хатарга мойил инсонлар муносабатида;

Жавоб: а) талабалик даврида хатарга қарши инсонлар муносабатида бўлади, чунки, ёллаш тўғрисидаги шартнома – хатарга бетараф бўлган шахс ва хатарга қарши шахс ўртасидаги келажакда шартноманинг бажарилиши жараёнида амалга оширилиши мумкин. Талабаликда тузилган шартнома талабани хатарга қарши шахс эканлигини кўрсатади.

**3–мисол.** “Лавз пулдан ҳам қиммат” деган машҳур мақолни институционал нуқтаи назардан талқин этинг. Унда қанақа шартнома идеали ўз аксини топган?

Сиз шу йўсинда шартнома тузган бўлар эдингизми? Қандай кўринишдаги шартномаларни?

- а) ёллаш тўғрисидаги шартномаларни;
- б) сотиш тўғрисидаги шартномаларни;
- в) оғзаки шартномаларни;
- г) бир марталик қафолатланган шартномаларни;

д) узоқ йиллар бирга фаолият олиб бораётган оилавий шартномаларни.

Жавоб: в), г) ва д) **шартномалар расмий ва норасмий нормаларга жавоб беради.**

## КЕЙСЛАР

### Кейс 1. “Никоҳ шартномаси” нима

“Қандай қилиб оила қуришга улгурмасдан туриб, ажрашиш, пулни бўлиш тўғрисида ўйлаш мумкин?”, - дея жазавага тушди бутун умр қонуний никоҳда яшаган бир аёл. “Мумкин, ҳатто керак ҳам! Агар бу ўзини ноҳўшликлардан ҳимоя қилишнинг, балки оилани мустаҳкамлашнинг ягона усули бўлса”, — деб **хисоблайди** кўплаб йигитлар. Чет элда никоҳ шартномаси аллақачон цивилизациялашган муносабатларни таъминловчи нормага айланган.

Никоҳ шартномаси — бу бўлажак эр-хотин ўртасидаги, биринчи галда, оилавий ҳаётнинг мулкий томонлари ҳақидаги ёзма келишув. Мазкур ҳужжат нотариусда тасдиқланиб, келин-куёвнинг ҳар бири биттадан нусхасига эга

бўлади, асл нусха эса ҳуқуқшуноса қолади. Вақт ўтиши билан никоҳ шартномасининг шартларини ўзгартириш мумкин, бунда шартноманинг янги матни ўша нотариал идорада тасдиқланади. Келишувни никоҳ туйидан олдин ҳам, ундан кейин ҳам расмийлаштириш мумкин. Биринчи ҳолатда, у никоҳ тузилганидан кейин, иккинчи ҳолатда эса нотариусда тасдиқланган вақтдан бошлаб кучга киради. Ушбу ҳужжат оилада асосан мулкый муносабатларни тартибга солади, лекин унга сиз исталган бандларни киритишингиз мумкин.

Мазкур ҳужжат ёрдамида эр-хотин биргаликдаги мулкнинг қонун билан белгиланган режимини ўзгартиришга ҳақли. Масалан, қонунга кўра, ажрашиш ҳолатида биргаликда қўлга киритилган барча мол-мулк тенг иккига бўлинади, шунингдек, суд эр-хотиннинг шахсий буюмларини қандай бўлиш масаласини ҳам ҳал этади. Сиз мол-мулкка эгалик қилишнинг исталган шаклини танлашингиз мумкин: биргаликда (умумий), улушли (ҳаммада ўз улуши) ёки алоҳида (яъни шахсий). Ҳар бирингизда шахсий мулкка эга бўлиш ҳуқуқи мавжудлиги туфайли сиз никоҳгача ўзингизга тегишли бўлган, шунингдек, совғалар ёки меросни ана шундай мулк деб аташингиз мумкин. Никоҳ шартномасида сиз бир-бирингизни, болаларни ва кекса ота-оналарни боқиш юзасидан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларингизни, бир-бирингизнинг даромадларингизда иштирок этиш усуллари ва чегарасини, ҳар бирингиз умумий ғазнага қўшадиган пул миқдорини белгилаб олишингиз, шунингдек, мулки муносабатларга тааллуқли исталга бошқа ҳолатларни киритишингиз мумкин.

Нима бўлмасин, «Никоҳ шартномасини расмийлаштириш жоизми?» деган саволга ҳуқуқшунослар тасдиқловчи жавобни беришади. *Биринчидан*, ажрашгандан кейин бор-будидан айриб қолиш хатари камаяди, *иккинчидан*, сиз шахсий мол-мулкни ўзингизга бириктирасиз, *учинчидан*, никоҳ шартномаси ҳамма вақт ташкил этувчи ва тўсқинлик қилувчи омил **ҳисобланади**. Масалан, эр ажрашиш ҳолатида муайян моддий харажатларга дуч келишини билган ҳолда оиладан кетиш-кетмаслиги тўғрисида яна бир бор ўйлаб кўради.

2. Никоҳ шартномасини тузишнинг асосий тамойили: бундай шартнома имкон қадар «резинали» бўлиши, ушбу шартномага бошқа қайтмаслик учун эҳтимолий форс-мажор ҳолатлари вазияти ривожланишининг имкон қадар кўпроқ сонини **ҳисобга олиши лозим**. Чунки никоҳ шартномасини деярли ҳар куни ўзгартиришга бўлган қизиқиш тез орада эр-хотиннинг бир-бирини товлашига айланиши мумкин: агар менга қулоқ солмасанг – шартномани шундай ўзгартираманки, ажрашиш ҳолатида сенга ҳеч нарса тегмайди. Шунинг учун шу ҳақида келишиб олиш лозимки, шартномани, албатта, ўзгартириш мумкин, лекин етарли сабабларга кўра ва эр-хотиннинг ихтиёрий равишда ифодаланган истаги мавжуд бўлган ҳолларда. Никоҳ шартномасини тасдиқловчи нотариус ҳам (бундай шартнома нотариус томонидан тасдиқланиши шарт) мазкур шартноманинг эр-хотиннинг розилиги билан тузилганлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Ҳозирги шартномаларда анъанага кўра охирида шундай ибора ёзилади: «Ушбу шартнома юзасидан



барча тортишувлар ва келишмовчиликларни тарафлар ўзаро музокаралар йўли билан ҳал этади. Агар келишувга эришилмаса, тортишув амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади». Ана шундай сатрни никоҳ шартномасига ҳам киритиш ортиқчалик қилмайди.

### **Саволлар:**

Никоҳ шартномасида шартномавий муносабатларнинг асосий тамойилларига амал қилинадими?

Никоҳ шартномасининг қуйидаги таркибий қисмларини ажратинг- шартнома предмети, низоларни ҳал этиш қоидалари ва тартиботлари, иштирокчиларнинг кутилаётган хатти-ҳаракати.

Никоҳ шартномасини шартномаларнинг қайси турига киритиш мумкин - классик, неоклассик, ёки муносабат? Ўз жавобингизни асосланг.

Агар расмий никоҳ қурган ёки фуқаролик никоҳида яшовчи эр-хотин никоҳ шартномасини тузмаган бўлса, улар ўртасидаги норасмий келишувни шартномаларнинг қайси турига киритиш мумкин?

## ҚУЙИДА КЕЛТИРИЛГАН ФИКРЛАР ТЎҒРИМИ ЁКИ НОТЎҒРИМИ?



***Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!***

1. Институт - ўзаро ҳамкорликнинг умумий доираларини белгилайди, ташкилот эса - ўзаро ҳамкорлик(лар)нинг муайян доираларини белгилайди.

2. Имплицит шартнома - ўзида ҳам ёллаш тўғрисидаги шартноманинг, ҳам сотиш тўғрисидаги шартноманинг унсурларини бирлаштиради.

3. Бозор конституцияси шахс ва «табиат» ўртасидаги ҳамкорликни эмас, балки шахслар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни тартибга солувчи меъёрлар йиғиндисини ўзида намоён этади.

4. Инсонларнинг хатарга нисбатан муносабатлари нуқтаи назаридан уларнинг иккита хили мавжуд: хатарга қарши инсонлар; хатарга бетараф муносабатда бўладиган инсонлар.

5. “Ёллаш тўғрисидаги шартнома” атамаси ёлланма ходим ва иш берувчининг ўзаро ҳамкорлиги моделидан келиб чиқиб, унда шу нарса назарда тутиладики, ёлланма ходим – хатарга бетараф, иш берувчи эса хатарга нисбатан қарши.

6. Ёллаш тўғрисидаги шартнома – хатарга бетараф бўлган шахс ва хатарга қарши шахс ўртасидаги келажакда шартноманинг бажарилиши жараёнида амалга оширилиши мумкин бўлган вазифалар доирасини белгилаб берувчи келишув.

7. Шахс томонидан фаолиятнинг шартномада белгиланган соҳалардаги ўз ҳаракатлари устидан назоратнинг топширилиши ҳукмронлик муносабатларининг асосида ётади.

8. Сотиш тўғрисидаги шартнома – бир хил даражада хатарга бетараф бўлган шахслар ўртасидаги келажакда шартноманинг бажарилиши

жараёнида амалга ошириладиган вазифалар доирасини белгилаб берувчи келишув.

9. Классик шартнома, унда ўзаро ҳамкорликнинг барча шартлари аниқ ва тўла-тўқис белгиланган, сотиш тўғрисидаги шартномадан ҳосил бўлган шартнома.

10. “Муносабатли” одам оқилона мақсадли ҳаракат меъёрига амал қилади, лекин шу билан бирга у ўз хатти-ҳаракатини ишонч, эмпатия ва бозор конституциясини ташкил қилувчи бошқа меъёрлар асосида ҳам қуради.



#### МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

☞ *Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

##### **1. Шартнома – нима?**

А. бу белгаланган институционал доираларда шахсларнинг онгли равишда ва эркин танлаши натижаси ҳисобланган мулкчилик ҳуқуқлари билан алмашиш ва уларни ҳимоялаш тўғрисидаги келишув.

В. бу қарорлар қабул қилиш ва «агентлар» ҳаракатлари устидан назорат қилиш жараёни.

С. бу марказлашган тизимдан чиқаришни ўзида намоён этади.

Д. бу мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса-да, бартараф этишни талаб қилмайди.

##### **2. Инсонларнинг хатарга нисбатан муносабатлари нуқтаи назаридан уларнинг нечта хили мавжуд?**

А. булар хатарга қарши, бетараф ва хатарга мойил инсонлар.

В. булар хатарга бетараф муносабатда бўладиган инсонлар.

С. булар хатарга мойил инсонлар.

Д. булар шартномани бир томонлама амалга оширувчи инсонлар.

##### **3. Сотиш тўғрисидаги шартнома – нима?**

А. Бир хил даражада хатарга бетараф бўлган шахслар ўртасидаги келажакда шартноманинг бажарилиши жараёнида амалга ошириладиган вазифалар доирасини белгилаб берувчи келишув.

В. Хатарга қарши шахслар келишуви.

С. Олдиндан тўлаб қўйиш учун қилинган шартнома.

Д. Хатарга бетараф бўлган шахслар келишуви.

##### **4. Ёллаш тўғрисидаги шартнома – нима?**

А. Хатарга бетараф бўлган шахс ва хатарга қарши шахс ўртасидаги келажакда шартноманинг бажарилиши жараёнида амалга оширилиши мумкин бўлган вазифалар доирасини белгилаб берувчи келишув.

В. Бир хил даражадаги келишув.

С. Шахслар томонидан бир томонлама шартнома.

Д. Корхоналар ўртасидаги ўзаро товар ва хизматлар айирабошлаш тўғрисидаги шартнома.

**5. Ҳукумронлик муносабатлари неча хилда бўлади ва улар қайсилар?**

- A. Оддий, мураккаб, персонафикацияланган ва позицион.
- B. Мураккаб, персонафикацияланган
- C. Персонафикацияланган
- D. Персонафикацияланган ва позицион.

**6. Шартноманинг нечта базавий хили маълум?**

- A. Иккита.
- B. Учта.
- C. Тўртта.
- D. Бешта.

**7. Шартнома муносабатлари қандай амалга оширилади?**

- A. Товар ишлаб чиқарувчилар бўлмиш корхоналар ўртасида битимга биноан амалга ошадиган иқтисодий алоқалар.
- B. Товарларни ишлаб чиқарувчи билан уни истеъмол этувчи ўртасидаги битим.
- C. Шартнома асосида сотувчи ва сотиб олувчи маҳсулот.
- D. Фақат ёллаш шартномасида амалга оширилади..

**8. Шартнома нархлари – нима?**

- A. Товар ишлаб чиқарувчилар алоқаларидаги нарх.
- B. Товарларни ишлаб чиқарувчи билан уни истеъмол этувчи ўртасидаги битимга биноан ҳар иккала томоннинг розилигига қараб белгиланган нарх.
- C. Сотувчи ва сотиб олувчи маҳсулотлари нархи.
- D. Истеъмол этувчи шахслар ўртасидаги нарх.

**9. Шартномавий нарх – нима?**

- A. Товар ишлаб чиқарувчилар алоқаларидаги нарх.
- B. Товарларни ишлаб чиқарувчи билан уни истеъмол этувчи ўртасидаги битимга биноан ҳар иккала томоннинг розилигига қараб белгиланган нарх.
- C. Бу шартнома асосида сотувчи ва сотиб олувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи ёки ўртада турувчи ўртасидаги ўрнатилган нархдир.
- D. Хатарга қарши бўлган шахслар ўртасидаги келишув нархи.

**10. Классик шартнома – нима?**

- A. Унда ўзаро ҳамкорликнинг барча шартлари аниқ ва тўла-тўқис белгиланган, сотиш тўғрисидаги шартномадан ҳосил бўлган шартнома.
- B. Унда келишилмаган шартнома эса, аксинча, ўзаро ҳамкорликнинг аниқ белгиланишини истисно этади.
- C. Ўзаро «муносабатли» шартнома. сотиш тўғрисидаги шартноманинг унсурларини бирлаштиради.
- D. Сотиш тўғрисидаги шартноманинг унсурларини бирлаштиради.



### МАВЗУГА ДОИР МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

1. Сиз бугун қандай хилдаги шартномаларни тузишингизга тўғри келди? Амалга оширилган битимлардан бирини шу нуқтаи назардан тавсифланг.
2. Сотиш тўғрисидаги шартнома ёллаш тўғрисидаги шартномадан қандай фарқ қилади?
3. Шартномаларнинг хиллари бўйича мисоллар келтириб шархлаб беринг?
4. Институт билан ташкилот ўртасидаги чегара қандай тавсифга эга?
5. Ёллаш тўғрисидаги шартноманинг институционал ва марксистик талқинини таққосланг.
6. Нима учун имплицит шартномани амалга ошириш жараёнида юзага келадиган низоларни ҳал этиш учун учинчи томонни жалб этишга зарурат йўқ?
7. Қишлоқ хўжалигида қандай мақсадлар учун шартномалар тузилади ва шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш мониторингининг ўзига хос хусусиятларига нималар киради?
8. Неоклассик ёки гибрид, “муносабатли” шартномага тавсиф беринг ва мисоллар келтиринг?
9. Шартнома шартларини бажармаганлик учун санкциялар қандай амалга оширилади?
10. Франчайзинг шартномаларини институционал таҳлил қилиб беринг ва мисоллар келтиринг?

## 10-MAVЗУ: ФИРМА НАЗАРИЯСИ

### АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. “Принципал” билан “агент” ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммоси
2. “Принципал-агент” муаммоларини ҳал этиш вариантлари
3. Фирманинг ички тузилмаси
4. Фирмалар типологияси ва уларнинг ривожланиш траекторияси
5. Фирмаларнинг асосий хиллари

### MAVЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4707-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 4.03.2015

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги (ПП-2298) “2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар бутловчи қисмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 11.02.2015

3. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Ўқув қўлланма. 2-нашр, қайта ишланган. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. –113-130 б.

4. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008. -120-125 с.

5. Лемещенко П. С. Институциональная экономика: Учеб. пособие. – Мн.: ООО “ФУАинформ”, 2003. – 256-264 с.

6. Дроздов Н.Д. Институциональная экономика: Учеб. Пособие -Тверь: Твер. гос. ун-т, 2006. -212-230 с.

7. Виноградова А.В. Институциональная экономика: теория и практика Учебно-методическое пособие. Нижний Новгород: Нижегородской гос. университет, 2012. -214-230 с.

8. <http://www.lex.uz> - Ўзбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти

9. <http://www.jstor.org/stable/2564954>

10. <http://www.jstor.org/page/info/about/policies/terms.jsp>.

11. <http://www.jstor.org/action/showPublisher?publisherCode=aea>.

12. <http://www.jstor.org>

13. <http://www.mineconomi.uz>.

### MAVЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

☞ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

☞ *Эсда тутинг!*

**Фирма** – товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш мақсадида иқтисодий ресурсларнинг ишлатувчи ташкилотдир. Мулк эгасининг тавсифига кўра қўйидаги турдаги фирмалар мавжуд: давлат, хусусий тадбиркорлик ва капиталистик фирмалар, хар бир очик холда улар хўжалик фаолиятининг асосий мақсади - қолдиқ даромад мулк эгасининг, барча

тўловлар амалга оширганда кейинги даромадини кўпайтириш, киритилган капиталдан олинадиган фойдани ошириш ва меҳнатдан келадиган даромадни юксалтиришдан иборатдир.

**Ташкилий маданият** – ташкилот аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи ва уларнинг жамоавий билимлари ва тажрибасининг ифодаси ҳисобланган меъёрлар, қоидалар ва анъаналар йиғиндиси.

**“Принципал-агент” муаммоси** – “агент”нинг “принципал” топшириғи ва кўрсатмасини бажаришдаги ҳийласи (найранги). Ҳийла ишлатиш (найранг) ахборот асимметрияси ва “агент” фаолияти устидан назорат қилишнинг юқори даражаси туфайли мумкин бўлади.

**Чайқовчилик** – турли товарларни арзон сотиб олиб, уларга технологик ишлов бермасдан қиммат сотиш билан даромад топишни кўзлайдиган фаолият тури.

**Фирма кредити** – бу кредит бериш шаклида мол берувчи ва сотувчи тўлаш муддати узайтирилган кредитни харидорга беради. Бу каби кредит шаклининг бирдан-бир мисоли маҳсулотни истеъмолчига аванс беришдир, аванс берувчига шартномага қўл қўйилгандан сўнг ўтказилади.


**Аралаш тузилма**, агар бўлинмалардан бири ҳудди унитар корхонадаги каби фирма раҳбарияти томонидан тўлиқ назорат қилинса, иккинчи бўлинма холдингдаги каби фирма раҳбариятига молиявий жиҳатдан қарам бўлса, учинчи бўлинма эса операцион мустақилликка эга бўлиб, мультидивизионал тузилмадаги каби ўз харажатини қоплаш тамойили асосида фаолият кўрсатган тақдирда, юзага келади.

**Мультидивизионал тузилма** – маҳсулотнинг хили, савдо маркасига қараб ёки жуғрофий белги бўйича ўз харажатини қоплаш ва ўзини ўзи молиялаш тамойили асосида фаолият кўрсатувчи ярим мухтор ишлаб чиқариш бўлинмаларини ташкил этишни назарда тутди.

**Холдинг тузилмаси** – қарорлар қабул қилиш ва «агентлар» ҳаракатлари устидан назорат қилиш жараёнини имкон қадар марказлашган тизимдан чиқаришни ўзида намоён этади.

**Унитар тузилма** – ҳуққонлик муносабатларининг максимал даражада марказлашувини назарда тутди.

**Хусусий мулкчилик** – индивиднинг жамоавий хўжалик фаолиятидан ажралиб чиқишини ўзида намоён этади



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МИСОЛЛАР ВА  
КЕЙСЛАР:

☞ *Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

**1–мисол.** “Принципал” билан “агент”нинг ўзаро муносабатлари матрицаси

		“Принципал”
--	--	-------------

“Агент”		Назорат қилиш	Назорат қилмаслик
	Виждонан ишлаш	1; 1 [St <sub>2</sub> ]	1; 2 [St <sub>1</sub> , P]
	Ишдан бўйин товлаш	0; -1	2; -2

Ушбу ўйинда “принципал” ва “агент” стратегиясининг мос келмаслиги муаммоси яққол кўриниб турибди. Бунда Нэш бўйича мувозанат мавжуд эмас: “принципал” ва “агент” ўртасидаги ўзаро муносабатларда оптимал натижага эришиш ташкилотнинг ривожланиши жараёнида юзага келадиган тахдид остида бўлади.

Сиз корхона раҳбари сифатида ушбу уйинни оптимал натижага эришишда қандай йул тутган булар эдингиз?

- а) “Агентлар” рақобати орқали;
- б) “Агент»нинг қўшма фаолият натижаларида иштирок этиши орқали;
- в) Фирма “агентлар” иттифоқи сифатида;
- г) Шартнома тузиш орқали;
- д) Раҳбарлик лавозимидан фойдаланиш орқали.

Жавоб: а), б) **ва в) жавоблар тугри, чунки институционал назарияда** “Принципал-агент” муаммоларини ҳал этиш вариантларига юкоридаги жавоблар тугри келади.

**2–мисол.** “Принципал-агент” муаммоларини ҳал этиш вариантларига:

- “Агентлар” рақобатини;
- “Агент”нинг қўшма фаолият натижаларида иштирок этишини;
- Фирма “агентлар” иттифоқи сифатида эканлигини критдик.

Сиз яна қандай вариантларни тавсия этган булар эдингиз?

а) Ахборотлар алмашинишини эркинлиги ва шартномаларни узок муддатлилиги орқали;

б) Малакали ходимларни тасдикловчи хужжатларни мавжудлиги узок муддатлилик шартномани имзолашни билдиради;

в) Хар бир ходимни фойда улушига айлантириш орқали;

г) Шартнома тузиш орқали;

д) Раҳбарлик лавозимидан фойдаланиш орқали.

Жавоб: а), б) Ахборотлар алмашинишини эркинлиги ва шартномаларни узок муддатлилиги орқали ҳамда малакали ходимларни тасдикловчи хужжатларни мавжудлиги узок муддатлилик шартномани имзолашни билдиради.

**3–мисол.** Амалиётда шартнома мажбуриятлари бузилиши турларининг қуйидаги таснифи қўлланилади: ишларнинг бажарилмаслиги ёки хазматлар кўрсатилмаслиги; сифатсиз товарлар (ишлар, хазматлар)ни етказиб бериш; тўлиқсиз товарларни етказиб бериш; маркаланмаган, шунингдек идишсиз ёки упаковка қилинмаган товарларни етказиб бериш; етказиб бериш муддатининг кечиктирилиши, товарларни тўлиқ етказиб бермаслик; тўлов, товар-транспорт хужжатларининг кечиктирилиши; товарлар (ишлар, хазматлар) ҳақини тўламаслик ёки ўз вақтида тўламаслик ва.хо.ко.

Агар сиз ўқиш учун тўлов шартномаси мажбуриятини бузгангизда сизга нисбатан университет чора қўлади, масалан талабалик сафидан чиқарди у ҳолда сиз қандай йўл тутган бўлар эдингиз?

Сиз буни қандай шартлар асосида қабул қиласиз?

а) эътироз билдирмайман;

б) ушбу ҳолга тушмаслик учун доим тўлов кантрактини ўз вақтида тўлаб бораман;

в) академик таътил олиб молиявий имкониятларимни оширишга ҳаракат қиламан;

г) фарқи йўқ, чунки менга ўқишни қизиғи йўқ, оиламизни талабларини бажариш учун талабалик сафига кирдим;

д) тўлов шартномасида кўрсатилган суммани уч баробар шаклда тўлаб бераман ва ушбу ҳолатни такрорламаслик учун ҳаракат қиламан.

Жавоб: а) ва в) эътироз билдирмайман **ва** академик таътил олиб молиявий имкониятларимни оширишга ҳаракат қиламан.

### КЕЙСЛАР

**Кейс 1. Корпоратив миссия трансакция харажатларини пасайтириш усули сифатида.**

Ходимлар сони 30-50 нафар кишигача ошган вақтда, кўрсатмали бошқарув боши берк кўчага кириб қолади. Раҳбар ўз буруқлари бажарилишининг одатдаги аниқлиги ва уйғунлиги йўқолиб бораётганлигини ҳис қилган ҳолда қўл остидагиларнинг ҳаракатлари устидан назоратни кучайтиришга интилади. Қатъий талабларнинг расмий доираларига сиқиб қўйилган ходимлар қаршилиқ кўрсата бошлайди. Инсонлар уларни қилишга мажбур этган нарсаларга қараганда ўз истакларига мос келадиган нарсаларни яхши қилишади. Қадриятлар тизимини билиш корхонада юз бераётган барча туб жараёнларни тушуниш имконини беради.

**Амалиёт.** Тошкентдаги савдо компанияси раҳбарияти саноат асбаб-ускуналари товарининг бир турини ишлаб чиқарувчи завод билан бирлашишга қарор қилди. Иккала корхонанинг ҳам директорлари ва ходимлари иш жараёнида узвий алоқада бўлишди, иккала корхонанинг ҳам ягона компания доирасидаги қўшма фаолият ҳақидаги тасаввурлари шунчалик ҳар хил бўлиб чиқдики, ҳатто бирлашишнинг мақсадга мувофиқлигини шубҳа остига қўйди.

Ана шундай бирлашиш самарасиз бўлиб чиққан ҳолатларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Муваффақиятсиз чиққан интеграциянинг асосий сабаби сифатида кўпинча иштирокчи корхоналарнинг корпоратив маданиятларидаги фарқлар тилга олинади. Қадриятлар ходимларнинг хатти-ҳаракатини белгилаб беради, шунинг учун агар қадриятлар мос келмаса, у ҳолда ҳар бир корхона ходимларининг фаолияти турли йўналишларга эга бўлади. Натижада корхоналар келиша олишмайди, самарали ўзаро ҳамкорликка ҳам эришилмайди. Улар дастлаб бирлашиб, сўнгра эса тарқалиб вақтни ва пулни бой беришади ёки ўзаро фойдани қўлдан чиқарган ҳолда



шунчаки бирлаша олишмайди. Ҳаракатларнинг бирлигига эришиш учун умумий кадриятларни шакллантириш зарур.

Тадбиркорлар шартномаларни ҳамкорлик, етказиб бериш, тўловлар шартларини муҳокама қилган ҳолда тузишади, кадриятларни биргаликда яратиш ҳақида музокараларни юритиш кўникмалари эса ҳали мавжуд эмас. Кўпчилик учун музокаралар предмети тушунарсиз ва унинг аҳамияти ҳам номаълум. Ушбу сабаблар туфайли мамлакатимизда мустақил корхоналарнинг муваффақиятли бирлашганлигига жуда кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Қўшилиш асосан харид қилиш йўли билан юз беради.

Кадриятлар умумий тизимини шакллантириш учун бирлашган компанияни ривожлантиришнинг биргаликдаги йўллари, кутилаётган натижалар, миссиянинг ижроси ҳақидаги тасаввурлар аниқланиши керак. Савдо компанияси билан бўлган ҳолатда бирлашган компанияни ташкил этиш учун ресурс – бизнес-мафкура талаб қилинди. Жамоа эса буни махсус тренингда шакллантиришга киришди. Янги, ягона корхонанинг миссияси ишлаб чиқилди. Корхонани ташкил этишнинг асосида ётувчи тамойиллар аниқланди. Шу жумладан компания амал қиладиган кадриятлар ҳам ишлаб чиқилди, — компания ишида иштирок ётувчи ёки унинг фаолиятига жиддий таъсир кўрсатувчи гуруҳларнинг эҳтиёжларини қондириш. Ана шундай гуруҳлар жумласига қуйидагилар киради: мижозлар, мулкдорлар, ходимлар, менежмент, етказиб берувчилар, шериклар. Ушбу гуруҳлар билан компания ўртасидаги ўзаро муносабатлар тамойиллари белгиланди. Янги шароитда ишлаш учун қанақа ходимлар талаб этилиши, уларни нимага ва қандай ўқитиш лозимлиги маълум бўлди. Келгусидаги мотивация тизимининг шаклу-шамойили пайдо бўлди.

Бундан кейин бутун жамоа ҳаракатларининг хусусиятини белгилаб берувчи кадриятлар тизимининг шаклланиши қилинган ишларнинг якуни бўлди. Иккала корхонанинг ҳам ходимлари самарали ўзаро ҳамкорлик қилган ҳолда ва белгиланган йўл бўйича бир йўналишда ҳаракатланиб, саъй-ҳаракатларни умумий мақсадга эришиш йўлида бирлаштиради.

### **Саволлар:**

Кадриятлар корпоратив тизимининг белгиланиши ва жорий этилиши мувофиқлаштириш ва мотивация харажатларининг миқдорига қанақа таъсир кўрсатади?

Бир-бири билан ўзаро ҳамкорлик қилишни режалаштираётган компанияларда умумий кадриятларнинг мавжудлиги музокаралар олиб бориш, шартномани тузиш, мониторинг ва шартномаларни ижро этишга мажбурлаш харажатларининг миқдорига қандай таъсир кўрсатади?

Кадриятлар корпоратив тизимининг мавжудлигини Норт томонидан ажратилган омилларнинг трансакция харажатларининг даражаси ва таркибини белгилаб берувчи қайси турига киритиш мумкин?

Музокаралар олиб бориш харажатларининг учта тоифасини ажратинг. Кадриятлар корпоратив тизимининг жорий этилиши ушбу тоифалардан қайсиларига таъсир кўрсатмайди?

## ҚУЙИДА КЕЛТИРИЛГАН ФИКРЛАР ТЎҒРИМИ ЁКИ НОТЎҒРИМИ?



☞ **Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!**

1. Ташкилот таркибига кирувчи “агентлар” сонининг ўсиши, агентлар ҳаракати устидан назорат қилиш учун талаб этиладиган “принципал” харажатларининг ошишини белгилаб беради.

2. Принципал-агент муаммоси – “агент”нинг “принципал” топшириғи ва кўрсатмасини бажаришда унинг найранг қилиш хавфи ҳисобланади.

3. Назорат харажатларининг ортиши “агентлар” сонининг ўсишига тўғри пропорционал эмас.

4. “Принципал-агент” муаммосини ҳал этишнинг биринчи варианты агентлар ўртасидаги рақобатни кучайтиришни талаб қилади.

5. Муаммони ҳал этишнинг иккинчи варианты “агент” томонидан қатъий белгиланмаган, балки фирма фаолиятининг натижаларига боғлиқ бўлган мукофотни тўлашни назарда тутувчи ёллаш ҳақидаги шартноманинг тузилишидан иборат.

6. Унитар тузилма - ҳукмронлик муносабатларининг энг юқори даражада марказлашувини назарда тутуди. Барча асосий қарорлар «агентлар» томонидан қабул қилинади, унинг ўзи назоратни ҳам амалга оширади.

7. Холдинг тузилмаси- қарорлар қабул қилиш ва “Принципал” ҳаракатлари устидан назорат қилиш жараёнини имкон қадар марказлашган тизимдан чиқаришни ўзида намоён этади.

8. Агар “агентлар” фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқи бошқаларга ўтказилса, у ҳолда функционал белги бўйича – функционал бўлинмалар бошлиқларига: сотиш бўлими бошлиғи, бош муҳандис, бош бухгалтер ва ҳ.к.га берилади.

9. Ташкилот аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи ва уларнинг жамоавий билимлари ва тажрибасининг ифодаси ҳисобланган меъёрлар, қоидалар ва анъаналар йиғиндисига ташкилий маданият дейилади.

10. Менежерлар билан ходимларнинг ўзаро муносабатларида “принципал-агент” муаммосининг ҳал этилиши фордизм – Буюк қатағонлик даврида Генри Форд томонидан ишлаб чиқилган меҳнатни ташкил қилиш тизими тамойилларига асосланади.



### МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

☞ **Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.**

1. “Принципал-агент” муаммоси – нима?

А. “агент”нинг “принципал” топшириғи ва кўрсатмасини бажаришда унинг найранг қилиш хавфи ҳисобланади.

В. “агент” фаолияти устидан назорат қилиш харажатлари.

С. ахборотга эга бўлиш оқибати.

Д. “агент”нинг хатти-ҳаракат қилиши имконияти.

**2. “Принципал-агент” муаммоларини ҳал этишнинг нечта варианты мавжуд?**

А. Учта.

В. Олтита.

С. Бешта.

Д. Чексиз.

**3. Фирма ички тузилишининг қуйидаги нечта варианты кенг тарқалган?**

А. Учта.

В. Бешта.

С. Мультидивизионал кўринишда фақат.

Д. Тўртта.

**4. Унитар тузилма - нима?**

А. Ҳуқмронлик муносабатларининг энг юқори даражада марказлашувини назарда тутати. Барча асосий қарорлар «принципал» томонидан қабул қилинади, унинг ўзи назоратни ҳам амалга оширади.

В. Қарорлар қабул қилиш ва «агентлар» ҳаракатлари устидан назорат қилиш жараёнини имкон қадар марказлашган тизимдан чиқаришни ўзида намоён этади.

С. Маҳсулотнинг хили, савдо маркасига қараб ёки жуғрофий белги бўйича ўз харажатини қоплаш.

Д. Агар бўлинмалардан бири ҳудди унитар корхонадаги каби фирма раҳбарияти томонидан тўлиқ назорат қилинса.

**5. Холдинг тузилмаси - нима?**

А. Ҳуқмронлик муносабатларининг энг юқори даражада марказлашувини назарда тутати.

В. Қарорлар қабул қилиш ва «агентлар» ҳаракатлари устидан назорат қилиш жараёнини имкон қадар марказлашган тизимдан чиқаришни ўзида намоён этади.

С. Маҳсулотнинг хили, савдо маркасига қараб ёки жуғрофий белги бўйича ўз харажатини қоплаш ва ўзини ўзи молиялаш тамойили асосида фаолият кўрсатувчи ярим тобий ишлаб чиқариш бўлинмаларини ташкил этишни назарда тутати.

Д. Агар бўлинмалардан бири ҳудди унитар корхонадаги каби фирма раҳбарияти томонидан тўлиқ назорат қилинса.

**6. Мультидивизионал тузилма - нима?**

А. Ҳуқмронлик муносабатларининг энг юқори даражада марказлашувини назарда тутати.

В. Қарорлар қабул қилиш ва «агентлар» ҳаракатлари устидан назорат қилиш жараёнини имкон қадар марказлашган тизимдан чиқаришни ўзида намоён этади.

С. Маҳсулотнинг хили, савдо маркасига қараб ёки жуғрофий белги бўйича ўз харажатини қоплаш ва ўзини ўзи молиялаш тамойили асосида фаолият кўрсатувчи ярим тобий ишлаб чиқариш бўлинмаларини ташкил этишни назарда тутаяди.

Д. Агар бўлинмалардан бири ҳудди унитар корхонадаги каби фирма раҳбарияти томонидан тўлиқ назорат қилинса.

#### **7. Аралаш тузилма - нима?**

А. Ҳуқмронлик муносабатларининг энг юқори даражада марказлашувини назарда тутаяди.

В. Қарорлар қабул қилиш ва «агентлар» ҳаракатлари устидан назорат қилиш жараёнини имкон қадар марказлашган тизимдан чиқаришни ўзида намоён этади.

С. Маҳсулотнинг хили, савдо маркасига қараб ёки жуғрофий белги бўйича ўз харажатини қоплаш ва ўзини ўзи молиялаш тамойили асосида фаолият кўрсатувчи ярим тобий ишлаб чиқариш бўлинмаларини ташкил этишни назарда тутаяди.

Д. Агар бўлинмалардан бири ҳудди унитар корхонадаги каби фирма раҳбарияти томонидан тўлиқ назорат қилинса, иккинчи бўлинма холдингдаги каби фирма раҳбариятига молиявий жиҳатдан қарам бўлса, учинчи бўлинма эса операцион мустақилликка эга бўлиб, мультидивизионал тузилмадаги каби ўз харажатини қоплаш тамойили асосида фаолият кўрсатган тақдирда, юзага келади.

#### **8. Ташкилий маданият - нима?**

А. Ҳуқмронлик муносабатларининг энг юқори даражада марказлашувини назарда тутаяди.

В. Қарорлар қабул қилиш ва «агентлар» ҳаракатлари устидан назорат қилиш жараёнини имкон қадар марказлашган тизимдан чиқаришни ўзида намоён этади.

С. Маҳсулотнинг хили, савдо маркасига қараб ёки жуғрофий белги бўйича ўз харажатини қоплаш ва ўзини ўзи молиялаш тамойили асосида фаолият кўрсатувчи ярим тобий ишлаб чиқариш бўлинмаларини ташкил этишни назарда тутаяди.

Д. ташкилот аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи ва уларнинг жамоавий билимлари ва тажрибасининг ифодаси ҳисобланган меъёрлар, қоидалар ва анъаналар йиғиндиси.

#### **9. Ташкилий ривожланиш траекториясини белгилаб берувчи омиллар жумласига қуйидагилар киреди:**

А. Институционал муҳит, шу жумладан институционал ривожланиш траекторияси ва активларнинг ўзига хослик даражаси.

В. Мамлакат аҳолисининг умумий сони

С. Хатарга нисбатан бетараф бўлган инсонлар улуши

D. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг умумий даражаси.

**10. Ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаш мезонлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**

A. Мулкий ҳуқуқларнинг тафсилланиш даражаси ва эгаллик қилиш ва қолдиқ қийматни олиш ҳуқуқларининг иқтисодий субъектлараро тақсимланиши.

B. Ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаш мезонларида трансакция харажатларини мавжуд эмаслигида.

C. Шартномалар назарияси асосида

D. Хуфёна ийғисодиётни чеклаш асосида.



**МАВЗУГА ДОИР МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:**

1. “Принципал” ва “агент” сўзлари нимани англатади? Улар ўртасидаги муносабатлар нималарга асосланади?

2. Сизга яхши таниш бўлган ташкилотни танланг ва қуйидаги саволларга жавоб беринг: корхонада “принципал-агент” муаммоси қандай ҳал этилади; корxonанинг ташкилий тузилиши қанақа (унитар, холдинг, мультидивизионал, аралаш); корхона фирманинг қайси бeнуқсон хилига кўпроқ яқин?

3. Ўзбекистон бозорида ишловчи чет эл фирмасининг филиали қандай хилдаги корхона жумласига кириши мумкин? Жавобингизни асослашда қайси омиларни ҳисобга олиш лозим?

4. Ўтиш хилидаги корхона барқарор ташкилий тузилма ҳисобланганими ёки ушбу бeнуқсон хил ёрдамида фақат B корxonанинг A фирмага айлантирилишидаги босқич ёритилганми?

5. “Принципал-агент” муаммоларини ҳал этиш вариантларини тавсифлаб беринг?

6. Фирманинг ички тузилмаси институционал иқтисодиётда қандай шаклларга ажратилган улар ҳақида маълумотлар беринг?

7. Фирмалар типологияси ва уларнинг ривожланиш траекторияси қандай амалга оширилади?

8. Фирмаларнинг асосий хилларига тавсиф беринг?

9. Бозорда ишончли ахборотнинг тарқатилиши рақобат билан рағбатлантирилади. Аксинча, “принципал” ва “агент” муносабатларининг оддий вариантыда ахборот асимметрияси ва оппортунизм имкониятлари “агент”ни “принципал” билан найранг қилишга ундайди деган фикрни шарҳлаб беринг?

10. Ташкилий ривожланиш траекториясини белгилаб берувчи омиллар жумласига нималар киради?

## 11-Мавзу: ТАШКИЛОТНИ АМАЛИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ НАЗАРИЯЛАРИ

### АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Трансакция харажатларининг ординалистик назарияси асосида ташкилий тузилмаларни амалий таҳлил қилиш
2. Трансакция харажатлари миқдорининг эксперт баҳоларидаги тафсилоти
3. Фирманинг баланси унинг таркиби тўғрисидаги ахборот манбаи сифатида
4. Фирма ичидаги низоларни таҳлил қилиш ва уларни келишувлар назарияси асосида ҳал этиш
5. Низоларнинг кескинлигини пасайтириш мезони бўйича оптималлаштириш.

### МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. - 2013. – 377 б.
2. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Ўқув кўланма. 2-нашр, қайта ишланган. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. –131-142 б.
3. Беркинов Б.Б., Эргашхўжаева Ш.Дж., Маматова Ф.Х. Трансакциялар ва трансакция харажатлари назарияси асослари. –Т.: Иқтисодиёт, 2013. -65 б.
4. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008. -С 127-130.
5. Лемещенко П. С. Институциональная экономика: Учеб. пособие. – Мн.: ООО «ФУАинформ», 2003. – 256-264 С.
6. <http://www.jstor.org>
7. [www.weforum.org/ger](http://www.weforum.org/ger)
8. [www.oecd.org/publishing](http://www.oecd.org/publishing)
9. <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси веб сайти.
10. [www.wordbank.org](http://www.wordbank.org) -Жаҳон Банки маълумотлари.
11. <http://www.lex.uz> - Ўзбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.
12. <http://www.mineconomi.uz>.

### МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

♣ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

### 🔗 Эсда тутинг!

**Айланма фондлар** – корхона ишлаб чиқариш фондининг бир қисмини ташкил қилади. У бир ишлаб чиқариш даврида ишлатилади ва ўз қийматини ишлаб чиқариладиган махсулотга тўлалигича ўтказди. Муомила фаодлари тайёр махсулотни истеъмолчиларга юборилгани, лекин тўланмагани, банк ва касса ҳисобидаги пул маблағини ўз ичига олади.

**Активларнинг ликвидлиги** – бу моддий бойликларни сотиб нақд пулга айлантиришдаги енгилликдир. Корхонанинг баъзи бир активлари ўзаро шундай боғланган бўлишлари мумкинки, биттасини йуқотиш бошқасини самарали ишлатилишига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

**Активларни молиялаштириш сиёсати** – корхонанинг алоҳида туридаги активларини ўз маблағлари, узок ва қисқа муддатли қарзга олинган маблағлар ҳисобидан молиялаштиришга бўлган принципиал ёндашув.

**Асосий воситаларининг қийматини индексациялаш** – асосий воситаларини инфляция, маънавий эскириш ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда қайта баҳолаш ва балансга акс эттириш.

**Асосий воситаларининг фаол қисми** – савдо технологик жараёнида бевосита ишлатиладиган машина, механизм ва ускуналар.

**Баланс фойда** – корхонанинг савдо ва башқа фаолият турларидан оладиган фойдасининг солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмаларни тўлашдан олдинги умумий суммаси.

**Дебитор** – корхона, ташкилот ёки муассасадан қарзи бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

**Дебиторлик қарзи** – ўзаро хўжалик алоқаларини олиб боровчи корхона, ташкилотларнинг бир-биридан қарзи суммаси.

**Дебиторлик қарзнинг қайта молиялаштириш** – дебиторлик қарзларини пул активларига айланишини тезлаштириш бўйича молиявий операция.

**Кредит** – пул воситаларини, товар ва хизматларини маълум устама (фоиз) тўлаб кайтариб бериш шарти билан номаълам муддатга қарз бериш.

**Кредит муносабатлари** – ссуда фондини шакллантириш ва ундан фойдаланиш муносабатлари.

**Кредит пуллари** – кредит алоқаларида ишлатиладиган қоғоз пуллар, кредит пуллар олтин ўрнига пайдо бўлган қарз берувчи ва қарздор ўртасидаги амалга ошадиган ҳаракатларда қўлланади.

**Пассивлар** – корхона томонидан ўз хўжалик фаолиятини молиялаштириш учун ишлатиладиган, қарзга олинган пул маблағлари.

**Ҳисоб-китобларнинг пулсиз шакли** – бартер алмашуви, ўзаро ҳисоб-китоб (клиринг) схемалари, шунингдек нотижорат йўли билан кредитлашнинг барча турлари (шу жумладан, тўламасликлар).



МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МИСОЛЛАР ВА КЕЙСЛАР:

☞ *Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

**1–мисол.** Касаба уюшмасининг фаолияти қуйидаги келишувлар қисмларини ўз ичига олади: фуқаролик, бозор, индустриал ва анъанавий. Ушбу ҳолатда келишувларнинг қанақа варианти ҳақида гап борапти?

- а) муроса,
- б) даҳл,
- в) экспансия.

**Жавоб: а),** гап муроса ҳақида борапти. Чунки тўртта келишув нормалари зид эмас, балки қайсидир маънода бир-бирини тўлдиради. Масалан, иш ҳақини ошириш талаби (бозор келишуви) муайян тармоқ ёки корхона ходимларининг жамоавий ҳаракатлари (иш ташлаш, жамоавий шартномани имзолаш учун курашиш) орқали амалга оширилади (индустриал келишув ёлланма ходимларни касбий тоифаларга бўлишнинг асосида ётади). Курашиш анъаналари эса (масалан, ишчиларнинг анъанавий баҳорги ва кузги чиқишлари) ташкилот нуфузининг ўсишига (охиригача курашишга тайёрлик) кўмаклашади, бу иш берувчилар томонидан иш ҳақининг оширилиши тўғрисидаги талабларнинг қондирилиши имкониятларини оширади.

**2–мисол.** Қанақа трансакция харажатлари иқтисодиётда келишувлар назарияси нуқтаи назаридан ўта катта?

- а) ахборотни қидириш;
- б) мониторинг ва оппортунизмнинг олдини олиш;
- в) ўлчаш;
- г) музокаралар олиб бориш;
- д) шартнома тузиш.

**Жавоб: а) ва б),** келишувлар назарияси трансакция харажатлари ўсишининг асосий омили сифатида иқтисодий муҳитнинг бир хил эмаслигига эътиборни қаратади. Иқтисодиётда келишувлар нисбати ўта бекарор, бу иқтисодий агентларга умумий қабул қилинган “ўйинлар қоидалари” асосида ҳаракат қилишга ҳалақит беради. Бундай шароитда ахборотни қидириш харажатлари (ахборотнинг яқуний манбаи мавжуд эмас) ва мониторинг харажатлари ўта юқори, чунки ахборотнинг асимметриклиги ва умумий қабул қилинган “ўйинлар қоидалари”нинг мавжуд эмаслиги оппортунистик хатти-ҳаракат учун замин ҳозирлайди.

**3–мисол.** Бизнесни ташкил этиш акциядорлик шаклининг мутлақ афзаллиги тўғрисидаги фикр тўғрими?

- а) ҳа;
- б) йўқ.

**Жавоб: б),** бизнесни ташкил этиш у ёки бу шаклининг афзаллиги ҳамма вақт нисбий бўлиб, бизнеснинг тавсифларига ва таққослаш мезонларига, масалан, бошқа ташкилий муқобил вариантлар доирасида трансакция харажатларининг миқдорига боғлиқ.

**КЕЙСЛАР**



## **Кейс 1. Трансакцияларни таҳлил қилишга нисбатан Уильямсоннинг ёндашуви: қурилиш бозори**

Шаҳарда элита уй-жой бозорида ишловчи, ўзининг қурилиш бўлинмаларини очган компаниялар сони ортиб бормоқда. «"Банк уйи" компания гуруҳи тўлиқ қурилиш циклини таъминлаб туриши ва ўз қурилиш бўлинмаларига эгаллиги боис пудратчиларни саралаб олиш бўйича тендерлар фақат тор ихтисослашган иш турлари учун ўтказилади, - дейди Хамид Халилов. - Пудратчиларни танлашда биринчи навбатда бозорда яхши нуфузга эга бўлган ва улар билан ҳамкорликнинг ижобий тажрибаси юзага келган компаниялар кўриб чиқилади. Лекин бу "Банк уйи" янги пудратчилар билан ишламайди дегани эмас, - тендер ҳамма учун очиқ, унда сифати ва нархи бўйича энг қизиқарли таклиф ғолиб бўлади». «Уй ыурилиш комбинати (УҚК)» компаниялар гуруҳи доирасидаги ўз қурилиш компаниямиз нафақат пулни тежаш, балки, энг асосийси, ишларнинг сифати ва лойиҳанинг амалга ошириш муддатлари устидан умумий назоратни таъминлаш имконини ҳам беради. "УҚК" — хусусий тузилма ва бизнинг вақтни йўқотишга ёки эҳтимолий ҳатоларга ёхуд аутсорсинг бўйича ишловчи пудратчининг ноинсофлигига дуч келиб ишларнинг сифатидан воз кечишга ҳаққимиз йўқ", — дея таъкидлайди иш бошқарувчи Вали Ризаев.

### **Саволлар:**

Трансакцияларни таҳлил қилишга нисбатан Уильямсоннинг ёндашувиға мувофиқ «Банк уйи» компанияси билан пудратчилар ўртасидаги трансакцияларни бошқариш шаклини таърифланг.

- Трансакцияларни бошқаришнинг бундай шакли қандай номланади?
- “Банк уйи” компанияси билан пудратчилар ўртасидаги трансакция параметрларини ажратинг. Ўз жавобингизни асосланг.
- Трансакция параметрлари уни бошқариш шаклиган қандай таъсир кўрсатади?

## **ҚУЙИДА КЕЛТИРИЛГАН ФИКРЛАР** **ТЎҒРИМИ ЁКИ НОТЎҒРИМИ?**



**♪ Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!**

1. Фирмаларни энг мақбул (бенуксон) хилларга бўлиш реал ташкилотлар тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини бермайди, балки фақат ташкилий тузилманинг барқарор қисмини ажратиб кўрсатади.
2. Баланс – мувозанат, муттасил ўзгариб турувчи ходиса ёки тушунчанинг нисбатини ифодаловчи кўрсаткичлар системаси.
3. Активлар – корхона активларини молиялаштиришнинг ҳамма манбалари кўрсатиладиган корхона балансининг бўлими.
4. Пассив – корхона хўжалик фаолиятида фойда олиш мақсадида ишлатиладиган моддий қимматликлар шаклидаги иқтисодий ресурслар.

5. Муайян ташкилот ҳолатини текшириш ва муайян амалий ташкилий муаммоларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда институционал ёндашув билан бир қаторда, трансакция харажатлари назарияси, келишувлар назарияси ва мулкчилик ҳуқуқлари назариясини ҳам бемалол амалий қўллаш мумкин.
6. Турли шартномаларда ва ташкилий матнларда юзага келадиган трансакция харажатларини таққослаш уларнинг миқдорини экспертиза йўли билан баҳолаш орқали чегаралаш имконини беради.
7. Ҳар қандай ташкилот, ҳатто фойда кўрмай ишлаётган корхона ҳам, ўзининг даромадларини харажатларга мувофиқлаштириши ва ўзининг молиявий мажбуриятларини бажариши зарур (бозор келишувининг унсурлари).
8. Ҳар қандай ташкилотни бошқаришда меҳнатни илмий ташкил қилиш ва ўз навбатида, индустриал келишув унсурларидан фойдаланилади.
9. Ташкилот ичида ўзининг алоҳида маданияти, эскилик тўпламининг шаклланиши унинг фаолиятида анъанавий келишувлар унсурларининг пайдо бўлганлигидан далолат беради.
10. Ташкилотда «агентлар» бирлашган манфаатлари - касаба уюшмаси вакилининг иштироки, шунингдек ташкилот ички ҳаётининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига бўйсунishi фуқаролик келишуви импертивини ўзида акс эттиради.



#### МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

☞ *Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

#### **1. М.Аоки индекси қандай ҳисобланади?**

- А. Чиқиш нафақалари суммасининг фирманинг умумий капиталига нисбати сифатида ҳисоблаб чиқиладиган индекс ёрдамида аниқлади.
- В. Ўртача кўрсаткичлар билан трансакция харажатларини таққослаш орқали индекс ҳисобланади.
- С. Мутлоқ кўрсаткичлар билан нисбий кўрсаткичларни таққослаб индекс ҳисобланади.
- Д. Корхонанинг пул маблағлари билан асосий воситалари таққосланади.

#### **2. Ж.Эежуорт ва И.Фишерлар қайси ординалистик ёндашувни таклиф этишган?**

- А. Фойдалиликнинг турли даражалари нисбатини аниқлаш ва уларнинг мутлақ миқдорини баҳолашга нисбатан ординалистик ёндашувни таклиф этишган.
- В. Иқтисодий ташкилотларни қиёсий таҳлил қилишда ҳеч қачон алоҳида олинган ташкилий шакллар тадқиқ этилмайдиган ординалистик ёндашувни таклиф этишган.

С. Ишлаб чиқаришни узлуксиз ташкил этиш асосида ишлаб чиқариладиган машиналар таннархини пасайтиришнинг ординалистик ёндашувни таклиф этишган.

Д. Сотувни рағбатлантириш ва ҳатто истеъмолнинг янги стандартини ташкил этиш имконини берадиган ординалистик ёндашувни таклиф этишган.

**3. «Фордизм» тамойилларидан бири – бу...**

А. Индустириал ва бозор келишувлари ўртасидаги муроса.

В. Бозор ва анъанавий келишувлари ўртасидаги муроса

С. Анъанавий ва фуқаролик келишувлари ўртасидаги муроса

Д. Ижодий фаолият ва ижтимоий фикр келишувлари ўртасидаги муроса

**4. Корхона фаолият кўрсатишини белгилаб берувчи қандай келишув муросаси кўзга ташланиб туради?**

А. Бозор, анъанавий, инустириал ва фуқаролик.

В. Фақат бозор келишувлари ўртасидаги муроса

С. Фақат анъанавий келишувлари ўртасидаги муроса

Д. Фақат ижтимоий фикр келишувлари ўртасидаги муроса

**5. Ҳар қандай ташкилот, ҳатто фойда кўрмай ишлаётган корхона ҳам, ўзининг даромадларини харажатларга мувофиқлаштириши ва ўзининг молиявий мажбуриятларини бажариши зарур – бу қайси келешувнинг унсури?**

А. Бозор келишувининг унсурлари.

В. Индустириал келишув унсурлари

С. Анъанавий келишувлар унсурлари

Д. Фуқаролик келишуви импертиви

**6. Ҳар қандай ташкилотни бошқаришда меҳнатни илмий ташкил қилиш ва, ўз навбатида қайси келишув унсурларидан фойдаланилади?**

А. Бозор келишувининг унсурлари.

В. Индустириал келишув унсурлари.

С. Анъанавий келишувлар унсурлари

Д. Фуқаролик келишуви импертиви.

**7. Ташкилот ичида ўзининг алоҳида маданияти, эскилик тўпламининг шаклланиши унинг фаолиятида – қайси келишувлар унсурларининг пайдо бўлганлигидан далолат беради?**

А. Бозор келишувининг унсурлари.

В. Индустириал келишув унсурлари.

С. Анъанавий келишувлар унсурлари.

Д. Фуқаролик келишуви импертиви

**8. Ташкилотда «агентлар» бирлашган манфаатлари - қасаба уюшмаси вакилининг иштироки, шунингдек ташкилот ички ҳаётининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига бўйсунishi қайси келишув импертивини ўзида акс эттиради?**

А. Бозор келишувининг унсурлари.

В. Индустириал келишув унсурлари.

С. Анъанавий келишувлар унсурлари.

Д. Фуқаролик келишуви импертиви.

### 9. Баланс нима?

А. Мувозанат, муттасил ўзгариб турувчи ходиса ёки тушунчанинг нисбатини ифодаловчи кўрсаткичлар системаси.

В. Кархона активларини молиялаштиришнинг ҳамма манбалари кўрсатиладиган хужжат.

С. Корхонанинг хўжалик фаолиятини ифодаловчи махсус хужжат.

Д. Фойда олишни ва даромад килишни белгилаб берадиган режали хужжат.

### 10. Келишувлар нисбатининг қандай вариантлари мавжуд?

А. Муроса, уриниш, экспансия.

В. Бозор, талаб ватаклиф.

С. Шартномалар асосида.

Д. Анъанавий, уруф-одатлар асосида.



### МАВЗУГА ДОИР МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР :

1. Трансакция харажатлари ва фойдалиликни ўлчашнинг ўзига хос жиҳатларини тушунтиринг?

2. Трансакция харажатларининг ординалистик назарияси асосида ташкилий тузилмаларни амалий таҳлил қилиш коидаларини шарҳлаб беринг?

3. Трансакция харажатлари миқдорининг эксперт баҳоларидаги тафсилоти қандай?

4. Фирманинг баланси унинг таркиби тўғрисида маълумот беринг?

5. Фирма ичидаги низоларни таҳлил қилиш ва уларни келишувлар назарияси асосида ҳал этиш вариантларини шарҳлаб беринг?

6. Низоларнинг кескинлигини пасайтириш мезони бўйича оптималлаштириш вариатларини санаб утинг?.

7. Шартноманинг қиёсий устунликлари нималарда намоён бўлади?

8. Трансакция харажатлари таркибининг ахборот базаси қандай хужжатларда мужассамланган?

9. Фирма баланси қандай мақсадда таҳлил қилинади ва бунда қандай индекслар ҳисоблаб чиқилади?

10. Келишувлар нима учун зарур ва уларнинг қандай йўналишлари мавжуд?

## 12-МАВЗУ: ФИРМАНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАКЛИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

### АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Мулккий ҳуқуқларнинг тавсифланиши.
2. Ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаш мезонлари.
3. Ўзбекистонда фаолият юритаётган иқтисодиёт субъектларни турли мезонлар бўйича баҳолаш.
4. Ташкилий-ҳуқуқий шакл фирманинг стратегияси ҳақидаги ахборот манбаси сифатида.
5. Мулкнинг расмий ва ҳақиқий таркибларини мувофиқлаштириш шакллари.

### МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси “Мулк тўғрисида”ги Қонуни. 31 октябр 1990 й.
2. Ўзбекистон Республикаси “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. 19 ноябр 1991 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4707-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 4.03.2015
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги (ПП-2298) “2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар бутловчи қисмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 11.02.2015
5. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Ўқув қўлланма. 2-нашр, қайта ишланган. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. –143-151 б.
6. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008. -132-136 с.
7. Тарушкин А.Б. Институциональная экономика. Учебное пособие. – СПб.: Питер, 2004. – 368 с.
8. Лемещенко П. С. Институциональная экономика: Учеб. пособие. – Мн.: ООО «ФУАинформ», 2003. – 256-264 С.
9. Қобилов Ш. Р. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 85-135 б.
10. On Economic Institutions: Theory and Applications. Alder-shot: Edward Elgar, 1995. –с. 19.
11. [www.oecd.org/publishing](http://www.oecd.org/publishing)
12. <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси веб сайти.
13. [www.wordbank.org](http://www.wordbank.org) -Жаҳон Банки маълумотлари.
14. <http://www.lex.uz> - Узбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.
15. <http://www.mineconomy.uz>.

## МАВЗУГА ДООИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

‡ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

‡ *Эсда тутинг!*

**Коуз теоремаси:** агар мулк ҳукуқи аниқ тафсирланган бўлса, яъни хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларининг чегаралари аниқ белгиланган бўлса ва ижро этилса, у ҳолда томонлар ўртасидаги ушбу мулкдан фойдаланишдан етказилган зарарлар бўйича ихтилофли масалани учинчи томон (давлат)ни жалб қилмаган ҳолда ҳал этиш мумкин бўлади, чунки мазкур ҳолатда трансакция харажатлари кам бўлади.

**Коуз теоремаси (Ж.Стиглер томонидан ифодаланган):** мукамал рақобат шароитида хусусий ва ижтимоий харажатлар тенг бўлади.

**Коуз теоремаси (Т.Эггертссон томонидан ифодаланган):** агар трансакция харажатлари катта бўлмаса, у ҳолда иқтисодиёт, ундаги мавжуд сиёсий ва бошқа институтлар тўпламидан қатъи назар, оптимал траектория бўйича ривожланади.

**Акцияларнинг назорат пакети** – акция эгасига акционер жамиятда амалдаги ҳукмронлигини таъминлайдиган акциялар миқдори.

**Акционер жамият** – турли корхона, ташкилот, банк, компания ва айрим шахслар пул маблағларини шерикчилик асосида ва сохибкорлик мақсадида бирлаштирадиган жамият.

**Аудитор фирма** – корхона ва ташкилотларнинг молиявий хўжалик фаолиятини текшириб берувчи, улар ишининг иқтисодий экспертизасини ўтказувчи фирма.

**Картель** – монополистик бирлашма шакли, картель битимлари кўпроқ йирик трест ва концернлар ўртасида тузилади.

**Консалтинг** – бу ишлаб чиқаришга иш юзасидан хизмат кўрсатиш соҳасида ихтисослашган фирмаларнинг ўз мижозларига маслаҳат хизмати кўрсатиш ва техникавий лойихаларни экспертизи қилиш билан боғлиқ иқтисодий фаолиятдир.

**Консорциум** - фирмалар ёки фирмалар билан ҳукумат ўртасида муайян амалий, жуда кенг қўлламдаги иқтисодий лойихаларни амалга ошириш мақсадида шартнома асосида тузилган вақтинчалик бирлашма.

**Концерн** – ишлаб чиқариш диверсификацияси асосида тартиб топадиган йирик, кўп тармоқли корпорация.

**Кичик бизнес** – бозор иқтисодиёти ривожланган капиталистик мамлакатларда ўзига мустақил майда корхоналарнинг даромад кўзловчи сохибкорлик фаолияти.

**Кўп укладли иқтисод** – турли мулк шакллари ва хар-хил хўжалик турларининг яхлитлигидан ташкил топган иқтисодиёт.



## МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МАШҚЛАР:

♣ *Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

**1–мисол.** Қуйида санаб ўтилган тузилмалардан қайсиларини ташкилот сифатида таснифлаш мумкинлигини кўрсатинг:

- а) талабалар гуруҳи;
- б) олий ўқув юрти;
- в) йўл ҳаракати қоидалари;
- г) оила;
- д) Марказий банк;
- е) маркетинг компанияси;

**Жавоб:** б), г), д), ва е), таърифига кўра, ташкилотлар – бу уларда ҳукмини ўтказиш муносабатлари элементи иштирок этадиган ва инсонларнинг чекланган доираси ичидаги ўзаро ҳамкорликни тартибга солувчи тузилмалардир. Талабалар гуруҳида, ўзаро ҳамкорликларнинг локал хусусиятига қарамасдан, ҳукмини ўтказиш муносабатлари мавжуд эмас. Йўл ҳаракати қоидалари эса, агар улар бажарилмаса, анча қаттиқ нормалар ва меъёрларни қўллайди.

**2–мисол.** “Гулзор” шаҳрида янги олий ўқув юрти пайдо бўлди. Минтақавий меҳнат бозорининг ОЎЮ тайёрлашни назарда тутаётган кадрларга бўлган юқори даражадаги эҳтиёжини, шунингдек, минтақавий ҳокимиятларнинг ва қатор халқаро ташкилотларнинг қўллаб-қувватлашини ҳисобга олган ҳолда, унга қабул ва мутахассисликлар номенклатураси ҳар йили ортиб боради. Сиз янги ОЎЮда талабаларнинг асосий қисми бепул ўқишини ҳисобга олиб, унинг ректорига қанақа ташкилий тузилмани таклиф қилган бўлардингиз?

- а) кенг эркинликка эга бўлган, шу жумладан молиявий масалаларда мустақил бўлган факультетларга бўлиниш;
- б) молиявий мустақилликка эга бўлмаган факультетларга бўлиниш;
- в) факультетларни ташкил этмаган ҳолда: барча муҳим жорий ва истиқболли масалаларни ректорат ҳал этади;
- г) турли даражадаги эркинликларга эга бўлган факультетларга бўлиниш.

**Жавоб:** б), ўқитувчилар ва талабалар сонининг жадал ортиши бевосита назоратни самарасиз қилади (в) вариант). Холдинг тузилмасининг ташкил этилиши (а) вариант) факультетларнинг молиявий манфаатлари билан боғлиқ низоларни келтириб чиқариши мумкин, тижорат таълим муассасасида бунга йўл қўймаган маъқул. Факультетлар ўртасидаги низо уларнинг мақоми ҳар хил қилиб белгиланганда ҳам келиб чиқади (г) вариант). Шунинг учун мультидивизионал тузилма варианты оптимал кўринмоқда.

**3–мисол.** Фараз қилайлик, Сиз – шаҳарнинг турли қисмларида дўконлар тармоғининг эгасисиз. Уларда ишлаш учун Сиз, асосан қишлоқ жойларидан, сотувчиларни ёллайсиз, бунда меҳнат бозорида уларнинг муқобил иш ҳақи паст. Сотувчиларни товар айланмасини оширишга мотивациялашни қандай қилиб амалга оширган маъқул – киоскалар эгаси сифатида Сизнинг манфаатларингиз айнан ана шундан иборат?

а) сотувчиларнинг ҳалоллигини назорат қилиш мақсадида савдо нуқталарига тез-тез бориб туриш;

б) сотувчиларнинг меҳнат ҳақини савдо тушуми билан боғлаш;

в) дўконларни сотувчиларга ижарага бериш;

г) фақат энг катта товар айланмасини таъминлаган сотувчиларни муқофотлаш;

д) сотувчиларни шерикларга айлантириш (савдо корхонасига биргаликда эгалик қилиш).

**Жавоб:** г), сотувчилар учун рағбатлантиришнинг оптимал схемасини танлашда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш лозим. Биринчидан, савдо нуқталарининг жуғрофий тарқоқлиги туфайли бевосита назорат қилиш харажатлари катта бўлади. Иккинчидан, оилали аёлларнинг таваккалчиликка мойиллиги даражаси анча паст, деб фараз қилиш мақсадга мувофиқ, бу эса Сизга "агентлар"нинг таваккалчиликка юқори даражада мойиллигини назарда тутувчи схемаларни (б), в) ва д)) танлаш имконини бермайди. Бундан ташқари, "агентлар" тасарруфидаги ресурсларнинг чекланганлиги туфайли в) ва д) вариантларни танлаш эҳтимоли кам (паст даражадаги муқобил иш ҳақи). Ва ниҳоят, қатъий белгиланган муқофот билан "агентлар" мусобақасининг якунларига кўра муқофотни ўзида бирлаштирувчи г) вариант "агентлар"нинг ўзига хос хусусияти билан "принципал" манфаатлари ўртасидаги яхши муроСага келтирувчи ҳисобланади.

## КЕЙСЛАР

### **Кейс 1. Шартнома тузилгунга қадар оппортунистик хатти-ҳаракат эҳтимоли**

Тошкент шаҳрида бугунги кунда 180 тага яқин стоматология клиникалари ва хоналари ишлаб турибди. Тиш шифокорининг хизматларига бўлган талаб барқарорлигича қолмоқда. Бошқа касалликларга кўнишга тайёр бўлган инсонлар тиш оғриғига узоқ вақт дош беролмайди. Суғурталовчилар тиббий бозорнинг бундай сиғимли сегментини шунчаки эътибордан четда қолдиролмайди.

Бозорда суғурта “стоматологияси”нинг иккита тури тақдим этилган. Кўпинча тиш шифокорлик муолажалари анъанавий ихтиёрий тиббий суғурта (ИТС) дастурлари доирасида қопланади. Мазкур ҳолатда тишларни даволаш хизматлари кўп тармоқли даволаш корхоналарида оилавий шифохоналар ёрдами билан биргаликда таклиф этилади. Лекин вақт ўтиши билан мижозларни бевосита стоматология клиникаларига бириктиришни назарда тутувчи ихтисослашган дастурлар пайдо бўла бошлади. Албатта, бозор операторлари ҳозирча бундай маҳсулотларнинг суғурта қилдирувчилар



Ўртасида оммавийлигига шубҳа қилмаган ҳолда, уларга нисбатан сергаклик билан муносабатда бўлишмоқда. Бача чакана ИТСга хос бўлган полис эгаларининг ўз харидининг харажатларини қоплашга интилиши «стоматологияда» жуда тез-тез намоён бўлади. Рентабелликни сақлаб туриш учун суғурталовчилар зарар кўриш тавакклчилигини «клиникаларга бириктирилган кўп сонли суғурталанган хизматлар ва ушбу суғурта дастурларига мувофиқ кўрсатиладиган хизматларнинг қатъий рўйхати» билан тартибга солади.

Ёрдам ҳажмига кўра «тиш» маҳсулотларининг бутун ассортиментини шартли равишда учта тоифага бўлиш мумкин: эконом-синф, бизнес-синф ва эксклюзив-синф. Қуйи нарх тоифасида (75 долл.) беморларга стандарт муолажалар кўрсатилади. Хизматлар доираси бўйича қиммат бўлмаган дастурлар бир йилда кўпи билан уч-тўртта тишни даволаш имконини берган ҳолда ёрдам ҳажми бўйича чекловларни ўзида мужассам этган. Бизнес-синф маҳсулотлари (150 долл.) стоматология соҳасида кенгроқ кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир. Уларда хизматлар ҳажми ҳам, рўйхати ҳам кенгайтирилган. Дастурнинг махсуслиги унга стоматология ёрдамининг энг қимматбаҳо турлари киритилиши билан белгиланади. Албатта, барча ИТС-дастурлар (энг арзонларидан тортиб энг қимматларигача) маслаҳат ва ташхис хизматларини, шунингдек, стоматологияда жуда муҳим бўлган оғриксизлантиришни ўз ичига олади.

### **Саволлар:**

Қуйидаги саволларга жавоб берган ҳолда, шартнома тузилгунга қадар суғурта компанияси билан бемор ўртасида юзага келадиган оппортунистик хатти-ҳаракатга мисол келтиринг.

- Оппортунистик хатти-ҳаракатнинг бундай тури қандай номланади?
- Тарафлардан қайсиси ўзини оппортунистик тутиши мумкин?
- Нима учун унда ўзини оппортунистик тутиш имконияти пайдо бўлади?

Ўз жавобингизни асосланг.

## **ҚУЙИДА КЕЛТИРИЛГАН ФИКРЛАР** **ТЎҒРИМИ ЁКИ НОТЎҒРИМИ?**



**☞ Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!**

1. Мулкчилик ҳуқуқлари назарияси ташкилот фаолиятининг ўзига хослигига қараб мулкдорлар ўртасида ҳуқуқлар тақсимотининг энг оптимал вариантини танлашга ёрдам беради.
2. ташкилий-ҳуқуқий шаклга хос бўлган ҳуқуқлар тақсимоти Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг “Юридик шахслар” деб номланувчи 4-бобида қайд этилган меъёрлар билан белгиланади.

3. Ташкилий-ҳуқуқий шакл нафақат фирманинг ташкилий тузилиши ҳақидаги, балки шартномани амалга ошириш жараёнидаги эҳтимолий хатти-ҳаракати ҳақидаги ахборотни ҳам ўзида мужассам этади.
4. Тезкор бошқариш ҳуқуқига асосланган унитар корхона шакли мулкдор – давлат ёки маҳаллий ҳокимият органлари томонидан унинг мажбуриятлари юзасидан ўз мулки билан субсидиар жавобгарликка эга бўлишини назарда тутди.
5. Корпоратив мулк хусусий мулк билан тенгдир.
6. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулқидан маҳрум этилиши мумкин.
7. Мулкчилик ҳуқуқлари назарияси нафақат бошқарув, хавфсизлик, меросга топшириш ҳуқуқларини қўшган ҳолда ҳуқуқлар тўпламини шаклланади.
8. Қўшимча масъулиятли жамиятда иштирокчилар ўзининг барча мол-мулки билан эмас, балки барча учун баравар бўлган, улар ҳиссалари қийматининг қарраси миқдорида жавобгарликка эгалар.
9. Шартнома мажбуриятларининг бажарилишини кафолатлаш учун битим томонлари анъавий тарзда гаровдан фойдаланади.
10. Реклама – имкониятли харидорларга сотувчилар ҳақида билимлар бериш усули.



#### МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

✦ *Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

#### **1. Мулкӣ ҳуқуқлар Бюрократия мулкчилигининг асосий хусусиятларига нималар киради?**

- А. Мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали тизими мавжуд эмаслиги ва ресурслар ва маҳсулотларни қайта тақсимлаш жараёнида амалдорлар иштирокининг қонунчиликда белгиланган имконияти.
- В. Ташқи дунё объектлар устидан назоратни уларни ўзлаштириб (эгаллаб) олиш асосида амалга ошириш.
- С. Меҳнат шароитларини эркин ҳолда такрор яратиш самарали механизмнинг мавжуд эмаслиги.
- Д. Ижтимоий ўзаро ҳамкорликнинг асосий тамойили ҳисобланган ахлоқ нормасида жамиятни шаклланиши.

#### **2. Файласуфлар ва неоклассиклар ёндашуви бўйича мулкчиликнинг асосий белгилари қандай талқинга эга?**

- А. Даромад келтириш қобилияти мужассамланган капитал.
- В. Ташқи дунё объектлар устидан назоратни уларни ўзлаштириб (эгаллаб) олиш асосида амалга ошириш.
- С. Шахснинг табиатдан ҳам, ижтимоий ҳаёт жамоатчилигидан ҳам бегоналашишида ҳамда ишлаб чиқарувчини ишлаб чиқариш воситасидан ажратишда намоён бўлувчи ижтимоий алоқаларни таркиблаш, мураккаблаштириш шакли.

Д. Ижтимоий ўзаро ҳамкорликнинг асосий тамойили ҳисобланган ахлоқ нормасида жамият томонидан олий ва муқаддас қадрият ҳамда индивид мустақилигининг кафолати, сифатида тан олиш.

**3. Диалектик усул тарафдорлари ёндашуви бўйича мулкчиликнинг асосий белгилари қандай талқинга эга?**

А. Даромад келтириш қобилияти мужассамланган капитал.

В. Ташқи дунё объектлар устидан назоратни уларни ўзлаштириб (эгаллаб) олиш асосида амалга ошириш.

С. Шахснинг табиатдан ҳам, ижтимоий ҳаёт жамоатчилигидан ҳам бегоналашишида ҳамда ишлаб чиқарувчини ишлаб чиқариш воситасидан ажратишда намоён бўлувчи ижтимоий алоқаларни таркибланиш, мураккабланиш шакли.

Д. Ижтимоий ўзаро ҳамкорликнинг асосий тамойили ҳисобланган ахлоқ нормасида жамият томонидан олий ва муқаддас қадрият ҳамда индивид мустақилигининг кафолати, сифатида тан олиш.

**4. Мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоя қилиш қондаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**

А. - трансакция харажатлари нолга тенг бўлмаган тақдирда мулкчилик ҳуқуқларининг тақсимланиши ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатади.

В. - мувазанатли нарх бозор иштирокчиларига паст харажатли ва кам бузиб кўрсатилган ахборот билан алмашиш имконини берувчи ривожланган ахборот инфратузилмаси базасида шаклланади.

С. - давлатнинг ушбу йўналишдаги фаолияти алмашинадиган товарлар ва хизматлар сифатини ўлчаш харажатларини пасайтириш имконини беради.

Д. - бозор инфратузилмаси нафақат ахборот билан алмашиш тармоқларини, балки товарлар ва хизматларнинг жисмоний ҳаракатланиши тармоқларини ўз ичига олади.

**5. Ахборот билан алмашиш тармоқларини барпо этиш қондаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**

А. - трансакция харажатлари нолга тенг бўлмаган тақдирда мулкчилик ҳуқуқларининг тақсимланиши ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатади.

В. - мувазанатли нарх бозор иштирокчиларига паст харажатли ва кам бузиб кўрсатилган ахборот билан алмашиш имконини берувчи ривожланган ахборот инфратузилмаси базасида шаклланади.

С. - давлатнинг ушбу йўналишдаги фаолияти алмашинадиган товарлар ва хизматлар сифатини ўлчаш харажатларини пасайтириш имконини беради.

Д. - бозор инфратузилмаси нафақат ахборот билан алмашиш тармоқларини, балки товарлар ва хизматларнинг жисмоний ҳаракатланиши тармоқларини ўз ичига олади.

**6. Улушли мулк ҳуқуқи қайси субъектлар ўртасида тақсимланади?**

А. Унинг иштирокчилари, иштирокчиларнинг умумий йиғилиши, ижро этувчи орган ва давлат ўртасида.

В. Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши ўртасида.

С. Шартномаларни бажарилиши бўйича.

Д. Давлат ва жамият аъзолари ўртасида.

#### **7. Реклама институти – бу**

А. Имкониятли харидорларга сотувчилар ҳақида билимлар бериш усули.

В. Корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб маълумот олиш.

С. Харажатларнинг пасайишига кўмаклашиш.

Д. Ахборотни қайта ташкил этиш.

#### **8. Ташкилот – нима?**

А. Ҳуқмронлик муносабатлари, “агентлар” томонидан ўз ҳаракатлари устидан назорат қилиш ҳуқуқини “принципал”га топширилиши.

В. Ўзаро ҳамкорликнинг умумий доираларини белгилайди.

С. Трансакция харажатларининг таркибини ва миқдорини белгилайди.

Д. Корхонани бизнес режаси асосида тавсифланиши

#### **9. Кўп укладли иқтисод – бу..?**

А. Турли мулк шакллари ва хар-хил хўжалик турларининг яхлитлигидан ташкил топган иқтисодиёт.

В. Ташкилий-ҳуқуқий шаклни фақат учта куриниши.

С. Давлат такилотларини жами ташкилотлардаги улушига айтилади.

Д. Тармоқларни кенгайтириш ва модернизациялашга айтилади.

#### **10. Ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаш мезонларини нечта ёндашуви кўлланилади?**

А. 4 та

В. 5 та

С. 6 та

Д. 10 та



#### **МАВЗУГА ДОИР МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:**

1. “Имкон капитал” компаниясининг ижрочи директори билан тузилган шартнома унга йилига 750000 сўм миқдоридаги ҳар йиллик мукофот ҳамда дивидендар тўланганидан сўнг қоладиган 11 фоиз миқдоридаги йиллик фойданинг 2 фоизи тўланишини назарда тутар эди. Менежерларни рағбатлантириш бундай тизимларининг пайдо бўлиши хатарларни бўлиш ва ўтказиш даражаларига қанақа янгиликлар киритади?
2. Қонун ҳужжатлари «Иқтисодий манфаатлар бўйича бирлашувларни» - ўз мустақиллигини йўқотмаган ҳолда бошқа корхоналар билан қўшма фаолият юритиш ва ҳамкорлик қилишни истовчи корхоналар йиғиндисини назарда тутати. Ушбу ташкилий-ҳуқуқий шаклга акциядорлик жамиятининг ҳам, юридик шахслар бирлашмаларининг ҳам хусусиятлари хос. Фуқаролик кодексига бундай тушунчанинг киритилиши бизнес учун қандай ўзига хос вазиятни қонунлаштириши мумкин?

3. Корхона бўлинмалари ўртасидаги низоларни ҳал этишда унинг раҳбари бажарадиган ҳакамлик функцияларининг ўзига хослиги нимадан иборат? Чунки «фирма ичидаги низоларни судда ҳал этишнинг имкони бўлмаган шароитда ушбу низолар томонлари фирма ичида низони ҳал этиш йўлини қидиришга мажбурлар. Иерархия фирманинг ўз «апелляция суди»га айланади».
4. ЛУКойл, Ўзбекнефтгаз каби нефть-газ қазиб чиқаришдан тортиб то бензин-газ сотишгача бўлган технологик занжирнинг барча бўғинларини бирлаштирувчи вертикал интеграциялашган компанияларни шакллантириш фойдасига хизмат қилувчи институционал далилларни келтиришга уриниб кўринг.
5. Нотижорат ташкилотларида, масалан, таълим муассасаларида – олий ўқув юртларида мулкнинг расмий ва ҳақиқий таркибларини мувофиқлаштириш мумкинми? Мувофиқлаштириш сабаблари нималардан иборат бўлиши мумкин? Сиз таҳсил олаётган университет ёки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида мулкий ҳуқуқларнинг тавсифланишини шарҳлаб беринг?
6. Институтда мувофиқлаштириш кузатиладими?
7. Ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаш мезонлари сифатида эгалик қилиш ва қолдиқ қийматни олиш ҳуқуқларининг иқтисодий субъектлараро тақсимланишини тушунтириб беринг?
8. Ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаш мезонлари сифатида хатарларни бўлиш ва ўтказиш даражасини тушунтириб беринг?
9. Капитални жамғариш даражаси нима?
10. Ўзбекистонда фаолият юритаётган иқтисодиёт субъектларини қайси ташкилий-ҳуқуқий шакл мезонлари бўйича баҳолаймиз?

### **13-МАВЗУ: ДАВЛАТ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТАШКИЛОТ СИФАТИДА**

#### **АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:**

1. Давлатнинг функциялари
2. Давлатнинг институционал табиати
3. Давлатнинг моҳияти ва унинг таърифи
4. Давлатнинг шартномавий ва эксплуататорлик концепцияси
5. Давлатнинг “муваффақиятсизликлари”

#### **МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги

- маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услугий мажмуа. – Т.: “О’қитувчи” НМИУ. - 2013. – 377 б.
2. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Ўқув қўлланма. 2-нашр, қайта ишланган. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. –152-159 б.
  3. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008. 145-149с.
  4. Лемещенко П. С. Институциональная экономика: Учеб. пособие. – Мн.: ООО «ФУАинформ», 2003. – 265-269 с.
  5. У.Сэмюэлс Институциональная экономическая теория // Панорама экономической мысли XX столетия. Под ред. Д. Гринуэя, М. Блини, И. Стюарта. – СПб: Экономическая школа, 2006. -104-112с.
  6. Қобилов Ш. Р. Иқтисодиёт назарияси:Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 158-184 б.
  7. <http://www.jstor.org/action/showPublisher?publisherCode=aea>.
  8. <http://www.jstor.org>
  9. [www.weforum.org/ger](http://www.weforum.org/ger)
  10. [www.oecd.org/publishing](http://www.oecd.org/publishing)
  11. <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси веб сайти.
  12. [www.wordbank.org](http://www.wordbank.org) -Жаҳон Банки маълумотлари.

## МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

☞ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

☞ *Эсда тутинг!*

**Давлат** – бу чегаралари унинг фуқароларга солиқ солиш қобилияти билан белгиланган жуғрофий ҳудудга жойлашган, ҳукмини амалга оширишда қиёсий устунликка эга бўлган ташкилот.

**Бюрократик рента** – бу ўзининг лавозим мавқеидан ноқонуний тарзда даромад олиш учун фойдаланувчи давлат амалдори томонидан олинган даромад (масалан, пора, совғалар ва ҳ.к.).

**Бюрократиянинг иқтисодий назарияси** – бу ижтимоий танлов назариясининг йўналишларидан бири бўлиб, у қимматбаҳо неъматларни ишлаб чиқармайдиган ва даромадлари ўз фаолиятининг натижаларини сотиш билан боғлиқ бўлмаган ташкилотларнинг фаолият кўрсатишини ўрганади.

**Давлат буюртмаси** – давлат томонидан муайян маҳсулот турини тайёрлаш ва уни истеъмолчига етказиб бериш, ишлаб-чиқариш ва илмий тадқиқот характеридаги маълум ишни бажариш бўйича корхона ва хўжаликларга бериладиган топшириқ.

**Давлат бюджети** – давлат даромадлари ва харажатларининг пул билан ифодаланадиган йиллик мажмуи.

**Давлат заёмлари** – давлат бюджетига маблағ тўплашда кредит сифатида майдонга чиқадиган кредит-молия фаолиятининг бир кўриниши.

**Давлат мулки** – жамиятдаги мулкчиликнинг шакллари билан бири, давлат мол-мулкидан келган даромад бюджетга тушади.

**Давлат қарзи** – давлатнинг ўз фуқаролари, банклар, корхона ва ташкилотлар, шунингдек хориж мамлакатларидан қарзи.

**Олий мулк** – давлат мулкининг дастлабки шакли ҳисобланади.

**Давлатнинг “муваффақиятсизликлари”** - даромадлар ва харажатларнинг мос келмаслиги, давлат фаолияти самарадорлигининг аниқ мезонлари мавжуд эмаслиги, олдинга қўйилган натижалардан фарқ қилувчи натижаларга эришиш эҳтимоли ва ресурсларнинг нотенг тақсимланиши киради.



## МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МИСОЛЛАР ВА КЕЙСЛАР:

☞ *Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

**1–мисол.** Қуйида келтирилган жадвалдаги давлат бюджетининг асосий моддаларини таҳлил қилиш асосида давлатнинг моделига нисбатан хулосалар чиқаринг:

Даромадлар (ЯММга нисбатан % хисобида)		Харажатлар (ЯММга нисбатан % хисобида)	
Тўғридан-тўғри солиқлар	12,0	Ижтимоий хизматлар,	15,7
Билвосита солиқлар	11,4	шу жумладан:	
Мулкда иштирок этишдан олинган дивидендлар	1,4	маҳаллий ўзини ўзи бошқариш	12,6
		уй хўжаликларига субсидиялар	2,3
Бошқа мамлакатларга берилган кредитлар бўйича фоиз	0,2	ижтимоий суғурта	0,8
		Давлат бошқаруви	4,8
		Мудофаа	2,9
		Корхоналарга субсидиялар	0,8
		Давлат қарзига хизмат кўрсатиш	0,2
Жами	26,0	Жами	27,9
		Бюджет тақчиллиги	1,9

а) шартномавий модел;

б) эксплуататорлик модел.

**Жавоб: а),** давлат бюджетининг тузилишини таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради. Биринчидан, солиқ тушумлари бюджет даромадларининг асосий қисми ташкил қилади (90 %). Иккинчидан, мудофаа харажатларининг улуши 3 фоиздан ошмайди. Учинчидан, давлат бошқаруви харажатлари анча юқори, бироқ уларнинг миқдори маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотларига берилган субсидиялар билан солиштирилганда анча кичик. Тўртинчидан, давлат харажатларининг нисбий миқдори “умумий фаровон” давлатлар гуруҳи бўйича ўртача даражага яқин.

**2–мисол. Солиқ юки асосан юридик шахсларнинг елкасига тушиши қайси модель учун хос:**

а) давлатнинг шартномавий модели;

б) давлатнинг эксплуататорлик модели.

**Жавоб: б),** солиқларнинг бевосита жисмоний шахслар томонидан тўланиши ўз фуқароларининг фаровонлигини оширишга йўналтирилган шартномавий давлат ғоясига яқин. Фуқаролар давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳақини тўғридан-тўғри тўлашади. Аксинча, биринчи галда юридик шахсларга солиқ солиш фуқаролар билан давлатнинг шартномавий муносабатларида воситачини ҳосил қилади.

**3–мисол. Давлат субинститутлари сонининг ошиши қуйидагиларга олиб келади:**

а) давлат чегараларининг кенгайишига;

б) давлат чегараларининг қисқаришига;

в) давлатнинг чегараларига таъсир кўрсатмайди.



**Жавоб:** б), масалан, халқаро миқёсда ишчи кучининг эркин ҳаракатланиши оқибатида давлатнинг яқин субинститутлари сонининг ошиши давлат ўз функцияларини бажариш учун тасарруф этадиган активлар ўзига хослигининг пасайишини келтириб чиқаради. Давлатнинг тасарруфидаги ўзига хос активлар ичида қонунда қайд этилган, куч қўллашдан фойдаланиш монополиясини (товар белгисининг ўхшаши), замонавий давлатларнинг асосида ётувчи ҳудудий яхлитлик тамойилини (активлар жойлашган жой бўйича), "рационал бюрократлар" алоҳида гуруҳининг шаклланишини (инсон капиталнинг ўзига хослиги) кўрсатамиз.

## КЕЙСЛАР

### **Кейс 1. Кўчмас мулкни харид қилишда шартнома тузилгунга қадар трансакция харажатлари<sup>2</sup>**

«Кредит-Центр» ЁАЖ: Кўчмас мулк харидорлари ва сотувчилари битимни амалга оширишда харажатлар даражасини пасайтириш учун кўчмас мулк агентлигининг хизматларига мурожаат этишади. Ана шундай харажатлар жумласига вақт, ресурслар сарфлари ва битимни амалга оширишдаги таваккалчиликлар киради. Фирмамиз харажатларнинг барча турлари бўйича кафолатларнинг энг юқори даражасини таъминлайди.

Битимни амалга ошириш йўлидаги харажатларнинг биринчи тури – бу объектлар ҳақидаги ахборотни қидириш ёки битим бўйича контрагентни излаш учун вақт ва ресурслар сарфлари. «Кредит-Центр» ЁАЖ Жануби-Шарқий Москва оstonасида кўчмас мулк объектларини сотиш ва уларга доир ахборотни қидириш борасида энг қудратли тизимга эга. Биз кўчмас мулк бўйича махсус реклама рубрикаларини юритамиз ва минтақамизнинг барча асосий оммавий ахборот воситаларида ҳамда Москвадаги кўчмас мулк бўйича ихтисослашган нашрларда тегишли бўлимларга эгамиз, Фирма Интернет тамоғида ўз сайтига ([www.credit-center.ru](http://www.credit-center.ru)), ташқи реклама воситаларининг ривожланган тармоғига эга бўлиб, турли кўргазмаларда иштирок этади. Шу сабабдан биз кўчмас мулк объектига харидорни тезда топамиз, харидорларга эса турли вариантларни таклиф этамиз.

Лекин объект ёки битим бўйича контрагентни излаш – бу ишнинг бошланғич қисми. Объектнинг ҳуқуқий мақоми, унинг жисмоний тавсифлари, ҳуқуқ эгаси ҳақида ахборот олиш ва, энг асосийси, ушбу ахборотни синчковлик билан текшириш талаб этилади.

Шундан кейин битим шартлари (нарх, ҳисоб-китоблар тартиби, объектни топшириш тартиби) ҳақида дастлабки музокараларни ўтказиш ва битимни амалга ошириш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни тайёрлаш босқичи бошланади. Шартномани тузиш, эҳтимол уни нотариусда тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш битимнинг якуний босқичи ҳисобланади.

Нархни тўғри белгилаш, объектни ва ҳуқуқ эгаларини сифатли ҳуқуқий экспертиза қилиш, ҳужжатларни тўғри ва тез тайёрлаш, барча босқичларда музокараларни тўғри ўтказиш, ҳисоб-китобларнинг хавфсизлигини

<sup>2</sup> <http://www.credit-center.ru/articles/garant.html>.

таъминлаш, объектни аввалги эгасидан янгисига топшириш – буларнинг барчаси юксак даражадаги профессионализмни талаб қилади.

«Кредит-Центр» ўз ходимлари маҳоратининг юқори даражасини кафолатлайди. Фирма кўчмас мулк бозорида 1993 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда ва Россия Риэлторлар гильдиясига аъзо ҳисобланади. Фирманинг ҳар бир бўлими кўчмас мулкнинг қандайдир бир турига: иккиламчи ёки бирламчи бозорлар квартиралари, заҳар ортидаги кўчмас мулк, тижорат кўчмас мулки, гаражларга ихтисослашади.

Махсус бўлимлар юридик расмийлаштириш ва экспертиза, баҳолаш ҳамда маркетинг билан шуғулланади.

Буларнинг барчаси ихтисослашув ва профессионализмнинг юқори даражасига, демак, битимларни тайёрлаш ва амалга оширишда мижозлар учун кафолатларнинг юқори даражасига эришиш имконини беради.

Лекин кўчмас мулк билан амалга ошириладиган барча битимлар нафақат битимларни тайёрлаш ва амалга ошириш жараёнида таваккалчиликнинг юқори даражаси билан ажралиб туради. Битим бузилган ҳолларда мулк ёки пулдан ажралиб қолиш хавфи кўчмас мулк бозорининг энг асосий таваккалчиликларидан бири ҳисобланади. «Кредит-Центр»нинг кўчмас мулк билан амалга ошириладиган битимларни тайёрлаш ва уни ўтказишда иштирок этиши таваккалчиликни кескин камайтиради.

Риэлторларнинг касбий жавобгарлиги 65 минг АҚШ доллари қийматида суғурталанган. Бундан ташқари, фирманинг ўз кўчмас мулки кафолатни таъминлашнинг энг ишончли омили ҳисобланади. «Кредит-Центр» мутахассислари фаолият кўрсатадиган офис фирмага мулк ҳуқуқида тегишли, демак, агар мижозлар бизнинг айбимиз билан зарар кўрса, уларни қоплашнинг таъминоти бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ишлаётганимизга 8 йилдан кўп бўлган бўлса, ҳозирча бунақа ҳолат юз бергани йўқ.

### **Саволлар:**

Матнда кўчмас мулкни харид қилиш билан боғлиқ ex ante трансакция харажатларига, хусусан:

- ахборотни излаш харажатларига;
- музокараларни олиб бориш харажатларига;
- шартномани тузиш харажатларига оид барча мисолларни топинг. Ўз танловингизни асосланг.

## **ҚУЙИДА КЕЛТИРИЛГАН ФИКРЛАР** **ТЎҒРИМИ ЁКИ НОТЎҒРИМИ?**



**☞ Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!**

1. Давлат жамиятда расмий қоидаларнинг шаклланишида катта роль ўйнайди ва бу билан институционал муҳитнинг ўзгаришига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

2. Бозор инфратузилмаси нафақат ахборот билан алмашиш тармоқларини, балки товарлар ва хизматларнинг жисмоний ҳаракатланиши тармоқларини ўз ичига олади.
3. Давлат – зўрликни амалга оширишда қиёсий устунликларга эга бўлган, чегаралари унинг фуқароларга солиқ солиш қобилияти билан белгиланган жуғрофий ҳудудни қамраб олувчи ташкилот.
4. Давлат – назарий жиҳатдан фақат солиқ ундирувчи ташкилот.
5. Давлат барча мулкга эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.
6. Янги институционал мактабнинг ҳозирги вакиллари давлат интервенционизминини иқтисодий асослашни бозорнинг нуқсонларида ёки ночорлигида кўрмоқда.
7. Ж.Бьюкенен ўз асарларида давлатнинг жамиятдаги ролининг икки томонламалигига алоҳида эътибор қаратади, яъни давлат ҳам ҳимоя қилувчи, ҳам ишлаб чиқарувчи воситадир.
8. Давлат қоидаларни белгилайди, низолар юзага келганда ҳакамлар суди функциясини бажаради ва мутлақ ҳуқуқларни таъминлайди.
9. Янги институционалистларнинг ҳозирги талқинида давлатнинг функцияси фақат назорат қилишдан иборатдир.
10. Давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви фақат талабни рағбатлантиришдан иборатдир.



#### МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

☞ *Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

#### 1. Давлат – нима?

- A. бу жамиятда расмий қоидаларнинг шаклланишида катта роль ўйнайди ва бу билан институционал муҳитнинг ўзгаришига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.
- B. бу жуғрофий ҳудудга жойлашган ташкилот.
- C. бу фуқароларга солиқ солувчи ташкилот.
- D. бу жамиятда норасмий қоидаларни қўлловчи ташкилот.

#### 2. Диверсификация – нима?

- A. бу корхонанинг фаолият соҳалари ва ишлаб чиқарадиган маҳсулот турларининг кенгайиши.
- B. бу жамиятда расмий қоидаларнинг шаклланиши.
- C. бу жамиятда норасмий қоидаларнинг шаклланиши.
- D. бу бошқарувни энг самарали механизми.

#### 3. Адам Смит XVIII-асрнинг иккинчи ярмидаёқ давлатнинг асосий мажбуриятларини қандай доирасини белгилаб берди?

- A. жамиятни куч ишлатиш ва бошқа мустақил жамиятларнинг бостириб келишидан ҳимоялаш.

- В. аъзоларни жабрлашдан ҳимоялаш.
  - С. кичик гуруҳлар манфаатларини ҳимоялаш.
  - Д. қонунларни киритувчи ташкилот.
- 4. Янги институционалистларнинг ҳозирги талқинида давлатнинг функциялари нималардан иборат?**
- А. Мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш, ҳимоя қилиш ва ахборот билан алмашиш тармоқларини барпо этиш.
  - В. Товарлар ва хизматлар билан бозорни таъминлаш
  - С. Тармоқларни доимий назорат қилиш
  - Д. Ҳуқуқни доимий бошқарувда сақлаш.
- 5. Мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоя қилиш қондаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**
- А. трансакция харажатлари нолга тенг бўлмаган тақдирда мулкчилик ҳуқуқларининг тақсимланиши ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатади.
  - В. мувазанатли нарх ахборот инфратузилмаси базасида шаклланади.
  - С. давлатнинг фаолияти товарлар ва хизматлар харажатларини пасайтириш имконини беради.
  - Д. бозор инфратузилмаси фақат ахборот билан алмашиш тармоқларини олади.
- 6. Давлатнинг қандай “муваффақиятсизликлари” мавжуд?**
- А. Даромадлар ва харажатларнинг мос келмаслиги ва давлат фаолияти самарадорлигининг аниқ мезонлари мавжуд эмаслиги.
  - В. Тармоқларни доимий янгиланиши.
  - С. Ресурсларнинг тенг тақсимланиши.
  - Д. Фан-техникани жорий этилиши.
- 7. Ж.Бьюкенен ўз асарларида давлатнинг жамиятдаги ролига алоҳида эътибор қаратади, яъни давлат -?**
- А. Ҳимоя қилувчи ҳам ишлаб чиқарувчи воситадир.
  - В. Мулк ва ҳокимиятнинг бўлинмаслиги.
  - С. Хизмат учун мукофот сифатида ресурсни ҳадя қилувчи.
  - Д. Меҳнат шароитларини ишлаб чиқарувчи.
- 8. Янги институционалистларнинг ҳозирги талқинида давлатнинг функциялари нечта?**
- А. 6 та
  - В. 4 та
  - С. 5 та
  - Д. 3 та
- 9. Адам Смит 18-асрнинг иккинчи ярмидаёқ давлатнинг асосий мажбуриятлари доирасини белгилаб берди: Булар - ...**
- А) 3 та
  - Б) 4 та
  - В) 5 та
  - Г) 2 та

**10. Давлатнинг «муваффақиятсизликлари» нечта қисмга ажратилади?**

- А. 4 та
- В. 3 та
- С. 5 та
- Д. 2 та



**МАВЗУГА ДОИР МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР**

1. “Давлат”га таъриф беринг. Давлатнинг институционал моҳиятини тушунтиришга уриниб кўринг. Таърифдан келиб чиқиб, давлатнинг асосий функцияларини санаб беринг.
2. Давлат, институтлар ва иқтисодий тизим ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?
3. Давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви чегараси нима билан белгиланади?
4. Давлатнинг иқтисодий соҳада иштирок этишининг ўзи инқироз сабаби ва иқтисодий ривожланиш учун тўсик ҳисобланмайдими?
5. Агар давлатнинг аралашуви етарлича самарали бўлмаса, буни қандай қилиб тўғрилаш мумкин?
6. Давлатнинг шартномавий ва эксплуататорлик табиати нима?
7. Бозорнинг «муваффақиятсизликлари» билан бир қаторда давлатнинг «муваффақиятсизликлари»ни ҳам эътиборга олиш лозим. Хусусан, давлатнинг қайси «муваффақиятсизликлари» ажратилади?
8. Янги институционалистларнинг ҳозирги талқинида давлатнинг функциялари қайдай кўринишларда бўлиши талаб этилади?
9. Адам Смит давлатнинг асосий мажбуриятлари доирасини қандай белгилаб берган?
10. Ж.Бьюкенен ўз асарларида давлатнинг жамиятдаги ролини қандай воситаларга бўлиб кўрсатган?

## 14-МАНВЗУ: ДАВЛАТЛАР ХИЛЛАРИ

### АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Давлат ва “принципал-агент” муаммоси
2. “Шартномавий” давлат тушунчаси
3. “Эксплуататорлик” давлати тушунчаси
4. Давлат хусусиятини баҳолаш усуллари ва мезонлари
5. Коррупция муаммоси

### МАНВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4707-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 4.03.2015
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги (ПП-2298) “2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар бутловчи қисмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 11.02.2015
3. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Ўқув қўлланма. 2-нашр, қайта ишланган. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. –160-169 б.
4. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008. -С 154-159.
5. Лемещенко П. С. Институциональная экономика: Учеб. пособие. – Мн.: ООО «ФУАинформ», 2003. – 271-275 С.
6. Григорьев Л., М.Овчинников. Коррупция как препятствие модернизации (институциональный подход) // Вопросы экономики. №2, 2008, с.44 – 59
7. Гуреев С. Что известно о коррупции в России и можно ли с ней бороться? //Вопросы экономики. №1, 2007, с.11 – 18
8. Джонс Д., Кауфман Д., Хеллман Р. Способствуют ли иностранные компании процветанию коррупции в переходных экономиках // Трансформация. – 2000. – № 3–4;
9. Исмоилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. – Т., 2005. – Б. 107–121.
10. Расулев А., Исаходжаев А. Хуфёна иқтисодиёт ва иқтисодий хавфсизлик. –Тошкент. 2006
11. Қобилов Ш. Р. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 623-665 б.
12. Тарушкин А.Б. Институциональная экономика. Учебное пособие. – СПб.: Питер, 2004. – 368 с.
13. [www.oecd.org/publishing](http://www.oecd.org/publishing)
14. <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси веб сайти.
15. [www.wordbank.org](http://www.wordbank.org) - Жаҳон Банки маълумотлари.
16. <http://www.lex.uz> - Ўзбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.

## МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

☞ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

☞ *Эсда тутинг!*

**“Принципал-агент” муаммоси** – “агент”нинг «принципал» топшириғи ва кўрсатмасини бажаришдаги ҳийласи (найранги). Ҳийла ишлатиш (найранг) ахборот асимметрияси ва “агент” фаолияти устидан назорат қилишнинг юқори даражаси туфайли мумкин бўлади.

**Криминал иқтисодиёт** – қонуннинг (биринчи навбатда – Жиноий ва Фуқаролик кодексларининг) тўғридан-тўғри бузилиши ва мулкчиликнинг қонуний ҳуқуқларига тажовуз қилиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият.

**Шартномавий давлат** – бу фақат унга фуқаролар томонидан топширилган ҳуқуқлар доирасида ва уларнинг манфаатлари йўлида куч ишлатиш монополиясидан фойдаланувчи давлат, фуқаролар эса солиқларни тўлашга мажбурият деб эмас, балки ўз зиммасига ихтиёрий равишда олинган бурч сифатида қарайди.

**Эксплуататорлик давлати** ўз даромадини (солиқ тушумларини), аниқроғи, - давлат аппаратини назорат қилувчи гуруҳнинг даромадини ошириш учун мажбур қилиш монополиясидан фойдаланади.

**Экстреал вазиятлар** – мулк ҳуқуқини қайта тақсимлашни қонуннинг қабул қилиниши натижасида зарар кўрган томонларни хуфёна ҳаракат қилишга ундайдиган ҳолат.

**Хуфёна иқтисодиёт** – бу жамият томонидан назорат қилинмайдиган товар моддий бойликлар ва хизматларнинг ҳаражати. Алоҳида фуқаролар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги давлат бошқарув органларидан яширинадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ҳам ифодалайди.

**Расмий иқтисодиёт** – бу давлат томонидан кузатиладиган ва назорат қилиниши мумкин бўлган иқтисодиёт.

**Яшириш ёки норасмий иқтисодиёт** – расмий ҳисоботларда ва расмий шартномаларда акс эттирилмайдиган хўжалик муносабатлари йиғиндиси.

**Коррупция** – лотинча (corruptio) сўзидан олинган бўлиб, бузилиш деган маънони англатади. коррупция – хавфсизликка таҳдид солувчи ҳодиса ва хуфёна иқтисодиётнинг кўринишидир.



## МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МИСОЛЛАР ВА КЕЙСЛАР:

☞ *Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!*

**1–мисол.** Мамлакатнинг ноқонуний секторига нималар кириши ва улар асосан солиқдан қочишга уринишлари ҳақида билсангиз керак. “Санъат”

фирмаси санъаткорлар концерт дастурларини ташкил қилиш билан шуғулланади ва улар одатда негадир концерт дастурлари учун билетларни белгиланган нархдан 1,5-2 баробарга қимматроққа “қора” бозорда сотади. Бу ҳолат қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкин?

**Жавоб,** “Санъат” фирмасига бўлган ишочни йўқолиб боришига олиб келади.

**2-мисол.** Давлатнинг иқтисодиёти қуйидаги маълумотлар орқали ифодаланган:

Кўрсаткичлар	Пул бирликлари
ЯИМ	600
Уй хўжаликлари истеъмоли	320
Соф инвестициялар ҳажми	110
Давлат харажатлари	90
Экспорт	120
Импорт	90
Бюджетга тушувчи бевосита солиқлар ҳажми	40
Билвосита солиқлар ҳажми	30
Тадбиркорларга субсидиялар	25

**Саволлар:** а) амортизация маблағлари ҳажми, б) миллий даромад (МХТнинг эски талқинига кўра), в) давлат бюджети ҳолатини.

**Жавоблар,** а) харажатларга кўра ЯИМни ҳисоблаш формуласига асосланиб ялпи инвестициялар ҳажмини топамиз:

$$I = \text{ЯИМ} - C - G - N_x. \text{ Бунда, } T = 600 - 320 - 90 - 30 = 160.$$

$$A = I - I_{\text{соф}} = 160 - 110 = 50.$$

б) миллий даромад қуйидагича аниқланади:

$$\text{МД} = \text{ЯИМ} - A - T_n, \text{ Бу ерда, } T_n - \text{бизнесга билвосита солиқлар.}$$

$$\text{Бунда МД} = 600 - 50 - 30 = 520.$$

в) давлат бюджети ҳолатини аниқлаш учун давлат даромад ва харажатларини қиёслаш зарур.

$$T = 40 + 30 = 70. \text{ Бунда } T - G = 70 - 90 = -20, \text{ яъни бюджет дефицити мавжуд.}$$

**3-мисол.** А ва В мамлакатларнинг иқтисодиёти қуйидаги маълумотлар билан ёритиб берилган:

Кўрсаткичлар	А мамлакат	В мамлакат
1. Молиявий йил бошида давлат қарзи қиймати (млн. дол.да)	2000	2000
2. Молиявий йил давомидаги номинал давлат харажатлари(млн.дол.да)	200	200
3. Нарх даражаси (йил бошида)	1,0	1,0
4. Инфляциянинг йиллик суръати	0,0	0,1
5. Давлат қарзи бўйича номинал фоиз ставкаси	0,03	0,13



6. Давлат бюджетига номинал солиқ тушумлари (млн.дол.да)	260	260
--	-----	-----

### Саволлар:

а) Мамлакатда давлат қарзларига хизмат кўрсатиш бўйича фоиз тўловларининг номинал миқдори қандай?

б) Ҳар бир мамлакатда бюджет дефицитининг расмий баҳоси қандай?

в) Ҳар қайси мамлакатда давлат қарзининг номинал ва реал қиймати қандай (йил охирида)?

### Жавоблар

а) А мамлакат учун статистик маълумотлардан фойдаланган ҳолда, номинал фоиз ставкаси ва давлат қарзи миқдорини кўпайтириш орқали давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича фоиз тўловларининг номинал миқдорига эга бўламиз:

$$0,03 \times 2000 = 60 \text{ (млн.дол.)}$$

Мамлакат учун ҳам худди шу тарзда ҳисоблаб чиқамиз:  $0,13 \times 2000 = 260$  (млн.дол.).

б) Ҳар қайси мамлакатда давлат бюджетининг дефицитини расмий (яъни номинал) баҳоси миллий давлат харажатлари ҳамда қарзга хизмат кўрсатиш бўйича номинал фоиз тўловлари билан бирга бюджетга номинал солиқ тушумлари ўртасидаги фарқ сифатида юзага келади:

А мамлакат учун қуйидагига эгамиз:  
 $200 + (0,03 \times 2000) - 260 = 260 - 260 = 0$  (млн.дол.).

В мамлакат учун бунга:  $200 + (0,13 \times 2000) - 260 = 460 - 260 = 200$  (млн.дол.).

в) Йил охирида давлат қарзининг номинал қиймати йил бошидаги қарз миқдори ҳамда йил давомида ҳосил бўлган давлат бюджетининг номинал дефицитига тенг.

А мамлакат учун қуйидагига эгамиз:  $2000 + 0 = 2000$  (млн.дол.).

Б мамлакат учун шунга ўхшаш:  $2000 + 200 = 2200$  (млн.дол.).

Икки мамлакатда давлат қарзининг реал қийматини баҳолаш учун уларнинг ҳар қайсисида йил охиридаги нарх даражасини ҳисоблаб чиқиш зарур. Дастлабки икки мамлакатда нарх даражаси бир хил ва 1,0 тенг, лекин йиллик инфляция суръати бошқача: А мамлакатда 0,0 ва Б мамлакатда 0,10.

Бинобарин, йил охирида нарх даражаси А ва Б мамлакатлар учун 1,0 ва 1,1 ташкил этди (мувофиқ тарзда).

Йил охирида давлат қарзининг реал қиймати йил охиридаги нархлар даражасига бўлинган унинг йил охиридаги номинал қийматига тенг. Мувофиқ тарзда қуйидагига эгамиз:

А мамлакат учун:  $2000 : 1,0 = 2000$  (млн.дол.);

Б мамлакат учун:  $2200 : 1,1 = 2000$  (млн.дол.);

яъни иккала мамлакатда реал қарздорлик бир хил.

### КЕЙСЛАР

#### Кейс 1. Бозор иқтисодиётида давлатнинг мақсади

Бозор иқтисодиётида давлатнинг олий мақсадлари бўлиб иқтисодий ривожланиш ва жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш ҳисобланади.

Бошқа мақсадлар айнан ушбу икки масаддан келиб чиқади.

Давлат иқтисодиётни тартибга солар экан биринчидан:

- ЯИМни ўстириш;
- ишсизликни минималлаштириш;
- барқарор баҳолар даражасини таъминлаш;
- ташқи иқтисодий мувозанатни, яъни тўлов балансининг ижобий (мусбат) қолдиғини таъминлаш мақсадларини кўзда тутати.

Иккинчи тартибдаги мақсадларга фойдани кўпайтириш учун қулай қонунчилик базасини яратиш ва рақобатни кенг ёйдириш, ишлаб чиқаришга инновацияларни жорий қилиш, иқтисодиётнинг даврий тебранишлари даражасини камайтириш, атроф муҳитнинг қониқарли ҳолатини таъминлаб туриш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кабилар киради.

### **Саволлар:**

Қуйидаги саволларга жавоб берган ҳолда, ҳозирги замон иқтисодиётида давлатнинг асосий функцияси бўлиб ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий базасини яратиш борасидаги хатти-ҳаракатига мисол келтиринг.

- глобал муаммоларни ҳал этишдаги чора-тадбирлар борасидаги хатти-ҳаракатига;
- халқаро миқёсдаги чора-тадбирлар борасидаги хатти-ҳаракатига;
- янги институтлар фаолиятини шакллантириш борасидаги хатти-ҳаракатига;
- инсон капиталини шакллантириш чора-тадбирлар борасидаги хатти-ҳаракатига.

## **ҚУЙИДА КЕЛТИРИЛГАН ФИКРЛАР ТЎҒРИМИ ЁКИ НОТЎҒРИМИ?**



**👉 Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!**

1. Давлатни фуқаролар билан давлат аппарати ўртасидаги ижтимоий шартнома орқали таърифлаш “принципал-агент” муаммосини олдинги ўринга суради.

2. Фуқаро давлатга айрим функцияларнинг бажарилишини юклаган ҳолда унинг таркибини белгилайди, яъни у “принципал”, давлат эса “агент” ҳисобланади.

3. Фуқаро “агент” ролида иштирок этиб, шартномалар бажарилишининг кафили сифатида давлатнинг қарорларига бўйсунди.

4. Назарий жиҳатдан яқка ҳисоб-китоблардан ҳосил бўлган давлат шартнома воситаси сифатида, мураккаб алмашувга кўмаклашиш ва уни

амалга ошириш воситаси сифатида пайдо бўладиган давлатдан мутлақ фарқ қилади.

5. Шартномавий давлат бу – фақат унга фуқаролар томонидан топширилган ҳуқуқлар доирасида ва уларнинг манфаатлари йўлида куч ишлатиш монополиясидан фойдаланувчи давлат, фуқаролар эса солиқларни тўлашга мажбурият деб эмас, балки ўз зиммасига ихтиёрий равишда олинган мажбурият сифатида қарайди.

6. “Эксплуататорлик” давлат бу - унда давлатнинг ҳам, фуқаронинг ҳам оппортунистик хатти-ҳаракатига тўсиқ мавжуд бўлмаган давлат фаолиятини ёритади.

7. Коррупция – бу фақат ривожланган мамлакатларнинг муаммоси.

8. Бюджет тақчиллигини қоплашнинг асосий усулларидан бири бу солиққа тортиш ставкаларини пасайтириш ва мажбурий йиғимларни жорий этиш.

9. Давлат мулкани ўсиши натижасида давлат бошқаруви пасайиб боради.

10. Қонуннинг тўғридан-тўғри бузилиши ва мулкчиликнинг қонуний ҳуқуқларига тажовуз қилиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият криминал иқтисодиётдир.



#### МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

✦ *Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин*

#### **1. Қандай шароитда шартномавий давлат мавжуд бўлади?**

A. Давлат фаолиятининг аниқ конституциявий доираларининг мавжуд бўлишида.

B. Фақат фуқароларнинг давлат фаолиятида иштирок этишида.

C. Мулкчилик ҳуқуқларини фақат давлат тақсимлашида.

D. Муқобил механизм сифатида бюджет институтининг мавжуд бўлишида.

#### **2. Шартномавий давлатнинг мақсади – нима?**

A. Жамият аъзоларининг умумий даромади (ЯИМ)ни кўпайтириш, трансакция харажатларини пасайтириш.

B. Давлат аппаратини назорат қилувчи гуруҳнинг рентасини (солиқ тушумларини) кўпайтириш.

C. Шахслар ўртасидаги қатор битимларда кафиллик, мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоя қилиш.

D. Кафил роли билан чегараланмаган ҳолда иқтисодий ва ижтимоий ўзаро ҳамкорликка фаол аралаштириш.

#### **3. Эксплуататорлик давлатининг мақсади – нима?**

A. Жамият аъзоларининг умумий даромади (ЯИМ)ни кўпайтириш, трансакция харажатларини пасайтириш.

В. Давлат аппаратини назорат қилувчи гуруҳнинг рентасини (солиқ тушумларини) кўпайтириш.

С. Шахслар ўртасидаги қатор битимларда кафиллик, мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоя қилиш.

Д. Кафил роли билан чегараланмаган ҳолда иқтисодий ва ижтимоий ўзаро ҳамкорликка фаол аралашиш.

#### **4. Шартномавий давлатнинг вазифаси – нима?**

А. Жамият аъзоларининг умумий даромади (ЯИМ)ни кўпайтириш, трансакция харажатларини пасайтириш.

В. Давлат аппаратини назорат қилувчи гуруҳнинг рентасини (солиқ тушумларини) кўпайтириш.

С. Шахслар ўртасидаги қатор битимларда кафиллик, мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоя қилиш.

Д. Кафил роли билан чегараланмаган ҳолда иқтисодий ва ижтимоий ўзаро ҳамкорликка фаол аралашиш.

#### **5. Эксплуататорлик давлатининг вазифаси – нима?**

А. Жамият аъзоларининг умумий даромади (ЯИМ)ни кўпайтириш, трансакция харажатларини пасайтириш.

В. Давлат аппаратини назорат қилувчи гуруҳнинг рентасини (солиқ тушумларини) кўпайтириш.

С. Шахслар ўртасидаги қатор битимларда кафиллик, мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоя қилиш.

Д. Кафил роли билан чегараланмаган ҳолда иқтисодий ва ижтимоий ўзаро ҳамкорликка фаол аралашиш.

#### **6. Шартномавий давлатда “Принципал-агент” муаммосини ҳал этиш механизмлари қандай?**

А. Принципал – фуқаро: демократик назорат механизмлари ва Принципал – давлат: қонунга ихтиёрий бўйсунуш меъёрларини ёйиш.

В. Давлат аппаратини назорат қилувчи гуруҳнинг рентасини (солиқ тушумларини) кўпайтириш.

С. Шахслар ўртасидаги қатор битимларда кафиллик

Д. Иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликка фаол аралашиш.

#### **7. Эксплуататорлик давлатда “Принципал-агент” муаммосини ҳал этиш механизмлари қандай?**

А. Принципал – фуқаро: мавжуд эмас ва принципал – давлат: мажбур қилиш ва куч ишлатишдан фойдаланиш, ҳар томонлама назоратни амалга оширишга уриниш.

В. Давлатни назорат қилувчи гуруҳнинг сиёсий иродасига боғлиқ.

С. Қатъий, бюджетни тасдиқлашнинг мавжудлигида.

Д. Унитар ташкилотларни шакллантириш орқали.

#### **8. Шартномавий давлатда бюджет чекловлари қандай?**

А. Қатъий, бюджетни тасдиқлашнинг демократик тартиботи билан чекланган.

В. Шартномавий давлатда бюджет чекловлари юмшоқ амалга оширилади.

С. Давлат аппаратини назорат қилувчи гуруҳнинг рентасини (солиқ тушумларини) кўпайтириш.

Д. Унитар ташкилотларни шакллантириш орқали.

### **9. Эксплуататорлик давлатда бюджет чекловлари қандай?**

А. Эксплуататорлик давлатда бюджет чекловлари юмшоқ амалга оширилади.

В. Эксплуататорлик давлатда бюджет чекловлари демократик тартибот билан чекланган.

С. Давлатни назорат қилувчи гуруҳнинг сиёсий иродасига боғлиқ.

Д. Қатъий бюджетни тасдиқлаш мавжуд эмаслигида.

### **10. Шартномавий давлатда даромадларнинг асосий моддалари қандай?**

А. Биринчи навбатда “бозор” солиқларидан тушумлар.

В. Мусодара солиқлари ва солиқдан ташқари тушумлар

С. Алоҳида гуруҳларнинг рентасидан.

Д. ҚҚС ва акциз солиқларидан.



### **МАВЗУГА ДОИР МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Давлат ва «принципал-агент» муаммосининг моҳиятини тушунтиринг?
2. “Шартномавий” давлатга таъриф беринг?
3. “Шартномавий” давлат қанақа шароитларда мавжуд бўлади?
4. “Эксплуататорлик” давлатининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?
5. Давлат хусусиятини белгилашнинг қандай усуллари ва мезонлари мавжуд?
6. Коррупция ва унга қанақа омиллар таъсир кўрсатади?
7. Коррупция ва жиноятчиликнинг хавфсизликка соладиган таҳдидлари нималардан иборат?
8. Давлат бюджетининг ижроси буйича жорий ва утган йиллар оралигидаги таккослама балансини шарҳлаб беринг?
9. Бюджет тақчиллигини молиялаш усулларини шарҳлаб утинг?
10. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлатнинг имкониятларини мустаҳкамлашга кўмаклашувчи механизмлар доирасини шарҳлаб беринг?

## 15-МАВЗУ: УЙ ХЎЖАЛИГИ ВА УНИНГ ХИЛЛАРИ

### АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Уй хўжалиги иқтисодиёт субъекти сифатида
2. Уй хўжалиги фаолият кўрсатишида мутаассибликнинг роли
3. Уй хўжалигининг хиллари
4. Уй хўжалиги иқтисодиёти ва оила бошқаришнинг концептуал асослари
5. Уй хўжаликлари даромади ва харажатлари таркиби ва уларнинг ўзгариш тенденцияси

### МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 8 декабрь 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикаси “Мулк тўғрисида”ги Қонуни. 31 октябр 1990 й.
3. Ўзбекистон Республикаси “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. 19 ноябр 1991 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4707-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 4.03.2015
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги (ПП-2298) “2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар бутловчи қисмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 11.02.2015
6. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Ўқув кўланма. 2-нашр, қайта ишланган. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. –170-193 б.
7. Беркинов Б.Б., Ахмедов У.Қ. Уй хўжаликлари ривожланиши ва оила даромадларини ошириш истиқболлари. –Т.: Фан ва технология, 2013. - 27-51 б.
8. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008. -с 175-179.
9. Лемещенко П. С. Институциональная экономика: Учеб. пособие. – Мн.: ООО «ФУАинформ», 2003. – 285-287 с.
10. On Economic Institutions: Theory and Applications. Alder-shot: Edrdward Elgar, 1995. –с. 19.
11. [www.oecd.org/publishing](http://www.oecd.org/publishing)
12. <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси веб сайти.
13. [www.wordbank.org](http://www.wordbank.org) -Жаҳон Банки маълумотлари.
14. <http://www.lex.uz> - Узбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.
15. <http://www.mineconomi.uz>.

## МАВЗУГА ДОИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

‡ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

‡ *Эсда тутинг!*

**Уй хўжалиги** – бу инсон капиталини ишлаб чиқаришнинг умумий вазифалари, яшаш, бюджет ва оила-қариндошчилик алоқалари билан бирлашган кишилар гуруҳидир.

**Истеъмол (consumption)** – кишиларнинг иқтисодий талабларини қондириш жараёнида ижтимоий маҳсулотдан фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг охиригача босқичи.

**Истеъмол харажатлари** – товарлар ва хизматларни яқуний истеъмол қилиш мақсадида харид қилиш учун қилинган харажатлар. Уй хўжаликлари ва давлатнинг истеъмол харажатларига бўлинади. ЯИМнинг харажатларига кўра таркибида энг катта ва барқарор компонент.

**Истеъмол нархлар индекси (consumer price index)** – ўртача оила томонидан, одатда, истеъмол қилинадиган товар ва хизматлар нархининг базис даврига нисбатан ўзгариши ўртача даражасини акс эттирадиган кўрсаткич, инфляция кўрсаткичи сифатида ишлатилади.

**Истеъмолга ўртача мойиллик** – истеъмол харажатларининг даромаддаги (ёки шахсий тасарруфдаги даромад ҳажмидаги) ҳиссаси.

**Истеъмолга (жамғаришга) чегараланган мойиллик** – истеъмол харажатларидаги (жамғариш ҳажмига) ўзгаришнинг бу ўзгаришни келтириб чиқарган даромадларнинг (ШТДдаги) ўзгариш миқдоридаги улуши.

**Инсон (мехнат) ресурсларини ривожлантириш (Human resources)** Иш билан бандлик ва ишсизлик, даромад билан таъминланиш, таълим ва ўқитиш ҳамда соғлиқни сақлаш билан боғлиқ бўлган дастурлар ва ёндошувлардир. Ушбу соҳаларнинг ҳаммаси биргаликда «ижтимоий сектор» деб аталади.

**Инсон салоҳияти (Human capital)** Инсонда мужассамлашган кўникма ва белгилар бўлиб, у қисман инсоннинг таълим маълумот натижаси ҳисобланади.

**Оила нафақаси (Бола учун нафақа) (Family allowance)** Ушбу нафақа тури ҳар ой тўланиб, одатда у солиққа тортилмайди ва даромадларнинг миқдorigа киритилмайди. Ушбу нафақа тури бола маълум бир ёшга тўлгунча тўланади.

**Мехнат бозори** – бу иш кучини олди-сотди қилиш муносабатини билдиради. Бу ерда товар бозоридан фарқли ўлароқ, инсоннинг ўзи эмас, балки унинг мехнат қилиш қобилияти, олди-сотди тузиш асосида, маълум муддатга сотилади. Иш кучи аввал истеъмол этилиб, сунгра унинг ҳақи тўланади.

**Мехнат унумдорлиги** – тирик мехнат харажатлари ва натижаларининг вақт бирлигидаги муносабати.

**Мехнат ресурсларини режалаштириш** – бу корхонанинг фаолияти тизимини режалаштиришнинг асосий қисмидир. Кадрларни режалаштириш кўйидаги 3 босқичдан иборат:

- А) мавжуд мехнат ресурсларни баҳолаш;
- Б) кадрларга бўлган талабни баҳолаш;
- В) мехнат ресурсларни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш.



**МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МИСОЛЛАР ВА КЕЙСЛАР:**

**❖ Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!**

**1–мисол.** Университетнинг иқтисодиёт факультетидаги ўқишини эндигина тугаллаган қиз (ёки йигит) тижорат фирмасига менежер бўлиб ишга кирази. Олий иқтисодий маълумот ҳақидаги диплом унинг эгасида махсус (ўзига хос) инсон капитали мавжудлигидан далолат берадими?

- а) ҳа;
- б) йўқ.

**Жавоб: б),** университет маълумоти ҳақидаги диплом унинг эгасида универсал, яъни ихтисослашмаган билимлар мавжудлигидан далолат беради. Махсус (ўзига хос) инсон капитали муайян ташкилотда муайян вазифаларнинг бажарилиши натижасида тўпланади: инсон бир жойда қанчалик узоқ вақт ишласа, у мазкур ташкилот учун махсус (ўзига хос) бўлган билим ва кўникмаларнинг шунчалик катта ҳажмини тўплайди. Шунинг учун ходим эгаллаган инсон капиталининг махсуслиги (ўзига хослиги)ни баҳолаш мезони бўлиб диплом эмас, балки ташкилотдаги иш стажи хизмат қилади.

**2-мисол.** Бир кишидан иборат уй хўжалигининг хилини шартли ойлик бюджетнинг кўйидаги тузилмаси асосида таҳлил қилинг:

Даромадлар			Харажатлар		
Моддалар	минг сўмда	% да	Моддалар	минг сўмда	% да
Иш ҳақи	200	23,5	Овқатланиш	150	23,8
Кўшимча иш	320	37,7	Коммунал харажатлар	120	19,0
Номунтазам иш ҳақлари	250	29,4	Ноозиқ-овқат товарлар	80	12,7
Дивидендлар (рента)	80	9,4	Таълим	60	9,5
Жами	850	100	Дам олиш	220	35,0
			Жами	630	100
			Жамғармалар	+220	25,9



- а) бозор;
- б) ўтиш;
- в) буйруқбозлик;
- г) аниқланмаган.

**Жавоб: б),** даромадлар таркиби уй хўжалигининг ўтиш хилига мансублигидан далолат бериб турибди: даромадлар иқтисодиётнинг ошкора ва (асосан) хуфёна секторларида бандликдан келиб тушади. Дам олиш харажатларининг юқори улуши бозорда хизматларнинг анча катта тўплами кўрсатилганлигидан далолат берса-да, ушбу "бозор" далил-исботи Ноозиқ-овқат товарлар учун харажатларнинг жуда паст улуши билан "тенглаштирилади".

**3-мисол. ОўЮга ўқишга киришда ота-оналар ўзининг фарзандларини абитуриент сифатида “суғурта қилиш” учун ўз вақтида абитуриентнинг отаси билан бир мактабда ўқиган декан ўринбосари билан узоқ вақтдан буён сақланиб келаётган алоқадан фойдаланишга қарор қилишади. Бундай хатти-ҳаракат кўпроқ уй хўжалигининг қайси хилига хос?**

- а) бозор;
- б) ўтиш;
- в) буйруқбозлик;
- г) в) ёки б).

**Жавоб: г),** буйруқбозлик иқтисодиёти доирасида алоқа уй хўжалигининг фаолият кўрсатишида асосий ролни ўйнади. Шунинг учун оила фаровонлигининг даражаси айнан кенг ва табақаланган алоқаларнинг мавжудлиги билан белгиланди. Иккинчи томондан, ўтиш иқтисодиётида алоқалар уй хўжалигининг ресурсларидан бири бўлгани ҳолда муҳим роль ўйнашда давом этмоқда (Роузнинг фикрига кўра, алоқалар ва поралардан фойдаланиш «ресурс портфели»нинг олтига қисмидан бири сифатида иштирок этади).

**4-мисол. Мутаассиблик институт ҳисобланадими?**

- а) ҳа;
- б) йўқ.

**Жавоб: а),** Нельсон ва Уинтернинг фикрича, мутаассиблик у орқали бугунги хатти-ҳаракат келгусидаги хатти-ҳаракатга таъсир кўрсатадиган "олдиндан айтиб бўлинадиган ва такрорланувчи" ҳаракат сифатида таърифланади; "такрорланувчи ҳаракат модели". Мутаассиблик кундалик фаолиятни ташкил этиш ва атрофдагилар билан ўзаро ҳамкорликнинг алоҳида усули бўлиб хизмат қилади, ва ушбу жиҳатдан уни институт дейиш мумкин.

## КЕЙСЛАР

### Кейс 1. Аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш

Харидор (эркак киши) дўкондан куртка сотиб олди. Уни кимёвий усул билан тозалаш корхонасига топширди. У ерда курткани тозалаш вақтида уни йиртиб қўйишди. Мижоз курткани олишдан бош тортиб, компенсация талаб

қилди. Бироқ корхонада бу ҳол заводда йўл қўйилган нуқсон туфайли юз берди деб жавоб қилишди. Кимёвий усул билан тозалаш корхонаси компенсация тўлашдан бош тортиб, мустақил экспертиза хулосасининг тақдим этилишини таклиф қилди. Дўконда курткани алмаштиришдан бош тортишмоқда, чунки уни харидор кийган. Дўконнинг чеки ва кимёвий усул билан тозалаш корхонасидан бериган квитанция миждозда мавжуд эмас. Харидорга зарарни ким қоплаши керак?

### **Саволлар:**

Кимёвий усул билан тозалаш корхонаси билан миждоз ўртасида тузилган шартнома таркибининг асерсий қисмларини ажратинг.

Шартноманинг тузилиши кимёвий усул билан тозалаш корхонаси ва миждозга (улар шартнома тузмаган вазият билан солиштирилганда) қанақа устунликлар беради?

Шартномага тозалаш жараёнида буюм шкастланиши мумкинлиги тўғрисидаги огоҳлантиришнинг киритилиши кимёвий усул билан тозалаш корхонасининг хатти-ҳаракатига қандай таъсир кўрсатиши мумкин? Мазкур ҳолатда куртканинг сифатини ўлчаш харажатлари кимнинг бўйнига қўйилади? Қайси тараф ўзини оппортунистик тутиш имкониятига эга бўлади?

Кимёвий усул билан тозалаш корхонаси билан миждоз ўртасидаги тузилган шартнома мукамал ҳисобланадими? Ўз жавобингизни асосланг.

## **ҚУЙИДА КЕЛТИРИЛГАН ФИКРЛАР** **ТЎҒРИМИ ЁКИ НОТЎҒРИМИ?**



**♣ Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!**

1. Уй хўжалиги иқтисодий фаолиятнинг муҳим субъектларидан бири ҳисобланиб, нафақат оила ёки хўжалик, балки бутун мамлакат аҳолисининг фаровонлиги унинг натижаларига боғлиқ.

2. Уй хўжалиги иқтисодиётнинг йирик сектори сифатида тижорат корхоналари ва давлат билан бир қаторда барча макроиқтисодий тартибга солиш жараёнларида иштирок этади.

3. Оила деганда - бир уйда яшаши оила-қариндошчилик алоқаларининг умумийлиги билан бирлашган гуруҳ тушунилади.

4. Уй хўжалиги бу инсон капиталини ишлаб чиқаришнинг умумий вазифалари, яшаш, бюджет ва оила-қариндошчилик алоқалари билан бирлашган кишилар гуруҳидир.

5. Уй хўжалигининг асосий функциясини инсон капиталини шакллантириш, ундан фойдаланиш ва сақлаш деб белгилаш лозим.

6. Оила - бу ўз навбатида, инсоннинг билимлари, амалий кўникмалари ва меҳнатга тиришқоқлигининг йиғиндиси сифатида тушунилади.

7. Р.Коузнинг “Фирманинг табиати” мақоласида фирма ташкилий тузилма сифатида “қора кути” деб изоҳланган. Бундай тавсиф аслида уй хўжалигига нисбатан кўпроқ мос келади.

8. Уй хўжалиги учун фақат “қора кути”га “кириш”даги (иш ҳақи, солиқлар чиқариб ташланган давлат томондан ижтимоий трансфертлар) ва ундан “чиқиш”даги (инсон капитали, меҳнат, жамғарма, истеъмол) омиллар маълум.

9. Институционал назария - уй хўжалигини фирмадан ва давлатдан фарқ қилувчи ташкилотнинг алоҳида шакли сифатида таҳлил қилишга эътибор қаратади.

10. Уй хўжалигининг асосида ҳокимлик муносабатлари ётади – биргаликдаги иқтисодий фаолият устидан назорат қилиш ҳуқуқи унинг бир аъзосига – “оила бошлиғи”га ўтади.



### МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

☞ *Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

#### **1. Уй хўжалиги иқтисодиёти қандай таснифга эга?**

А. Уй хўжалиги иқтисодий фаолиятнинг муҳим субъектларидан бири ҳисобланиб, нафақат оила ёки хўжалик, балки бутун мамлакат аҳолисининг фаровонлиги унинг натижаларига боғлиқ.

В. Уй хўжалиги иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш секторида фаолият юритади.

С. Уй хўжалигининг таркиби фақат йирик оилалар жумласига асосланади.

Д. Оила бизнеси (тадбиркорлиги)ни ташкил этиш фақат оила мулкига асосланиши керак.

#### **2. Оила деганда нимани тушунасиз?**

А. Бир уйда яшаши оила-қариндошчилик алоқаларининг умумийлиги билан бирлашган гуруҳ тушунилади.

В. Умумий вазифалар, яшаш жойи, бюджет ва одатда оила-қариндошчилик алоқалари билан бирлашган кишилар гуруҳини ўзида намоён қилади.

С. Мол-мулки ягона бир гуруҳга тегишли бошқарувга айтилади.

Д. Яшаш жойи бир бўлган ягона маконга айтилади.

#### **3. Уй хўжалиги деганда нимани тушунасиз?**

А. Бир уйда яшаши оила-қариндошчилик алоқаларининг умумийлиги билан бирлашган гуруҳ тушунилади.

В. Инсон капиталини ишлаб чиқаришнинг умумий вазифалари, яшаш, бюджет ва оила-қариндошчилик алоқалари билан бирлашган кишилар гуруҳидир.

С. Мол-мулки ягона бир гуруҳга тегишли бошқарувга айтилади.

Д. Яшаш жойи бир бўлган ягона маконга айтилади.

#### **4. Уй хўжалигининг асосий функцияси нима?**

А. Уй хўжалигининг асосий функциясини инсон капиталини шакллантириш, ундан фойдаланиш ва сақлаш деб белгилаш лозим.

В. Бу ўз навбатида, инсоннинг билимларини шакллантиришга қаратилган фаолият.

С. Бу ўз навбатида, инсоннинг амалий кўникмалари ва меҳнатга тиришқоқлигининг йиғиндиси сифатида тушунилади.

Д. Бу ўз навбатида оила мулкани ташкил этади.

**5. Уй хўжалигининг асосий мақсади нима?**

А. Инсон капиталани шакллантириш.

В. Инсон капиталидан фойдаланиш.

С. Ўз аъзоларига кутилмаган ҳолатлар юзага келишидан қатъи назар кафолатланган фаровонлик даражасини таъминлашдан иборат.

Д. Инсоннинг амалий кўникмалари.

**6. Уй хўжалигининг қандай хили мавжуд?**

А. Бозор институти ҳукмронлиги шароитида фаолият кўрсатувчи.

В. Бозор институти ҳукмронлиги шароитида фаолият кўрсатувчи ва буйруқбозлик иқтисодиёти институти ҳукмронлиги шароитида фаолият кўрсатувчи.

С. Бозор институти ҳукмронлиги шароитида фаолият кўрсатувчи ва буйруқбозлик иқтисодиёти институти ҳукмронлиги шароитида фаолият кўрсатувчи ҳамда буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фаолият кўрсатувчи уй хўжалиги.

Д. Бозор институти ҳукмронлиги шароитида фаолият кўрсатувчи ва буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фаолият кўрсатувчи.

**7. Уй хўжалигининг истеъмол харажатларига нималар киради?**

А. Кундалик ва узоқ муддат фойданишга ва хизматларга қилинадиган истеъмол харажатларига.

В. Фақат инвестицияларга қилинган харажатларга.

С. Ишлаб чиқариш воситаларига ва кўчмас мулкка қилинган харажатларга.

Д. Импорт товарларига қилинган харажатларга.

**8. Буйруқбозлик иқтисодиётида уй хўжалиги қандай таснифга эга?**

А. Инсон капиталани шакллантириш.

В. Инсон капиталидан фойдаланиш.

С. Ўз аъзоларига кутилмаган ҳолатлар юзага келишидан қатъи назар кафолатланган фаровонлик даражасини таъминлашдан иборат.

Д. Барча жавоблар тўғри.

**9. Оиланинг асосий мақсадли функцияси – бу**

А. Инсонни дунёга келтириш

Б. Инсон капиталани такрор тиклаш ва сақлаш

С. Умумий бюджет тузилмасини таъминлаш

Д. Биргаликда хўжалик юритиш

**10. Уй хўжалигининг асосий мақсадли функцияси – бу**

А. Инсонни дунёга келтириш

Б. Инсон капиталани такрор тиклаш ва сақлаш

С. Умумий бюджет тузилмасини таъминлаш

Д. Биргаликда хўжалик юритиш



### МАВЗУГА ДОИР МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

1. Уй хўжалиги таърифни келтиринг ва унинг ташкилот сифатидаги ўзига хос хусусиятлари нималардан иборатлигини айтинг.
2. Оила билан уй хўжалиги ўртасидаги фарқ нимада?
3. Уй хўжалигини юритиш ва инсон капиталини шакллантиришда қандай вазифалар (функциялар) амалга оширилади?
4. Уй хўжалигининг қанақа шакллари мавжуд ва уларнинг бир-биридан фарқи нимада?
5. Инсон капиталини шакллантириш бўйича уй хўжалиги фаолиятининг хусусиятларини шарҳлаб беринг?
6. Уй хўжалиги фаолият кўрсатишида мутаассибликнинг ролини шарҳлаб беринг?
7. Уй хўжалигининг хилларига тавсиф беринг?
8. Уй хўжалиги иқтисодиёти ва оила бошқаришнинг концептуал асосларини айтиб беринг?
9. Уй хўжаликлари даромади ва харажатлари таркиби ва уларнинг ўзгариш тенденциясини шарҳлаб беринг?
10. Уй хўжалиги ва уларнинг энг асосий шаклларининг ўзига хос тавсифларини айтиб ўтинг?

## 16-МАВЗУ: РИВОЖЛАНИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ НАЗАРИЯСИ ВА ИННОВАЦИЯ ТУРЛАРИ

### АСОСИЙ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

1. Инновациялар даври. Радикал инновациялар
2. Жамиятдаги ўзгариш воситалари
3. Барқарор ривожланиш тадқиқотлари методологияси
4. Иқтисодий ўзгаришлар
5. Барқарор ривожланиш муаммосини тадқиқ этиш

### МАВЗУГА ДОИР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4707-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 4.03.2015
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги (ПП-2298) “2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар бутловчи қисмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 11.02.2015
3. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Ўқув қўлланма. 2-нашр, қайта ишланган. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. –170-193 б.

4. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008. с. 175-179.
5. Лемещенко П. С. Институциональная экономика: Учеб. пособие. – Мн.: ООО «ФУАинформ», 2003. – 285-287 с.
6. Яковец Ю.Б., Кузык Б.Н. Стратегия инновационно-технологического прорыва. –М.: МФК, 2003. – 135-149 с.
7. Васильев Л.Н. Развитие инновационной деятельности в США или как удвоить ВВП. –М.: Экономика, 2005, -241-255 с.
8. <http://www.jstor.org>
9. [www.weforum.org/ger](http://www.weforum.org/ger)
10. [www.oecd.org/publishing](http://www.oecd.org/publishing)
11. <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси веб сайти.
12. [www.wordbank.org](http://www.wordbank.org) -Жаҳон Банки маълумотлари.
13. <http://www.lex.uz> - Ўзбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.
14. <http://www.mineconomy.uz>.
15. <http://www.mf.uz>- Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги веб портали.

## МАВЗУГА ДООИР ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

‡ *Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.*

‡ *Эсда тутинг!*

**Инновация** – корхонанинг савдо ишлаб чиқариш, инвестицион ва молиявий фаолиятида бошқарувнинг ёки технологиянинг янги ютуқларидан фойдаланиш.

**Иқтисодий ўсиш сифати** – иқтисодий ўсишнинг умумлашган сифат характеристикаси бўлиб, унинг қандай сарфлар билан таъминлангани ва қандай ижтимоий-иқтисодий натижа берганлигини ифодалайди.

**Ноу-хау** - корхона томонидан патентланмаган, лекин расман хужжатлаштирилган техника, технология, ахборот, тижорат, бошқарув билимлари йиғиндиси.

**Венчур ва инновация тузилмалар** – ташкилий тузилмаларнинг замонавий қурилиши ҳисобланади. Бу икки ном муайян даражада синоним ҳисобланади. Инглизча «venturi» сиз «таваккал иш» деган маънони билдиради. Одатда, бизнесда таваккал иш инновациялар, яъни янги технологиялар, товарлар ёки хизматларни ишлаб чиқаришда иборатдир. Бозор иқтисодиёти ривожланган барча мамлакатларда кичик бизнесда анна шундай тузилмалар ташкил этилади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бу бозорнинг тез ўзгараётган шароитларига тез муносабат билдиришнинг энг истиқбол йўлидир.

**Интеллектуал иродавий сифатлар** – бу тадбиркорнинг ақли ифодаси, сабот ва матонати каби сифатларини ўз ичига олади. Ташкилотчилар сифатларига эса тадбиркорнинг фаолиятини уюштириш ва бошқариш, шу жумладан ишчи хизматчиларни ишга ёндашиш уларни ишонтира олиш ва илхомлантириш каби сифатлар киради.

**Саноат нусхаси** – бу махсулотнинг таалуқли бўлган бадий ва бадий-конструкторлик ечимидир. Саноат нусхалари хажмли (буюртма шаклда: яъни модел), текис юза (расм) ва аралаш (комбинациялашган) кўринишда бўлиши мумкин.

**Саноат нусхаси муалифи** – муаллифлик ҳуқуқига эга бўлади ва бу ҳуқуқ тортиб олиб бўлмайдиган шахсий ҳуқуқ ҳисобланади ва давлат томонидан муддатсиз химоя қилинади ва патент билан тасдиқланади. Патент 10 йилга берилади ва яна 5 йилга узайтирилиш ҳуқуқи кафолатланади.

**Саноат нусхасига патент** – саноат нусхаси муаллифига: унинг қонуний ворисига, ёки тегишли шартнома ва аризада бу нарса қайд этилган бўлса, у ҳолда юридик шахсга берилиши мумкин. Дастлабки аризада бу кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда саноат нусхаси Давлат Реестрига киритилгунча бўлган муддатда қўшимча ариза билан амалга оширилиши мумкин.

**Интеллектуал товарлар бозори** – бу бозорнинг махсус тури бўлиб, ақлий меҳнат махсули бўлмиш товарлар ва хизматларнинг айирбошлашини билдиради. Бу бозорда сотувчилар ва харидорлар махсус товар ҳисобланган

илмий ғоялар, техникавий янгиликлар, санъат ва адабиёт асарлари, хилма-хил ахборотларни олди-сотди этиш юзасидан муносабатда бўладилар.


**Ақлли кишиларнинг кетиб қолиши** — мамлакатдан "интеллектуал элита" вакиллари чет элда ишга жойлашиш мақсадида чиқиб кетиши.

**Информация ва технологиялар жаҳон бозори (ИТЖБ)** — интеллектуал фаолият натижалари айирбошлаш халқаро соҳаси.

**Инновацион фаолият** — назарий моделни бозор талабига мос технология-товарга айлантиришдан иборат узок жараёндр.

**Диверсификация** – корхонанинг фаолият соҳалари ва ишлаб чиқарадиган махсулот турларининг кенгайиши.

**Гудвилл** – Янги технологиялар, самарали бошқарув тизимининг қўлланилиши натижасида қўшимча даромад олишга имкон берадиган, корхонада хосил буладиган номоддий активларининг бир тури.



#### МАВЗУГА ДОИР АМАЛИЙ МИСОЛЛАР ВА КЕЙСЛАР:

**❖ Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама!**

**1–мисол.** Қўйидаги маълумотлар асосида иқтисодий кўрсаткичнинг базис ва занжирли ўсиш суръатини ҳамда қўшимча ўсишни аниқланг

Йиллар	1994	1996	1998	2000	2002	2004
Миллий даромад хажми млрд.сўм	17,5	20,0	20,4	20,8	21,5	23,3

**Жавоб:**

**I. а) 2,5, б) 0,4, в) 0,4, г) 0,7, д) 1,8 - қўшимча ўсиш.**

**II. а) 14,2, б) 2, в) 0,01, г) 3,3, д) 8,3 – зарарли ўсиш.**

**2–мисол.** Дастлаб «Келажак тонги» корхонасида уртача доимий харажат умумий харажатларнинг 30 фоизини ташкил қилар эди. Ишлаб чиқаришнинг харажатларига кура фойдаилиги (рентабеллиги) эса 40 фоизга тенг эди. Инфляция жараёни натижасида ўртча доимий харажатлар 10 фоиз, уртача ўзгарувчан харажатлар эса 20 фоизга усди. Агар корхона махсулот нархини 17 фоизга оширсан, харажатларга кура ишлаб чиқариш рентабеллиги нимага тенг бўлади.

**Жавоб: 13%.**

**3–мисол.** Хом ашё учун қилинган харажатлар ўзгарувчан харажатларнинг 40 фоизини ташкил қилади. Битта махсулот ҳисобида хом ашёга кетган харажат 130 фоизга ошганидан кейин «Дилноза» савдо ишлаб чиқариш корхонаси ишлаб чиқариш хажмини ўзгартирди. Бунда бошқа уртача узгарувчан ва доимий харажатлар ўзгармайди, уртача умумий харажатлар эса 233 сўмга ортди. Агар бу ўзгаришгача битта махсулотга



кетган уртача умумий харажат 500 сўм, ўртача доимий харажат эса 100 сўмга тенг бўлса, фирма ишлаб чиқариш ҳажмини неча фоизга ўзгартиради?

**Жавоб: 30%**

**4-мисол. Икки мамлакат иқтисодиёти қуйидаги макроиқтисодий кўрсаткичларда ёритилган:**

Кўрсаткичлар	А мамлакат	Б мамлакат
2012 й. Реал ЯИМ	2600 млрд.пул бирлиги	2400 млрд.пул бирлиги
2013 й. Номинал ЯИМ	2800 млрд.пул бирлиги	2250 млрд.пул бирлиги
2013 й. ЯИМ дефлятори	1,3	0,9

Ҳар қайси мамлакат учун иқтисодий ўсиш ва иқтисодий давр босқичини аниқланг.

**Жавоб:** Иқтисодий ўсиш суръати:

2013 йил Реал ЯИМ - 2012 йил Реал ЯИМ

2012 йил Реал ЯИМ

А мамлакат учун: Номинал ЯИМ

Дефлятор=2800:1,3=2154 млрд;

Б мамлакат учун реал ЯИМ=2250:0,9=2500 млрд.

А мамлакат учун иқтисодий ўсиш суръати:

$2154-2600/2600=0,17$

Б мамлакат учун иқтисодий ўсиш суръати:

$2500-2400/2400=0,041$ .

Бинобарин, А мамлакатда реал ишлаб чиқариш ҳажми 17%га камаяди, бу иқтисодий тушиш даврига мос келади; Б мамлакатда 2013 йилда реал ишлаб чиқариш ҳажми 4,1% га ўсди, бу иқтисодий ўсиш даврига мос келади.

## КЕЙСЛАР

### 1. Кейс. IBM корпорациясидаги самарадорлик масалалари.

IBM сўзи – international business machines сўзларининг қисқартирилган шаклидир. У 1911 йилда ҳисоблаш техникаси ишлаб чиқарадиган бир қатор фирмаларнинг бирлашиши натижасида ташкил топган. У компьютер технологияларини етиштириб бериш бўйича дунёдаги энг йирик фирмалардан бири ҳисобланади.

XX асрнинг биринчи ярим йиллигидаги IBM фирмасининг тарихи Томас Ж. Ватсон номи билан тўлиқ боғлиқдир. У IBM ни майда фирмадан йирик корпорацияга айлантиришгача бўлган даврда бошқарди.

IBM тарихидаги кейинги босқич унинг ўғиллари – Артур ва хусусан, кичик Томас Ватсонлар билан боғлиқ.. Уларнинг раҳбарлиги остида IBM тармоқда ҳукмрон вазиятга эга бўлган йирик корпорацияга айланди.

IBM ўз фаолиятининг бошланғич даврида бошқа компанияларни сотиб олишга интилмади, балки унинг ўзи бир қатор компанияларнинг аралашмаси, яъни конгломерати эди. 30-йилларда “Отоматик скейл” ва “Нейшнл скейл” ларни сотиб олди. Табуляторли машиналар соҳасида “Тикетограф компани” ва “Пирс эккаунтинг компани” ларни сотиб олди, шунингдек, “Эллис” ва унинг “Электроматик тайпрайтер” деб номланган бўлинмасини сотиб олди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, “Электроматик тайпрайтер” кейинчалик “Офис продактс дивижн” нинг асосига айланди.

Бироқ, IBM нинг бу каби фаоллиги Иккинчи жаҳон уруши арафасида яқун топди. 70-йилларга келиб компания яна фаоллигини ошира бошлади. Бу вақтда у ўзининг асосий ишига асосланган эди. IBM барча компанияларга юқори ўсиш кўрсаткичларига ички омилларнинг таъсири остида эришганлигини очиқ-ойдин намоёниш этди. Бошқа компанияларни сотиб олиш ҳисобидан кенгайиб бораётган кўплаб ташкилотлардан фарқли равишда IBM ўз муваффақиятига оғир меҳнат йўли билан эришди, яъни мулкни сотиб олиш компания стилига тўғри келмасди. Корпорациянинг шиори хусусий ишлаб чиқаришни ривожлантириш эди.

Моҳиятан олиб қараганда, IBM жаҳон саноатида ўзига хос муҳим ўрин эгаллайди. У дунёнинг энг йирик корпорациялари қаторидан ўрин олган бўлиб, фақатгина нефть компаниялари, автомобиль корпорациялари ва япон савдо фирмаларидан кейинги ўринларда туради. Компания таркибида куйидагилар фаолият кўрсатади: 8 та мамлакатда жойлашган 9 та илмий-тадқиқот лабораториялари, 14 та мамлакатда жойлашган 24 та завод, 127 та мамлакатда жойлашган фирма ваколатхоналари. 80-йилларда компанияда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига сарфланган харажатлар ҳар йили 3,5 млрд. долларни ташкил этган.

1964 йилдан 1974 йилгача бўлган даврда IBM нинг йиллик айланмаси 3,2 млрд. доллардан 12,7 млрд долларгача ўсди, бунда ўртача йиллик ўсиш суръатлари 14,8% ни ташкил этди; 1974 йилдан 1984 йилгача бўлган давр ичида 12,7 млрд доллардан 27,4 млрд долларгача кўтарилди (8%); 1984 йилдан 1990 йилгача бўлган даврда 27,4 млрд доллардан 69 млрд долларгача кўтарилди (25%). 1990 йилда фойда ҳажми 6 млрд долларни ташкил этди. Бироқ, 1991 ва 1992 йилларда савдо ҳажмлари 64,7 ва 64,5 млрд долларгача пасайди. 1991 йилда фирма фойда олиш ўрнига 1,4 млрд. доллар ҳажмида зарар кўрди.

40-50 йиллар давомида IBM етакчи, бироқ АҚШ даги кўплаб компьютер ишлаб чиқарувчи компанияларнинг бири ҳисобланган компания сифатида намоён бўлди. Айниқса, илмий-техник ишланмалар соҳасидаги бурилиш, яъни 60-йиллар бошида 360 маркали машиналар сериясининг яратилиши IBM ни тармоқдаги мисли кўрилмаган етакчи компанияга айлантирди. Бу сериягача IBM кўп йиллар давомида 11 мингта электрон ҳисоблаш машиналарини ишлаб чиқарган эди. 360 сериясини ишлаб чиқариш яқунланганда уларнинг уларнинг умумий миқдори 35 минггача ўсди.

IBM РСА, “Дженерал электрик”, “Юнивак” ва “Контрол дейта” каби фирмалар билан рақобат курашида муваффақият қозонди. 50-йилларда ушбу фирмалар IBM нинг бир қатор лойиҳаларини зарар билан яқунланганидан сўнг бозордаги ташаббусни қўлга киритишга ҳаракат қилишди. Бироқ, компаниядаги тижорий муваффақиятга эга бўлмаган бир қатор моделларнинг ишлаб чиқишда йиғилган тажриба ва ақлий салоҳият кабилар IBM га 360 сериясини яратиш имконини берди.

Айнан шу илмий-техник муваффақият IBM ни катта электрон ҳисоблаш машиналарининг жаҳон бозорида ҳукмрон позицияни эгаллашига имкон яратди. 1950 йилнинг 1 январида “IBM world trade” га асос солинди. Унинг таркибига фирманинг ишлаб чиқариш ва савдо бўлинмалари кирди. Ушбу бўлинмалар асрнинг бошларида Германияда (1910 й), Францияда (1914 й), Японияда (1925 й), Канада ва Бразилияда (1917 й) ташкил этила бошланган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда Ғарбий Европада фаолият кўрсатаётган электрон ҳисоблаш машиналарининг 70% Америка компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган.

IBM нинг ташкилий структураси минтақавийлик тамойили бўйича қурилган. Ўтган асрнинг охириги 25 йиллиги мобайнида корпорациянинг 2 та бир хил қисмга аниқ бўлинишида ўз ифодасини топди: миллий (АҚШ) ва халқаро (қолган мамлакатлар, асосан Япония, Германия, Италия, Франция ва Буюк Британия).

IBM нинг ҳар бир мамлакатдаги филиалларига юқори даражадаги мустақилликни бериши муҳим аҳамиятга эгадир. Одатда, ҳар бир филиалнинг раҳбарияти Кенгаш томонидан бошқарилади. Ушбу Кенгаш деярли тўлалигича филиал жойлашган мамлакатнинг фуқароларидан ташкил топади. Шунингдек, битта АҚШ фуқароси бўлган директорни ўз ичига олади. Бироқ, филиалларнинг мустақиллигига қарамасдан, IBM нинг маданияти шунчалик кучлики, буни бутун дунё бўйлаб жойлашган компаниянинг завод ва идораларининг бир-бирига ўхшашлигида кўриш мумкин.

Хорижда IBM нинг ишлаб чиқаришини ташкил этишда жуғрофийлик тамойили асос бўлиб хизмат қилади. “IBM world trade” нинг Нью-Йоркда жойлашган штаб-квартираси ўзининг асосий функцияларини Парижда жойлашган халқаро бошқариш командасига берган. Корпорацияда минтақавий бўлинмалар ташкил этилган бўлиб, уларнинг бири Европа, Яқин Шарқ ва Африка учун бўлса, бошқаси Осиё, Тинч океани минтақаси ва Жанубий Америка учундир. Алоҳида мамлакатларда уларга бўйсунадиган шўъба корхоналари (масалан, “IBM Дойчланд”, “IBM Италия”, “IBM Джапен”, “IBM Франс”, “IBM Юнайтед Кингдом”) мустақил юридик шахс мақомига эга бўлишиб қонун нуқтаи-назаридан маҳаллий фирмалар ҳисобланишади. Уларнинг деярли 100% капитали АҚШ даги бош компанияга тегишли.

Раҳбарлик тамойиллари нуқтаи-назаридан 60-70-йилларда IBM ни бошқарган ака-ука кичкина Том Ватсон ва Дик Ватсонлар “Дженерал моторс”нинг 20-йиллардаги тажрибасини такрорлашга қарор қилишди. Қачонлардир Альфред Слоун ўз фирмаси автомобилларини ишлаб чиқаришни “Бьюик”, “Шевроле”, “Олдсмобиль”, “Понтиак”, “Кадиллак” ва бошқа шу каби мустақил компаниялар ўртасида тақсимлаган эди. Улар бир-бирлари билан бир қатор қисм ва агрегатларни ишлаб чиқаришда ҳамкорлик қилишарди, уларда умумий илмий-тадқиқот ва конструкторлик бўлинмалари ва умумий хизмат кўрсатиш тизими мавжуд эди. Шунинг билан бирга улар

бозорда ўзаро рақобатлашишар ва бошқа рақобатчилар билан мустақил равишда кураш олиб боришарди.

80-йилларда IBM маҳсулот ишлаб чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида бир қатор ташкилий инновацияларни амалга ошира бошлади. Концерн таркибида ўзгаришларни тез амалга ошириш учун модуллик тамойилидан фойдаланилди. Йирик электрон ҳисоблаш машиналари, шахсий компьютерлар, ахборот сақлаш воситалари, идора техникаси, алоқа тизимлари ва бошқа шу кабиларни ишлаб чиқариш заводлари, жуғрофийлик тамойили бўйича бўлиниб жойлашган савдо ташкилотлари ва маъмурий муассасалар фирмани ташкил этган асосий блоклар (модулар) сифатида намоён бўлди. Ушбу блоклардан ҳар бири ўзининг аниқ муаммосини ҳал этишга ихтисослашади ва тегишли соҳадаги юқори малакали мутахассисларни бирлаштиради. Бу каби модулларнинг бир қанчаси бўлинмаларга бирлашади, бўлинмалар бўлса гуруҳларга бирлашади. Бўлинма ва гуруҳларнинг таркиби корпорация томонидан ҳал этиладиган вазифаларнинг характериға боғлиқ равишда ўзгаради.

IBM учун янги бўлган бозорни (шахсий компьютерларни ишлаб чиқариш) эгаллаш учун корпорация “Энтри системз дивижн” деб номланган лойиҳавий (мақсадли) бўлинмани ташкил этди. Менежерлар ва юқори тоифали мутахассисларнинг унчалик даражада катта бўлмаган гуруҳи ўзининг молиявий маблағларига эға бўлди.

### **Саволлар:**

1. Компания ўз фаолиятида бошқарувнинг қандай тамойилларидан фойдаланишга асосий эътиборни қаратган?
2. Компания самарадорлигини оширишда ташкилий-бошқарув тузилмасини қандай кўринишда янгилаш мумкин?
3. Компания фаолиятининг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ташқи ва ички омилларни таснифини келтиринг.

### **ҚУЙИДА КЕЛТИРИЛГАН ФИКРЛАР** **ТЎҒРИМИ ЁКИ НОТЎҒРИМИ?**



**♣ Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли!**

1. Инновация бу – ҳар қандай фаолият соҳасида киритилувчи молиявий маблағлардир.
2. Инновацион ресурс бу – глобал тармоқларни бирлаштирувчи халқаро бирлашма.
3. Иқтисодий ўсишнинг интенсив тури ўзига хослиги шундаки, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ўсиш омилларини сифат жиҳатидан такомиллаштиришдир.
4. Ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг дастлабки босқичларида иқтисодий ўсиш асосан экстенсив асосда амалга оширилади. Ишлаб

чиқаришнинг машина техникаси ва юқори малакали кадрлар билан тўйиниши борасида интенсив ўсиш омилларининг роли ортиб боради.

5. Интенсив иқтисодий ўсишнинг экстенсив ўсишдан кейин келиши ҳар сафар ишлаб чиқаришнинг технологик усули – ишлаб чиқариш кучларини ўзаро боғлаш усули ва бу таркибий қисмларнинг сифат ўзгаришлари ортидан келади.

6. Ўзини сақлаш ва наслни давом эттириш туйғуси, ҳар бир авлоднинг унга қолган меросни бойитиш ва давр талабларига жавоб берган ҳолда кейинги авлодга янада яхши кўринишда қолдириш истаги.

7. Инновациялар деганда у ёки бу фаолият соҳасида самарадорликни ошириш учун инсон ақли эришган ютуқлардан (кашфиёт, ихтиро, илмий ва конструкторлик лойиҳалари ва ҳоказо) фойдаланиш тушунилади.

8. Янгилик даражаси бўйича Герхард Менш технологик инновацияларни базис, яхшиловчи ва сохта инновацияларга ажратади.

9. В.М. Палтерович технологик янгиликларни бошқа мамлакатларда киритилган янгиликларни такрорловчи имитация (ўхшатиш) ва дунёда илк бора амалга оширилаётган инновацияларга ажратишни таклиф қилади.

10. Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий соҳалардаги инновациялар ижтимоий стратификация ҳамда ижтимоий синф ва гуруҳлар таркибида ўзгаришларга олиб келади.



#### МАВЗУГА ДОИР ТЕСТЛАР:

☞ *Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.*

##### **1. Инновация бу-**

А. Таҳлилий, тегишли қарор қабул қилиниши жараёни орқали ўтган натижа

В. Жорий қилинган янгилик

С. Амалга ошадиган, рўёбга чиқадиган янгилик

Д. Ғоя-жорий қилиш-натижа

##### **2. Янгиликнинг ташкилий вариантлари**

А. Ижтимоий муассасининг ташкилий тузилмаси, махсус мақсадли тузилмани шакллантириш, аралаш ёки ташкилий тузилма

В. Янгиликни ўзлаштириш учун қўшимча ваколат олган бўғини ёки бўғинмаси

С. Тузилма белгиланган даврда инновацион ғоясининг моддийлашувини таъминлашга хизмат қилади

Д. Мавжуд ва мақсадли тузилмалар элементлари ни бирлашуви

##### **3. Ресурслар таъминоти, бу:**

А. Таъминот, янгилик

В. Моддий ресурслар

С. Ахборот, моддий, инсон, молиявий ва вақт каби ресурслар

D. Вақт ресурс тарзида

#### **4. Инновация фаолияти, бу:**

A. Яқунланманган ишланмаларни ниҳоясига етказиш жараёни

B. Илмий ҳажмдор маҳсулотларни ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, янги ёки амалиётда қўлланиб келаётган жараён

C. Яқунланмаган илмий тадқиқотлар натижаларини ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ўзлаштиришга йўналтирилган жараён

D. Фан ва техникани ривожлантириш учун ғояларни тадбиқ қилиш жараёни

#### **5. Инновацион лойиҳа:**

A. Муддатда янги тур илмий ҳажмдор маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришни ёки мавжуд технологик жараённи такомиллаштириш учун зарур бўлган ҳужжатлар тўплами

B. Аниқ муддатда амалга ошириладиган тўплам режаси

C. Келажакда маҳаллий шароитларга мослашган ишлаб чиқариш барча босқичларида қўл келадиган фундаментал тадқиқот

D. Янги ғояларни ишлаб чиқаришда қўллаш учун яратилган тўплам

#### **6. Инновацион фаолиятда олиб келиш стратегияси нимани билдаради?**

A. Маҳаллий шароитга мослашган ташқи бозорда эҳтиёж сезилаётгани маҳсулотларни яратилиши

B. Иқтисодиётда самарасини кўрсатаётган технологияларни сотиб олиниши

C. Ишлаб чиқариш жараёнларининг барча босқичларини қамраб олган, фундаментал тадқиқотлардан то ишлаб чиқаришгача бўлган даврни ўз ичига олган худди шундай технологияни яратилишини

D. Маҳаллий шароитга мослашган ташқи бозорда эҳтиёж сезилаётган маҳсулотларни яратилиши, иқтисодиётда самарасини кўрсатган технологияларни сотиб олиниши

#### **7. Инновацион четлаш стратегияси йўналишлари**

A. Тугатиш, ортиқчаликни йўқотиш, камайтириш ва қайта мослаштириш

B. Сўниш, даволаш, йўқотиш

C. Ўсиб бориш, камайтириш, техникага йўналтирилганлик

D. Муқабил ва номуқабил

#### **8. Инновацион сиёсат**

A. Стратегия демакдир

B. Тактика демакдир

C. Бошқарув тизимини ўзгартириш демакдир

D. Тадбирлар, қоидалар ва ташкилий концепциянинг умумий

йиғиндиси ҳисобланади

#### **9. Инновацион назариянинг номоёндаси ким?**

A. Америкалик муҳандис Ф.Тейлор

B. Америкалик иқтиодчи Т.Эмерсон

C. Америкалик олим М.Портер

D. Рус олим Р.А.Фатхудинов

**10 Лойиҳа типлари ва турлари:**

A. Ижтимоий, иқтисодий

B. Ташкилий

C. Инновацион(технологик), инвестицион

D. Ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, инновацион инвестицион



**МАВЗУГА ДОИР МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Молиявий соҳада солиқ имтиёзлари билан рағбатлантиришни такомиллаштиришнинг қайси йўллари мамлакатимизда афзал ҳисобланади?

2. Технологик инновациялар моҳияти нимада?

3. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши қайси омилларга боғлиқ?

4. Мамлакат иқтисодий ривожланишининг инновацион омиллари нималардан иборат?

5. Ривожланиш назариясининг неоклассик вариантыда қайси омилларга асосий урғу берилган?

6. Иқтисодий ўсишнинг неокейнсиан назариясининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?

7. Й.Шумпетернинг иқтисодий ўсиш назариясида тадбиркор-инноватор қандай шахс сифатида тавсифланади?

8. Институционал назарияда инновация субъектларига нималар киради?

9. Ташкилий инновациялар қаторига нималар киради?

10. Институционал инновацияларга нималар киради?

### III. НАЗОРАТ УЧУН (ОДДИЙ, ЎРТА ВА МУРАККАБ) САВОЛЛАР

1. “Институт” ва “норма” тушунчаларининг моҳияти. **Таянч иборалар:** институт, норма, норма хиллари.
2. «Принципал» билан «агент» ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммоси. **Таянч иборалар:** принципал, агент, шартнома, таъминотчи.
3. «Принципал-агент» муаммоларини ҳал этиш вариантлари. **Таянч иборалар:** бюртмачи, шахс, индивид, давлат
4. «Шартномавий» давлат тушунчаси. **Таянч иборалар:** давлат, давлат хиллари
5. «Эксплуататорлик» давлати тушунчаси. **Таянч иборалар:** давлат, туркумланиш, тасниф.
6. Бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш. **Таянч иборалар:** либераллаштириш, чуьурлаштириш, бозор, ислохотлар
7. Бозор кониституцияси меъёрлари. **Таянч иборалар:** Битим, мураккаб утилизим, рақобат, рационал мақсад, тўлиқ рационаллик, эмпатия.
8. Бозор кониституцияси нормалари. **Таянч иборалар:** бозор, кониституция нормалари, турлари
9. Буйруқбозлик иқтисодиёти меъёрлари. **Таянч иборалар:** Буйруқбозлик иқтисодиёти, тенденциялар, истеъмол, манфаат.
10. Буйруқбозлик иқтисодиёти нормалари. **Таянч иборалар:** буйруқбозлик иқтисодиёти, нормалар, иқтисодий норма
11. Давлат ва «принципал-агент» муаммоси. **Таянч иборалар:** давлат, принципал, агент
12. Давлат хусусиятини баҳолаш усуллари ва мезонлари. **Таянч иборалар:** давлат хусусиятлари, усуллари, мезонлар
13. Давлатнинг «муваффақиятсизликлари». **Таянч иборалар:** давлат, бюджет тақчиллиги, камомад, мувофақиятсизлик.
14. Давлатнинг институционал табиати. **Таянч иборалар:** институционал, табият, давлат.
15. Давлатнинг моҳияти ва унинг таърифи. **Таянч иборалар:** давлат, моҳияти, таъриф.
16. Давлатнинг функциялари. **Таянч иборалар:** давлат вазифалари, кафиллик, мулкчилик ҳуқуқларини таснифлаш
17. Давлатнинг шартномавий ва эксплуататорлик концепцияси. **Таянч иборалар:** мақсад, вазифалар, воситалар, бюджет чекловлари
18. Жаҳонда хуфёна иқтисодиёт. **Таянч иборалар:** норасмий, хуфёна сектор, унинг улушлари
19. Иқтисодиёт кониституцияларининг шаклланиши. **Таянч иборалар:** Иқтисодиёт, ресурс, бозор кониституцияси.
20. Инновация иштирокчиларининг таққослама таҳлили. **Таянч иборалар:** инновация, таққослама таҳлил ва унинг кўринишлари
21. Инновацияларни классларга ажратиш. **Таянч иборалар:** инновацияларни класлари, тури.



22. Институт асосий тушуча сифатида. **Таянч иборалар:** Жамият, шахс, мулкчилик, қоида, назария, меъёр.
23. Институт тушунчаси ва уларнинг асосий тавсифи. **Таянч иборалар:** Ҳуқуқ, мажбурият, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий соҳада.
24. Институтлар ва қоидалар. **Таянч иборалар:** Шартнома, мулкчилик, фирма, янги иқтисодий тарих, янги сиёсий иқтисодиёт назариялар.
25. Институтлар ва ташкилотлар. **Таянч иборалар:** Иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий, меъёр, мақом.
26. Институтлар типологияси. **Таянч иборалар:** Расмий, норасмий, сиёсий вазифа, иқтисодиё вазифа, бозор агентлари.
27. Институционал ва ташкилий инновациялар устунлиги. **Таянч иборалар:** институционал, ташкилий инновация, устунлик
28. Институционал матрица. **Таянч иборалар:** иқтисодий, сиёсий, ижтимоий омиллар.
29. Институционал назариялар пайдо бўлиши ва ривожланиши. **Таянч иборалар:** Т.Вебел, Ж.Р. Коммоис, У. Митчелл, Ж. Гобсонларнинг назариялари.
30. Институционал ўзгаришлар ва иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар. **Таянч иборалар:** ўзгаришлар, иқтисодиёт, институционализм, иқтисодиётдаги таркибий ўзгариш.
31. Институционал ўзгаришлар ва институтларнинг ўзаро боғлиқлиги. **Таянч иборалар:** институтлар, ўзгаришлар, ўзаро боғлиқлик.
32. Институционализм назариясининг ривожланиш даврлари. **Таянч иборалар:** Иқтисодий назария, классик, неоклассик, ижтимоий-институционал йўналиш.
33. Институционализмнинг асосий хусусиятлари. **Таянч иборалар:** Институт, жамият, давлат, оила.
34. Институционализмнинг методологик асослари ва институционал таҳлилда бошланғич нуқта масаласи. **Таянч иборалар:** институт, методологик, институционал таҳлил.
35. Институционализмнинг учта асосий йўналишларининг шаклланиши. **Таянч иборалар:** Ижтимоий-психологик, ижтимоий-ҳуқуқий, эмприк оқимлар.
36. Ички муҳит таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлиги. **Таянч иборалар:** Кўп бўғинли технологиялар, воситачи технологиялар, интенсив технология.
37. Қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатлари. **Таянч иборалар:** шартнома, муносабат, хўжаликлар.
38. Қонунга бўйсиниш нархи. **Таянч иборалар:** Низолар, муқобил механизм, харажат, қонунчилик меъёри, сохта, битим.
39. Мамлакатни модернизация қилиш концепцияси ва модернизация қилишнинг бош мақсади, вазифалари ва ҳуқуқий асослари. **Таянч иборалар:** модернизация, концепция, вазифалар, ҳуқуқий асослар.

40. Мувозанатлар турлари ва уларни қидириш йўллари. **Таянч иборалар:** штаглберг, умумийлик, паретто мувазанатлари
41. Мулк ҳуқуқлари назариясининг асосий қоидалари. **Таянч иборалар:** мулкчилик ҳуқуқлари, таснифи, кўринишлари.
42. Мулккий ҳуқуқларнинг тавсифланиши. **Таянч иборалар:** мулкка эгалик қилик, фойдаланиш, тасаруф этиш.
43. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни хусусийлаштириш. **Таянч иборалар:** давлат тасаруфи, тасаруфдан чифариш, хусусийлаштириш.
44. Мулкчилик муносабатларини амалга оширишнинг тарихий шакллари. **Таянч иборалар:** мулкчилик шакллари, мулккий муносабатлар, мулк турлари
45. Мулкчилик таърифларининг таҳлили. **Таянч иборалар:** классик, неокласик мактаб вакиллари, давлат мулки, умумий мулк, комунал мулк.
46. Мулкчилик ҳуқуқлар тўплами сифатида. **Таянч иборалар:** Хусусий, тўлиқсиз, хўжалик юритиш, фойдаланиш.
47. Мулкчилик ҳуқуқлари тушунчаси. **Таянч иборалар:** Ваколат, хусусий ижтимоий, шартнома, давлат мулки, умумий мулк, комунал мулк.
48. Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий асослаш. **Таянч иборалар:** Қонун, ҳуқуқ, муносабат, фойдаланиш, манфаатдорлик, ресурслардан фойдаланиш.
49. Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий асослаш. **Таянч иборалар:** Эгалик қилиш, бошқариш, тасаруф этиш.
50. Мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлашга нисбатан ёндашувлар. **Таянч иборалар:** Фойдаланиш, даромад олиш, муддатсизлик.
51. Мулкчилик ҳуқуқларини характеристикаси. **Таянч иборалар:** Ҳуқуқий анъаналар, дедукция, прецедент, даъвогар, фойдаланиш, муддат, даъво.фуқаролик ҳуқуқи, кодекс.
52. Мулкчилик ҳуқуқларининг иқтисодий назарияси. **Таянч иборалар:** Қонун, меъёр, ҳуқуқ, даҳсизлик.
53. Неоинституционал назариянинг асосий йўналишлари ва институционал иқтисодиётнинг ривожланиш хусусиятлари
54. Оптимал шартнома назарияси. **Таянч иборалар:** Ҳуқуқ, шартнома, иқтисодий агент, хошиш.
55. Принципал ва агент ўзаро муносабатлари муаммоси. **Таянч иборалар:** Ҳаракат, назорат, мажбурият, иштирокчилар.
56. Принципал-агент муаммоларини ҳал этиш вариантлари. **Таянч иборалар:** Рақобат, мукфат, унумдорлик, шартнома, меҳнат тақсимооти.
57. Расмий ва норасмий нормалар ва уларнинг шаклланиши. **Таянч иборалар:** расмий, норасмий нормалар, турлари
58. Режа ва бозор институтлари. **Таянч иборалар:** Институт, муносабатлар, меъёрлар, индивидлар, битимлар, тизим.
59. Ривожланиш назариясининг неокласик варианты. Дж.М.Кейнснинг ривожланиш концепцияси ва иқтисодий динамиканинг неокейнсиан назарияси. **Таянч иборалар:** янги кенсчилик, янги классик йўналишлар.

60. Сотиш тўғрисидаги шартнома ва ёллаш тўғрисидаги шартнома. **Таянч иборалар:** сотиш, шартнома, ёллаш, якка
61. Ташкилий-ҳуқуқий шакл фирманинг стратегияси ҳақидаги ахборот манбаси сифатида. **Таянч иборалар:** ички омил, мақсад, вазифа, технология, стратегия.
62. Ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаш мезонлари. **Таянч иборалар:** бандлик, сармоя, айланма маблағлари.
63. Ташкилот ички муҳитининг асосий таркибий қисмлари. **Таянч иборалар:** Ҳаракат, имконият, стандартлаштириш ва механизация, конвейер йиғув линиялари, оммавий ёки йирик серияли ишлаб чиқариш.
64. Ташкилот ички муҳитининг моҳияти ва мазмуни. **Таянч иборалар:** вазият, ички омил, мақсад, вазифа, технология.
65. Ташкилот менежментнинг асосий объекти сифатида. **Таянч иборалар:** Бошқарув, қарор, вазият, ахборот, структура, назорат, корхона, иқтисодий конъюнктура.
66. Ташкилот ташқи муҳитининг моҳияти ва мазмуни. **Таянч иборалар:** Материаллар, меҳнат ресурслари ва капитал таъминотчилари.
67. Ташкилот тушунчасива институт билан ташкилот ўртасидаги чегара. **Таянч иборалар:** ташкилот, институт, чегара, бошқарувнинг зарурлиги
68. Ташкилотда менежмент тизими ва унинг бошқа тизимлар билан боғлиқлиги. **Таянч иборалар:** Менежер, тизим, горизонтал меҳнат тақсимоти, вертикал меҳнат тақсимоти, бошқарувнинг зарурлиги.
69. Ташкилотда ҳокимият муносабатлари. **Таянч иборалар:** ваколат, шартнома мусосабатлари, бошқариш.
70. Ташкилотлар назарияси. **Таянч иборалар:** Назорат, ҳокимият, мотивация, чегара.
71. Ташкилотларнинг турли хил кўринишлари. **Таянч иборалар:** Корпорация, консорциум, технопарк, технополис.
72. Ташкилотларнинг умумий хусусиятлари. **Таянч иборалар:** Тасисчи, устав жамғарма, фаолият юритиш, фойда олиш.
73. Ташкилотнинг асосий тушунчалари. **Таянч иборалар:** Ҳуқуқий шахс, мустақил, мол-мулк, истеъмолчи.
74. Ташкилотнинг ташқи муҳити. **Таянч иборалар:** Ташқи бозор, рақобат, вазият, айрибошлаш.
75. Ташқи муҳитдаги бевосита ва билвосита таъсир кўрсатувчи омиллар. **Таянч иборалар:** Қонунлар ва давлат органлари, истеъмолчилар, рақобатчилар.
76. Трансакция харажатлари ва институтлар. **Таянч иборалар:** Лойиха тузиш, музокара назорат харажатлари, солиқлар.
77. Трансакция харажатлари ва уларни таҳлил қилишга нисбатан Коуз-Уильямсон ёндашуви. **Таянч иборалар:** битим, алмашув натижаси, қиймат, ёндошув.

78. Трансакция харажатлари. **Таянч иборалар:** Харажат, битим, алмашув натижаси, қиймат.
79. Трансакция харажатларини оптималлаштириш тажрибаси. **Таянч иборалар:** кўлам харажатлари, битим, алмашув натижаси, қиймат
80. Трансакция харажатларини таснифлаш. **Таянч иборалар:** Ресурсларни бошқариш, кўлам харажатлари, ахборот харажатлари.
81. Трансакция харажатларининг иқтисодий таърифи. **Таянч иборалар:** Мулкчилик, эркинлик ҳуқуқи, манфаат, битим.
82. Трансакция харажатларининг ординалистик назарияси асосида ташкилий тузилмаларни амалий таҳлил қилиш. **Таянч иборалар:** трансакция харажатлари, ташкилий тузулмалар, ординалистик.
83. Трансформация харажатлари ва уларни таҳлил қилишга нисбатан Норт ёндашуви. **Таянч иборалар:** трансформация, қарашлар, ёндошувлар
84. Ўзбекистон Республикасида трансакция харажатларини оптималлаштириш чора-тадбирлари. **Таянч иборалар:** трансакция харажатлари, оптималлаштириш, харажатлар
85. Уй хўжалиги иқтисодиёт субъекти сифатида. **Таянч иборалар:** оддий ва индустриаллаштирилган, содда ва мураккаб, оила бошлиғи
86. Уй хўжалиги фаолият кўрсатишида мутаассибликнинг роли. **Таянч иборалар:** муттасиблик, инсон капитали,
87. Уй хўжалигининг хиллари. **Таянч иборалар:** оила, давлат, пудратчи, тадбиркорлик
88. Ўйинлар назарияси таянч моделларининг таснифи. **Таянч иборалар:** ўйинлар, моделлар, тасниф
89. Ўйинлар назариясининг асосий тушунчалари. **Таянч иборалар:** Нокооператив, кооператив, ўйинлар, мувозанат турлари
90. Фирма ичидаги низоларни таҳлил қилиш ва уларни келишувлар назарияси асосида ҳал этиш. **Таянч иборалар:** унитар, холдин, мультидивизионал, аралаш.
91. Фирмалар типологияси ва уларнинг ривожланиш траекторияси. **Таянч иборалар:** фунитар, холдин, мультидивизионал, аралаш.
92. Фирмалар типологияси. **Таянч иборалар:** Тузилиш, таркибий ўзгариш, функция, маданият, агентлар.
93. Фирмаларнинг асосий хиллари. **Таянч иборалар:** Буйруқбозлик иқтисодиётида ҳаракат қилучи корхона, Америка фирмаси, Япония фирмаси, ротация тамойили, контрагентлар, ўтиш хилдаги корхона, режани бошқариш.
94. Фирмани ривожлантириш траекторияси. **Таянч иборалар:** Бозор, муҳит, сиёсат, меъёрлар, коида.
95. Фирманинг баланси унинг таркиби тўғрисидаги ахборот манбаи сифатида. **Таянч иборалар:** Унитар, холдин, мультидивизионал, аралаш.
96. Фирманинг ички тузилмаси. **Таянч иборалар:** холдин, мультидивизионал, аралаш.

97. Фирманинг таркибий тузилиши. **Таянч иборалар:** Бозор, ресурслар, солиқ, қарор, ишлаб чиқариш кўлами.
98. Халқаро бизнеснинг ташкилот фаолиятига таъсири. **Таянч иборалар:** Муҳит, халқаро бозор, сиёсат, савдо тўсиқлари, экспорт, лицензия.
99. Хуфёна бозор институционал тизим сифатида. **Таянч иборалар:** Ёзилмаган, лоқал, мулкчилик ҳуқуқи, мафиёна ўйин қоидалари.
100. Хуфёна иқтисодиёт таркиби. **Таянч иборалар:** Танглик, қариндошчилик, ёзилмаган меъёрлар, ноқонуний. Ёзилмаган, лоқал, мулкчилик ҳуқуқи, мафиёна ўйин қоидалари.
101. Хуфёна иқтисодиёт турларининг таснифи ва уни баҳолашга нисбатан ёндашувлар . **Таянч иборалар:** ёзилмаган, лоқал, мулкчилик ҳуқуқи, мафиёна ўйин қоидалари.
102. Хуфёна иқтисодиёт фаолиятининг оқибатлари. **Таянч иборалар:** расмий, норасмий, ҳукмронлик, чеклаш, зулум.
103. Хуфёна иқтисодиётнинг келиб чиқиши сабаблари. **Таянч иборалар:** расмий, ҳукмронлик, чеклаш.
104. Хуфёна иқтисодиёт. **Таянч иборалар:** Қонундан бош тортиш, ҳуқуқ доирасидан ташқари, буюрократия.
105. Шартнома тушунчаси. **Таянч иборалар:** Мажбурият, иштирокчи, томонлар, тартибга солиш.
106. Шартномалар турлари: классик ва неоклассик. **Таянч иборалар:** Миқдор давомийлик, мазмун, тенглик, суғурта, тўлиқ.
107. Шартномаларнинг хиллари. **Таянч иборалар:** мазмун, тенглик, суғурта, тўлиқ

#### **IV. МУНОЗАРА УЧУН ОЧИҚ САВОЛЛАР**

1. «Ўзиники» ва «беғоналар»га бўлишга мисоллар келтиринг. Ушбу қоидалар нима учун пайдо бўлди? Улар ҳозирда қанчалик ўзгарган ва нима учун? «Ўзиники» ва «беғона» хилидаги қоидалар ҳозирги вақтда қанақа функцияларни бажаради?
2. Агар институционал муҳит барқарорликни таъминламаса, қанақа муаммолар пайдо бўлиши мумкин?
3. Агент хатти-ҳаракатининг самарадорлиги у фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ҳажмининг ошиши билан камаядиган вазият содир бўлиши мумкинми? Ўз жавобингизни муайян мисоллар билан асосланг.
4. Агентлик назарияси атамаларида топ-менежерлар, акциядорлар ва ёлланма ходимлар ўртасидаги муносабатларни таърифланг. Менежер ким – принципалми ёки агентми? Ўз жавобингизни асосланг.
5. Агентлик назарияси доирасида рационирлаш тартиботини қандай мақсадда ва қайси томондан қўллаш мумкинлигини изоҳланг? Ушбу механизмнинг ишлашини мисол орқали кўрсатинг.
6. Агентлик назариясининг асосий омилларини ажратинг ва принципал билан агентнинг ўзаро ҳамкорлиги схемасини таърифланг. Товар бозорида, кредит бозорида, суғурта бозорида, меҳнат бозорида юзага

- келадиган агентлик муносабатларига мисоллар келтиринг. Ҳар бир мисол учун ким принципал ва ким агент ҳисобланишини, уларнинг ҳар бири қанақа ҳаракатларни қўллашини кўрсатинг.
7. Анъанавий ва замонавий институционалистларнинг «институт» тушунчасини таърифлашга нисбатан ёндашувларидаги асосий фарқлар қанақа?
  8. Анъанавий институционалистларнинг институтларни таҳлил қилишга нисбатан ёндашувини тавсифланг. Жон Коммонсинститутларга қанақа таъриф берган? Коммонс ёндашувига мос келувчи институтга мисол келтиринг.
  9. Ахборотни излашнинг асосий соҳалари қанақа? Индивидлар ушбу соҳалардаги қидирувни амалга оширишида қанақа харажатлар қилишига мисоллар келтиринг. Қанақа омиллар ахборотни излаш харажатларининг ошишига хизмат қилади? Нима учун?
  10. Бир институтдан агентларнинг турли гуруҳлари томонидан турлимақсадларда фойдаланиш мумкинми? Ўз жавобингизни асосланг. Агар ҳа бўлса, тегишли мисолни келтиринг.
  11. Давлат аҳолининг трансакция харажатларини қандай қилиб камайтириши мумкин?
  12. Давлат аҳолининг трансакция харажатларини қандай қилиб ошириши мумкин?
  13. Жамиятдаги ишонч даражаси бошқариш шаклини танлашга қандай таъсир кўрсатади? Ўз жавобингизни асосланг.
  14. Замонавий жамиятда норасмий институтлар самарадорлигининг пасайишини нима билан изоҳлаш мумкин? Қайси соҳаларда норасмий институтлар ўз аҳамиятини сақлаб қолади?
  15. Ижарага олинган участкада уй қурилиши ижарачи ва ижарага берувчининг музокара кучларига қай тарзда таъсир кўрсатади? Улардан ким ва нима учун ўзини оппортунистик тутишимкониятига эга бўлади? Мазкур оппортунистик хатти-ҳаракат нимада ўз ифодасини топади? У қандай номланади?
  16. Иккита корхона ўртасидаги муносабатларда юзага келиши мумкин бўлган мувофиқлаштириш муаммосини таърифланг. Иштирокчилар сонининг ўсиши билан мувофиқлаштириш муаммолари ҳал этиш механизмлари қандай ўзгаради? Жавобингизни келтирилган мисол билан изоҳланг.
  17. Иқтисодий қоидаларнинг доимий равишда ўзгариши иқтисодий агентларнинг кутишлари ва хатти-ҳаракатига қай тарзда таъсир кўрсатади?
  18. Иқтисодий маданият шажарасининг асосий даражаларини таърифланг. Мазкур даражаларнинг ҳар бирида кадриятларнинг роли қандай?
  19. Иқтисодий сиёсат жамиятда ҳукумронлик қилаётган кадриятларни қай тарзда ҳисобга олиши лозим? Кадриятларнинг инкор этилиши салбий оқибатларга олиб келган ҳолатларга мисол келтиринг.

20. Имтиҳонда кўчириш оқилонами?
21. Индивид қадриятларга амал қиладиган хатти-ҳаракатга мисол келтиринг. Агар у таърифланган вазиятда битимларга таянганида нима юз берган бўларди?
22. Институтлар ташкилотлардан нима билан фарқ қилади? Фикрингизни аниқ мисол билан изоҳланг.
23. Интернет-маконда агентлар муносабатларини тартибга солишданорасмий қоидаларнинг самарасизлигини нима билан изоҳлаш мумкин?
24. Интернет-маконда контрагентлар ўзаро муносабатларининг ўзига хос хусусиятлариқанақа?
25. Ишбилармон шерикларни излаш стратегияларини сананг. У ёки бу стратегияни танлаш нимага боғлиқ? Корхоналар шерикларни излаш харажатлариниқандай қилиб камайтиришлари мумкин?
26. Ишончли товарлар бозорида битимларнинг амалга оширилиши сотувчилар ва харидорларнинг оппортунистик хатти-ҳаракатигамисоллар келтиринг.
27. Ишончли товарлар бозорида оппортунистик хатти-ҳаракатнинг қайси турлари ўрин тутуди? Уларнинг ҳар бири қандай ва нима учун намоён бўлишини таълим хизматлари кўрсатиш мисолида изоҳланг.
28. Коммонс томонидан ажратилган ҳар бир турдаги трансакцияларга биттадан мисол келтиринг. Ўз танловингизни асосланг. Ушбу мисоллар асосида трансакциялар ўртасидаги фарқларни тарифланг.
29. Коммонстрансакцияларнинг қанақа учта хилини ажратади? Коммонснинг фикрига кўра, трансакцияларни тавсифлашнинг асосиданима ётади? Коммонс томонидан ажратилган трансакцияларнинг хиллари бир-биридан нимаси билан фарқ қилади?
30. Контрагентларнинг кооперациясига хизмат қилувчи институтга мисол келтиринг. Мазкур институтларга амал қилишда мажбурлаш тизимининг ролиқанақа? Ўз жавобингизни асосланг.
31. Корхона учун нарх-наво можаросида иштирок этиш мақбулми? Ўз жавобингизни асосланг.
32. Корхоналар ўз товарларининг нархларини қанақа қоидалар асосида белгилашлари мумкин? Мазкур ҳолатда корхоналарнинг хатти-ҳаракати чекланган оқилоналик концепциясига мос келадими? Ўз жавобингизни асосланг.
33. Қайси ҳолатда ва нима учун маънавий таваккалчиликнинг олдини олиш принципал учун катта харажатлар билан боғлиқ бўлади: (а) мижоз ва адвокатнинг муносабатларида; (б) ишчи ва цех бошлиғи муносабатларида? Ўз жавобингизни асосланг.
34. Қанақа институтлар қоидаларни расмий ва норасмий ўқитишни амалга оширади?
35. Қанақа касблар фақат ижобий трансакцияхаражатлариўрин тутган ҳолларда мавжуд бўлади? Ўз жавобингизни асосланг.

36. Қанақа омилларкорхона учун агентлик харажатларипайдо бўлишига шароит яратади? Агентлик харажатлари, ахборот харажатлари вamuлк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш харажатларини ўзарo таққосланг.
37. Қандай вазиятда иш берувчи товламачиликни қўллаши мумкин? Ходим товламачиликданҳимояланишнинг қанақа усулларини қўллаши мумкин?
38. Қандай ҳолатда харидорнинг трансакция харажатлари юқори бўлади – салондан янги автомобилни харид қилишдами ёки минилган автомобилни унинг эски эгасидан харид қилишдами? Харидорнинг ҳар бир ҳолатдаги трансакция харажатларини таққослаган ҳолда ўз жавобингизни асосланг.
39. Қоидаларни ички сабаблар туфайли юзага келадиган ва ташқаридан қабул қилдириладиган турларга бўлиш уларни расмий ва норасмий қоидаларга бўлишга мос келадими? Ўз жавобингизни асосланг.
40. Маънавий таваккалчилик билан яширинча ҳаракатлар ва яширинча ахборотга эга бўлган маънавий таваккалчилик ўртасидаги фарқларни мисоллар орқали изоҳланг.
41. Маънавий таваккалчиликка қарши курашишнинг ташқи ва ички усуллари нима билан фарқ қилади? Меҳнат бозоридаги шуҳратходимни оппортунистик хатти-ҳаракатга ундовчи омилларга қандай таъсир кўрсатади? Ушбу механизмнинг самарадорлигини баҳоланг.
42. Маънавий таваккалчиликнинг олдини олишусули сифатида мониторингнинг камчиликлари қанақа? Мониторингнинг самарадорлиги қайси омилларга боғлиқ? Ўз жавобингизни асосланг.
43. Менеджерлар билан акциядорлар ўртасидаги муносабатни агентлик атамаларида таърифланг. Ким ушбу ҳолатда принципал ва ким агентҳисобланади? Тарафлардан қайсиси ўзини оппортунистик тутиш имкониятига эга бўлади?
44. Меҳнат бозориданоқулай танлов муаммоларини ҳал этиш учун қўлланиши мумкин бўлган сигналлар ва фильтрация механизмларининг таъсири ўртасидаги фарқ нимада? Ўз жавобингизни мисоллар орқали асосланг.
45. Меҳнат бозорида, кредит бозорида, суғурта бозорида сигналлар механизмидан фойдаланишга мисоллар келтиринг. Мисолларнинг танланишини асосланг.
46. Меҳнат бозоридагимаънавий таваккалчиликка мисол келтиринг. Унинг пайдо бўлишининг сабаблари қанақа? Ўз жавобингизни асосланг.
47. Меҳнат бозоридаги ноқулай танловга мисол келтиринг. Ушбу ҳолатданоқулай танлов нима учун юзага келади ва нимадан иборат? Ноқулай танловнинг ўзарo ҳамкорлик ҳар бир иштирокчисининг фаровонлигига таъсирини тавсифланг.
48. Милгром ва Робертс трансакцияхаражатларининг қанақа тоифаларини ажратди? Улар таснифининг асосида қанақамезонётади? Милгром ва



- Робертс ажратган харажатлар тоифаларини таърифланг ва улар ўртасидаги фарқларни изоҳловчи мисоллар келтиринг.
49. Мувофиқлаштириш муаммоларини ҳал этувчи институтга мисол келтиринг. Кўриб чиқилган институтни таърифланг (қоида плюс санкция).
  50. Музокаралар олиб бориш харажатларинингтоифаларинисананг. Мисоллар келтиринг. Қанақа омиллар музокаралар олиб бориш харажатларининггошишига хизмат қилади? Уларни қандай қилиб камайтириш мумкин?
  51. Мукамал шартноманинг асосий белгиларини сананг. Профессор билан университет ўртасидагимукамал шартнома қандай кўринишга эга бўлиши керак?
  52. Мулк ҳуқуқларининг ҳимоя қилинганлик даражаси бошқариш шаклини танлашга қандай таъсиркўрсатади? Ўз жавобингизни асосланг.
  53. Муносабат шартномасини тузган тарафлар шартномани ижро этишга мажбурлашнинг қанақа механизмларидан фойдаланишлари мумкин? Улар оппортунистик хатти-ҳаракатга ундовчи омилларга қандай таъсир кўрсатади?
  54. Мутаассиб хатти-ҳаракатнинг шаклланиши қанақа омилларга боғлиқ? Мутаассибликнинг шаклланиши эҳтимоли кам бўлган фаолият соҳалари мавжудми? Ўз жавобингизни изоҳланг.
  55. Натижага қараб ҳақ тўлашнинг жорий этилиши қай тарзда маънавий таваккалчиликмуаммоларини ҳал этишга кўмаклашишига мисол келтиринг. “Таваккалчилик - рағбатлар” дилеммасининг моҳияти нимадан иборат? Ушбу дилеммани изоҳловчи мисолни келтиринг.
  56. Нима сабабдан кадриятлар иқтисодийхатти-ҳаракатгатаъсир кўрсатади? Агар инсонлар мутлақ оқил бўлганларида ўзгарганбўлармиди? Ўз жавобингизни асосланг.
  57. Нима учун бизнес-масаҳатчиларга зарурат туғилди? Корхоналар дуч келадиган муаммоларни ҳал этишда масаҳатчилар корхона ичидаги агентларга қараганда қанақа устунликларга эга?
  58. Нима учун жамият аъзоларининг сони ўсиши билан норасмий қоидаларга амал қилишда чиптасиз муаммоси пайдо бўлиши мумкин? Расмий институтларчиптасиз муаммосини қандай қилиб бартараф этиш имконини беришгамисоллар келтиринг.
51. Пахомова Н.В., РихтерК.К. Экономика отраслевых рынков. Учебное пособие. Москва.: “Юрайт”, 2010.- 355стр.

52. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. -Т.: “Молия”. 2002. -247 б.
53. Таджиханов Б. У. Жамиятни янада демократлаштириш ва модернизациялаш –хавфсизликни таъминлаш шартидир: Ўқув қўлланма / Б. У. Таджиханов, Д. С. Мухамадалиев. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. – 48б.
54. Тарушкин А.Б. Институциональная экономика. Учебное пособие. – СПб.: Питер, 2004. – 368 с.
55. Шаститко А.Е. Новая институциональная экономическая теория. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: МГУ, ТЕИС, 2002. – 591 с.

### **VII.Статистик маълумотлар тўпламлари**

56. Ўзбекистон иқтисодиёти: Ахборот таҳлилий шарҳ 2012 йй. –Т.: Ўзбекистон 2013.
57. Инвестиции республики Узбекистан 2012. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2013. – 148 с
58. Йиллик статистик тўплам. 2012. – Тошкент, 2013.
59. «Альманах Узбекистана» статистик тўплам маълумотлари асосида тузилган, 2014.

### **VIII.Интернет сайтлар**

60. [www.economy.gov.ru](http://www.economy.gov.ru)
61. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
62. [www.uzland.uz](http://www.uzland.uz)
63. Экономике России. "<http://www.imce.ru>"
64. [www. norma.uz](http://www.norma.uz).
65. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
66. <http://www.lex.uz> - Ўзбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.
67. <http://www.mineconomy.uz>.
68. <http://www.mf.uz>- Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги веб портали.
69. [www.internetindicators.com](http://www.internetindicators.com) – Иқтисодий индикаторлар Интернет веб-сайти.
70. <http://www.lex.uz> - Ўзбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.
71. <http://www.jstor.org/stable/2564954>
72. <http://www.jstor.org/page/info/about/policies/terms.jsp>.
73. <http://www.jstor.org/action/showPublisher?publisherCode=aea>.
74. <http://www.jstor.org>



### III. ФАНИИ ЎҚИТИШНИНГ ИНТЕРАКТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

#### 3.1 ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

#### ШАРҲИ

#### 1. Амалий машғулотларни ташкил этишнинг асосий шакллари

Амалий машғулот – ОЎЮда назарий билимларни амалий кўникмаларни эгаллашга йўналтирилган ўқитиш шакли ҳисобланади.

Амалий ўқитиш – фаннинг назарийасосини мустаҳкамлаш ўқув фаолиятига ва “Индикатив режалаштириш” фанига қизиқишни ошириш, талабаларга ўқув курси бўйича мустақил ишлаш учун йўналишларни шакллантиради.

#### *Амалий машғулот материалларининг мазмуни ва ҳажмига талаблар*

Амалиёт материалларининг *мазмуни* куйидаги мезонларга жавоб бериши лозим:

- янгилик, илмий асосланган ва ахборот учун белгиланганлик;
- аниқ, ишончли ва асосли далилларнинг мавжудлиги;
- фактга асосланган (статистик ва в.х.) материалларни кўп эмаслиги.
- Амалийматериалларининг *ҳажми* режалаштирилган мавзунини ёритиш учун тўлиқ ва етарли бўлиши керак.

#### Амалий машғулот турлари вауларга хос хусусиятлар

Ўқув машғулотнинг мақсади	Амалиёт тури, унинг ўзига хос хусусиятлари
<b><i>Амалий машғулотга кириш</i></b>	
Фан доирасида ўқув ахборотини ўзлаштириш бўйича талабалар ҳаракатининг йўналтирувчи асосини таъминлаш.	Таълим бериш тузилишида мотивацион босқич ҳисобланади. Унинг вазифаси – ўқув фани мазмуни, унинг ўқув жараёнидаги ўрни ва келгусидаги тезкор-хизмат фаолиятдаги ахамияти тўғрисида дастлабки тасаввурларни бериш, талабаларни ишлаш тизимида йўналтириш, олдинда турган мустақил ишнинг услубиёти ва ташкиллаштирилиши билан таништириш, ҳисобот бериш вақти ва баҳолашни аниқлаштириш.
<b><i>Амалиёт ахбороти</i></b>	
Ўқув мавзу бўйича тасаввурни шакллантириш	Бу ҳақида тушунча режасига мувофиқ ўқув материални кетма-кет тарзда изчилликда баён этиш.
<b><i>Амалий машғулотни муаммони ҳал этишга қаратиш</i></b>	
Муаммони белгилаш ва уни ечимини топишни ташкиллаштириш/анъанав	Янги билимлар савол/вазифа/вазиятларнинг муаммолиги орқали киритилади. Бу жараёнда талабаларнинг билиши ўқитувчи билан

<b>Ўқув машғулотининг мақсади</b>	<b>Амалиёт тури, унинг ўзига хос хусусиятлари</b>
ий ва замонавий нуқтаи назарларни жамлаш ва таҳлил қилиш ва в.х. орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/билимларни шакллантириш.	ҳамкорлигига ва диалогига асосланади, ҳамда изланувчилик фаолиятига яқинлашади.
<b><i>Кўргазма амалиёт</i></b>	
ЎТВдан кенг фойдаланиш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/билимларни шакллантириш.	Бундай амалий ўқиш, кўриб чиқиладиган кўргазмали материалларни очиб беришга ва қисқача шарҳлашга олиб келади.
<b><i>Бинар амалиёт</i></b>	
Талабаларга мунозара маданиятини, муаммони ҳамкорликда ечишни намойиш этиш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни билимларни шакллантириш.	Бундай амалиёт ўқиш икки ўқитувчи/2-мактабнинг илмий вакиллари/олим ва амалиётчи/ўқитувчи ва талабаларнинг диалогини ўзида намоён этади.
<b><i>Анжуман-амалиёти</i></b>	
Ўқув ахборотни излаш, танлаш ва баён этиш жараёнида талабаларнинг фаол иштирокларида ёритиб бериш орқали амалиёт мавзуси бўйича тасаввурни билимларни шакллантириш.	Олдиндан белгиланган муаммо ва уни ҳар томонлама ёритиб бериш назарда тутилган амалий дарслар тизими (5-10 дақ. давомийлигида) билан, илмий-амалий машғулоти кўринишида ўтказилади. Амалий машғулоти якунида ўқитувчи мустақил иш ва сўзга чиқишларга яқин ясади, ахборотни тўлдиради/аниқлик киритади, асосий хулосаларни ифода қилади.
<b><i>Маслаҳатли-амалиёт</i></b>	
Билимларни чуқурлаштириш, тизимлаштириш.	Турлича сценарий бўйича ўтиши мумкин. 1. “Савол-жавоблар”- ўқитувчи бўлим ёки тўлиқ курс бўйича талабалар саволларига жавоб беради. 2. “Савол-жавоблар-мунозаралар”: ўқитувчи нафақат саволларга жавоб беради, балки жавобларни излашни ҳам ташкиллаштиради.
<b><i>Яқуний амалий машғулоти</i></b>	
Билимларни батафсил ёритиш ва	Курсни ўрганишни яқинлашади, бутун давр мобайнида ўтилганларни умумлаштиради.

<b>Ўқув машғулотнинг мақсади</b>	<b>Амалиёт тури, унинг ўзига хос хусусиятлари</b>
аниқлаштиришларсиз тизимлаштириш.	Яқуний амалмёт дарсида ўқитувчи курснинг асосий ғояларини ажратади, келгусидаги тезкор-хизмат фаолиятда ва бошқа фанларни ўрганишда олган билимларни қандай қўллаш йўлларини кўрсатади, фан бўйича яқуний назорат хусусиятини тушунтиради, яқуний назорат вариантларининг мураккаб саволларини тушунтиради.

Аграр инқирозлар	Agrarian crises	Аграрные кризисы	– қишлоқ хўжалигида рўй берадиган иқтисодий инқирозлар бўлиб, циклли тавсифга эга бўлмайди ва саноат циклларига қараганда анча узоқ давр давом этади.
Аграр муносабатлар	Agrarian relations	Аграрные отношения	– ерга эғалик қилиш, тасарруф этиш, ундан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш инфратузилмаси	Agricultural production infrastructure	Сельскохозяйственная производственная инфраструктура	– бевосита қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи соҳалар.
Агросаноат мажмуаси	Agro-industrial complex	Агропромышленный комплекс	– қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ хўжалик тармоқларининг бирлиги.
Ўртача маҳсулот	Average product	Средний продукт	– жалб қилинган барча ишлаб чиқариш омилларининг бир бирлигига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми.
Банк	Bank	Банк	– иқтисодиётнинг меъёрда амал қилиши учун зарур бўлган пул массаси ҳаракатини тартибга солувчи молия-кредит муассасаси.
Банк	Bank	Банк	– кредит муносабатларига хизмат қилиб, кредит тизимининг негизини ташкил қилувчи махсус муассасалар.
Банк кредити	Bank loan	Банковский кредит	– пул эгалари (банклар ва махсус кредит муассасалари)

			томонидан қарз олувчиларга (тадбиркорлар, давлат, уй хўжалиги сектори) берилувчи пул ссудалари.
Банк операциялари	Bank operations	Банковские операции	– маблағларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш бўйича амалга ошириладиган операциялар.
Банк фойдаси (маржа)	Banking profit (margin)	Банковская прибыль (маржа)	– олинган ва тўланган фоиз суммалари ўртасидаги фарқ.
Банк фойда нормаси	Banking profit margins	Банковская норма прибыли	– банк соф фойдасининг унинг ўз капиталига нисбатининг фоиздаги ифодаси.
Бюджет тақчиллиги	Budget deficit	Бюджетный дефицит	– давлат бюджети харажатларининг даромадлардан ортиқчалиги.
Тадбиркорлик фаолияти	Business activities	Предпринимательская деятельность	– шакли ва соҳасидан қатъий назар фойда олишга ва ундан самарали фойдаланиш мақсадига қаратилган иқтисодий фаолият.
Иқтисодий цикл	Business cycle	Экономический цикл	– ишлаб чиқаришнинг бир иқтисодий инкироздан иккинчиси бошлангунга қадар такрорланиб турадиган тўлқинсимон ҳаракати.
Юксалиш	Climb	Подъём	– иқтисодий циклниинг иқтисодиётда тўлиқ бандликка эришилиши, ишлаб чиқаришнинг инкироздан олдинги даражадан ҳам ортиб кетиши ва тўловга лаёқатли талабнинг кенгайиб боришини тавсифловчи фазаси.
Тижорат кредити	Commercial credit	Коммерческий кредит	– корхоналар, бирлашмалар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг асосан тўловни кечиктириш йўли билан товар

			шаклида бир-бирига берадиган кредитлари.
Товар биржаси	Commodity exchange	Товарная биржа	– олдиндан белгиланган қоидалар асосида улгуржи савдони ташкил этиш шакли.
Қиёсий нарх	Comparable prices	Сопоставимые цены	– ишлаб чиқаришнинг натижалари маълум йил (базис йил) асосида ҳисобланувчи ва бошқа йиллар билан таққосланувчи нарх.
Рақобат	Competition	Конкуренция	– бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун кураш.
Капиталнинг тўпланиши	Concentration of capital	Концентрация капитала	– қўшимча қийматнинг бир қисмини жамғариш (капиталлаштириш) натижасида капитал ҳажмининг ошиши.
Ишлаб чиқаришнинг тўпланиши	Concentration of production	Концентрация производства	– ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг йирик корхоналарда тўпланиши.
Истеъмол кредити	Consumer credit	Потребительский кредит	– хусусий шахсларга, аввало, узоқ муддат фойдаланадиган истеъмол товарлари сотиб олиш учун маълум муддатга берилувчи қарз маблағлари.
Истеъмол сарфлари	Consumer spending	Потребительские расходы	– аҳоли даромадларининг тирикчилик неъматлари ва хизматлар учун ишлатиладиган қисми.
Истеъмол	Consumption	Потребление	– эҳтиёжларни қондириш мақсадида маҳсулот ва хизматларнинг ишлатилиши жараёни.
Истеъмол	Consumption	Потребление	– жамият иқтисодий эҳтиёжларини

			қондириш мақсадида ишлаб чиқариш натижалари ва омилларидан фойдаланиш жараёни.
Тадбиркорлик сектори	corporate sector	Предпринимательский сектор	– иқтисодиётнинг даромад (фойда) олиш мақсадида амал қилувчи бирламчи бўғини.
Кредит	Credit	Кредит	– бўш турган пул маблағларини ссуда фонди шаклида тўплаш ва уларни такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун қарзга бериш.
Валюта биржаси	Currency exchange	Валютная биржа	– миллий валюталар курслари бўйича уларнинг эркин олди-сотдиси амалга ошириладиган, расмий жиҳатдан ташкил этилган бозори шакли.
Жорий нарх	Current prices	Текущие цены	– йил давомидаги ишлаб чиқариш натижалари ҳисоблашда қўлланилувчи амалдаги нарх.
Циклик ишсизлик	Cyclical unemployment	Циклическая безработица	– иқтисодий циклнинг инқироз фазаси билан боғлиқ равишда вужудга келадиган ишсизлик.
Ишчи кучи талаби	Demand for labor	Спрос на рабочую силу	– муайян вақтда иш ҳақининг таркиб топган даражасида турли иш берувчилар томонидан ишчи кучи миқдори ва сифатига билдирилган талаб.
Амортизация нормаси	Depreciation rate	Норма амортизации	– амортизация ажратмалари йиллик суммасининг асосий капитал қийматига нисбатининг фоиздаги ифодаси.
Турғунлик (депрессия)	Depression	Депрессия	– ишлаб чиқаришнинг бир жойда депсиниб туришини англатувчи ҳамда иқтисодий фаоллик жонланиши учун шарт-

			шароитларнинг вужудга келишига имкон яратилувчи иқтисодий цикл фазаси.
Бевосита усуллар	Direct methods	Прямые методы	– иқтисодиётни тартибга солишнинг тақиқлаш, рухсат бериш ва мажбур қилиш тавсифидаги маъмурий воситалари.
Ихтиёрида бўлган даромад	Disposable income	Располагаемый доход	– барча солиқлар тўлангандан кейин қолган даромад, яъни шахсий истеъмол ва жамғарма мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлган даромад.
Мулкни тасарруф этиш	Disposal of property	Распоряжение собственностью	– мол-мулк тақдирини мустақил ҳал қилиш.
Тақсимот	Distribution	Распределение	– ишлаб чиқариш омиллари ва унинг натижаларини иқтисодиётнинг турли қисм ва субъектлари ўртасида тақсимлаш жараёни.
Диверсификация	Diversification	Диверсификация	– ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш, уларнинг сифатини такомиллаштириш.
Иқтисодий категория	Economic categories	Экономические категории	– доимо такрорланиб турадиган, иқтисодий жараёнлар ва реал ҳодисаларнинг айрим томонларини ифода этувчи илмий-назарий тушунча.
Иқтисодий инқироз	Economic crisis	Экономический кризис	– ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин тушиб кетиши.



Иқтисодий ривожланиш	Economic development	Экономическое развитие	– кўп қиррали жараён бўлиб, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий тараққиётида ўз ифодасини топади.
Иқтисодий мувозанат	Economic equilibrium	Экономическое равновесие	– иқтисодий жараёнлар, ходисаларнинг икки ёки бир неча томонининг бир-бирига мос келиш ҳолати.
Иқтисодий ўсишнинг кўрсаткичлари	Economic growth	Показатели экономического роста	– иқтисодий ўсишни аниқлашда фойдаланиладиган қиймат, ижтимоий нафлилик ва натурал (жисмоний) кўрсаткичлар тизимидан иборат.
Иқтисодий қонун	Economic laws	Экономические законы	– иқтисодий ҳаётнинг турли томонлари, иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги доимий, такрорланиб турадиган, барқарор сабаб-оқибат алоқалари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги.
Иқтисодий ёки соф фойда	Economic or pure profit	Экономическая или чистая прибыль	– ялпи пул тушумидан барча харажатлар чиқариб ташлангандан кейин қолган қисми.
Иқтисодий мутаносиблик	Economic proportionality	Экономическая пропорциональность	– иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида миқдор ва сифат ўлчамларнинг мос келишлик даражаси.
Иқтисодий ислохотлар	Economic reforms	Экономические реформы	– иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган иқтисодий чоратadbирлар мажмуи.
Иқтисодий жамғариш	Economic savings	Экономическое сбережение	– миллий даромаднинг бир қисмининг асосий ва айланма капиталларни, шунингдек, эҳтиёт ва захираларни кўпайтириш учун сарфланиб бориши.

Иқтисодий уклад	economic structure	Экономический уклад	– турли мулкчиликка асосланган хўжалик юриштишнинг шакллари ва турлари.
Иқтисодий тизим	economic system	Экономическая система	– мавжуд иқтисодий муносабатлар мажмуасининг иқтисодиётни ташкил қилиш шакллари, хўжалик механизми ва иқтисодий муассасалар билан биргаликдаги тизими.
Иқтисодий битимлар	Economic transactions	Экономические сделки	– қийматнинг ҳар қандай айирбошланиши, яъни товарлар кўрсатилган хизматлар ёки активларга мулкчилик ҳуқуқининг бир давлат резидентларидан бошқа давлат резидентларига ўтиши бўйича келишувлар.
Иқтисодиётни барқарорлаштириш	economy Stabilizing	Стабилизация экономики	– танглик ҳолатларига барҳам бериш асосида макроиқтисодий мувозанатликни сақлаш ва ишлаб чиқаришни юксалтириш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш.
Эмиграция	Emigration	Эмиграция	– фуқароларнинг ўз мамлакатларидан бошқа мамлакатларга доимий яшаш учун кўчиб ўтиши.
Айирбошлаш	Exchange	Обмен	– жамият аъзоларининг иқтисодий фаолият турлари ёки ишлаб чиқариш натижалари бўйича ўзаро алмашиш жараёни.
Биржа	exchange	Биржа	– намуна (ёки стандарт)лар асосида оммавий товарларнинг мунтазам савдо-сотик ишларини ўтказувчи тижорат муассасаси.
Валюта курси	Exchange rate	Валютный курс	– бир мамлакат валютасининг бошқа

			мамлакат валютасида ифодаланган нархи.
Экспорт	Export	Экспорт	– товарларни чет эллик миждозларга сотиш бўлиб, бунда мазкур мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар мамлакатдан ташқарига чиқарилади.
Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш	Extended reproduction	Расширенное воспроизводство –	– ишлаб чиқариш миқёсларини мунтазам равишда ошириб боришга асосланган ҳолдаги такрорланиши.
Экстенсив иқтисодий ўсиш	Extensive economic growth	Экстенсивный экономический рост	– ишлаб чиқаришга қўшимча иқтисодий ресурсларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши.
Факторинг	factoring	Факторинг	– бошқа иқтисодий субъектларнинг қарздорлик буйича мажбуриятларини сотиб олиш ёки қайта сотиш муносабатлари.
Иқтисодий ўсиш омиллари	Factors of Economic Growth	Факторы экономического роста	– иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатишда ўз ўрнига эга бўлган ва уни аниқлаб берувчи талаб, таклиф ва тақсимлаш омилларини билдиради.
Пировард маҳсулот	Final product	Конечный продукт	– ишлаб чиқариш жараёни якунланган, шахсий ва унумли истеъмол қилишга тайёр бўлган маҳсулотлар.
Молия	Finance	Финансы	– пул маблағларининг ҳаракати, яъни уларнинг шаклланиши, тақсимланиши ва фойдаланилиши билан боғлиқ равишда вужудга келадиган муносабатлар.
Молиявий сиёсат	financial policy	Финансовая политика	– давлатнинг ўз вазибаларини амалга ошириш учун молияни ташкил этиш ва

			фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар мажмуи.
Молиявий муносабатлар	financial relations	Финансовые отношения	– давлат, минтақалар, тармоқлар, корхона ва ташкилотлар ҳамда алоҳида фуқаролар ўртасида пул маблағлари фондларининг ҳаракати билан боғлиқ ҳолда вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар мажмуи.
Молия тизими	Financial system	Финансовая система	– молиявий муносабатлар ва турли даражада уларга хизмат қилувчи молиявий муассасалар мажмуаси.
Фискал (солиқ-бюджет) сиёсати	Fiscal (fiscal) policy	Фискальная (налогово-бюджетная) политика	– давлат томонидан иқтисодиётга таъсир кўрсатиш мақсадида солиққа тортиш ва давлат сарфи таркибини ўзгартириш бўйича қўлланилувчи чора-тадбирлар.
Форфейтинг	forfeiting	Форфейтинг	– узок муддатли факторинг муносабатлари.
Фрикцион ишсизлик	Frictional unemployment	Фрикционная безработица	– малакасига мос иш қидираётган ва иш ўринлар бўшабини кутаётганларни намоён этувчи ишсизлик.
Умумий мувозанатлик	general equilibrium	Общее равновесие	– иқтисодий жараёнлар, ҳодисаларнинг икки ёки бир неча томонининг, энг аввало ялпи талаб ва ялпи таклифнинг бир-бирига тенг келган ҳолати.
Давлат кредити	government credit	Государственный кредит	– давлат қарз олувчи ёки кредитор сифатида майдонга тушадиган барча молиявий-иқтисодий муносабатлар йиғиндиси.
Давлат кредити	government credit	Государственный кредит	– кредит муносабатларининг

			Ўзига хос шакли бўлиб, бунда давлат пул маблағлари қарздори, аҳоли ва хусусий бизнес эса кредиторлари бўлиб чиқади.
Давлат сектори	Government sector	Государственный сектор	– ўз олдига фойда олишни мақсад қилиб қўймаган, асосан иқтисодиётни тартибга солиш вазифасини амалга оширадиган турли бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг мажмуи.
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)	Gross domestic product (GDP)	Валовой внутренний продукт (ВВП)	– йил давомида мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор нархларидаги қиймати.
Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ)	Gross national product (GNP)	Валовой национальный продукт (ВНП)	– миллий иқтисодиётда бир йил давомида вужудга келтирилган ва бевосита истеъмолчиларга бориб тушадиган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор нархларидаги суммаси.
Уй хўжаликлари	Households	Домашние хозяйства	– иқтисодиётнинг истеъмол соҳасида фаолият кўрсатувчи асосий таркибий бирлик.
Иммиграция	Immigration	Иммиграция	– хорижий фуқароларнинг доимий яшаш учун мамлакатга кўчиб келиши.
Импорт	Import	Импорт	– чет эллик мижозлардан товарлар (хизматлар) сотиб олиб, уларни мамлакатга киритиш.
Аҳоли даромадлари	Incomes	Доходы населения	– аҳолининг маълум вақт давомида пул ва натурал шаклда олган даромадлари миқдори.
Билвосита усуллар	Indirect methods	Косвенные методы	– иқтисодиётни тартибга солишнинг

			иктисодий восита ва дастаклари.
Инфляция	Inflation	Инфляция	– қоғоз пул бирлигининг кадрсизланиши.
Инфляцион фарқ	inflation gap	Инфляционный разрыв	– ялпи сарфларнинг соф миллий маҳсулот ҳажмидан ортиқча бўлган миқдори.
Интенсив иқтисодий ўсиш	Intensive economic growth	Интенсивный экономический рост	– ишлаб чиқариш омилларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиб бориши.
Оралик маҳсулот	intermediate	Промежуточный продукт	– ишлов бериш, қайта ишлаш ва қайта сотиш мақсадларида сотиб олинган маҳсулотлар.
Давлат ички қарзи	Internal debt	Внутренний государственный долг	– давлатнинг мамлакат ичида қимматли қоғозларини чиқариш, турли нобюджет фондларидан олган қарзи.
Халқаро кредит	international credit	Международный кредит	– ссуда капиталининг халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги ҳаракати.
Халқаро валюта тизими	International monetary system	Международная валютная система	– халқаро валюта муносабатларининг давлатлараро битимларда ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланган шакли.
Инвестиция	Investments	Инвестиции	– ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтиришга, яъни асосий ва айланма капиталга пул шаклидаги қўйилма.
Акциядорлик жамияти	Joint-stock company	Акционерное общество	– кўпроқ фойда олиш мақсадида акциялар чиқариш орқали меҳнат, меҳнат қуроллари ва бошқа ишлаб чиқариш

			воситалари ҳамда пул ресурс (капитал)ларини бирлаштирган уюшма.
Меҳнат биржаси	Labor exchange	Биржа труда	– ишчилар ва тадбиркорлар ўртасидаги ишчи кучини олди-сотди битимини тузишда воситачиликни амалга оширувчи ва ишсизларни рўйхатга олувчи муассаса.
Меҳнат предметлари	labor Objects	Предметы труда	– бевосита меҳнат таъсир қиладиган, яъни маҳсулот тайёрланадиган нарсалар.
Ишчи кучи таклифи	Labor supply	Предложение рабочей силы	– муайян вақтда иш ҳақининг таркиб топган даражасида ишга ёлланишга тайёр бўлган меҳнатга лаёқатли ишчи кучи миқдори.
Лаффер эгри чизиғи	Laffer curve	Кривая Лаффера	– давлат бюджети даромадлари ва солиқ ставкаси ўртасидаги боғлиқликнинг тасвирланиши.
Лизинг	leasing	Лизинг	– одатда ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа моддий бойликларни кейинчалик фойдаланувчилар томонидан мунтазам равишда ҳақ тўлаб бориб, сотиб олиш шарти билан узоқ муддатли ижарага беришдан иборат кредитнинг пулсиз шакли.
Иқтисодиётни эркинлаштириш	liberalization of the economy	Либерализация экономики	– бу хўжалик ҳаётининг барча соҳаларидаги тўсиқ ҳамда чекловларни, шунингдек, давлат назоратини кескин равишда қисқартириш ёки бекор қилишга

			йўналтирилган чоратадбирлар тизими.
Лоренц эгри чизиғи	Lorenz curve	Кривая Лоренца	– даромадлар тенгсизлиги даражасини миқдорий жиҳатдан ифодаловчи геометрик эгри чизик.
Макроиқтисодиёт	Macroeconomics	Макроэкономика	– моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларини яхлит бир бутун қилиб бирлаштирган миллий иқтисодиёт ва жаҳон хўжалиги даражасидаги иқтисодиётдир.
Сўнгги қўшилган маҳсулот	marginal product	Предельный продукт	– энг сўнгги қўшилган омил (капитал ёки ишчи кучи) эвазига ўсган маҳсулот ҳажми.
Бозор	Market	Рынок	– ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар (сотувчилар ва харидорлар) ўртасида пул орқали айирбошлаш жараёнида бўладиган муносабатлар йиғиндиси.
Бозор иқтисодиёти	Market economy	Рыночная экономика	– товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонунқоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизим.
Бозор инфратузилмаси	market infrastructure	Инфраструктура рынка	– бу бозор алоқаларини ўрнатиш ва уларнинг бир маромда амал қилишга хизмат кўрсатувчи муассасалар тизимидир.
Бозор механизми	market mechanism	Рыночный механизм	– бозор иқтисодиётининг фаолият қилишини тартибга солишни ва иқтисодий жараёнларни уйғунлаштиришни таъминлайдиган дастак ва воситалар.
Бозор объекти	market Objects	Объекты рынка	– айирбошлаш муносабатларига жалб қилинган иқтисодий



			фаолият натижалари ва иқтисодий ресурслар, товар, пул ва унга тенглаштирилган молиявий активлар.
Бозор субъекти	market participant	Субъект рынка	– айирбошлаш муносабатлари қатнашчиси.
Бозор нархи	Market price	Рыночная цена	– бир томондан, товарларнинг сотилиши таъминловчи, бошқа томондан, бозорда товарлар тақчиллигини юзага келтирмайдиган мувозанатлашган нарх.
Бозор ислоҳотлари	market reforms	Рыночные реформы	– бозор иқтисодиётини ва бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.
Моддий-буюмлашган бойлик	materially	Материально	– миллий бойликнинг инсон меҳнати билан яратилган ашёвий – буюм кўринишга эга бўлган қисми.
Услубият	Methodology	Методология	– илмий билишнинг тамойиллари тизими, йўллари, қонун-қоидалари ва аниқ ҳадислари.
Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари	Methods of state regulation of the economy	Методы государственного регулирования экономики	– тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий воситалари бирлиги.
Модернизациялаш	Modernization	Модернизация	– жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тубдан ўзгартириш, янгилаш, бу борада таракқиётни жаҳондаги мавжуд илғор андозалар томон йўналтириш ва такомиллаштириш жараёнларининг мажмуи.
Ишлаб чиқаришни модернизациялаш	Modernization of production	Модернизация производства	– ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий

			жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига оловчи жараён.
Пул тизими	monetary system	Денежная система	– тарихан таркиб топган ва миллий қонунчилик билан мустаҳкамланган, мамлакатда пул муомаласини ташкил қилиш шакли.
Пул	Money	Деньги	– умумий эквивалент ролини бажарувчи махсус товар.
Пул муомаласи	Money turnover	Денежное обращение	– товарлар айланишига ҳамда нотовар тавсифидаги тўловлар ва ҳисобларга хизмат қилувчи нақд пуллар ва унга тенглаштирилган молиявий активларнинг ҳаракати.
Ипотека кредити	Mortgage	Ипотечный кредит	– кўчмас мулклар (ер, бино) ҳисобига узок муддатли ссудалар шаклида берилувчи қарз маблағлари.
Аҳолининг табиий ўсиши	Natality	Естественный прирост населения	– бу аҳолининг эмиграция ва иммиграциядан ташқари ҳаракати.
Миллий даромад	National income (ND)	Национальный доход (НД)	– янгидан вужудга келтирилган маҳсулотнинг пулдаги ифодаси бўлиб, ҳозирги ҳисоблар тизимида СММдан эгри солиқларни чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади.
Миллий бойлик	National wealth	Национальное богатство	– инсоният жамияти тараққиётида аждодлар томонидан яратилган ва авлодлар томонидан жамғарилган моддий ва маънавий бойликлар ҳамда фойдаланишга жалб қилинган табиат инъомлари.
Табиий монополия	natural monopoly	Естественная монополия	– корхонанинг технологик хусусиятлари сабабли

			маҳсулотга бўлган талабни қондириш рақобат мавжуд бўлмаган шароитда самаралироқ амалга оширилувчи товар бозорининг ҳолати.
Табиий бойлик	natural wealth	Природное богатство	– миллий бойликнинг табиатда мавжуд бўлиб, инсоният томонидан фойдаланишга жалб қилинган табиат ашёлари ва кучлари (ер, қазилма бойликлар, ўрмонлар, сув ва бошқалар).
Соф миллий маҳсулот (СММ)	Net National Product (NNP)	Чистый национальный продукт (ЧНП)	– йил давомида жонли меҳнатнинг унумли ҳаракати билан яратилган янги маҳсулотдир.
Номинал ЯИМ	Nominal GDP	Номинальный ВВП	– жорий нархларда ҳисобланган ЯИМ.
Номинал даромад	nominal income	Номинальный доход	– аҳоли томонидан пул шаклида олинган даромадлари суммаси.
Хўжаликлараро кредит	off-farm credit	Межхозяйственный кредит	– бир корхона (муассаса) томонидан иккинчисига берилиб, уларнинг капитал қурилиш, қишлоқ хўжалик соҳаларидаги муносабатларига, шунингдек, ички хўжалик ҳисоби бўғинлари билан муносабатларига хизмат қилувчи қарз маблағлари.
Оукен қонуни	Okun's Law	Закон Оукена	– ишсизлик даражаси ва ЯИМ ҳажмининг орқада қолиши ўртасидаги нисбатнинг математик ифодаси.
Мулкка эгаллик қилиш	ownership of property	Владение собственностью	– мулкдорлик ҳуқуқининг унинг эгаси қўлида сақланиб туриши ва яратилган моддий бойликларни ўзлаштиришнинг иқтисодий шакли.

Хусусий мувозанатлик	Partial equilibrium	Частное равновесие	– бу иккита ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий кўрсаткичлар ёки иқтисодиёт томонларининг миқдоран тенг келиши.
Тўлов баланси	Payment balance	Платежный баланс	– мамлакат резидентлари (уй хўжаликлари, корхоналар ва давлат) ва чет элликлар ўртасида маълум вақт оралиғида (одатда бир йилда) амалга оширилган барча иқтисодий битимлар натижасининг тартиблаштирилган ёзуви.
Шахсий даромад	Personal income	Личный доход	– миллий даромаддан ижтимоий суғурта ажратмалари, корхона фойдасидан олинадиган солиқлар ва корхонанинг тақсимланмайдиган фойдасини чиқариб ташлаш ҳамда аҳоли кўлига келиб тушадиган ижтимоий тўловлар суммасини қўшиш йўли билан аниқланади.
Нарх	Price	Цена	– реал бозор иқтисодиёти шароитида товар ва хизматларнинг ижтимоий қиймати ва ижтимоий нафлилигининг пулдаги ифодаси.
Шахсий истеъмол	private consumption	Личное потребление	– истеъмолчилик тавсифидаги неъматлар ва хизматлардан бевосита фойдаланишни, яъни уларнинг индивидуал тарзда истеъмол қилиниши.
Хусусийлаштириш	privatization	Приватизация	– мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг давлатдан

			хусусий ва бошқа шахсларга ўтиши.
Давлат тасарруфидан чиқариш	privatization	Разгосударствление	– мулкни давлат ҳисобидан чиқарилиб, бошқа нодавлат мулк шаклларининг вужудга келтирилиши.
Ишлаб чиқариш	Production	Производство	– кишилик жамиятининг мавжуд бўлиши ва ривожланиши учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни яратиш жараёни.
Ишлаб чиқариш функцияси	production function	Производственная функция	– ишлаб чиқариш омиллари билан унинг самараси ўртасидаги боғлиқлик.
Унумли истеъмол	productive consumption	Производительное потребление	– ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучидан фойдаланиш.
Меҳнат унумдорлиги	productivity	Производительность труда	– ишчи кучининг вақт бирлиги мобайнида маҳсулот яратиш қобилияти.
Фойда нормаси	profit rate	Норма прибыли	– фойда массасининг ишлаб чиқариш харажатларига бўлган нисбатининг фоиздаги ифодаси.
Мулкчилик муносабатлари	property relations	Отношения собственности	– мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш, уни ўзлаштириш ва тасарруф этиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.
Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш	Public reproduction	Общественное воспроизводство	– жамият миқёсида ишлаб чиқариш жараёнларининг мунтазам равишда янгиланиб ва такроран амалга оширилиб туриши.
Храповик самараси	ratchet effect	Эффект храповика	– ялпи талаб ошганда нархнинг ўртача даражаси кўтарилиши, лекин талаб камайганда, қисқа давр ичида нарх

			пасайиш тамойилига эга бўлмаслигини ифодаловчи кўрсаткич.
Реал ЯИМ	Real GDP	Реальный ВВП	– нархларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб, ўзгармас ёки қиёсий нархларда ҳисобланган ЯИМ.
Реал даромад	real income	Реальный доход	– нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб аҳоли ихтиёридаги даромаднинг зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни сотиб олишга етадиган қуввати, яъни аҳоли даромадининг харид қуввати.
Реал иш ҳақи	Real wages	Реальная заработная плата	– номинал иш ҳақи суммасига сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори ёки номинал иш ҳақининг сотиб олиш лаёқати.
Рецессион фарқ	recessionary gap	Рецессионный разрыв	– ялпи сарфларнинг соф миллий маҳсулот ҳажмидан кам бўлган миқдори.
Жонланиш	recovery	Оживление	– иқтисодий циклнинг ишлаб чиқаришнинг барқарор кенгайиб боришига ўтишини тавсифловчи фазаси.
Реэкспорт	reexport	Реэкспорт	– бирор бир мамлакат бошқа мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларни ўз истеъмоли учун эмас, балки учинчи мамлакатга қайта сотиш учун харид қилиши.
Ислохотлар концепцияси	reform concept	Концепция реформ	– ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсад ва йўналишлари, уни амалга оширишнинг вазифалари ва стратегик йўлларининг умумий ғояси.

Реимпорт	reimport	Реимпорт	– истеъмолчи мамлакатдан реэкспорт товарларни сотиб олиш.
Жамғариш	Saving	Сбережение	– аҳоли, корхона (фирма) ва давлат жорий даромадларининг келажакдаги эҳтиёжларини қондириш ва фойзли даромад олиш мақсадида тўплаб борилиши.
Хуфёна иқтисодиёт	Shadow economy	Теневая экономика	– ЯИМни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва ундан фойдаланишнинг расмий иқтисодиётдан яширин қисми.
Оддий такрор ишлаб чиқариш	Simple reproduction	Простое воспроизводство	– ишлаб чиқариш миқёсларининг ўзгармаган ҳолда такрорланиши.
Ижтимоий инфратузилма	social infrastructure	Социальная инфраструктура	– одамлар яшаш ва турмуш фаолиятининг умумий шароитларини таъминлайдиган соҳалар.
Ижтимоий тўловлар	Social payments	Социальные платежи	– кам таъминланганларга пул ёки натурал шаклда ёрдам кўрсатишга қаратилган турли хил тўловлар.
Ижтимоий сиёсат	Social politics	Социальная политика	– давлатнинг даромадлар тақсимотидаги тенгсизликни, иқтисодиёт қатнашчилари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилишга йўналтирилган сиёсат.
Инвестициялар самарадорлиги	soundness of investments	Эффективность инвестиций	– миллий даромад (фойда) ўсган қисмининг инвестицион сарфлар суммасига нисбатининг фойздаги ифодаси.
Маънавий бойлик	Spiritual wealth	Духовное богатство	– ашёвий-буюм кўринишига эга

			бўлмаган номоддий қимматликлардан ва инсониятнинг интеллектуал салоҳияти натижаларидан иборат.
Иқтисодий тартибни давлат томонидан тартибга солиш	State Regulation of Economy	Государственное регулирование экономики	– қонунчилик, ижро ва назорат қилиш хусусиятидаги тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
Фонд биржаси	Stock Exchange	Фондовая биржа	– қимматли қоғозлар олди-сотдиси бўйича расмий жиҳатдан ташкил этилган ва мунтазам амал қилувчи бозор шакли.
Қимматли қоғозлар бозори	Stocks and bonds market	Рынок ценных бумаг	– турли кўринишдаги қимматли қоғозлар (акция, облигация, вексель, чек, депозит кабилар)ни олди-сотди муносабати.
Таркибий инқирозлар	Structural crises	Структурные кризисы	– иқтисодийнинг айрим тармоқлари ва соҳалари ривожланиши ўртасидаги чуқур номутаносибликларни ифодаловчи иқтисодий ҳолат.
Таркибий ишсизлик	Structural unemployment	Структурная безработица	– ишлаб чиқариш ва ялпи талаб таркибидаги ўзгаришлар натижасида вужудга келадиган ишсизлик.
Миллий ҳисоблар тизими	System of National Accounts	Система национальных счетов	– миллий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланишни тавсифлайдиган ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар тизими.
Солиқ	Tax	Налог	– жамиятда вужудга келтирилган соф даромаднинг бир қисмини бюджетга жалб қилиш шакли.
Солиқ ставкаси	tax rate	Ставка налога	– солиқ суммасининг солиқ олинadиган суммага нисбатининг фоиздаги ифодаси.



Истеъмолга ўртача мойиллик	The average propensity to consume	Средняя склонность к потреблению	– шахсий даромаднинг истеъмолга кетадиган улуши.
Жамғаришга ўртача мойиллик	The average propensity to save	Средняя склонность к сбережению	– шахсий даромаднинг жамғаришга кетадиган улуши.
Капиталнинг марказлашуви	The centralization of capital	Централизация капитала	– бир капитал томонидан бошқа бирининг кўшиб олиниши ёки бир қанча мустақил капиталларнинг акциядорлик жамияти ва бошқа шаклларда ихтиёрий бирлашиши орқали капитал ҳажмининг ўсиши.
Иқтисодий ўсиш мезони	The criterion of economic growth	Критерий экономического роста	– иқтисодий ўсишни нисбатан тўлиқ даражада баҳолаш имконини берадиган кўрсаткични характерлайди.
Давлатнинг иқтисодий вазифалари	The economic functions of the state	Экономические функции государства	– иқтисодий тизимнинг амал қилишига шарт-шароит яратиш ва иқтисодиётни тартибга солиш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар.
Иқтисодий ўсиш	The economic growth	Экономический рост	– ЯИМ, СММ, МД миқдорининг мутлоқ ҳажми ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайишида ва сифатининг яхшиланишида ифодаланади.
Давлат ташқи қарзи	The external debt of the state	Внешний долг государства	– хорижий давлатлардан, улардаги жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, халқаро молиявий ташкилотлардан олинган қарз.

Истеъмолга кейинги қўшилган мойиллик	The marginal propensity to consume	Предельная склонность к потреблению	– даромад ҳажмининг ўзгариши натижасида истеъмол сарфлари ҳажмининг ўзгариши даражаси.
Жамғаришга кейинги қўшилган мойиллик	The marginal propensity to save	Предельная склонность к сбережению	– даромад ҳажмининг ўзгариши натижасида жамғариш ҳажмининг ўзгариши даражаси.
Ссуда капитали бозори	The market of loan capital	Рынок ссудного капитала	– пул шаклидаги капиталнинг фоиз тўлаш шарти билан қарзга бериш бўйича олди-сотди муносабати.
Илмий абстракция усули	The method of scientific abstraction	Метод научной абстракции	– таҳлил пайтида халал бериши мумкин бўлган иккинчи даражали нарсалар, воқеа-ходисаларни фикрдан четлаштириб, ўрганилаётган жараённинг асл моҳиятига эътиборни қаратиш.
Мультипликатор самараси	The multiplier effect	Эффект мультипликатора	– бу соф миллий маҳсулотдаги ўзгаришнинг ялпи сарфлардаги ўзгаришга нисбати.
Фоиз нормаси (ставкаси)	The norm (rate) percent	Норма (ставка) процента	– фоиз ёки фоизли даромаднинг қарзга берилган пул суммасига нисбатининг фоизда ифодаланиши.
Ишлаб чиқариш жараёни	The production process	Процесс производства	– кишилик жамиятининг амал қилиши ва ривожланиши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратишга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолият.
Иқтисодий давлат томонидан тартибга солиш мақсади	The purpose of state regulation of economy	Цель государственного регулирования экономики	– иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий тизимни мустаҳкамлаш ва уни ўзгариб турувчи шароитга мослаштириш.

Жамғариш нормаси	The rate of savings	Норма сбережения	– жамғариш суммасининг миллий даромадга нисбатининг фоиздаги ифодаси.
Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш	The reproduction of the labor force	Воспроизводство рабочей силы	– инсоннинг меҳнатга бўлган жисмоний кучлари ва ақлий қобилиятларини узлуксиз қайта тиклаш ва таъминлаб туриш, уларнинг меҳнат малакасини муттасил янгилаб ва ошириб бориш, умумий билим ва касбий даражаси ўсишини таъминлаш, қариган ишчилар ўрнини босадиган ёш ишчилар авлодини етиштириш жараёни.
Давлат бюджети	The state budget	Государственный бюджет	– давлат даромадлари ва харажатлари ҳамда уларни молиявий таъминлаш манбаларининг тартиблаштирилган режаси.
Ялпи ишчи кучи	The total labor force	Совокупная рабочая сила	– жамият ёки алоҳида олинган мамлакат миқёсида қиймат ва истеъмол қийматларини яратишда иштирок этувчи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда фаолият қилувчи ишчи кучларининг умумлаштирилган мажмуи.
Бозор иқтисодиётига ўтиш даври	The transition to a market economy	Переходный период к рыночной экономике	– маъмурий-буйруқбозлик тизимини бартараф этиш ёки тубдан ўзгартириш ҳамда бозор иқтисодиёти тизимининг асосларини шакллантириш жараёнлари амалга оширилувчи тарихий давр.
Мулқдан фойдаланиш	The use of property	Пользование собственностью	– мол-мулкнинг иқтисодий фаолиятда

			ишлатилиши ёки ижтимоий ҳаётда қўлланилиши, яъни унинг нафли жиҳатларининг бевосита истеъмол қилиниши.
Меҳнат қуроллари	Tools	Орудия труда	– инсон унинг ёрдамида табиатга, меҳнат предметларига таъсир қиладиган воситалар.
Умумий маҳсулот	Total product	Общий продукт	– жалб қилинган барча ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш эвазига олинган маҳсулотнинг мутлақ ҳажми.
Ялпи таклиф	total supply	Совокупное предложение	– мамлакатда нархларнинг муайян даражасида ишлаб чиқарилган ва сотишга тайёр бўлган барча товарлар ва хизматлар ҳажми.
Касаба уюшмаси	trade union	Профсоюз	– иш берувчи ва ишга ёлланувчи ўртасидаги меҳнат муносабатларининг шаклланиши, амалга оширилиши ва тартибга солинишида ишга ёлланувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи жамоат ташкилоти.
Ишсизлик	Unemployed	Безработные	– меҳнатга лаёқатли бўлиб, ишлашни хоҳлаган, лекин иш билан таъминланмаган ишчи кучи.
Ишсизлик даражаси	Unemployment rate	Уровень безработицы	– ишсизларнинг ишчи кучи таркибидаги фоизли нисбати.

---

**ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛЛАР ВА ИНТЕРНЕТ  
САЙТЛАР**

---

# ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛЛАР ВА ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР

## Электрон журналлар

### Интернет сайтлар

1. Ўзбекистон иқтисодиёти» ахборот ва таҳлилий шарҳининг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги электрон нусхаси қуйидаги веб-саҳифада берилган: [www.cer.uz](http://www.cer.uz).
2. <http://www.uzland.uz>.
3. [www.economyta-culty.uz](http://www.economyta-culty.uz). – Экономика Узбекистана
4. <http://www.imf.org>.
5. <http://www.bank.uz>.
6. <http://www.lex.uz>.
7. Journal of Economic Growth [www.link.springer.com](http://www.link.springer.com)
8. Journal of Development Economics [www.sciencedirect.com](http://www.sciencedirect.com)
9. Journal of Macroeconomics [www.journals.elsevier.com/journal-of-macroeconomics](http://www.journals.elsevier.com/journal-of-macroeconomics)
11. Environment and Development Economics [www.journals.cambridge.org](http://www.journals.cambridge.org)
12. Italian Science Review [www.ias-journal.org](http://www.ias-journal.org)
13. Проблемы Прогнозирования [www.ecfor.ru](http://www.ecfor.ru)
14. Инновации и инвестиции [www.innovazia.ucoz.ru](http://www.innovazia.ucoz.ru)
15. Проблемы современной экономики [www.m-economy.ru](http://www.m-economy.ru)
16. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. Илмий-электрон журнал. [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)
16. Молия ва банк иши [www.bfajournals.uz](http://www.bfajournals.uz)

**Б.Беркинов, М.Суннатов**

ИНСТИТУЦИОНАЛ ИҚТИСОДИЁТ

Фани бўйича ўқув-услубий мажмуа

*Амалий маишулот учун*

Тошкент: Иқтисодиёт, 2016 йил, 235 бет.